

Отаниёз
Девон Охунд

Девон Ҳуёзӣ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини хузуридаги Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқ қўлёзмалари маркази

Отаниёз
ДеВон Охунг



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-1

КБК 83.3(5Ў)6

О 94

Табдил, сўзбоши, лугат ва изох муаллифлари

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,

Ҳамидулла АМИНОВ

Масъул муҳаррир:

Қосимжон СОДИҚОВ, филология фанлари доктори

Такризчилар:

Ҳамидулла ЛУТФУЛЛАЕВ, тарих фанлари номзоди;

Салима ФАЙЗИЕВА, филология фанлари номзоди

Отаниёз Девон Охунд (вафоти 1928 й.) машҳур хонанда Комилжон Отаниёзовнинг падари бузрукворидир. Ниёзий таҳаллуси билан шеър ёзган шоир ва давлат арбоби ўзидан ғазаллар девони қолдирган. Девоннинг тўртта қўлёзма нусхаси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалар маркази ҳазинасида сақланмоқда. Мазкур девон шу қўлёзмалар асосида нашрга тайёрланди.

Китоб «А-1-117 Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланаётган филологияга оид қўлёзмаларни илмий тавсифлаш» гранти доирасида тайёрланиб, марказ илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-28-820-1

© М. Ҳасаний, Ҳ. Аминов, 2016.

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016.

*Отаниёз Девон Охундининг ушбу
китоби унинг эл севган фарзанди
Комилжон Отаниёзов тавалудининг
100 йиллигига бағишланади*

СЎЗБОШИ

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини тиклаш, кадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо-зиёратгоҳларини обод қилиш каби савобли ва хайрли ишлар ёшлар калбида ватанпарварлик, ифтихор туйғуларини уйғотади. Айни пайтда, ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири саналади. Бинобарин, илм-фаннинг турли соҳаларида ижод қилган юртимиз алломаларининг маърифатпарварлик ғоялари билан йўғрилган ижоди, улар қолдирган улкан илмий-маърифий мерос бекиёс аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида: «Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлик оламни гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади», — деб бежиз таъкидламаган.

Мамлакатимизда нодир қўлёзмалар ва қадимги босма китобларни сақлаш ҳамда тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳукумат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, грантлар ажратилмоқда, уларни бажаришда манбашунос ҳамда матншунос олимлар билан бирга, мустақиллик йилларида тарбия топган ёш олимлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида математика, астрономия, ҳандаса, тиббиёт, тарих, фалсафа каби фаннинг турли соҳаларига тааллуқли қўлёзма ва тошбосма манбалар сақланади. Шу билан бирга, тил ва адабиётга оид қўлёзмалар фонднинг салмоқли қисмини ташкил этади. Жумладан, адабиётга доир – девонлар, ғазаллар, баёзлар, тазкиралар, ҳикоялар, дostonлар, қасидалар, тилшуносликка оид – сарф, наҳв, луғат тўпламлари ва соҳага тегишли бошқа рисоаларнинг 5000 дан зиёд нусхалари мавжуд. Ўз навбатида, ўзбек ва форс-тожик адабиётининг машҳур намоёндалари билан бир қаторда, ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган асарларнинг қўлёзмалари ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Магншунос ва манбашунослар томонидан 11 жилдали «Собрания восточный рукописей» («Шарқ қўлёзмалари тўплами») номли фихрист ва тарих, табобат, табиий фанлар, тасаввуфга оид ҳамда «Шарқ миниатюралари» каталоглари ҳам нашр этилган. Айни пайтда, филологияга оид қўлёзмаларни каталоглаштириш долзарб масалалардан бирига айланган.

«Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази (асосий) фондидаги филологияга оид қўлёзмаларни илмий тавсифлаш» амалий гранти доирасида айнан шу мақсадда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Унда IX–XX асрларда Марказий Осиё олимлари томонидан таълиф этилган ёки бевосита фойдаланилган филологияга оид асарлар тадқиқ қилиниб, қўлёзмаларнинг илмий тавсифи тузилади.

Шу ўринда айтиш керакки, филологияга доир қўлёзмалар орасида «Девон» туркумидаги асарлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқимизда азалдан китобга муҳаббат кучли бўлган, ҳар бир хонадонда камида 10 га яқин шоирлар девони бўлиб, улар оила даврасида мутолаа қилинган. Маҳалла ва гузарларда ана шу девонлар асосида шеърхонлик ва мушоиралар ўтказилган.

Шарқ кўлёмалари маркази фондида энг кўп нусхадаги девонлар сифатида Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» (200 га яқин), Бедилнинг «Девони Бедил» (100 га яқин), Хусравнинг «Девони Хусрав» (20 дан ортиқ), Нозимнинг «Девони Нозим» (20 га яқин) асарларини санаб ўтиш жоиз. Ушбу адабий асарларнинг турли даврларга тегишли кўлёмаларини тадқиқ этиш орқали маълум даврда муайян ҳудуддаги адабий муҳит, илмий салоҳият, маънавий-маърифий ҳаёт билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва уларга аниқлик киритиш мумкин.

Марказ фондида ҳали илмий истифодага киритилмаган девонлар анчагина бўлиб, «Девони Ниёзий» ана шундай асарлардан бири ҳисобланади. Қўлингиздаги ушбу девон Шарқ кўлёмалари маркази (асосий) фондидаги филологияга оид кўлёмаларни илмий тавсифлаш амалий гранти доирасида тадқиқ қилинди. Девон муаллифи Домла Отаниёз Охунд бўлиб, у машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг отасидир.

Домла Отаниёз Охунд шоир ва давлат арбоби бўлиб, Ниёзий таҳаллуси билан ўзидан ғазаллар девони қолдирган. Ниёзий девонининг учта кўлёма нусхаси Шарқ кўлёмалари маркази фондида сақланади. «Девони Ниёзий» шу кўлёмалар асосида нашрга тайёрланди. Муҳими, юртимизда, хусусан, Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган яна бир шоир Домла Отаниёз Охунд тўғрисидаги маълумотлар ва унинг пурҳикмат мисралари битилган девони илмий муомалага киритилди.

*Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқ кўлёмалари маркази директори,
тарих фанлари номзоди, доцент*

НИЁЗИЙ ВА УНИНГ ДЕВОНИ ҲАҚИДА

Муаллифнинг тўлиқ исми Домла Отаниёз Қора Охунд бўлиб, Хоразмда туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил олган. Шоир араб ва форс тилларини мукаммал билган, ғазалларида бошқа шоирлар кам ишлатган арабча сўзларнинг қўлиги ҳам унинг араб тилини ғоятда яхши эгаллаганини кўрсатиб турибди. У етук хаттот бўлиб, бир неча асарларни хаттотлик услуби билан кўчирган. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» китоби шулар жумласидан бўлиб, Шарқ қўлёзмалари марказида 8503 рақами остида сақланмоқда¹. Унинг ғазаллари Хоразмда ўзи яшаган даврда тузилган 20 га яқин баёзларнинг барчасида учрайди.

Шоирнинг Шарқ қўлёзмалари маркази (ШҚМ)да тўртта девони сақланмоқда. Улардан бирининг рақами 902/1 бўлиб, битта муковада Ниёзий, Юсуфий, Надимий, Чокар ва Музнийнинг девонлари жойлаштирилган. Девоннинг биринчиси Ниёзийники бўлиб, унда шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари, касидалари ва таърихлари ўрин олган. Девон қуйидаги матлаъ билан бошланади:

**Зихи зоти қадиминг шаънида йўқ ибтидо пайдо,
Бу янглиғ бўлмоқи мумкин эмасдур интиҳо пайдо.**

Девон 1908 йилда Домла Абдурраззоқ махдум қори гомонидан кўчирилган. 79 варақдан иборат. Муковада эса «Муҳаммад Раҳим саҳҳоф» номи ёзилган бўлиб, муковани шу киши тайёрлаганини билдиради.

¹ Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук. – Т.:Изд-во «Наука», Т. 7, № 5094.

Унинг 7093 рақамли девони қуйидаги байт билан бошланади :

**Зихи осори сунъингга не ноёну не ҳад пайдо,
Не мулкинг хифзиға бўлғай ниғахбону расад пайдо.**

Бу девон ҳам 79 варақдан иборат. Бироқ, унинг кўчирувчиси ва кўчирилган йили кўрсатилмаган.

Учинчи қўлёзманинг рақами 6677 бўлиб, бу мажмуадан Доъий, Ожиз, Ҳақирӣй, Хокий, Ниёзий, Юсуфӣй ва Ҳабибий девонлари ўрин олган. Девоннинг бошланишида Ниёзийнинг номи «Домла Отаниёз девон ал-мутахаллис Ниёзий» деб кўрсатилади. Девоннинг кўчирувчиси ва кўчирилган йили номаълум.

7086 рақамли қўлёзма ҳам девонлар мажмуасидан иборат бўлиб, унда Ниёзий, Юсуф, Ҳабиб ва Иноятнинг девонлари бор. Улардан биринчиси Ниёзийники бўлиб, у ҳам 902/1 рақамли қўлёзмадаги матлаъ билан бошланади. Девон 57 варақ (114) саҳифадан иборат. Кўчирувчи ўз номини қуйидагича келтиради: «Котиб мулла Бўлатниёз ал-мутахаллис бин-Надимий валади уста Курбонниёз мулаққаб ба Харрот турур».

Ниёзий девонларининг нисбатан тўлиқроқлари 902/1 ва 7086 рақамлиларидир.

Ниёзийнинг таржимаи ҳоли Ҳасанмурод Лаффасий томонидан ёзилган «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» номли тазкирада келтирилган. Бу тазкира 1944 йили ёзилган. Тазкирага 52 шоирнинг таржимаи ҳоли киритилган. Тазкиранинг 60-бетида Отаниёз Охунд ҳақидаги маълумотлар жойлашган.

Лаффасийнинг ёзишича, Ниёзий қишлоқда камбағал деҳқон оиласида туғилган. Дастлабки таълимни отасидан, сўнг қишлоқ мактабидан олган. Отасининг йўлланмаси билан Хива мадрасаларида таҳсил олиб, «хатми кутуб» қилган (мадраса дарсликларини ўқиб тугатган). Ниёзий ўзининг илми ва етук хушхат хаттотлиги билан ном чиқаргач, унинг шуҳрати Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузга етиб

боради. Муҳаммад Раҳимхон уни текшириб кўриб, ишонч ҳосил қилгач, девонга ишга олади.

Лаффасийнинг ёзишича, кўнглида тасаввуфий ғояларга эга бўлган Ниёзийни девондаги ишлари унча қониқтирмайди, у ўз ота касби – деҳқончилик қилишни доимо орзу қилади.

Ниёзий хоннинг кўрсатмаси билан ўз ғазалларини тўплаб, девон тузади. Лаффасий унинг ғазаллари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ниёзийнинг ҳар бир шеър ғазаллари бир гавҳари бебаҳо бўлиб, илм дарёсининг гаввослари садаф ичидан дурру жавохирлар териб олар эдилар¹». Унинг етук хаттотлиги ҳақида шундай сатрлар бор: «Ниёзий шундай хушхат ва хушхон булудурким, замон Арастуву Афлотунлари Ниёзийнинг қалам раҳшин чобуксувор саҳифалар майдонида хушрафтор суришига мусаллам хатти(ни) берур эрдилар²».

Девонларда унинг ҳаммаси бўлиб 290 та шеъри бор. Асосини ғазаллар ташкил қилади. 20 та муҳаммас бор. Муҳаммаслар Навоий, Мунис, Феруз, Содик, Равнақ, Холис, Султон, Нодим каби шоирларнинг ғазалларига боғланган.

Девон охирида шоирнинг баҳорга бағишланган «Қасидаи баҳориййа», «Фасли баҳор», «Ҳамд онга» деган маснавий дostonлари берилган. «Қасидаи баҳориййа» Муҳаммад Раҳимхон Ферузга бағишланган.

Ниёзий девонлари шу пайтгача олимлар томонидан ўрганилмаган. Собик Иттифок даврида Комилжон Отаниёзов отасининг девонини нашр қилишга уринмаган. Бунинг сабаби эса ҳаммага маълум.

Халқ орасида Қора Охунд лақаби билан машҳур бўлган шоир 1928 йилда Хоразмда вафот этади.

Ниёзий ғазалларига назар ташлайдиган бўлсак, унда ишқий, фалсафий, тасаввуфий ва одоб-ахлоқ мавзулари олд

¹ Ҳасанмурод қори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, инв. №9494, 60–61 бетлар.

² Ўша асар, ўша бетлар...

ўринларда турганини кўрамиз. У ўз ғазалларида инсоний фа-
зилатлар одамнинг зийнати экани ҳақида ёзиб, камтарлик ва
хокисорликни тарғиб қилади:

**Ҳар кишиким хоксор ўлмокдур онинг хоҳиши,
Ҳодисоти даҳрдин ранжу алам мардуд анга.**

Демак, шоирнинг фикрича, ҳар ким ўзига камтарликни
одат қилса, замон ҳодисаларидан унга ғаму алам етмайди.

Шоир ёшларга мурожаат қилиб, нафси амморага берил-
масликка чақиради. Кимки нафснинг кўйига кирса, оқибатда
турли кулфатларга дучор бўлишидан огоҳлантиради:

**Нафси аммора хавосида қилиб сазъин балиг,
Бўлмағил озурда хотирким, бу навъ ғавғодин ўт.**

Ёки:

**Нафси шайтон душманингдур, муддате оилар билан,
Тутма улфат, дўст бўлма, балки кўргузгил алас.**

Шоир ёшларга насихат қилар экан, ўз ҳаёти ҳақида гапи-
риб, умрининг беҳуда ўтганини, бу ғам эса унинг қоматини
эгиб кўйганини, ёшлик эса ўтиб кетганини афсус билан
тилга олади ва ёшларни хушёр бўлишга, умрни беҳуда
ўтказмасликка чақиради:

**Келиб журмим гарон ҳам бўлди қомат,
Дариғ ўтди абас мандин шабобат.**

Ёшликни қайтараман дейиш бу – нодонликдир, уни
қайтариб бўлмайди, демак ёшликнинг ҳар бир дақиқасини
беҳуда ўтказмаслик, бунинг учун эса фойдали иш билан
шуғулланиш керак:

**Шабобат ражъатига йўқдур имкон,
Таманноси эрур айни балоҳат.**

Шоирнинг фикрича, ёмонлар билан дўст бўлмаслик керак, ярамас одам сени ҳам ва ички оламингни ҳам тушунмайди:

**Хамнишининг бўлмасун зохирда асҳоби ҳадас,
Билмагайлар ботини сиррингни арбоби ҳабас.**

У ёшларга насиҳат қилиб, кексаларни ҳурматлашга чақиради, кимки кексаларни ҳурмат қилса, ҳаётда шоду хандон яшайди, ўзи ҳам муносиб кексаликка етади, деб ишонади:

**Тутсанг улуғлар ҳурматин уммид эрурким кўргасен,
Фархат била даврон аро шайхухат ила шобблнғ.**

Ёшлар ёшлигига ғурурланмаса, ақл билан иш тутса, одамларга нисбатан тавозеда бўлса, умрига нуксон етмайди, барака топади:

**Умрингга нуксон етмагай топмай шабобатдин ғурур,
Бўлсанг тавозуъ айлабон элга басе ободлнғ.**

Шоир муруввати йўқ ошнолардан кўнгил узишга, хушфеъл ва хулки чиройли одамга яқин бўлишга ундайди, хулки пок одамдан қочиш эмас, балки унга яқин бўлишга чақиради:

**Бемурувват ошнодин хўб эрур узмак кўнгил,
Эҳтироз этмак абас хушхўйлиғ бегоиадин.**

Лаффасий юкорида эслатилган китобида, Ниёзий ғоятда ҳалол ва покдомон одам бўлгани учун саройдаги амалдорларни ёқтирмагани ҳақида ёзган эди. Шоир ғазалларида замондан ва баъзи одамлардан шикоят қилиб ёзган мисралари ҳам талайгина. У баъзан тушқунликка тушади, одамлардан безор бўлиб, бошқа ерларга кетиб қолишни ўйлайди:

**Диёрим аҳлидин жуз ранжи меҳнат кўрмадим ҳаргиз,
Ажаб йўқ кетмагим бошим олиб, ташлаб диёримни.**

Унинг ёзишича, фалак унга кўплаб хиёнатларни рўбару килган, менинг гуноҳим нима эди, деб ўксинади шоир:

**Эй фалак, турлук хиёнатларни изхор айладинг,
Билмадим журмим не эрди, эл аро хор айладинг.
Ходисоти даҳрдин ранжида айлаб хотирим,
Турфа иллатлар била жисмимни бемор айладинг.**

Аммо бу шикоятлар бошқа шоирлар ижодида бўлгани каби, унинг ижодида ҳам ўткинчи ходиса эди. Шоир ғазалларида ҳаётни севиш, яшашга интилиш, табиат гўзалликларидан ибрат олиш, сеvimли ёр билан боғу гулзорларда сайру саёҳат қилиш, ёр севгисидан лаззатланиш, баҳор ва наврўз нашидаларидан баҳра олиш муҳим ўринда туради. У «Фасли баҳор» номли қасидасида қувониб ёзади:

**Шукрким, келди фалак давронидин фасли баҳор,
Сафҳаи ғабро, тонг эрмас, бўлса акнун сабззор.**

«Эрур» радифли қасидаси ҳам баҳорга бағишланган бўлиб, унда баҳорнинг барча гўзаллиги, табиатнинг гулга бурканган манзаралари тавсиф қилинади:

**Очилиб гуллар, гулистон ичра булбуллар иши,
Тинмайин ишқида онларнинг дами афгон эрур.
Жилва қилди сарвлар юз ноз ила бўстон аро,
Қумрилар атғони хайратда туруб нолон эрур.
Чарх жавфи сунбулу гул бўйидин мўл бўлдиким,
Боғ-роғ устида елга жунбўшу жавлон эрур.**

Маълумки, адабиётда мадҳия жанри мавжуд бўлиб, шоир бу жанрнинг бир йўналишида ўзининг шеърларини мақтайди ва қобилиятини изхор қилади. Ниёзийда ҳам шундай ғазални кўрамиз. У ўз ғазаллари қандай лаззатга эғалигини, ўтмишдаги ва ўз замонидаги шоирлар унга ҳавас қилишини ёзади. Бу ғазални ўқир эканмиз, шоир ўтмишдаги салафларнинг ижодини чуқур ўрганганини ва ўз замонидаги қайси шоирлар билан ҳамнафас бўлганини билиб оламиз:

Бўлса, тонг йўқ, нутқи мадҳинг лаззатидин шахди ком,
Фаррухий, Султонийу Саъдий, Муродий хушкалом.

То абад васфингни қилса, мумкин эрмас бўлмоки,
Фазлийу Қудсий, Умархон, Равнақу Зийрак тамом.

Етганидин партави нуринг замойир ичрадур,
Огахий, Мунис, Ироқийларга дил ойинафом.

Фикр этиб зотингга мисли топмади олам аро,
Чоқару Роғиб, Камолий, Содикун Мирзо давом.

Даҳр аро ҳуснинг зуҳуридин топибдур волалиғ,
Соҳибу Хоқонийу Лутфий, Киромий хосу омм.

Комилу Рожий, Баёний, Оқилу Холис, Рафиъ,
Гарди кўйинг кўзларига сурма қилди субҳу шом.

Даргаҳинг тавфи аро чобуклик изҳор этгали,
Доъийу Хокий, Ҳақиру юз Ниёзийдур имом.

Ўз даврининг етук давлат арбоби ва шоири Муҳаммад Раҳимхони соний Ферузнинг Ниёзий ижодига бефарқ бўлмагани, унинг ғазалларини ўқигани ва унга девон тузишни буюрганининг ўзиёқ шоир Ниёзийнинг шеъриятдаги иктидорини кўрсатиб турибди.

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори;
Ҳамидулла АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди*


بسم الله الرحمن الرحيم وبه نستعين

زېرى انار صنيك فد ما بان فد مېدا
 نه ملكيك حفظه فو لغاي كېلى رقد مېدا
 ايايى حېرت علقى جامه ذاك لارنگ باري
 توچه قېلىغا كر بولما سې حس غدد مېدا
 اراده دلا بان سېر سېلى ده اولاد ادم نه
 معصم ايمانك نه قېلىك يا رهاك نه دلا مېدا
 غاصر وركا كه مېد دور مېجى صنيك دين
 مهيا بولما سېر فادن اړو حرم خېد مېدا
 جهان خيبر خېلىن سېكندره كرم قېلىك
 وركنقايد يا حوج الا لاله امكان نه مېدا
 معزز بولان قولى وركا كر بول سعادت دين
 بندين سېلطان دلا ركه يكلان بول كر اړو مېدا

نيازى بولما سېر عصبان احوه غرق اولد ايايى ملك

فولان بولما سېر كلفه نصيكت دين مېدا

زېرى ذرت قېلىك شانه ايق نه مېدا
 انكليك لاما دمكن ايايى دور انتها مېدا
 غل كليك بمان ذنم در كېلىك باري
 خودون فكر نيك بولما د اړون چو مېدا
 قضا دېر دېر كېلىك بولما د اړون
 برلكا اړونك ظاهير بيا سېر كفا مېدا
 سېر دېر دېر كېلىك بولما د اړون
 انكليك بولما د اړون مېدا
 قضا دېر دېر كېلىك بولما د اړون
 انكليك بولما د اړون مېدا



«Девон»нинг охириги бети

Ғазаллар



**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм ва
бихи настаъийн ¹**

1

Зиҳи осори сунъингга не поёну не ҳад пайдо,
Не мулқинг ҳифзига бўлғай ниғаҳбону расад пайдо.

Эмас ҳайрат маҳалли ҳомиду зоқирларинг сори,
Таважжуҳ қилғоли гар бўлмаса жинси адад пайдо.

Ирода айлабон ер сатҳида авлоди Одамни,
Муқим этмақни қилдинг барча абларға валад пайдо.

Аносир бир-бирига гарчи зиддур жамъи сунъингдин,
Муҳайё бўлмаса қайдин эрур жирми жасад пайдо.

Жаҳон тасхири тасҳилин Сикандарға қарам қилдинг,
Ва гар на қайда Яъжуж олдиға имқони сад пайдо.

Муаззаз бўлмоқ аввал ваҳла гар бўлса саодатдин,
Недин шайтонға бўлди дарғаҳингдин сўнгра рад пайдо.

Ниёзий баҳри исён ичра ғарқ ўлди, эмас мумқин,
Қутулмоқ бўлмаса гар лутфи фазлингдин мадад пайдо.

2

Зиҳи, зоти қадиминг шаънида йўқ ибтидо пайдо,
Онингдек бўлмоқи мумқин эмасдур интиҳо пайдо.

Халал мулқингга етмас не тағайюр дарғаҳинг сори,
Хираддин фикринг этгач бўлмади чуну чаро пайдо.

¹ Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман ва ундан мадад тилайман.

Фазо меъморидин кавнайн мулкин барқарор айлаб,
Бирига айладинг зоҳир бако, бирига фано пайдо.

Сикандарға муяссар айладинг миръоти оламбин,
Онингдек жомдин Жамшидға гетийнамо пайдо.

Жаҳолат хамри бирла дарди сарға мубталоларға,
Тааллум шарбатин тотдурмасанг бўлмас даво пайдо.

Сани топмоқ машаққатдур ва лекин мумтанеъ эрмас,
Далил улдурки «Фатлубний тажидний»¹ деб садо пайдо.

Чароғ атрофин айланғоч каби парвона шавқингдин,
Балобилларға гулшанларда оҳангги наво пайдо.

Гадойи кўйинг ўлса қурбатинг саҳбосидин сармаст,
Тонг эрмасдур, анга шахлардин ўлмоқ марҳабо пайдо.

Ниёзий инкисор айвониға кирди умид айлаб,
Атуфинг партавидин бўлмоқини раҳнамо пайдо.

3

Ё мунъим ал-бариййа, лака-ш-шукру ва-с-сано,
Минка-л-вужуд йаншаъ сумма-л-адам лано!²

Меъмори сунъинг айлади кавнайн уйларин,
Тийни фаноу хишти бақо устиға бино.

Минкоши қудратингға нигориш ҳусулидин,
Ғайрға нақш сатҳ эди ғардунға инҳино.

¹ «Мени қидирсанг, топасан» – «Қасидаи сурёний»дан олинган.

² Маъноси:

Эй ердагиларни неъматлантирувчи, сенга шукр ва санолар бўлсин,
Сендан пайдо бўлиш бошланди, биздан эса йўқ бўлиш.

Бу турфадурки, бири сукун ранжини қабул
Айлар, бирига пўя аро жавҳари 'ано'.

Икки жаҳон ҳимояти мухтасс келиб санга,
Тоғондек ихтисос ўз ишқингга иқтино.

Зайлар маоши(ю) ҳам осойиш (олмоғи) чун,
Шому сабоҳға қилдинг ато зулмату сабо.

Мишкоти чарх аро ёқибон Меҳр шамъини,
Сундурмак истасанг етишур сарсари фано.

Хуснинг зуҳури лам йазали келди, не ажаб,
Ушшоқинг ўлса беадад ишқинг била муно.

Ё рабб, Ниёзий журмларин афв қилмасанг,
Нафъ айламас бу маҳликада фақр, не ғино.

4

Эй, рисолат хайлиға нуринг шуъоёи раҳнамо,
Жабҳасидин интиқол этган дегай «во, ҳасрато!».

Партави нуринг ҳусулидин шараф тоғон жабин,
Кимсагадурким дер ул «аҳлан ва саҳлан, марҳабо²!»

Ҳар киши бу ламъа бирла мутгасил бўлди онинг,
Эгнига бўлди нубувват кимёсидин ливо.

Бошиға тожи рисолат, эгнига дожи шараф,
Ҳосил ўлғоч кўрсатиб таблиғ ишин олам аро.

Жумласининг ашрафи ҳам ақдами бўлсанг, не тонг
Ким, туфайлингдин келибдур барча бечуну чаро.

¹ Сўз олдидан тескари вергул белгисининг келиши шу сўз арабча «айн» ҳарфи билан бошланганини билдиради.

² Хуш келибсиз.

Ҳар киши чекса тариқи мустақимингдин қадам,
Дуди ҳасратдин қиёматда бўлур юзи қаро.

Суннатин маҳкам тутуб бўлсанг, Ниёзий, пайрави,
«Умматим», деб рӯзи маҳшарда эшитгайсан садо.

5

Нутқи мадҳинг шарбати ширинлигидин, Аҳмадо!
Еткурур исён алилиға дурудингдек шифо.

Марқадингга таслиё, таслим этар Ҳақдин нузул,
Олу асҳобингга андоқким «ила йавми-л-жазо»¹.

Мўъжизотинг бириси етгач луъобинг қатраси,
Бўлди мўл бўлғон кудук чандин замон сувдин хало.

Юрмаки маклуъ ўлуб ердин шажарға турфа ҳол,
Бўлмаса фармонпазир, етгач жанобингдин нидо.

Нухнинг ўғли тирилди, сидқингга сурди калом,
Заббадек масмуъ ўлуб сандин каломи жонфизо.

Айлаб уммиди шафоат ҳазратинг сориға майл,
Рӯзи маҳшарда қилурлар шоҳ бўлсун ё гадо.

Не ғами бўлғой Ниёзийнинг анга бўлсанг шафёъ,
Номасини гарчи исён дуди қилмишдур қаро.

6

Ҳақдин анга таҳиййату таслими беинтиҳо,
Топсун нузулин олу ҳам асҳобиға яно.

Мишкоти нури қасри вужуд ичра ёруди,
Икки жаҳоннинг уйлариға етгудек зиё.

¹ Қиёмат кунигача.

Онинг туфайли эрди адамнинг тарабгаҳи,
Бўлди адам, либоси вужуд кийди моъадо.

Меърожи вақти раҳши изин бўса қилғоли,
Жинси мулкидин ўлди тўлуғ арсаи само.

Васф ўлгонини зотиға рутба билиб баса,
Фахру фаҳомат айладилар ҳилм ила ҳаё.

Мадҳи ичида бўлғонидин ифтихорини
Кўргузди, нозиш айлади ўз нафсиға саҳо.

Имкондин ортуқ бўлса Ниёзий жаройими,
Йўқдур ғами, шафоати мавжуд ҳашр аро.

7

Экмак исён базрини, ё раб, саноатдур манга,
Ҳосилоти жамъи ҳар ҳолатда одатдур манга.

Етмасун деб бу зироат хирманиға ногаҳон,
Тавбадин аҳгар баса фикри жароҳатдур манга.

Битди вақтим гулшани ичра залолатнинг гули,
Не ибодат бўйи онда, не надоматдур манга.

Эмди фикр айлаб қувонинг заъфидин топтим вуқуф,
Ғафлат ичра умр ўтурмак турфа ҳолатдур манга.

Маъсиятдин айламак тоат сариға рағбатим,
Саҳлдур сандин, вале лутфу иноятдур манга.

Раҳматинг оби била маҳв этмак исён чиркини,
Мушқил эрмасдур санга, лекин назофатдур манга.

Нигорим васли фикрини ниҳонда,
Қилурман бетахаллуф ҳар маконда.

Иноят этмасга кар бўлса шуури,
Туну кун зикрини қилғум лисонда.

Даме васлиға жон нақдини берсам,
Не қолғой жон топиб суддин зиёнда.

Муродим луълуъини саъй бирлан,
Не мумкин топмоқ истаб баҳри конда.

Сориғ чехрам ажаб йўқ лолагундур,
Оқиб кўз мардумининг қони онда.

Муридинг бўлғаман, биллах, эй шайх,
Висолин ваъда гар қилсанг жинонда.

Фано қасриға кирсанг, эй Ниёзий,
Бўлурсан даҳр ранжидин омонда.

Жамило, фикрати фарҳат падийдорингға салламно!
Баногаҳ рўйати роҳат намудорингға салламно!

Узоринг гулбини жон қушларининг орзусидур,
Кўнгул булбуллари чеккувчи гулзорингға салламно!

Жабининг ламъаси ушшоқ эли қалбин қилур ёғду,
Ўзинг хуршидидин бу навъ анворингға салламно!

Эрур жон маншаъи ширин сўзинг Исо каломинг,
Ўлук тиргузгучи лаъли шакарборингға салламно!

Нигоҳинг кимгаким ҳушу хирад бўлди анга маслуб,
Олур ишқ аҳли жонин чашми хумморингга салламно!

Фано дайрига ташрифи қудуминг эътироф айлаб,
Ружуъ кўргуздинг иқрорингдин инкорингга салламно!

Ниёзий маҳвашинг мадҳида назму наср қўб сурдинг,
Сўзинг тазйинида тақрири афкорингга салламно!

10

Манзуриим ўлди бир гўзал, эй дил, букун гулзор аро,
Хусн ичра якто мабдаъи ҳилму адаб, кони ҳаё.

Гулбинга гуллар ул замон қилди муборакбодлик,
Ҳам таҳния оҳангида булбуллар этгандек садо.

Хўбларга султон бўлмоки шаънига ансабдур базе,
Ким билдилар ҳукмин қарам фармониини кулфат раво.

Бу турфадулким, топмади истаб назирин ишқ эли,
Гўёки чекмиш бебадал сурат анга қилки қазо.

Меҳри жамоли талъати ҳусн осмони узрадур,
Ишқ олами ҳар кун топар онинг шуъъидин зиё.

Дайри фанога қилдилар зуҳд аҳли масжиддин ружуъ,
Маҳбуб васли анда деб гўё эшитмишлар нидо.

Ишқиға бўлса мубтало ҳар ким Ниёзийдек онинг,
Кўргай фироқи даштида ҳар лаҳза юз турлук бало.

Чарх рухсорингга қилсун Мехри рахшонин фидо,
Айланиб атрофинги ҳам моҳи тобонин фидо.

Кўргач анжум кўзлари зебо жамолинг айласун,
То абад нозир бўлуб, бошингга давронин фидо.

Тонг йўқ, амволи жаҳон бўлса сарингнинг садқаси,
Ким қилибдур ул макини бирла имконин фидо.

Сунбулинг ториға дунё банда айлаб аҳлини,
Сарвдек кадингга қилсун боғи бўстонин фидо.

Олам этсун кўзларинг жаллодиға хайлин асир,
Даврингга қилсун замини бирла азмонин фидо.

Даҳр золи неча муддат лутфингга муҳтож ўлуб,
Мақдамингга айласун вайрону умронин фидо.

Кишвари кўнглин Ниёзийнинг мусаххар айладинг,
Эмди қилмасму олохону оломонин фидо.

Файз келмас базм аро саҳбойи ваҳдат бўлмаса,
Онийа бу май учун ақдоҳи ҳиммат бўлмаса.

Қизмағай бу базм то гулчеҳралиғ соқийлари,
Пок тийнат орифи рози муҳаббат бўлмаса.

Аҳли диллар файз топмас ушбу мажлис муршиди,
Ишқ сиррин англағон донойи ҳикмат бўлмаса.

Роҳати май нашъасидин олмағай базм аҳликим,
Маст этарга муршиди комилда журъат бўлмаса.

Ҳар киши бу маҳфил ичра неча йиллар бўлса ҳам,
Кашфи асрори Ҳақ ўлмас саъйу ғайрат бўлмаса.

Хуш дурур бу барча жамъ ўлғон макон ичра суруд,
Ҳеч бирининг кўнглида осори ғафлат бўлмаса.

Қолмангиз маҳрум ишрат завқидин, эй дўстлар,
Қайси одам киргай ул мажлисда лаззат бўлмаса.

Зоҳидо, май манъин этдинг, эмди ел кайфиятин,
Гар замирингда кудурат бирла хиссат бўлмаса.

Эй Ниёзий, кирмак истарсан бу базм ичра дилбар,
Қўй қадам дунё сари гар санда рағбат бўлмаса.

13

Узоринг узра мушкин хат била бўлғоч рақам пайдо,
Кўнгилнинг сафҳасида бўлди чандин накши ғам пайдо.

Бўлуб андин фузун ҳуснинг таҳайюр ичра қолдимким,
Басе жонимға бўлди иштиёқингдин алам пайдо.

Лабинг атрофида то Хизр кўрди сабзаи хаттинг,
Дегай сарчашмаи ҳайвонға бўлмишдур алам пайдо.

Висолинг орзусидин сиришкимға бадалдур кон,
Мунга юз шукрим, шавқими қилдинг дам-бадам пайдо.

Хаёли васлинги билмай ғанимат эмди ҳажрингдин,
Бадандур музтариб кўнглим аро юз минг надам пайдо.

Нигоро, фурқатинг дарди аро ўлмаклигим мажзум,
Тараххум бирла гар сандин эмас лутфу қарам пайдо.

Қошинг меҳроби ҳар ён кўз очарман жилвагар бўлди,
Юрак ондин топиб сўзиш бўлур қаддимға ҳам бўлди.

Ажаб хуш манзилидур ишк дашти ҳар киши киргач,
Бурунғи комида бўлғой анга мулки адам пайдо.

Ниёзий фақр аро оби жигарни жорий этгилким,
Бағир аввал эзилмай бўлмағуси кўзда нам пайдо.

14

Эй, жамолинг бир кўруб ҳайрону зор ўлдим санга,
Мубталолиғ шиддатидин бемадор ўлдим санга.

Заъфлиғ ҳаддин фузун бўлмиш фироқинг ичраким,
Кўрки бу навъ ҳолати ошуфтавор ўлдим санга.

Кўйинг ичра пўя урмоқ эмди бўлди одатим
Ким, фалак ёнглиғ туну кун беқарор ўлдим санга.

Орзу айлаб висолинг зор йиғлаб субҳу шом,
Байт ул-аҳзонимда асру интизор ўлдим санга.

Фасд этиб мумтоз ўлур не ишқинг аҳлидин базе,
Жону кўнглим топшуруб, беихтиёр ўлдим санга.

Аклу ҳушимни муҳаббат фартидин олдурмишам,
Панд эшитмай шайхдин мажнуншиор ўлдим санга.

Ишқ рамзин билмайин манъ этма, эй зоҳид, мани
Водийи ҳижрон аро гар ошкор ўлдим санга.

Эй Ниёзий, шавки маҳбубинг учун овворалиғ,
Муғтанамдур гарчи беномусу ор ўлдим санга.

Лабларингнинг шавкидин қисмат гизо қондур манга,
Жоми васлинг бир даме етмак ҳаросондур манга.

Эй пари, ҳажрингда тарк этди бадан мулкин кўнгил,
Тоқат айлаб бу таъабға чикмоғон жондур манга.

Гарчи ишқинг кофири имонға келмасдур ва лек,
Кофири ишқ ўлғоним, ҳаққоки, имондур манга.

Жисм уйин жоним қўёрға майл қилди, негаким,
Зиндагонлиғда макон маъвоси ҳижрондур манга.

Қолмади ман ютмағон хуноби ҳижрон, сокиё,
Эмди май бер, йўкса, қон ютмок не имкондур манга.

Умр ўтурсам ўзгалар васлин таманно айламай,
Тонг йўқ, гар ўлсам хаёлингда не армондур манга.

Бўлмишам озурда чекмакдин фироқинг шиддатин
Ким, бу ёнглиғ умрдин ўлмаклик осондур манга.

Панд берма, носихо, тарки муҳаббат қил дебон
Ким, азалдин ишқ аро ўлмакка фармондур манга.

Эй Ниёзий, чарх жавридин паришон бўлмағил,
Даври гардун кўз юмуб очғунча меҳмондур манга.

Хуш фийол улдурким, ўлса факр уйи мақсуд анга,
Аҳли даврондин ҳамиша ғам эрур мафқуд анга.

Ҳар кишиким хоксор ўлмоқдур онинг хоҳиши,
Ҳодисоти даҳрдин ранжу алам мардуд анга.

Ул уй ичраким фано туфроғин айлабдур бисот,
Ўзгалар зарбафтидин бу бистарида суд анга.

Гам сипоҳи, бас, факир атрофида йўл топмади,
Бу жиҳатдинким, эрур олти жиҳат масдуд анга.

Фақр эли устига чекса шоҳлар хайли ҳашам,
Оташолуд оҳи бирла бўлғуси нобуд анга.

Расми султондур жаҳон кишварларин фатҳ айламак,
Эҳтироз этмак жаҳондин одати маъхуд анга.

Ўзлугин тарк этмаган оламда кўрмас ҳеч суд,
Кимки кўйди ўзлугин ондин эрур беҳбуд анга.

Гарчи дарвешлар хароб аҳвол эрур, масрурдур
Ким, нукуди дину миллат бордурур манқуд анга.

Эй Ниёзий, айлагил маъво адамнинг кулбасин,
Дарду кулфатнинг шароридин ёвушмас дуд анга.

17

Эй, сенинг васлинг хаёли бирла бўлғон комёб,
Тонг эмасдур маҳв қилса то қиёмат хурду хоб.

Етмаги мумкин эмас мулкинга осори халал,
Минг жаҳон гар бўлса учқуни бирла хароб.

Аввалинг ошиб азалдин ҳам абаддин охириг,
Бўлмоқи бу икки мазмуннинг яқин беиртиёб.

Кунҳи зотинг фикратида акли кулл мабхут эрур,
Ҳам сифотинг фикрида шахси хирадға печутоб.

Ваҳдатинг саҳбосидин субҳи аласт мадҳушлиғ
Етган эл, ҳуш аҳли айланмас «ила йавми-л-ҳисоб».

Иттико ҳажринг бисотида хаёлинг болини
Айлаган, топди камолот авжиға роҳи савоб.

Дарҳақиқат, кишвари ишқинг гадоси шохдур
Ким, килур барча салотин қуллуқини иртиқоб.

Не ажаб шавқингдин олса роҳате ҳар кимки ул,
Дарғаҳингда итларингнинг итидин топди ҳисоб.

Фурқатинг даштин ғанимат тутғон элга бўлғуси,
Чашми бемори сиришки ҳар бири дурри хушоб.

Қурбатинг мумкин эмасдур ул кишига ой-у йил,
Маърифатни муршиди комилдин этмас иқтисоб.

Бодаи лутфинг Ниёзийға иноят қилмасанг,
Даҳр ранжу меҳнатидин қайда қилғой ижтиноб.

18

Зиҳи, рифъатинг авжиға йўқ маоб,
‘Уружинг далил эрди беиртиёб.

Муқаддам келиб нуринг ажносдин,
Анга насси қотиъ бўлубдур китоб.

Туфайлингдин ўлди жаҳонға вужуд,
Вужудингдин аҳли жаҳон комёб.

Қазои қадар осмони аро,
Тулуъ қилмади сан каби офтоб.

Муборак қудуминг жаҳонға етиб,
Фараҳ топди аҳли жаҳон беҳисоб.

Мунаввар бўлуб дини ислом юзи,
Рисолат қўлинг ондин олғоч ниқоб.

Доғи куфру ширк чехрасин ҳам кўзин,
Кўлинг кўр этиб чекти чандин ҳижоб.

Наким Ҳақдин они савол айладинг,
Эшитдинг онинг бахшишига жавоб.

Ниёзийга ғам йўк агар айласанг,
Ҳасби ҳоллар аҳқаридин ҳисоб.

19

Ишқ дардининг иложи йўк, магар васли ҳабиб,
Топмоғунг ҳар неча қилсанг саъй чора, эй табиб.

Инкисору ажз бўлса мубталосига мудом,
Тонг эмасдур, шахди вуслат ногаҳон бўлса насиб.

Бўлмаса ёвар муҳаббат аҳлига факру фано,
Қайси ҳислат бирла бўлғайлар гўё қариб.

Улки эрди ўз диёри ичра ҳижрон маҳрами,
Кўргил они истасанг ўз кишварида ғариб.

Айлагай ишқ аҳли тинмай кечалар то тонггача,
Чехраи уммедини кўрмак учун фикри ажиб.

Ҳодисоти даҳрдин озурда хотир бўлмағай,
Аҳли дил ҳар дамда бўлса мунқалиб боло-у шийб.

Эй Ниёзий, кир фано даштига, бўлғил ондаким,
Кўрмайин десанг замона аҳлидин ҳаргиз қариб.

Висолинг орзусида кўнгилни зор қил, ё Рабб,
Ҳарими курбатинг ичра они саршор қил, ё Рабб.

Кўнгилким истади курбинг они лутфинг била ёр эт,
Ва гар на фуркатинг дашти аро бемор қил, ё Рабб.

Мутиъи амринг ўлмоқдин кишиким инҳироф этди,
Юрак-бағрин фироқ олмосига дучор қил, ё Рабб.

Фано ишратгаҳида нотавон кўнглимга таскин бер,
Тариқат маслакида раъфатингни ёр қил, ё Рабб.

Адашсам ғафлат уйкуси била роҳи шариятдин,
Мани ул уйкудин фазлинг била бедор қил, ё Рабб.

Ҳақиқат соғаридин журъае кўнглим сафолиға,
Етургил ҳам атуфингни манга ғамхор қил, ё Рабб.

Ниёзийни тарахҳум бирла ишқинг аҳлидин айлаб,
Доғи ишқ лаззатин билмакка бархурдор қил, ё Рабб.

Нишотим қасд этиб гардун нуридин асру ром айлаб,
Музайян зийн солиб, бошиға олтундин лижом айлаб.

Кийиб гулгун, миниб рахшиға кулбам сариға юрди,
Шуурсиз кўйди ўздин элни пинҳоний хиром айлаб.

Бу сайрида хилофи одат айлаб кўргузуб суръат,
Арак селобидин меҳри узорин лолафом айлаб.

Бу навъ ҳолат била кулбамнинг олдиға келиб бир тун,
Қафуғ коқди «ғарибим» деб лазиз савтини томм айлаб.

Мажолим йўк эди турмоқға гўё тоза жон кирган,
Кишидек, чусту чобук боб очиб чикдим салом айлаб.

Кириб ўлтурғоч оиди: ҳоли зоринг сўрғоли келдим,
Кўруб хуш ишқ элидин сан ҳазинни эҳтимом айлаб.

Доғи дедики: эй мазлуми хижроним, нечукдурсан,
Кўнгил зарфин неча йил заҳри хижронимға жом айлаб.

Бу аснода оёқиға тушуб, ўздин борибдурман,
Қўли бирла бошим рафъ этди чандин эҳтиром айлаб.

Тараҳхум айлабон ширин такаллум бирла сўз сўрди,
Хижолат терига гарк айлади турфа низом айлаб.

Ажаб ҳоле манга юзланди жонпарвар каломидин,
Жавоб айтмоқ не мумкин ҳар неча қасди калом айлаб.

Бу хилватда Ниёзий маҳрам ўлдинг инкисорингдин,
Муни ким топғуси умри аро ўзни гулом айлаб.

22

Юзинг нури эрур нури илоҳий меҳриға мансуб,
Ажаб йўк, олам ичра йўқлиқи сандек узори хўб.

Вужудинг барча мумкинлар вужудиға келиб боис,
Бу хислатдин улусға бўлди зотинг ёлиқин маҳбуб.

Санинг жудинг келиб элга, доғи жуд аҳлига шомил,
Не жудинг олдида эл жуди бўлғай жуддин маҳсуб.

Улусға раҳматинг омм ўлди андин барчаси келди,
Атуфинг соясида роҳат олмоқға бўлуб мандуб.

Бўлуб даҳр ичра лутфингдин ададсиз мўъжиза шойеъ,
Нукуддин ислом сиккаси исминггадур мазруб.

Қаро сатр этди Каъба ҳижратингдин мотаме бўлғоч,
Нечукким, ҳасратингдин хайли ғам ичра эрур мағлуб.

Ниезий шафқатингдин бўлмади навмид ондинким,
Шафоатни гунаҳкор элдин асло қилмадинг маслуб.

23

Эй, кўргали рухсоринги кўнглим аро фикри ажиб,
Накш ўлдиким, дил кулбаси топди бу музайян бирла зеб.

Душвор эрур таскин ангаким, золи чарх айлаб ҳасуд,
Ҳижрон сариға макр этиб, келтурди бас берди фириб.

Кўргач кулуб ал-ошиқин жамъиятин ҳижрон аро,
Онлар дедилар: «Мархабо, бизлар каби бўлдинг ғариб!»

Фуркат биёбони аро бу жамъ ила улфат тутуб,
Тинмай замоне дедилар: «Айна-л-висол, айна-л-ҳабиб?!»¹

Маъшук курби эмди бу бечораларға қайси кун,
Чарх айланиб икболиға бўлғой экан, оё насиб.

Ул маҳрами васл ўлғуси дайри фано кунжи аро,
Сокин бўлуб бир неча йил гар айласа сабру шакиб.

Кўйди кўнгил тан кулбасин шояд Ниезий ул доғи,
Бу гулшан ичра қайтадин қилғой ружуъ чун андалиб.

24

Кўнглим ичра тушди ўт ўтлуғ узоринг бир кўруб,
Раҳм қилмассан фироқинг заҳматин кўб еткуруб.

Доми ишқингға асир ўлғонлиқим билдинг ва лек,
Келмадинг кулбам сариға лутф этиб ҳолим сўруб.

¹ Қайда висол, қайда дўст.

Тан уйиға солди ҳижронинг баче ўт, оҳким,
Нетди сўндурсанг висолинг чашмасидин сув уруб.

Лабларинг лаълин кўнгил ичра ниҳоний фикр этиб,
Шуълаи шавки била бағрим кул этдим куйдуруб.

Гарчи жисмим байт ул-аҳзонимда эрди мустақим,
Жони зорим дарғаҳингда турса тонг йўк телмуруб.

Фақр ажзин тухфа қилмоқға кўнгил кўйинг сари,
Қилди оҳинг эмди битгай, гаҳ йиқилса, гаҳ туруб.

Дарғаҳинг тавфи Ниёзийға қачон бўлгай насиб,
Дашти ҳижронинг ичида тинмайин йўртиб юруб.

25

Дедим: мани таб ларзаи ҳажрингда қўйма титратиб,
Дедики: қўйғум рашк ўтин кўнглингда эмди ўрнатиб.

Дедим: тарахҳум айлагил атрофим олди хайли ғам,
Деди: алардур мунисинг, танҳо қолурсан тарқатиб.

Дедим: дариг этма манга саҳбойи васлинг журъасин,
Деди: кетар ҳушу хирад нетгунг аларни тебратиб.

Дедим: жафову жаврдин озурда бўлмасму дилинг?
Деди: демакка бошладинг ҳар сўзи забонинг ўргатиб.

Дедим: килурсан зулму кийн журмим на эркан билмадим,
Дедики: ишқинг сиррини фош этдинг элга англатиб.

Дедим: келурдин кўйингга комим рикобинг бўсидур,
Дедики: эмди келмагил, келсанг юборгум қовлатиб.

Дедим: Ниёзий хотирин ҳаргиз паришон қилмағил,
Деди: фироқ андуҳидин ўлтургум они инграгиб.

Ҳаводис шаҳнасидин бағрими қон қилмағил, ё Рабб,
Самум бодидин кўнглим паришон қилмағил, ё Рабб.

Залолат арсасиға қилмағил мойил инонимни,
Таҳассур хонаси додида гирён қилмағил, ё Раб.

Жаҳолат ҳамридин нафсимға еткурма масарратни,
Канори баҳри ирфонингда ҳайрон қилмағил, ё Рабб.

Макон этгил тавассул боғини кўнглим ниҳолиға,
Таҳажжур санжида маҳбуси зиндон қилмағил, ё Рабб.

Асир этма ҳавои нафс Яъжужиға шахсимни,
Маъосий корида мункоди Шайтон қилмағил, ё Рабб.

Мани маҳбуби дигар ишқида ошуфта ҳол этма,
Доғи нори фироқи ичра сўзон қилмағил, ё Рабб.

Ниёзий аҳли ишқинг чоқаридур, лутф этиб они,
Муроди чехрасин олдида пинҳон қилмағил, ё Рабб.

Дайр пири ишқ аро ўлмақни дер роҳи савоб,
Шукр бори манга бу хислат эрур беиртиёб.

Не учунким, ман ҳазинға неча муддатлар эди,
Ёр ишқи шиддатидин тарқ ўлубдур хўрду хоб.

Онча мумкин бошими урдум балийят тошиға,
Кимки кўрди кўзларидин келди ҳунолуда об.

Кўйи ичра зор йиғлаб неча кунларда, оҳким,
Бўлмадим бир дам висоли бодасидин комёб.

Остонбўсин савол этсам неча дарбонидин,
Истимоъ этмак, не мумкин, манъидин ўзга жавоб.

Ишқ йўлида далиле топмадим жуз инкисор,
Ўзлугин тарк этмаган ишқ аҳлидин топмас ҳисоб.

Ўзлугинг қўйғил, Ниёзий, гар жаҳон ошубидин,
Тушмасун десанг кўнғилга зарра ёнглиғ печутоб.

28

Қилғонимдин ул пари ишқини аввал иртиқоб,
Ақли ҳушим фурқати даштида топди интиҳоб.

Гар эмас ҳусн ичра якто не учун кўнглим они,
Айламишдур ҳўбрўлар зумрасидин интиҳоб.

Нотавон кўнглимга етди ҳажрининг таб ларзаси,
Эмди, тонг йўқдур, ҳамиша топса ондин изтироб.

Деб эмиш, лутф айлағумдур, кўз тутарман неча кун,
Ўтди воши сўзидин, раъйи топибму инқилоб.

Вомиқу Фарҳоду Мажнун бўлса эрдилар ҳаёт,
Ишқ фаннин мандин этгай эрди онлар иктисоб.

Даъби ишқ улдур фироқи шиддатининг ранжини,
Чекмак-у, бўлмоқ ризоси маслакиға иртиқоб.

Эй Ниёзий, ишқ водийсиға кирдинг, рост бўл
Ким, бу водийда не янглиғ суд қилғой инҳидоб.

Эй, жамолингни кўруб арбоби лаб,
Ҳайратидин дедилар: «Айна-н-насаб?»¹

Урдилар афвоҳиға мухри сукут,
Жинси одам дерларин кўрмай адаб.

Хўблар султони дерлар зотинги,
Ким, сангадур осмоний бу лақаб.

Сайри гулзор этмагинг айлаб хаёл,
Андалибу қумриға етмиш тараб.

Аҳли ишқингни ажал топса шаҳид,
Бу шаҳодатға фироқингдур сабаб.

Улки, ҳажрингдин фанонинг даштиға,
Борса кўрмасдур ҳаводисдин таъаб.

Бўлди кўйингда Ниёзий мустақим,
Ўлса жисми, қолса онда не ажаб.

30

Эдим бир кеча кулбам ичра уйқуни ҳаром айлаб,
Замирим лавҳиға маҳбуб васлин иртисом айлаб.

Муборак мақдами ташрифи кўнглимда эди маржув,
Фироқи хайли ғам аскарлариға ихтисом айлаб.

Борурдин кўйига фосид ҳаёлим манъ этиб дерким,
Ниғаҳбонлар сани тутгун қилурлар иттиҳом айлаб.

¹ Насаби қайда?

Лагадкўби фироки, санг борони, ғами фарти,
Таним мажруҳ этибдур саршикастин ихтитом айлаб.

Бу аснода келиб ошуфта ҳолимдин савол этди,
Лаби майгунидин ҳар лаҳза турлук ибтисом айлаб.

Кетиб хушу хирад ўздин бориб сўз дерга имкон йўк,
Кўзум конлиғ ёшини ҳазратида инсижом айлаб.

Ниёзийға бу давлат умрида бир кеча берди даст,
Тариқи фурқатини васли роҳиға инзимом айлаб.

31

Оразинг хуршиди олдида мукаддар офтоб,
Инфиёлидин тақаррурсиз ҳамиша пўяёб.

Барча махвашларға ошиқларнинг ишки бит-тамом,
Топмоқи жазмидур ишқнинг маъдани сори иёб.

Қайси оқилким, тааккул айлади ўз комини,
Ло муҳола сан замирида эрурсан мустатоб.

Кимла қўймасдур забонидин ҳабиби зикрини,
Мустамеъ бўлсанг ҳақиқатда жанобингга хитоб.

Қай пари пайкарға мажнуннинг жунуниға хирад,
Берди нисбатким, санинг ишқингга топғоч интисоб.

Элга бордур кўйи маҳбуби сари чандин тарик,
Ҳар биридин солиқ ўлмоқда эрур қўйинг маоб.

Гар фано дайрида марзотинг бўлса мустақим,
Топғуси ҳар дам Ниёзий матрабиға фатҳоб.

Зихи, лутфинг насими кимга етди, чекмади заҳмат,
Санинг мақхуринг ўлғон кўрмади умрида жуз меҳнат.

Агар-чи тўрт унсур асли хилкатда эрур азод,
Намуна кудратининг келди онлар тутмоки улфат.

Муҳайё айладинг хони жаҳонда турфа матъумот,
Қилиб эрдинг азалда барчасин жон аҳлига қисмат.

Кувойи ҳамсани зий руҳларга айладинг тақрим,
Онингдекким, бериб онларга зоҳир ботини неъмат.

Мазохир истадинг ҳуснингга маҳвашлар узорини,
Муҳаббат аҳлининг кўнглига ондин етқуруб хиркат.

Фалак айланмоки, ер сакнати амринг била муътод,
Бири масбута келди, бирига ҳосил бўлуб рифъат.

Само тазйининг этдинг хайли анжум бирла омода,
Субут сайри тақдиринг била бу барчага ҳислат.

Қилиб эл манзарида жилвагар дунё арусини,
Анга ошуфта айлаб жумласин бердинг неча кулфат.

Ниёзий чиқмоқи мумкин эмасдур баҳри исёндин,
Ҳидоят бирла тавфиқинг анга ғар қилмасанг раъфат.

Айши уқбо мақсадингдур ишрати дунёдин ўт,
Йўқки ишрат, эй кўнгул, дунёю мо фийҳодин ўт.

Нафси аммора ҳавосида қилиб саъйи балиғ,
Бўлмагил озурда хотирким, бу навъ ғавгодин ўт.

Даҳр қасри бебақо эркан, лекин билдинг яқин,
Йўқ асос бермагил дил бу сифат маъводин ўт.

Чарх золи ишвасиға алданиб қўйма қўнгил,
Васли арзондур ва лекин суди йўқ савдодин ўт.

Истасанг файзи тажаррудни агар даврон аро,
Ким, тааллуқ жомида мазруф ўлон саҳбодин ўт.

Дашти худбинликни тай кил, қўй фано сори кадам,
Мақсад истарсан бу янглиғ дашт ила саҳродин ўт.

Олам ичра, эй Ниёзий, гар жафо кўрмай десанг,
Хурвашлар таркини тутғил, малак сиймодин ўт.

34

Эй, солиб меҳри жамолинг чашми хунборимға ўт,
Ахгари шавкинг урубдур жони беморимға ўт.

Тиғи ҳажрингдин етушгон захмларда қон эмас,
Гўйиё бу тиғ солмиш жисми афгоримға ўт.

Оразингнинг оташи бир турфа машғал ўтидур,
Ким тушар парвонадек ондин дили зоримға ўт.

Сакламоқ ишқингни пинҳон жон аро душворким,
Шуълаи оҳим солур ҳар дам йўқу боримға ўт.

Субҳи васлингда узоринг меҳри гар қилса тулуъ,
Зоҳир ўлғой фуркатинг ичра шаби торимға ўт.

Лабларингнинг ҳасрати тан кулбасин ёқди тамом,
Кўзларинг бас солди жон меҳнат осоримға ўт.

Эй пари пайкар, Ниёзий қайда сокин бўлғуси,
Ким, солибдур фуркатинг хомуну кўҳсоримға ўт.

Эй кўнгул, арсаи ишқ ичра ададсиз даражот,
Бор эрур, англаки, ҳар бирида сонсиз файазот.

Кимки бу дашт аро кирмак не таманно айлар,
Келди лозим анга одоб ила қилмоқ ҳаракот.

Ўтмаган ўзлукидин кирса бу водийға далир,
Топғуси қайси маҳаллида саботу саканот.

Маркаби ажз била факру фанодин олот,
Ушбу манзилға етарға келиб эрмиш адавот.

Ўзлуки укбасидин улки ошиб топди файз,
Даҳрдин етмагай асло анга ранжу заҳамот.

Ишқ сирриға қачон зоҳид ўлубдур огоҳ
Ким, онинг макседи сайр ўлмоку топмоқ шаҳавот.

Зулмати факр аро гар кирса Ниёзий топғой,
Ишқ сарчашмасининг даврида чандин ламаёт.

Сабо пайки сабоҳ вақтида дилдоримни бедор эт,
Менинг ҳоли низорим қўймайин олдида изҳор эт.

Тағофул шевалиғдур гулузорим ёнида зинҳор,
Қилурда шарҳи ҳолим ўксумай бир неча такрор эт.

Фироқим дардини айтурда манъ этса такаллумдин,
Мани маҳзун тарафдин маъзират бобин намудор эт.

Ўлар ҳолатға етдим, эй кўнгил, сан ҳам сабо бирлан
Бориб, ёниға ажзим бирла ўз ажзингға икрор эт.

Эмас бесабр, беоромлиқ ишқ аҳли даъби деб
Итоб этса, қасамёд айлабон албатта инкор эт.

Фано зарбафти бирла нақди динни тухфаси айлаб,
Ҳарим дарғаҳида нолаю зоринг падийдор эт.

Ниёзийсан доғи жон тандадур кўйига азм этгил,
Бориб ул кўйи аро кабринг учун бир ерни тайёр эт.

37

Эй ёр, етганидин ширин лабингға шарбат,
Кўрди ўзи таажжуб зоти аро азубат.

Бу рутба бўлди боис ишқингдин ўлган элни,
Тиргузмак ўлди онинг ширбида навъи хислат.

Лаълинг луъоби етгач, Хизр айлабон тараддуд,
Тонг йўқ, анга етушмай умрида чекса ҳасрат.

Даъвоға тилни очди ҳайвон зулоли ондин,
Хижлатда қолғонидин қилди ерини зулмат.

Қанд этди лаззатини, сўз солди мажлис ичра,
Бу беадаблигидин жисмига етди зарбат.

Эмди жалодат аҳли хомуш бўлди, андоқ
Ким, тишлатиб асобеъ, асノンлариға ҳайрат.

Бир қатрасини ондин ичган Ниёзий ёнглиғ,
Гар кўрмаса ажаб йўқ умрида дарду меҳнат.

38

Бир коса ичмакини умрида ёр шарбат,
Истаб ҳамиша эрди даҳр ичра зор шарбат.

Етмай лабига гарчи жунбушига кодир эрмас,
Топгон эмас замоне сабру карор шарбат.

Олтун кадах шароби ҳар дам эрур муҳайё,
Замға хижолатидин топмас мадор шарбат.

Боисдур инкисори ногаҳ ҳаловат истаб,
Кўрганда ичган эрмиш бир кун нигор шарбат.

Лаълиға етганидин шуҳрат топиб улусға,
Олам аро бўлубдур овозавор шарбат.

Ҳайронлиғ айлаб эрди ошуфта ҳолин эмди,
Комини топди килди кўб ифтихор шарбат.

Дайр ичра бўл, Ниёзий, килсанг талаб кўлингдин,
Бир коса ичмакини умрида ёр шарбат.

31

Солди ишқинг инс била жон ичра ўт,
Балки урди аҳли даврон ичра ўт.

Куфр эли исломға бўлғай далиллик,
Солса ҳажринг кофиристон ичра ўт.

Тушгуси ўтлиғ узорингни кўруб,
Сайр этарда боғи бўстон ичра ўт.

Иштиёқингдин анодилға фиғон,
Солгуси ҳар дам гулистон ичра ўт.

Солмаса шавқинг недин сув қаъриға,
Кирди ҳар тун меҳри рахшон ичра ўт.

Оҳим этди эски гунбазни харош,
Ҳажринг урғоч жисми вайрон ичра ўт.

Дарди ишқингдин Ниёзий ноласи
Урса, тонг йўқ, хори хижрон ичра ўт.

32

Бу кеча дайр ичра келди гул каби хандон йигит,
Кўрмадук бу навъ махвашни кўруб чандон йигит.

Бодаи гулранг ичиб, гулгун юзин гулфом арак
Тутди, килди ҳуснига дайр аҳлини ҳайрон йигит.

Маст ўлуб бебокликдин шўхлик айлаб баса,
Қилғоли қасд этди эски дайрни вайрон йигит.

Муддатидин сўнг чиқиб сайр этгали гулзорни,
Ҳажрида килди харобот аҳлини гирён йигит.

Гулшан аҳли гулларин қилғоч оёкиға нисор,
Кетди, килди ғунчаи кўнглин аларнинг қон йигит.

Кўзлари ислом элин қатл айлагач жон қушларин,
Банд этиб зулфиға берди тоб ила печон йигит.

Эй Ниёзий, қулбаи дилни мусаффо айласанг,
Бўлғуси ҳар кечада бу уй аро меҳмон йигит.

33

Ҳолим забундур фуркат ғамидин вақти тараҳхум, жоно,
бу соат.

Йўқдур мавониъ лутф айларингдин недур зиёнинг,
эй сарвқомат.

Гурдуни хоин турфа иш этдиким тиғи ҳажринг жонимға етди,
Тан қулбасини дил қўйди кетди эмди не мумкин бўлмок
саломат.

Сарви равоним қилсанг, ааммуқ сабру карорим кўргунг
тафаррук,
Шахло кўзингга жоним тасаддуқ сахбойи васлинг килгил
каромат.

Лаълинг зулоли, эй мохитобон, жонбахшликни килди
намоён,
Хайвон суйиға зулматда пинхон бўлмоқға килди хижлат
далолат.

Лайлидин афсун ҳусни жамолинг ширинға не ҳад топмоқ
камолинг,
Даҳр аҳли дерлар кўрмай мисолинг васфингға мумкин
эрмас ниҳоят.

Васлинг хаёли ороми жоним қаддинг ниҳоли руҳи равоним,
Чикмоқға етди ҳажрингда жоним бир дам атуфинг
килгил иноят.

Кўйингда манзил ман бенавоға ўтлиғ фиғоним етди самоға,
Тушди шарора мотамсароға нафъ этмас эмди ҳаргиз надомат.

Эй, куфри зулфинг имонға офат исломиға йўқ обидға тоқат,
Фикрингда қилса йўқликни одат зуҳд аҳли топғой
албатта роҳат.

Бордур Ниёзий ишқингда ноёб хижронинг ичра кўб ютди
хуноб,
Эй мох, айлар ишқингға асбоб бир туғар деб меҳри саодат.

34

Эй нутқ, санга сабъаи сайёра шабиҳот,
Ажсоми навотик келиб андоққи самовот.

Таълиму тааллумининг этиб мавжиди қилди
Эл ичра гаронмоясини вожиб биззот.

Худ турфа эрур кечаву кундузда тулуъинг,
Матлаъи учун омода бўлуб неча буружот.

Зулумоти адам нуктадин айрилиб нединким,
Олам эли афвоҳида нурингга шубуъот.

Ислом эли тасдиқиға бўлгон каби сандин,
Куфр аҳли такозибиға осору зухурот.

Авлоди Абулбашарға судинг етди,
Оламға етиб бу навъким нафъи нужумот.

Ўз урфида ҳар воҳид инсонға такаллум,
Зотингдин ўлуб шарафлиғ анвоъи мулоқот.

Мажлис кизодур вужудинг ар муршиддин,
Аҳлиға онинг етушгувси турфа фуйузот.

Васфингга тилин Ниёзий очса юз йил,
Мингидин бирини демак не мумкин, ҳайҳот!

35

Не ажаб ҳусн аҳлиға гар бўлса султон ул йигит,
Ким, қилур коми́ча маҳвашларға фармон ул йигит.

Манъ этарга кўйида нопокларни ишқидин,
Хайли ғамдин кўйди юз турлук ниғаҳбон ул йигит.

Кўзларининг куфриға табдил этиб исломни,
Аҳлидин торож қилди нақди имон ул йигит.

Ўртанур жонлар муҳаббат ўтиға мажлис аро,
Айласа ўтлиғ юзин ногаҳ намоён ул йигит.

Чашми ом айларда тузса мезбонлиқ расмини,
Қилмоқ ансаб соҳати дунёни айвон ул йигит.

Раҳм қилмай фурқатида ташлабон ишқ аҳлини,
Кўзларидин қилди қон ёшини сайлон ул йигит.

Мустақим ўлсанг, Ниёзий, неча йиллар кўйида,
Шояд этгай раҳм этиб ўзига сағбон ул йигит.

36

Келиб журмим гарон ҳам бўлди қомат,
Дариг ўтди абас мандин шабобат.

Шабобат ражъатиға йўқдур имкон,
Таманноси эрур айна балоҳат.

Балоҳат сарнавиштимдурму, оё,
Мурур этди замоним беибодат.

Ибодатсиз кечиб вақтим шабоби,
Эрур этмак ишим эмди надомат.

Надомат шайхлик ҳолатда мандин,
Умидим эрди бу бўлғой саодат.

Саодатким азалда васфи маҳмуд,
Кслиб мазмума андоқким шақоват.

Шақоват аҳли саъдиға тутар кўз,
Муни билгай кишиким зий фаросат.

Фаросатиға иш тутмоқ тариқи,
Убудийятни то топғай ҳаловат.

Ҳаловат истасанг киргил Ниёзий,
Фано дайри аро қилгил ибодат.

Қаю замон деса ул дилбари ягона ҳадис,
Мухотаб аҳлиға қилғуси хусравона ҳадис.

На ишки қасди эди битмакида саъйи балиг,
Қилурлар ишк эли айларда ҳокимона ҳадис.

Етишгуси эди зиндаликка ўлган эл,
Муқобилида агар қилса меҳрибона ҳадис.

Ҳама масиҳнафас чокар ўлсалар, тонг йўқ,
Нединки, бордур анга неча гавҳарона ҳадис.

Улусни эмди қилур бўлса сайд, ажаб эрмас,
Хатарни дом этибон нуқтасини дона ҳадис.

Тушарда лаълидин айру китобат ичра магар,
Қилибму жомаи мушқинни мотамона ҳадис.

Ниёзий, назминг этар ёр кўнглига таъсир,
Гар ўлса бошдин аёк барча ошиқона ҳадис.

Бевафолар ишқида ўзни ҳалок этмак абас,
Фурқати шамширидин кўксини чок этмак абас.

Кеча-кундуз тинмайин ҳасрат чекиб ҳижрон аро,
Мотамийлардек кўнгилни дарднок этмак абас.

Васлини айлаб таманно кўйида маскан тутуб,
Жисми афгорини бу кўй ичра хок этмак абас.

Ишқ ўтиға куйдуруб танни онинг хокистарин,
Еткуруб дил кўзгусиға асру пок этмак абас.

Меҳрсиз маҳбубнинг васлида шод ўлмоқ учун,
Ҳажри ранжини ҳавас бебийму бок этмак абас.

Бу сифат маъшуку маъшуки ҳақиқий ишқида,
Волалиғни дамбадам би-л-иштирок этмак абас.

Эй Ниёзий, бевафо маҳбубларнинг ҳажридин,
Тан уйин ҳушу хираддин инфикок этмак абас.

39

Кўнгил куймаккадур ўтлуғ узоринг кўрмаким боис,
Ажаб эрмас кўзимдин бўлса қон ашк ўрнига ҳодис.

Бу хиркат бирла дил кўйингга борғач мўътакиф ёнглиғ,
Тақаррур муддатин жазм этмай ўлди дойимо лобис.

Етиб руҳи равоним дарғаҳингга турфарок буким,
Қафугда мустаманд соил киби бўлғон эмиш моқис.

Тани зоримға мақсад, жону кўнглимға бўлуб пайрав,
Муқаддас борғоҳинг тавфи ичра бўлмоқи солис.

Бориб Юсуф, қолиб ҳусни онинг бу даҳр аро мерос,
Қазо қилғон эмиш гўё сани танҳо онга ворис.

Фалак зулм айлабон сочди замирим мазраъи ичра,
Фироқинг тухмидин ҳар неча бор эрди бўлуб ҳодис.

Висолинг фикрини ўлгунча қилғум деб қасам қилди,
Ниёзийни фироқинг дарди ногаҳ қилмоғой ҳонис.

40

Ҳамнишининг бўлмасун зоҳирда асҳоби ҳадас,
Билмагайлар ботини сиррингни арбоби ҳабас.

Нафси шайтон душманингдур, муддате онлар билан,
Тутма улфат, дўст бўлма, балки кўргузгил алас.

Бўлса хушинг кир фано кўйига, бўлма танпараст,
Бермагил зийнат баданга, ҳам чу Мажнун бўл шаъас.

Сарнавиштинг ҳар наким бўлди кўрарсан ложарам,
Иззу жоҳни қилмокинг эмди талаб келди абас.

Ризк максум эрканин билдинг, қаноат пеша қил,
Этмагил зоҳир қаноатсизлиқинг мисли шабас.

Айлагил асҳоби ҳимматдин ўзингни бир даме,
Бўлма томеъ гарчи боис бўлса ўлмакка ғарас.

Даҳр аро бўлсанг Ниёзий айши ишратда давом,
Фикр қил, охир борур жойинг эрур байт ул-жадас¹.

41

Зихи, арвоҳи қудсий фарқиға рахшинг изидин тож,
Сенинг мўъжизларингдин бириси келди шаби меърож.

Тутуб таблиғ умурин шаръ аҳкомини фош этдинг,
Тарики ростинг келди туруқ ичра баса минҳож.

Умиди сандин ўлди барчанинг, эй саййиди кавнайн,
Агар осиййу обид филмасал ҳажжож ила ҳаллож.

Уружинг окшоми чун ломакон авжида ер тутдинг,
Санинг коминг учун етди иноят баҳриға маввож.

Тилаб уммат гуноҳин барчаси топди ҳамон бахшиш,
Шафоат нақдиғаким, бўлғусидур сан каби харрож.

¹ Байт ул-жадас – кабристон.

Тавофи маркадингга дамбадам хайли малак нозил,
Онингдек ҳар тарафдин Каъба тавфиға келур ҳажжож.

Ниёзий чиқса, тонг йўқ, журму исён зулматидинким,
Шафоат меҳри сандин осмоний лутф уза ваҳҳож.

42

Эрур ошуфта кўнглим, эй пари, рухсоринги кўргач,
Тонг эрмас, бўлса шайдо ул киши дийдоринги кўргач.

Қилур жон булбули фарёду афғонин фузун ҳар дам,
Узоринг гулшанида ногаҳон гулзоринги кўргач.

Кўзим кўргач жамолингни сиришк ўрниға кон тўкди,
Жило топди кўнгил миръоти меҳри анворинги кўргач.

Қилур куфр аҳли ислом зумрасиға ўзларин дохил,
Фирокинг оташи ичра тушуб озоринги кўргач.

Этарда боғ сайрин сарвқадлар инфиёлидин,
Хижолат хуниға ғарк ўлди хуш рафторинги кўргач.

Висолинг орзусида кечар ишк аҳли жонидин,
Ҳаётафзо лаби жонбахшлиғ гуфторинги кўргач.

Жунун дашти аро бўлмоқ Ниёзийға эмасдур айб,
Юзинг хуршиди бирла лаъли шакарборинги кўргач.

43

Эй фалак, комимға юрмай зоҳир этдинг иъвижож,
Етмади сандин замирим ичра бир дам ибтиҳож.

Макр ила дунё арусиға мани домод этиб,
Гарчи йўқдур хоҳишим ўртаға солдинг издивож.

Улки мақсудим эди ондин баъид айлаб мани,
Кўрсатурсан нега кўз тутсам манга юз эҳтиёж.

Басталик солдинг тамоми кориға зулм айлабон,
Бир ишимга саҳв этиб бермай кушоду инфирож.

Мунча бас эрмасму бир гулчехранинг ишки аро,
Нотавон кўнглимга солдинг изтиробу ихтилож.

Ҳажрида қилдинг басе бемор, хужжат истасанг,
Чеҳраи зардим била заъфим қилурман эҳтижож.

Эй Ниёзий, шиква қилма чархи дундинким қазо,
Дарду ғамга айламиш жисминг хамирин имтизож.

44

Агар айш истасанг укбода дунё ишратидин кеч,
Хирад асҳобидин бўл, аҳли дунё ҳурматидин кеч.

Олиб комингча роҳат, ғарра бўлма иззу жохингга,
Такассур пеша қилғил даҳр элининг иззатидин кеч.

Кўпайсун деб матоъу моли дунё ўзни ранжитма,
Агар оқилсан онлар қиллатидин, касратидин кеч.

Фирифта бўлмағил гарчи эурсан омма макбули,
Они фазли илоҳий бил, доғи эл рифаътидин кеч.

Вафосиз даҳрнинг маҳвашлариға берма кўнглингни,
Висоли роҳатидин ҳам фироқи меҳнатидин кеч.

Замон гулрухларининг саъйи бирла васли мумкиндур,
Ва лекин бевафодур, чекма заҳмат, қурбатидин кеч.

Ниёзий, вокиф ул эрмас фазодин ҳеч шаъй хориж,
Мулозим бўлма душманларға дўстлар миннатидин кеч.

Фалакнинг рифъати сандин доғи ер лавҳиға тастих,
Мунга пастликда ружуълиғ онга рифъат била таржих.

Малоик зумраси афлок уза фармонпазирингдур,
Ким, онлар тилларида дойимо таҳлил ила тасбиҳ.

Башар хайли ҳама аҳкоми шаръ жўяндаси бўлди,
Хитоботи каломинг бўлғоли аҳком учун тасриҳ.

Набототу жамодот барчаси амринггадур мунқод,
Бу мажмуъға етурдинг вирду азкоринг била тарвиҳ.

Паривашларни мазҳар айладинг ҳуснинг шуъоёиға,
Жамолиға жамолинг партави бирла бериб тавзиҳ.

Алар ишкида чандинларни килдинг шифтаву мажнун,
Фироки сўзишидин диллариға еткуруб танқиҳ.

Мажози ишқ бирла ишқ элин ҳайрону зор этдинг,
Басе аҳволиға солдинг паришонлик аро тақбиҳ.

Қилиб баъзиларин ишқи ҳақиқий ганжиға восил,
Солурсан жони бирла кўнгли ичра файздин тафриҳ.

Илоҳий, қил Ниёзий кўнглини ўз ишқинга роғиб,
Ҳидоят хожиби бирла бу жонибға қилиб талмиҳ.

Эй, азалда қилди Ҳақ асру узорингни сабиҳ,
Бўлмади ҳаргиз жаҳон ичра сенингдек бир малиҳ.

Ҳар хатойиким, санга таблиғ учун нозил эди,
Айладинг ондин такаллум, ул эрур бешак саҳиҳ.

Ойни икки бўлмакинг, келтурмакинг ашжорни
Топди шуҳрат, келдилар сидкинга бурҳони сарих.

Мояи эъжоз сандин ҳар нафас жонбахшлиғ,
Гарчи жон берди ўлукка, бўлмади сандек масих.

Инқиёду сабрнинг авжи уза бўлдинг басе,
Топмади ул рутбани саъй айлаб Айюбу забих.

Зий шараф зотинг балоғат ҳам фасоҳат маъдани,
Кўрмади даҳр ичра даҳр аҳли санинг ёнглиғ фасих.

Мумкин эрмасдур Ниёзийга муносиб мидҳатинг,
Бўлмоки басдур сани мадҳ этгувчиларга мадих.

47

Эй, килиб ишкинг канини моҳиридин муфтатах,
Англамай мушқиллигини элга бўлдим муфтазах.

Айладим васлинг тафаккур ҳар замон хижрон аро,
Бўлди бу фикрат била кўнглим баногоҳ муншарах.

Дарди хижронинг мани андок килибдур бекарор
Ким, танимдур музтараб бўлди забоним муктарах.

Нафс ити бирла хирад чангиға поён бўлмади,
Бўлмоким бўлди абас ўрталарида мусталах.

Инкисор айвониға зинҳор киргил, эй кўнгил,
Токи бўлғайсан фано анвори бирла муттазах.

Кирмайн дайри фаноға фориғулбол ўлмагунг,
Зоҳидо, ҳар кеча кўз ёшингни қилсанг мунтазах.

Бевафо маҳбуб ишқида Ниёзий чекди ранж,
Бўлмайн аҳбоблар пандиға қатъан мунтасах.

На хуш бўлғай икавлон маст бўлсоқ боғ аро то субҳ,
Солиб ишрат бисотин гул чоғи бўстон аро то субҳ.

Ўтурсанг дамбадам ҳар кечани фарҳат била би-л-кулл,
Қилиб омода айш асбобини бу базм аро то субҳ.

Ошурдим нолаву зоримни гардун соҳатидинким,
Йилондек тўлғонур ҳар кеча жисмим боғ аро то субҳ.

Юзинг хуршиди фикри бирла уйкудин мубарроман,
Не суд, урсам бошим юз қатла ғам тоши аро то субҳ.

Паришон бўлди ҳолим изтироб этди бадан мулки,
Хаёли сунбулинг бўлғоч аён кўнглим аро то субҳ.

Қошинг меҳробини айлаб тафаккур кеча ҳар соат,
Қадим рокеъ бўлурдин айб эмас бу фикр аро то субҳ.

Не имкон сақламоқлик кўзларинг жаллодидин жонни,
Хирад ҳомий бўлуб солса, ҳисори сабр аро то субҳ.

Етушмас тири мижгонинг агар айлар вужуд аҳли,
Ҳадаф ўтрусида тан кулбасин ҳар шаб аро то субҳ.

‘Иноят «айн»¹идин бўлсанг Ниёзий ҳолига нозир,
Кўрарсан фуркатингдин ҳар кеча афғон аро то субҳ.

Сансизин мажлис эрур чун барзах,
Йўқки, барзах дегил они дўзах.

¹ Иноят сўзи арабча «айн» ҳарфи бошланишига ишора, «айн» эса булоқни ҳамда куёшни билдиради.

Аҳли майхонаға ҳосил бўлмас
Файз, гар келса анга зоҳиди йах.

Худ абас дайр элиға зуҳд аҳли,
Манга жаннат дебон ар урса занах.

Бўла билмаслар ажалга дофиъ,
Гарчи ходимға адад муру малах.

Тавба оби била асҳоби хирад,
Оритур ботинида бўлса васах.

Қўрмагай аҳли замондин алами,
Кимки йўқ килса вужудин, эй ах.

Ўзни қил дайри фанода маҳрус,
Зулм саринчасидур асру шах.

Ишк сиррин вараъ аҳли билмас,
Ахтариб ҳар неча анвоъи нусах.

Гар Ниёзийға адам зарбафти,
Бўлса не ғам йўқидин жомаи нах.

50

Хонақоҳ ичра кириб ҳар кеча ғавғо қилди шайх,
Содда дил бечораларни асру расво қилди шайх.

Чин-у ёлғонин каромот англағон элни мурид
Айлабон, сўфи деб, ахлокиға шайдо қилди шайх.

Гарчи феъли зишт эди, макр айлабон атрофида,
Неча нодонларни ўз таврида пайдо қилди шайх.

Жаҳр зикри ушбу деб, бу барчаға таълим учун,
Лафзи қайни оғзидин ҳар лаҳза ифшо қилди шайх.

Ҳар даме фарёд этиб, сакраб коқиб ангуштарин,
Ҳалқада чандин мушъабдалик ҳувайдо қилди шайх.

Ичкаридин тўқ чиқиб, хорижда ўзни рўза деб,
Кизб ила ўз жониға зулмини умдо қилди шайх.

Дайр пирининг иродат бирла бўлғил бандаси,
Ким, улусдин моли дунёни таманно қилди шайх.

Истасанг хомушлиқ дайр ичра кир, эй аҳли ҳуш,
Кўрки, ҳар дам хонақоҳ ичра алоло қилди шайх.

Шукри Борий, эй Ниёзий, манъ этиб майдин мани,
Билохир сажжодасини раҳни саҳбо қилди шайх.

51

Фирокинг дарди аҳволим паришон айлади, эй шўх,
Ишимда телба атворин намоён айлади, эй шўх.

Ғами ишқинг аро тан кулбасининг асли бунёдин,
Сиришким селининг туғёни вайрон айлади, эй шўх.

Жамолинг партави гулшанда ногаҳ мунжалий бўлғоч,
Кўзимнинг мардумини асру ҳайрон айлади, эй шўх.

Юзингдин бўлғоним айру кўнгилга жисм уйин гўё
Ажаб қаттиғ аламлиғ байт ул-аҳзон айлади, эй шўх.

Висолинг иштиёки неча йиллар тийра кулбамни,
Ҳамоно жисми беморимға зиндон айлади, эй шўх.

Хаёли васлинги ишқ аҳли кўнгли ичра ҳар соат,
Муҳаббатлиғ тасаввур бирла меҳмон айлади, эй шўх.

Ниёзийнинг гуноҳи йўқ эди, ҳажрингда куйдирдинг,
Магар ишқингни кўнгли ичра пинҳон айлади, эй шўҳ.

52

Эй, жамолинг нуридин олам мунаввар то абад,
Заррадек бул нур аро ҳайрону саргардон хирад.

Анбиё хайли малоик зумраси фикр этмади,
Қилса тонг йўқ ақли куллни кунҳи зотинг фикри рад.

Батни моҳийдин салим чикмоқ, гулистон бўлмоқ ўт,
Қудратингнинг қувватиға келди мингдин бир санад.

Ҳикматингдур Хизр топмоқ обиҳайвон чашмасин,
Ҳам Сикандар чекмаки Яъжуж эли олдиға сад.

Толибингдур аҳли масжид ёки аҳли дайрдур,
Ул кишига сан ғараздурсан «санам» дер ё «самад».

Чикмоки баҳри залолатдин не имкондур анга,
Етмайин тавфиқ ҳабли бирла лутфингдин мадад.

Гарчи бўлмишдур Ниёзий баҳри исён ичра ғарк,
Раҳматингдин мағфират уммедин айлар, ё Аҳад!

53

Зихи, маҳбуб йўқ сандек жаҳонда оқибат маҳмуд,
Туфайлингдин эрурлар ҳар наким бор эрдилар мавжуд.

Рисолат осмони узра кўб кавкаб тулуъ килди,
Ҳама саъд ўлса ҳам зотинг куёшидек эмас масъуд.

Нубувват хайлидин бирри талаттуфда не сандекким,
Ҳама умматларинг узра атуфинг сояси мамдуд.

Вужудинг икки дунёнинг вужудиға сабаб келди.
Онингдекким, санинг зотинг эрур кавнайндин максуд.

Зухур этгач сенинг дининг хама динлар бўлуб мансух,
Бу важхдин барча адён боби келди эл аро маслуд.

Уружинг кечаси матлуб васлида бўлуб масрур,
Ўзингдин ўзлугингни, балки ўзни айладинг мафкуд.

Агарчи номаси бўлса сиёҳ дуди гунаҳ бирлан,
Ниёзийни шафоат кишваридин қилмагил мардуд.

54

Кўнгил тинмай чекар ун, эй паризод,
Дамодам урғонингдин тиғи бедод.

Фироқинг қилди кўнглим кулбасини,
Мухаббат дашти ичра меҳнатобод.

Ёқиб ҳажринг ўти кул қилса жисмим,
Ғамим йўқ этса ҳам бу гулни барбод.

Ажаб йўқ шуълаи кўнглимға тиғинг,
Суйи етгач қилурдин оҳу фарёд.

Кетургил кўнглинга ашким суйинким,
Сув етгач тез бўлғой яхши фўлод.

Май ичма, тарки ишқ эт, дема, эй шайх,
Мангадур дайр пиридин бу иршод.

Ғаминг бузди Ниёзий хотирини,
Хаёли васлинг аммо айлади шод.

Ишқида жон бердим, аммо, билмади жонон, не суд,
Билса ҳам билмасга солди хайф бўлди жон, не суд.

Васл тухмин мазраъи кўнглимга сочдим ҳар неча,
Бу базрдин ҳосил этдим хирмани ҳижрон, не суд.

Нақд авқотимни бердим сунбули савдосиға,
Ушбу савдода топибдурман басе нуксон, не суд.

Демангиз, аҳбоб, жон бер, васлинг этсанг орзу,
Васл эмас жону жаҳон бермак била имкон, не суд.

Лутфу эҳсон қилмоқини неча ваъда айлади,
Оҳким, бўлди тамоми ваъдаси ёлғон, не суд.

Оқил эрсанг тарк этиб, нафъу зарарни бўл адам
Ким, пушаймон бўлғонингдин сўнгра, эй нодон, не суд.

Эй Ниёзий, кўз тутарсан оразин кўрмак учун,
Войким, илгач узорин айлади пинҳон, не суд.

Қилиб саҳбони пири дайр ижод,
Манга дайр ичра ичмак қилди иршод.

Санам олдида шурб этмақлигимга,
Басе қилди талаттуф бирла имдод.

Бу ҳолатда қилиб маҳбуб фикрин,
Ишим бўлди онинг васлиға ирсод.

Не журм этдим фалак маъшук қўйин,
Менинг қасдимга қилди асру ибъод.

Фироки тийра борониға гардун,
Этибдур нотавон жисмимни эъдод.

Мани мумтоз этиб ошикларидин,
Ғами ишқи аро айлабдур ифрод.

Ниёзий қилғоли меҳрини даъво,
Кетурди дарду андуҳини ишҳод.

57

Майи майхонадин ман нотавонни манъ этар зоҳид,
Магар файзи илоҳий бориға бу иккида жоҳид.

Вараъ аҳлиға жаннат ичра бўлсун хур ила кавсар,
Манга дайр ичра саҳбо бас эрур, тутғой они шоҳид.

Бўлур маҳбуб боши олдида мажнун кўнгул малкуб,
Онингдекким, жунун аҳли бўлур меҳроб аро сожид.

Жаҳон шавқи аро беҳуда истарсан вафо, эй дил,
Бу бозор ичра билгил ул матоъ асру эрур косид.

Ҳама ишқ аҳли бўлса муттафик бардошт бермаслар,
Муҳаббат бориғаким, бўлмамишлардур манга ворид.

Тарахҳум қилмокин дунё арусидин тамаъ қилмок,
Хаёледурки, зиллат мужиби бўлғой доғи фосид.

Назар қилмас нисор этмак учун маъшуқ аёқиға,
Дилу жон бирла дин нақдин муҳайё қилса ҳар ноқид.

Инониятни қўй, эй нафс, аслинг тийра туфрокдур,
Ададсиз умр кўрсанг, ложарам, бўлғунг анга оид.

Ниёзий чархи золин ақд қилғонлар ҳама борди,
Талок этгил они, бўлсанг агар ўз нафсинга оқид.

Лабларингни шарбатидур оби ҳайвондин алазз,
Оби ҳайвон демайинким, бал эрур жондин алазз.

Куфри зулфинг ишқ элини коми бўлди негаким,
Шаҳдин онинг кўрмиш онлар шаҳди имондин алазз.

Кўзларинг имосидин лаззат етар дилларғаким,
Рамзиға лаззат румузи, чашми ҳўбондин алазз.

Дарди ишкингдин ўлум ҳолиға етганларғадур,
Нутқи жонбахшинг Масиҳ анфосидин ондин алазз.

Васл уммеди бирла бўлгон фуркатинг ушшоқ аро,
Ноумидликдин етушган доғи ҳирмондин алазз.

Зулмати ҳижронда колғонларғадур шамъи рухинг,
Дарҳақиқат, юз туман шамъи шабистондин алазз.

Хотирингдин маҳв килма бир даме маҳбубни,
Эй Ниёзий, ёр ёди зикри султондин алазз.

Зиҳи, сунъинг насими етганидин бўлмаса малзуз,
Недин тинмай фалак жирми ҳубубидин бўлур манфуз.

Масаррат топмаса сайр ичра амринг инкиёдидин,
Нечун пўя урар сайёра бир дам бўлмайин мавкуз.

Савобит маъмани ҳайратда эрди ҳикматингдинким,
Ҳамиша бўлғуси ондин сукун ичра оло манзуз.

Замон давронидур эл устига ҳукминг била дойир,
Йўқ эрса ҳар бири нечун жаҳон айвонидин маҳзуз.

Жамол аҳли жамолинг партавидин гар жамил эрмас,
Недин васли аларнинг ишқ эли ичра эрур малхуз.

Башар бирла малак хайли куяр эрди гар ўртарда,
Хижомоти касира қудратингдин бўлмаса махбуз.

Ниёзийга ажаб йўқ раҳматингдин айламак уммед
Ким, ул «*Ло тақнату*»¹ мафҳуми жамъидин эмас маждуз.

60

Халойикға қазо меҳкомидин ҳар ҳукм эрур нофиз,
На маҳкум ўлса тутмоқ лозим андоқким тутар ножиз.

Ғанимат ҳар нафас бемуҳлат айёми аро билмак,
Керакким, ҳар даме эл қатлиға эрмиш ажал шоҳиз.

Наким манҳийдур ондин ижтиноб айлар худ аҳли,
На аҳкомики шаръий эрди ул бўлғой анга оҳиз.

Жаҳон раъноларининг бебақо эрканлиги мажзум,
Вале йўқдур вафоси ҳам жафову жавридин нобиз.

Матоъи молу дунё буду нобудин хаёл этмак,
Қилур хотирни андуҳгин толейларғадур воқиз.

Маосий нафси зулмотиға келди одати маъхуд,
Ва лекин бўлғусидур ишқу ишрат сориға лоҳиз.

Ниёзий нафси дуннинг хоҳишиға бормагил зинҳор,
Ки шояд қалбинг ўлғой файзи руҳоний била лозиз.

¹ Куръон оятига ишора: «Аллоҳ раҳматидан ноумид бўлманглар».

Ишқ элига бил қатиғ мушкил фироки ёр эрур,
Васл уммеди бирла бўлса бедушвор эрур.

Зикри исми, зикри васлининг таманноси бўлуб,
Ҳар нафасда дарди афзун, меҳнати бисёр эрур.

Кўзларига келмайин уйку даме ҳасрат чекиб,
Турфадурким, кечаву кундуз ар бедор эрур.

Ҳожат эрмас дилларининг киссаси изҳориким,
Юзларида ашқ конидин анга асор эрур.

Маъмани ушшоқ бўлмиш кишвари ажзу ниёз,
Ногахон чикди, фироки дардидин бемор эрур.

Ниш захри ишқ элига нўш таҳсили учун,
Шаҳди шириндур басе аммо қачон озор эрур.

Эй Ниёзий, ёр васли гулшани фақр ичрадур,
Дедилар, истарман они ул қаю гулзор эрур.

Оразин кўрган замон кўнглумдин олғон ихтиёр,
Қайдадурким, шавкидин асру бўлубман беқарор.

Истадим, эй дўстлар, сирри муҳаббатни ниҳон,
Бешуур ўтлиғ фиғоним килди они ошқор.

Чашми хумморин тасаввур айлабон ўздин бориб,
Йиғларам бошим уруб юз қатла ерга зор-зор.

Сунбули савдосидин ҳар неча жамъ истар кўнгул,
Не ажаб бўлсам кўнгул би-л-охири мажнуншиор.

Қошлари қавси қачон миғгон ўқин олғой дебон,
Рашқдин ўтрисида жисми низорим интизор.

Ишқининг саҳбосида бир журъа етгандин ҳамон,
Олам аҳлига нишотимни қилурман ифтихор.

Кўргали сиймин занахдонин хирад бегонадур,
Ташлаб ўздин кўйига борғон эмиш номусу ор.

Бўлмоқи васли муяссар мумкин эрмасдур ва лек
Бодаи васлин топар келтурган ажзу инқисор.

Эй Ниёзий, мақсад истарсан фано дайрига кир,
Тоғасен пири муғон олдида шояд эътибор.

63

Бўл воқиф, эй жону кўнгил, жононингиз келмакчидур,
Тонг йўқ, десам жононингиз, ҳам жонингиз келмакчидур.

Йиллар они ҳажри аро мушток эрурсиз кўргали,
Бу дам сўрарға ҳолингиз сирдонингиз келмакчидур.

Неча висоли ваъдасин этган ҳамон қилғон ҳилоф,
Лутф айлабон ул ваъдаси ёлғонингиз келмакчидур.

Омода айланг кўз уйин мардум хабардор ўлмасун,
Ағёрдин пинҳон бўлуб, меҳмонингиз келмакчидур.

Ҳажрида бемор айлабон, ишқиди зор этган баса,
Бу тун шифобахш ўлғали дармонингиз келмакчидур.

Гулгун узори партави оламга солғон рустахез,
Исонафас лаъли гуҳар афшонингиз келмакчидур.

Тил чек Ниёзий васфидин ногаҳ шуурсиз қолмағил,
Ким, кишвари ҳусн аҳлига султонингиз келмакчидур.

Махвашо, хуснинг гули бир неча кун хандон эрур,
Қадрини бил эсгуча боди хазон меҳмон эрур.

Бўлди чун фарсуда ондин сўнг пушаймондин не суд,
Вақтини тутмоқ ғанимат шеваи хўбон эрур.

Ошиқи ошуфта ҳолидин тағофул айламак,
Лойиқ эрмасдур ва лекин хислати жонон эрур.

Маст эмас васлинг майидин ишқ аҳли негаким,
Қисмат айлангон аларга сўзиши ҳижрон эрур.

Шод эрур васлинг таманноси била маҳзун кўнгил,
Бўлмаса юз орзу олам анга зиндон эрур.

Фуркат айёмида гар ушшоқинга раҳм этмасанг,
Жонлари кошонасида оташи сўзон эрур.

Эй Ниёзий, бу паришон сўзларингни тарк этиб,
Узрини қилгил, йўқ эрса, мужиби хирмон эрур.

Турфа ноз ила ўйнар нозанин ўғлонлар,
Барча оразини нузҳат авжи узра рахшонлар.

Ишқ эли боқар чоғда юзлари очар юз гул,
Борму боғи жаннатда бу сифат гулистонлар.

Юз уза ёзиб зулфи анбарини қилдилар,
Хотири ҳазинимни қайтадин паришонлар.

Айб айламангиз, аҳбоб, андалиб шайдодек
Еткурур эсам кўкка ишқи ичра афгонлар.

Мунфаъил куёшу ой рафъи бурқаъ айларда,
Нега буржи хусн узра барча моҳи тобонлар.

Кўргач ул париларнинг лабларини шавкида,
Ишк элини кўнглидур гунчадек тўла қонлар.

66

Эй дил, масаррат бирла бўл, бу кеча сайёринг келур,
Ошуб солгон даҳр аро сарфитна айёринг келур.

Сели сиришкимни кўруб йўктур ажаб раҳм этсаким,
Эл қатлиға шайдо кўзи ҳар дамда тайёринг келур.

Васл айлар эрсанг орзу дайри фанода кил ватан,
Сайрида суръат кўргузуб, дайр ичра у ёринг келур.

Роҳат насимин эсдируб ақдомининг ташрифидин,
Тан кулбасининг ҳиркатин йўқларға жабборинг келур.

Хуршиди рухсорин очиб, хусн аҳли(н) айлаб мунфаъил,
Тадрижи рафтору хиром авжида тайёринг келур.

Ҳижрон шабини тийрагун этган фирок андуҳидин,
Кулбангни равшан қилғоли маркуб киёринг келур.

Бўлғил Ниёзий мустаъид жон нақдин айларга нисор,
Лутф айлабон хайратинг қилмоқға хайёринг келур.

67

Бўлғил фараҳнок, эй кўнгил, букун малоҳатинг келур,
Топгунг қудумидин шараф, сарви шарофатинг келур.

Нозу адосин ўзгача истаб тараҳҳум қилғоли,
Айлаб тақаллум жонфизо таъби саломатинг келур.

Меҳри узори жилваси оламға солғон рустахез,
Марғубликда хўблар ичра зарофатинг келур.

Ширин забон, писта даҳон, айлаб ўзин элдин ниҳон,
Жон шахсин истаб мезбон сўзда фасоҳатинг келур.

Лутфу карам бобин очиб, лаъли лабидин дур сочиб,
Ҳоли низоринг сўрғоли юзи назокатинг келур.

Зулм-ситам тааллумини олғон азал дастонидин,
Қошу кўзи бедодидин фахру фаҳоматинг келур.

Юз ганжи Қорун ганжидек сарф айласанг камдур ҳануз
Ким, хўбларинг ҳусни хуршиди жохинг келур.

Зоҳидо, гар дайри фано ганжида бўлсанг мунтазир,
Бошқарғали ирфон сари олим кароматинг келур.

Бўлсанг Ниёзий муфтакир тутғил каноат гўшасин,
Ғам чекмагил бир дам анга хотамсаховатинг келур.

68

Жамолинг ламъасидин олам анвоъи мунаввардур,
Нединким, мазҳар ўлмоқ барчаға яксар муқаррардур.

Агар ошуфта ҳар ажнос ҳуснингни зуҳуридин,
Фалак ажроми нечун пўя урмоқда мушаммардур.

Вузуҳи партави нуринг етушгач жавҳари азмон,
Даме топмай тарохий мумкинот узра мудаввардур.

Насими хуш хўйин дарди ижодинг аён килди,
Димоғи барча зий руҳ, зий вужуд ондин муаттардур.

Шуъоъи ҳикматинг олам аро фош ўлмаса қайдин,
Тун-кун навбати бирлан мушаммасдур, мукаммардур.

Таваллудға сабаб абб бирла умм келмак эрур хукминг,
Йўқ эрса абб била умм не абб, не умм муяссардур.

Ниёзийни илоҳий баҳри ғуфрон ичра ғарқ этгил,
Ва гар на кишвари исён анга, ваҳким, мусаххардур.

69

Жаҳон айвони, эй дил, бир куҳан кошона эрмишдур,
Умид этмак онинг ободини вайрона эрмишдур.

Кишиким, амният саҳбосини онда қилур уммед,
Хирад саҳбосидин билма они девона эрмишдур.

Баробар англагон суду зиёнин, буду нобудин,
Халойиқ ичра ҳиммат соҳиби мардона эрмишдур.

Ониким маскани роҳат демасдур ҳам кўнгул бермас,
Эрур ҳуш аҳлиға, бал оқили фарзона эрмишдур.

Жаҳон раъноларидин битмагусидур кўнгул коми,
Нечунким ишқ аҳли ҳар бириға пайкона эрмишдур.

Вафо кўз тутмадилар аҳли диллар даҳр шавқидин,
Жиҳат буким, жафолиғ бевафо жонона эрмишдур.

Ниёзий даҳри дундин ишки роҳат топмағунг ҳаргиз
Ким, ҳасрат маҳалли, балки бир ғамхона эрмишдур.

70

Юзда холинг мисли барги гулга мушкафшон эрур,
Хатларинг лаълингда гўё зулмати ҳайвон эрур.

Жону дил булбуллари кўргач узоринг гулшанин,
Навҳа оғоз айламак бирла баса ҳайрон эрур.

Сунбулинг абри узоринг узра чун бўлди никоб,
Шавкидин ўртанди жоним, кўзларим гирён эрур.

Мунфаъил эрмас юзинг хуршидидин гар офтоб,
Не жиҳатдин ҳар кеча ер остида пинҳон эрур.

Ғафлат аҳли истагайлар сандин уммед узмаким,
Дилбаридин кимга узмак кўнглини имкон эрур.

Топмағай мури ажал ҳаргиз нишоним ахтариб,
Ким, вужудимдин асарни қўймағон ҳижрон эрур.

Гарчи зоҳид мадҳ этар жаннатни майл этмон анга,
Не сабабдин жаннати кўйинг манга яксон эрур.

Эй Ниёзий, тут ғанимат ҳар нафаснинг дафъини,
Ким, бу авқотинг манга андак замон меҳмон эрур.

71

Мажлисим аро бу тун келди турфа жононлар,
Йўқки, топди жонсиз тан тозадин ширин жонлар.

Тийра кулбам ёғду қилдилар шуъъидин,
Хўблиқ сипеҳрида офтоби тобонлар.

Элга мужиби ғавғо аҳли ишк аро ошуб,
Мумкин онча солғучи неча чашми ғаттонлар.

Хизматида бел боғлаб чокару хадимидин,
Ҳар паригадуру пайрав сунбули паришонлар.

Ғамза била нозанин баъзиси менинг сори,
Жон олурни қасд айлаб отди тири бурронлар.

Топди жону дил лаззат сўрғонидин аҳволим,
Лаъли шакарафшонлар, нутқи шаккаристонлар.

Бахт ўлуб Ниёзийга ёвар этдилар масрур,
Зор кўнгилни келгач мунча моҳи тобонлар.

72

Билмадим бу кеча ул моҳи тамомим қайдадур,
Ёруғон шамъи руҳидин тира шомим қайдадур?!

Ҳар тарафга фуркати даштида пўя урғоман,
Гарчи йўк эрди шууримким қиёмим қайдадур?!

Чикди жоним дарди ишқидин, сабо, бергил хабар,
Лаъли жонбахшим масеҳосо каломим қайдадур?!

Ақлу ҳушим нақдини торож этиб мисли жунун,
Айб эмас расволиғимким нангу номим қайдадур?!

Ҳажрида мандин хирад пайкона бўлди оқибат,
Эмди не мумкин вукуфим васли комим қайдадур?!

Сайди васлини умид айлаган ман зордин,
Фуркатининг ваҳшийси ҳар дамда ромим қайдадур?!

Туррасиға, эй Ниёзий, банд эрур кўнглум куши,
Тайри руҳим сайд этарға зулфи домим қайдадур?!

73

Васл базмида лаби лаълиға хуммор ўлтурур,
Фуркати тиғи қилиб бағримни афгор ўлтурур.

Бир тарафдин нотавон жонимға ҳижрон шиддати,
Қасд қилғоч доғи бирдин рашки ағёр ўлтурур.

Дилбарим ҳажри шиканжида таноби зулфидин,
Бўғзима солдики кўз тутғонда дийдор ўлтурур.

Қатл этарга дарди ғам хайли хужум айлаб мани,
Зинда топмаским, хаёли чашми хунхор ўлтурур.

Кўзу қошу лаълдин айру бир ўлмак сахлким,
Ҳар замон юз қатла, бал ҳар дамда сад бор ўлтурур.

Ҳажр аро ғурбатсари дод айлабон зору залил,
Васлиға йўл бермай асло чархи ғаддор ўлтурур.

Эй Ниёзий, поклик бўлсун шиоринг ишқ аро,
Йўкса маъшуқинг фироқида қилиб хор ўлтурур.

74

Пайкари нақшин кўнгул ҳар кечада меҳмон қилур,
Субҳдин мағрибга тегру тинмайин афғон қилур.

Фикратидин юзланибдурким ажаб ҳолат анга,
Ҳар тарафга толпинуб пийроҳанини кон қилур.

Жисм уйи кўйи аро бормаслигин гар истади,
Нотавон дил шавқ ўти бирла они вайрон қилур.

Хусн гулзори тамошосин замир этгач хаёл,
Йўқ ажабким, булбули руҳи равон нолон қилур.

Иштиёқи лашкари жону кўнгулни дастгир
Этдилар, эмди бузуқ тан кулбасин зиндон қилур.

Ҳажр тиғи ғайри маръий қатъ этиб жон риштасин,
Не жиҳатдурким, баданнинг суратин бежон қилур.

Ишкнинг ғоратгари ҳуши хирадни нақдини,
Қасд этиб ҳар дам кўнгулнинг махзанин толон қилур.

Оташи ҳижронини зиндик кўргач дафъатан,
Йўкса ғам хайли ташаддуд кўргузуб туғён қилур.

Кўргали ҳуснингни, эй сийминбадан, гулгунузор,
Мумкин эрмасдур топилмоқ ман каби бир хоксор,

Даҳр аро гар ахтарилса аҳли ишқингни тамом,
Шавқдин йиғларман андоқким саҳоби навбаҳор.

Иштиёқимдин кўнгулда не қарору не сабот,
Қолди не хушу хирад, кетди шакиби истибор.

Тутғонидин куфри зулфинг риштасини оҳким,
Қолмади ҳабли диёнат, не тутарга ихтиёр.

Қасрати таъни маломатдин сенинг кўйинг сари,
Муддатедурким, топибман бормоқимдин инзижор.

Кирганимдин водийи ишқинг аро, эй ҳурзод,
Бўлмасам расми муҳаббатда на беҳбуд устувор.

Дарғаҳинг тавфиға васлингнинг таманноси била
Айб эмаским, топса кўнглимни иънони ичра ор.

Базми васлингда фироқингни тасаввур айласам,
Не таваккуф кўзларимни бўлмоқида ашқбор.

Дашти ҳижронингда саргардонлиғидин неча йил,
Телбалигда топди эл ичра Ниёзий иштиҳор.

Кулбаи аҳзоним ичра йиғлар эрдим зор-зор,
Сўрғали кайфиятин келди бу дам ул гулузор.

Деди, йиғларға сабаб бедоди давронму экан,
Ёки бир пайкаргадурсанму басе ошуфтавор.

Қайси маъшук ишкида оввора бўлдинг бу сифат,
Қайси маҳбубга муҳаббатдин эрурсан жонсипор.

Рост ойгил, қай санамни зулфи қуллоби била,
Нотавон кўнглинг асир ўлғоч бўлубсан беқарор.

Сўзларин англаб муҳиббона дедим, эй хурзод,
Дарди ишкингдаин бутуб(дур)ман бу янглиғ бемадор.

Онча сўзинг ўзга маҳваш ишкидин бир лангмудур,
Қасдинг ўлса, бил, кўнгил уйинда ишкинг гўшвор.

Деди огоҳлиғ Ниёзийнинг камоли ишқиға,
Масканиға чекди раъйим риштасин, эй хоксор.

77

Пайкарининг накшиға накқоши хокон бандадур,
Шаклиға суратгари махсуси султон бандадур.

Оразининг офтобиға фалакнинг ахтари,
Бўлғони янглиғ тасаддуқ моҳи тобон бандадур.

Қуллуқ изҳор айлади жонбахш лаълиға Масих,
Лабларини шарбатиға оби ҳайвон бандадур.

Сунбулини ториға ишқ аҳли кўнгли сайд эрур,
Йўқ кўнгулким, ҳалқасида инс ила жон бандадур.

Ўзни курбон булбул этгандек юзи гулзориға,
Ҳолим ичра ҳар наким бордур гулистон бандадур.

Айлагил яхши тафаккур, не учун аҳли вараъ,
Ул париваш бўлмаса маҳбуби субҳон бандадур.

Камтарин чокарларидин тут, Ниёзий, ўзниким,
Даҳр анга бўлди ризоҷў, аҳли даврон бандадур.

Йўқму шууринг, эй кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,
Ғамга нишотингни бадал қилмоқ учун ёринг келур.

Қилғил муҳайё тан уйин жон нақдин олғон сўзлари,
Жон бермакига тозадин эмди масиҳворинг келур.

Ишратни асбобин қилиб, омода бўлғил мунтазир
Ким, ҳусн мулки тахтига зоти сазоворинг келур.

Кўргузганидин сайрида хуршид янглиғ суръатин,
Комидур огоҳ бўлмоқи ҳолингга сайёринг келур.

Кони ҳаёни мазҳари, нури уйидур афсари,
Меҳру вафо ойинига донову хушёринг келур.

Дин ҳажразига нақб уруб нақдини ислом аҳлидин,
Жаҳру хуфя олғучи айёру тарроринг келур.

Билгил, Ниёзий, муғтанам бу турфа давлатдур санга,
Ким, масканингга ҳолинги сўрмоқга ғамхоринг келур.

Меҳр кўргач бўлди хижлатдин юзингни, эй нигор,
Шармисору шармисору шармисору шармисор.

Топмади оламда бир махваш сенингдек ҳусн аро,
Иштихору иштихору иштихору иштихор.

Бўлмади лаълинг зулоли ёнида ҳайвон суйи,
Хушгувору хушгувору хушгувору хушгувор.

Васлинг уммед айлабон қилдим фироқинг шиддатин,
Ихтиёру ихтиёру ихтиёру ихтиёр.

Тут ғанимат вақтинги, эрмас жамолинг зийнати
Пойдору пойдору пойдору пойдор.

Бемуҳаббат, зоҳидо, зуҳдингга қилғондин не суд,
Ифтихору ифтихору ифтихору ифтихор.

Эй Ниёзий, гар фано қасрига шояд топғасан,
Эътибору эътибору эътибору эътибор.

80

Эй пари, кўйингда саргардон кўнгул мажнунмудур,
Ё кўзунгни фитнаси бирла бaсe мафтунмудур?

Ҳар неча панд этибон раддиға кодир бўлмадим,
Билмадимким, хони алтофинг била мамнунмудур?

Нечалар топмоқ висолинг ваъдаси бирла фириб,
Рост андоқким, бу мийёдинг била маъбунмудур?

Неча муддатлар сари кўйингда маскан айлади,
Бас, замири қурбатинг фикри била машхунмудур?

Қудрати тебранмакига етмаган беморму,
Дарди ишқинг димоғим даштида махзунмудур?

Зухду такво аҳлининг сажжодасидин биридир,
Соҳати кўйингни ёпди, май учун мархунмудур?

Борди, кайтиб келмади кўнгли Ниёзийдин умид
Ўздиму ё тирӣ мижгонинг била мафъунмудур?

81

Хуш тут нишотинг, эй кўнгул, бу тун севар ёринг келур,
Шамшод қад, жаллод кўз, хуршид намудоринг келур.

Ҳолингдин истифсор учун кулбанг сариға азм этиб,
Ҳилму малоҳат маъдани товус рафторинг келур.

Ичгил маишат бодасин, ишрат бисотин солғали,
Гардун нуридин сакратиб ул чашми хумморинг келур.

Ийсосифат жонбахшлиғ шаъниға насабдур вале,
Еткурғали ўлганга рух ҳар дамда тайёринг келур.

Йиллар фироқи шиддати ҳолинг забун айлаб эди,
Эмди тараххум қилғоли шўхи ситамкоринг келур.

Ислом уйини зулфининг куфри хароб этган ҳамон,
Боғлангон ишқи куфрида белга зунноринг келур.

Қилғил, Ниёзий, дил уйин жон нукуши ғайрдин,
Меҳмон бўлурға бу кеча ул роҳатосоринг келур.

82

Бўл фараҳнок, эй кўнгул, бу тун малоҳатлинг келур,
Ҳам қудуми бошараф асру шарофатлинг келур.

Оразининг жилваси оламға солғон рустахез,
Хўбликда хўблар ичра зарофатлинг келур.

Маҳваши пистадаҳан айлаб ўзин элдин ниҳон,
Жонни истаб мезбон сўзда фасоҳатлинг келур.

Ҳар карам бобин очиб, лаъли лабидин дур сочиб,
Ҳоли зоринг сўргали юзи назокатлинг келур.

Ҳам ситам таълимини олғон азал устодидин,
Кошу кўз бедодиға фаҳру фаҳоматлинг келур.

Муддаосин ўзгача айлаб тараххум қилғоли,
Лаълин айлаб жонфизо табъи саломатлинг келур.

Ганжи Қорун ганжидек сарф айласанг оздур хануз,
Хўбларнинг аҳсани хуршид жоҳатлинг келур.

Зоҳиди дайри фано кунжида бўлсанг мунтазир,
Комжўйи ирфон сари олим кароматлинг келур.

Эй Ниёзий, сидқ ила тутғил қаноат гўшасин,
Ғам емай бир кун яна Ҳотам саховатлинг келур.

83

Манга деди бу кун ул чашми хунхор:
Эурсанму висолимға харидор?

Оқизғум конинги, бу муддаони,
Эл ичра ҳар қачон қилғунгдур изҳор!

Дедим: ишқингда асру мубталоман,
Не лойиқ ишқ боби ичра инкор.

Не қилсанг роминга тутдим муфавваз,
Муҳаббатға бўлуб олдингда иқро.

Назар қилсанг мурувват чоғидур бу,
Бўлубман барча ҳажрингдин накусор.

Табассум қилди, деди: куфр зулфим
Била коминг белига боғла зуннор.

Фано дайрида матлубинг, Ниёзий,
Кир, ондин чиқмағил зинҳор-зинҳор.

84

Осмони ҳусн уза хуршиди рахшон сизмусиз,
Топмағон ҳаргиз заволе моҳитобон сизмусиз?

Маҳфили даҳр ичра ҳар тун зоҳир этган нурини,
Тунда элдин сўнмаган шамъи шабистон сизмусиз?

Фитналар барпо қилурға арсаи офок аро,
Элга тиғи кин чекиб ошуби даврон сизмусиз?

Гулшани олам аро шамшод ё сарв саҳи,
Ё гули аҳмар ва ё навгунча хандон сизмусиз?

Водийи ҳижронда ишқ аҳлини саргардон қилиб,
Ишқ ўтиға айлагон бағрини бирён сизмусиз?

Кўрсатиб меҳри жамолин фоний дунё аҳлини,
Айлаган мажнунсифат ҳусниға ҳайрон сизмусиз?

Топғонидин сунбули зийнат қазонинг муштидин,
Истаган ошиқлар аҳволин паришон сизмусиз?

Нечаларнинг гулшани уммедини маъмур этиб,
Қилғучи бир нечаларни хонавайрон сизмусиз?

Ишқ дардининг ҳужумидин Ниёзий хотирин,
Бузғали қилғон кўзини кавсарафшон сизмусиз?

85

Бўлмади ул гулбинининг ғунчаси хандон ҳануз,
Булбули васлинг бу янглиғким анга меҳмон ҳануз.

Дарду ғам еткурмагин бас қилмадиким гўйиё,
Мандин ўзга ишқин аҳлин топмади ҳижрон ҳануз.

Етти самъимға неча қатлим тааххуд қилғонинг,
Билмадим монё на эркан, қилмадинг фармон ҳануз.

Меҳри рухсорингдин айру тийра бўлди рўзгор,
Бу жиҳатдин даҳр уйи эрди манга зиндон ҳануз.

Ҳусн иклими аро аҳли замоннинг кунлари,
Онча истаб кўрмадилар сан киби султон ҳануз.

Оразинг меҳрин аён қилгон ҳамондин мулкини,
Айладинг вайрон басте қолди доғи вайрон ҳануз.

Фурқатинг ичра Ниёзий неча йиллар чекди ранж,
Қайда лутфинг бўлмаса ранж чекмаки имкон ҳануз.

86

Битмаин дунё арусидин муроду комимиз,
Не тақаррур дашт аро, не шаҳр аро оромимиз.

Не ибодат масдаримиз, не саховат мазҳари,
Бир киши йўқим, суруриға сабаб инъомимиз.

Бўлмади ҳилму адаб ҳаргиз шиорим эл аро,
Кимса кўргандур замоне иззату икромимиз.

Қайда дониш қалбимиздур, жаҳл нақди маҳзани,
Не ажаб, топса жаҳолат ичра шуҳрат номимиз.

Ложарам, кирдинг фано дайриға, бўлдуқ майпараст,
Дайр аро пири муғоннинг тарҳидур ошомимиз.

Маидин этмас манъ агар аҳли вараъ хушёрдур,
Бодаким, ғам мускити, гетийнамодур жомимиз.

Эй Ниёзий, сайд этарга васл ваҳшийсин қуруб,
Қилмади беҳуда макру ҳийламингдин домимиз.

87

Нигоро, ман нетай фирдавси файз осорни сансиз,
Фародис ичра, андоқким, гули гулзорни сансиз.

Ниҳоли қаддинг эрди сайрдин бўстон аро мақсуд,
Ва гар на найлагумдур ўзга хушрафторни сансиз.

Тузардин мажлис анда эрди мақсудим сани васлинг,
Не янглиғ истарам бир сохиби асрорни сансиз.

Қарорим бўлмағай саҳрода, ҳам шаҳр ичра, эй дилбар,
Не қилғум боғни, не боғ аро асморни сансиз.

Агарчи ҳурвашдур базм эли бўлмиш манга ағёр
Ким, анда истамасман кўзлари хумморни сансиз.

Жаҳон маҳвашларидин қайси биридур санга матлуб,
Демай маҳвашим нетгум пари рухсорни сансиз.

Ниёзий маҳв қилмас хотиридин бир даме фикринг,
Начу маҳв айлаб истар ўзга дилдорни сансиз.

88

Муҳаббат даштида раҳбарсиз урғондек қадам ёлғуз,
Кўрарман даҳри дундин дамбадам зулму ситам ёлғуз.

Тараб ишратғаҳида бўлмоқимни орзу айлаб,
Даме йўқ кўрмаган ман зорға ранжу алам ёлғуз.

Фано бўлмади қазойи ишқ аро кирган киши янглиғ,
Замон ўтмас мани маҳзунға етмай дарди ғам ёлғуз.

Эмасдур хўблар султонини севмак манинг ҳаддим,
Не мумкиндур гадоға бу сифат урмоқға дам ёлғуз.

Хиёнат зоҳир этди чархи кажрафтор ҳар соат,
Қачон бағримни қилмай қон қилур кўзларда нам ёлғуз.

Етушмай дарду ғам, ранжу алам, зулму ситам ҳар дам,
Манга оё етарму даҳр шўҳидин қарам ёлғуз.

Ниёзий, айлагил аъмоли солиҳ ҳар на мумкиндур,
Умид эт, кетмагайсан ногаҳон мулки адам ёлғуз.

89

Ман ҳазинни, дўстлар, сайр ичра йўлдош айлангиз,
Ким, гирифт ўлмиш димоғим, базм аро бош айлангиз.

Иттифоко қилсангиз ҳар ерга ташрифи қудум,
Ҳамроҳингиз айлабон асрорингиз фош айлангиз.

Гарчи адноман, манга зиллатни нисбат бермайн,
Чоқарингиз бўлғоли ўртода қаллош айлангиз.

Ҳар қусури содир ўлса айб қилмангизлар мани,
Кўзларимда панд бермаклик била ёш айлангиз.

Тушсангиз маъшук кўйи итлари ўртосиға,
Анда онлар туъмасиға жисмими лош айлангиз.

Ишк сиррин англамас бўлсам агар мажлис аро,
Англатурға рамзни албатта сирдош айлангиз.

Гар жунун ортар Ниёзийға тани урёниға,
Отғали санги фалохунни қаттиғ тош айлангиз.

90

Ҳазратида арз этиб ҳар неча ажзу ниёз,
Ишк элидин кўргуси қайси бири гайри ноз.

Хўйи тағофул эрур этмагим эмди не суд,
Шавкининг изҳорида нутқими дуру дароз.

Тори муҳаббат уза урмади тирноғини,
Зулмининг оҳангида тузганида турфа ноз.

Турраси тарроридин накдиға сорик бўлур,
Дин эли устига гар азм этар ул турктоз.

Масжид ичига духул айлаган мукаррар недин,
Қошлар меҳроб аро бўлмаса гар жилвасоз.

Этмас эди бир даме обид ибодатға майл,
Кўнглинга шавқи онинг бермаса қаттиғ гудоз.

Борғонидин кўйига эрди Ниёзийға ком,
Юзини бир кўрмага чикса гар ул сарвиноз.

91

Шиддати ҳажринг олғоли дил уйидин қароримиз,
Кулбаи танда, не ажаб, қолмаса гар мадоримиз.

Кўргали ҳуснинг, эй пари, ақлу димоғ этиб видоғ,
Ишки жунун даштини телбаи номдоримиз.

Турфа таҳайюр ичрамиз самъига етмади ҳануз,
Гарчи етушди ҳар даме кўкка фиғону зоримиз.

Фарти муҳаббатинг била кўйинга ҳар неча бориб,
Восили мақсад ўлмайн кетди ўз эътиборимиз.

Бошими саркашинг босиб, сайр этарингда ўтса деб,
Бўлди тариқинг устида рўзу шаб интизоримиз.

Марҳамат этсанг ўрнидур ишкинг элидин ўлғали,
Дамбадам айлади фузун фурқатинг инқисоримиз.

Зиндалигида бўлмади васлинг агар Ниёзийға,
Мадфани аҳли ишқ аро бўлмоқи бас мазоримиз.

Токи манзур ўлди бўлдук мубтало дийдорингиз,
Бу жиҳатдур бўлмоқимга ишқинг ичра розингиз.

Сарсари оҳим била ашким суйидин сунмаки,
Мумкин эрмас мунфаъл фуқатда ёлгон борингиз.

Айламак зулму ситам бўлмиш шиоринг, ишқ элин
Оташи ҳижронинг ичра ташламоқдур корингиз.

Дарғаҳингдин айру кўб ҳасрат чекиб қон йиғлади,
Лутфинга лойиқдур эмди кўзлари хунборингиз.

Гарчи ишқ аҳли қатли чашми хунхоринг ҳаёт,
Ҳар нафас еткурғусидур нутки руҳосорингиз.

Тинмайин фарёд этиб гулзори ҳуснингдин йирок,
Тушғали тайри кўнгул эрди заҳаб минкорингиз.

Гар Ниёзий ҳолиға қилсанг тараххум ўзлидур,
Ким таашшуқ дардидин ул муддати беморингиз.

Фалак нетдим сани комимча даврон қилмадинг ҳаргиз,
Даме йўкким юрак-бағрим тўлуғ қон қилмадинг ҳаргиз.

Неким мақсудим эрди айлабон ондин мани маҳрум,
Замоне бормудур чашмим не гирён қилмадинг ҳаргиз.

Гуруҳи ғам таҳассур хайли кўнглум кишварин олди,
Бу кишварда фараҳ шохини меҳмон қилмадинг ҳаргиз.

Ажалнинг бистарига дарду меҳнат йикди жисмимни,
Мунга гарчи шууринг бўлди дармон қилмадинг ҳаргиз.

Замона аҳлидин ўтлуғ ситам ҳар дамда еткурдинг,
Топилмас муддате бағримни бирён қилмадинг ҳаргиз.

Муродимча кўзунг қасд қилдинг ўтмаки бир дам,
Эмас мумкин бу қасдингдин пушаймон қилмадинг ҳаргиз.

Эмасму мунча бас бир дилрабо ишқида зор айлаб,
Замон борму асири дарлу хижрон қилмадинг ҳаргиз.

Мани бегона қилдинг ақлу диндин аҳли ишқ ичра,
Киши бормуки дин мулкини вайрон қилмадинг ҳаргиз.

Ниёзий, ложарам, дашти адамни илтизом этти,
Нединким йўқ киши ер била яксон қилмадинг ҳаргиз.

94

Эй қабули дарғаҳинг ажзу ниёз,
Раъфатинг бечораларга чорасоз.

Келди марлудинг замона халқидин,
Айламаклик кибру истиғноу ноз.

Кўйи ишқингда муҳаббат аҳлидин,
Бўлди лозим топмоқи нуру гудоз.

Мағфират роҳи сулукат аҳлиға,
Қудратингдур бўлмоқи дуру дароз.

Бўлдилар ҳирмони зиллат мужиби,
Ҳикматингдин иттимоъу ҳирсу оз.

Навъи инсон илтифотингдин топиб,
Нутқ ила ҳайвон ичида имтиёз.

Бўлмаса лутфинг Ниёзийға муъин,
Топмоға(й) амсоли ичра эътироз.

Эй, жамолингға бўлуб хўбони олам ишқбоз,
Даргаҳингда кўрсатурлар ҳар даме ажзу ниёз.

Дилбари мумтоздурсен йўк эрур олам аро,
Бир кишиким, бўлмағай ишқинг ўтиға жонгудоз.

Кимки топмишдур муҳаббат шарбатидин катраи,
Аҳли ишқ ичра топар наздингда навъе имтиёз.

Бир даме йўкким сенинг лутфингдин этмаслар умид,
Гулшани дайр ичра бўлғон ҳар гулу ҳар сарву ноз.

Турфа маҳвашсан ҳамиша ишқнинг бемориға,
Илтифотинг фартидин ҳар дамда бўлғунг чорасоз.

Бу ажабдур еткуруб баъзиға ҳажрингдин алам,
Баъзини қилдинг висолингда қурбу сарфароз.

Ишқ аро бизни далил этдинг, бировни айладинг,
Қурбатингдин файз топмоқ бирла соҳиб эътихоз.

Барча авсофи мадиҳа зотинга лойиқ эрур,
Бу жиҳатдин келди алайак сандин истиғнову ноз.

Эй Ниёзий, ажз макбул эрканин билдинг яқин,
Илтизом эт они, қил худбинлигингдин эҳтироз.

Эй, сўзинг ушшоқ базми ичра хуштарму эмас,
Зикри авсофинг алар комида шаккарму эмас.

Нукта айтилмоқ жанобинг соридин дил роҳати,
Ошно пайғоми янглиғ руҳпарварму эмас.

Рўзгор аҳли қилурлар боғу саҳро сайрини,
Ишк элиға боғу саҳро кўйи дилбарму эмас.

Дилбаро, кўнглумни ёқдинг худ янглиғ баҳр аро,
Дам урарманким ғамингда дуди маҳмудму эмас.

Сансиз оқшомни шабкўр айлагай ошиқ хаёл,
Ул сифатким, субҳ ҳар кун субҳи маҳшарму эмас.

Мунисим дарду ғамингдур тийра кулбам ҳар кеча,
Уйку келмай кўзга зикрингдин мунавварму эмас.

Ҳажр аро ўлмакка етдинг, эй Ниёзий, ёр учун,
Хотирингда журъати васли мусавварму эмас.

Эй, гўзал қаро бўлғай юзинг, бўлдинг мажлисда бош,
Сиррим ниҳон эрди, они қилдинг халойиқ ичра фош.

‘Ужбу такаббурдин ниғаҳ қилмоқ улусға хўб эмас’¹

97

Сойир ўлуб Маккадин чеккан учун имтирос,
Яъни, кўруб аҳлидин ранжу алам бекиёс.

Солди Мадина аро ранж чекиб сайрдин,
Шахсини ўз зотиға қилмоқ учун эҳтирос.

Сайлади масжид бино қилмоқ учун бир маҳфил,
Етмагини айлабон Ҳақдин онинг илтимос.

Сори эди кориға Ҳақ била кўнгли бўлуб,
Бўлди иморат тамом бешаку беилтибос.

¹ Бу ғазалнинг давоми ёзилмай қолган.

Сомили таблиғ ўлуб бешак умматин,
Дин йўлига халкни қасди эди ихтилос.

Собиқ этиб куфрини, қасди ҳам инкор ўлуб,
Баъзилари топдилар ўз йўлида эҳтибос.

Солим эди топдилар баъзилар ўз таъбидин,
Истамагин назидин мўъжизалар инзимос.

Сойир эканни билиб мўъжиза изҳор этиб,
Ой икки бўлдилар муддат анга эътибос.

Сом тирилди анга мадад эди сўзлари,
Сидки учун куббадек бешакку беиктибос.

Сосими шамшоддек неча сеҳр титратиб,
Олдиға амри била келди қилиб иртижос.

Сойири лайли 'уруж жисми била эрди ул,
Лахзае эрмиш анга бормоқ ила иртикос.

Сочди сўз улким анга йўқ деб аклан 'уруж,
Ўн икки йил муддате лаҳза дурур индирос.

Сокити лоғар фарас муддате ондин топиб,
Бўлди сабук тезрав чун шарафи ифтирос.

Сориб ўлуб тез-тез Маккага фатҳ эттали,
Топди бирор нонидин аскаре тоза хавос.

Сокир ўлуб хамридин аскар гуфторнинг,
Топмадилар қатл учун бўлдилар асру иёс.

Совади ул дин учун фатҳ этибон Маккани,
Хоки Ниёзий анга охиридин инжилос.

Зихи, ишқинг жаҳон мулкида меҳросому эрмас,
Адам зулумонидин чиққан анга дучорму эрмас.

Жамолинг мазҳаридур ломуҳолий барча маҳсусот,
Тафаккур бирлаким, кўз очди Мажнунда борму эрмас.

Эди ҳуснинг зуҳури даҳр аро бешак они кўрган,
Бўлуб хотирпаришон, сийнаси афғорму эрмас.

Хусус аҳли муҳаббат дарди ишқингдин бўлуб мағлуб,
Замоне сикҳати имкони йўк беморму эрмас.

Эрур шавқинг била афлокнинг ижроми даврони,
Заминнинг марказида гўйиё парғорму эрмас.

Ҳавойи файзи ишқинг бирла васлинг орзу айлаб,
Харобот аҳли хору масжид аҳли зорму эрмас.

Ниёзийдек муҳаббат аҳлиға қилдинг фано қасрин,
Карамким, онда роҳат ўзгача атворму эрмас.

Эй, дегони йўқдур шуур мандин санга лойик сипос,
Ким, кунҳи зотинг даркидин келди бәсе қосир ҳавос.

Қадарот мусалламдур санга, топди ҳама ашёву худ,
Аздоддин йўқса нечук бир-бирига мумкин масос.

Гардун қиёми беимод ақлан эрурму дилпазир,
Гар устувориға онинг сунъинг эмас қомил асос.

Кулли нақойисдин эрур зотинг муназзаҳ би-л-яқин,
Улким, бу мазмунға бўлур музмин эрур ул ҳақшунос.

Келди хираддин мумтаниъ аҳли вужуд афродидин,
Бир фардини килмоқ сенинг зоти кудумингга киёс.

Жинси башар ‘урён эди хилқатда лутф айлаб басы,
Қилдинг қарам сатри учун онларга анвоъи либос.

Қилғил Ниёзийни фано саҳбосидин мадҳушким,
Хуш аҳлидин айланмағой зойил бўлуб ушбу палос.

100

Зиндалиқ сури мамоти кулфатиға арзимас,
Асру роҳат жонга назъи меҳнатиға арзимас.

Айш агар имкондин ортуқдур, вале айш аҳлиға,
Даҳр аро чеккан замони ҳасратиға арзимас.

Ҳаддин афзун сайр бордур кимсагаким дурдин,
Бир даме етган малолу ‘усратиға арзимас.

Эй кўнгул, дунё ‘арусидин мурудинг орзу
Қилмағил, васли балойи фуқратиға арзимас.

Ишрат асбобин тамаъ бирла муҳайё айламак,
Лозими жаннат ва лекин зиллатиға арзимас.

Қилмағил равшанзамирингни сирожӣ ҳирсдин,
Эй Ниёзий, ул надомат зулматиға арзимас.

101

Эй (парӣ), гулзор юзинг кўнглум чаманму айламас,
Қаддинг ҳаёли пайкарим сарву суманму айламас.

Манзуринг ўлғоч қошларинг ғамзанг отиб миҷгон ўқин,
Бағрим уй манзилғаҳи новак фиканму айламас.

Фаттон кўзинг чехрам сари қилса нигоҳе ногаҳон,
Қонлиғ юракни кулбаи турлук фитанму айламас.

Оромгоҳи кўнглуми бузди фирокинг шиддати,
Эмди они хилватгаҳи ранжу миҳанму айламас.

Ишқ аҳли қилғоч орзу васлинг гулин ҳосид фалак,
Онларга хори фуркатинг ҳар дам тиканму айламас.

Осуда хол ўлмоқ тилар бўлса кишиким даврдин,
Ўз нафсига фақру фано ганжин ватанму айламас.

Ҳар кимга шўҳи даҳрни бўлса муяссар вуслати,
Ўтмай замон ҳижрон аро чархи куҳанму айламас.

Шамшири ишқинг би-л-охир айлаб Ниёзийни шаҳид,
Эски тўнин 'урён тани узра кафанму айламас.

102

Дил аҳли дилбаридин ўзга ҳикоят этмас,
Ҳар неча зулм етгач, ондин шикоят этмас.

Ўз маҳвашидин айру маҳвашлар илтифотин,
Гар кўрса ҳаддин афзун ҳаргиз сироят этмас.

Чин ошиқ ул эрурким, маъшукдин етушса,
Ранжу алам ададсиз, шавқин ниҳоят этмас.

Ҳар навъ бўлса қилғай маҳбубининг ризосин,
Ўзга ҳабибларнинг васлин риоят этмас.

Кўнгли рамида бўлмай ҳижрон ғамин чекардин,
Кўйидин ўзга ерга асло ҳидоят этмас.

Ужбу риё музирдур, эй шайх, теркин этгил,
Йўк эрса, ёр қурбин лутфу иноят этмас.

Васл аҳли дарғаҳидин қовманг Ниёзийниким,
Ўз ҳолин англағондур, эмди жиноят этмас.

103

Ошиқ улким, дилбари бедодидин дод айламас,
Кўнглини дарду бало домидин озод айламас.

Кўйида неча ҳаводисдин басе ранжу алам,
Шиддатидин ўлгудек ҳолатда фарёд айламас.

.....
Ул халилосо замони навҳа бунёд айламас¹.

Қайғу, кулфат, хайли ғам бўлғай ҳамиша муниси,
Хотирини базми васлида даме шод айламас.

Кўнгилда фикри, тилида (ул) маҳбуби бўлуб,
Ўтқарур умрини бир дам ғайрини ёд айламас.

Алданиб дунё аруси макриға ҳар нечаким,
Жилва қилса ўтрусида ўзни домод айламас.

Аҳли дилнинг мурдасидин бўл Ниёзийким, алар
Ўзларин ҳаргиз вужуд аҳлида теъдод айламас.

104

Дариғо, ул париваш моли дунёни назар қилмас,
Басе қаттиғ кўнгилдур, факру истиғно асар қилмас.

¹ Бу байтнинг аввалги мисраси тушиб қолган.

Жаҳон султонимға таъби онинг ҳаргиз қабул эмас,
Музайян кутр аро-ю ранги жам узра мақарр қилмас.

Ажибдур ҳимматеким, мажлис шоҳидин ор айлар,
Мунаққаш бистарин зар риштани болин айар қилмас.

Маҳалли ҳайрат эрмас бўлмаса ишқ аҳлиға нозир,
Муҳаббат аҳлининг қошонаси сори гузар қилмас.

Кийиб гулгун қабосин, бодпойин сакратиб ҳар дам,
Жаҳон раъноларидек олам ичра шўру шар қилмас.

Саропо мажмаъ ичра ҳилму тамкин манбаъидурким,
Нукот изҳор этарда мажлис аҳлидин ҳазар қилмас.

Ниезий ул гўзал васли учун топшурса жон мулкин,
Маломат лойики эрмас дурур, чунким зарар қилмас.

105

Зўри бозу бирла уммединг гули хандон эмас,
Эҳтимомингдин ҳусули мақсадинг имкон эмас.

Хўблардин балки элдин қатъи пайванд айласанг,
Дарду ғам бирла сиришқ ўрниға кўздин қон эмас.

Ҳодисотиким, муқаддардур табойиъға гарон,
Келгусиким, дафъи анинг нолаву афғон эмас.

Турфаким, саъйи балиғ айлар улус коми учун,
Кўрким, онларға муроди соате меҳмон эмас.

Улки бўлди муниси ҳушу хирад ёзмай бисот,
Ғафлат авранги узра роҳат учун нодон эмас.

Ғайр нақшидин кўнгил кўзгуси холи бўлмаса,
«Биҳи йанжалий би-казо» мазҳари жонон эмас.

Эй Ниёзий, сан киму ким машки абёт айламак,
Шеър фанни асру мушкилдурки, курси хон эмас¹.

106

Жаҳон раънолари ағёрға зулму ситам қилмас,
Ва лекин ишк элига бир даме лутфу қарам қилмас.

Жафоу жавр этардин ўқсумай раҳм этмайин асло,
Сурардин тиғи кийинни дам-бадам харгиз надам қилмас.

Эмас манзури диллар жоми юзлар кўзгуси, яъни
Сикандар кўзгусин кўзгуси жойин жоми Жам қилмас.

Мурур этмас замоне ул жафоу жаврларға, эй ахбоб,
Ки, ошиқдур онинг фурқатида юз ранжу алам қилмас.

Аларнинг илтифоти била сурур айланур хар ким,
Мукофотиға йўқдур муддате ғам узра ғам қилмас.

Жафо зебин вафо ўрниға қилмишдур қазо табдил,
Ки, лавҳи дилларида ҳам мурувватдин рақам қилмас.

Вужуд айвонида чекди Ниёзий бениҳоят ранж,
Нечук эмди маконин манзили кунжи адам қилмас.

107

Эй, кўргач ишқинг донасин кўнглум қуши тортар хуруш,
Ондин терарни фикр этиб, ҳар дам топар завқу хуруш.

Ортар фиғони дамбадам кўйинг сари азм этгали,
Боис не эркан билмадим қатъан эмас ҳар дам хамуш.

¹ У билан шундай жило топади.

Бу навъ фарёди аро чарчаб ўзидин кетганин,
Билгач, анга пайрав бўлуб килди видоём аклу хуш.

Дарди фирокингдин ўлар ҳолатга етдим, войким,
Худ иштиёкинг ҳолати солди юрак-бағримга жўш.

Олти жиҳатдин хайли ғам атрофим олди, эмди ким,
Махлас берур бу хайлидин гар қилмасанг лутфингга дўш.

Дайри фаноға қўй кадам, эй шайх, нафъ этмас санга,
Ботинда худбинлик била зоҳирда бўлмоқ зинда бўш.

Тутғил Ниёзий муғтанам умринг гули авқотини,
Саъй айлагил то бўлғосен ирфон хумидин боданўш.

108

Зихи, кавнайн аро йўқдур сенингдек аҳлами башшош,
Нукуши ҳилмдин тасвир юзингга қазо наққош.

‘Уружинг кечаси зотинг сирожига малак хайли,
Бўлуб парвонадек арвоҳи қудсий гўё хаффош.

Ёруб гардун навардинг тузидин анжум кўзи би-л-кулл,
Кудуминг йумнидин Суббуҳ ила Қуддуслар хашшош.

Рисолат бирла таблиғингга мункир бўлгон эл бўлди,
Жаҳолат даштининг зулумотида умри аро тайёш.

Қилиб баъзилари тасдиқи шаръинг инкиёдидин,
Фараҳ топди ҳидоят бўстонида қилиб ‘айёш.

Муборак марқадинг атрофида коми эрур бўлмоқ,
Улус султонлариға гар муяссар реш ила фаррош.

Ҳама жонлар шафоат қўйига борса қаландардек,
Ниёзий руҳини рад қилмағилким ул эрур қаллош.

Эй кўз, каро бўлғай юзинг, тўқдинг мажолисда ёш,
Сиррим ниҳон эрди они қилдинг халойик ичра фош.

‘Ужбу такаббурдин нигах қилмок улусға хўб эмас,
Авбошға Ҳақ дўсти мумкин эрурким, бўлса ёш.

Маълум эмасдур солиҳу фожирға уқбо эртаси,
Олам аро манзуридин аҳволға ҳусни маош.

Ибрат била кўргил салаф миннатсиз этдилар карам,
Гарданлариға ғайрнинг силлисидин қилмай талош.

Қачонким, ўз матбахи атрофида андоки дуд,
Ҳасрат чекар жавр аҳлининг кўриб қазони ичра ош.

Манъ этди дунё корини ҳар дамда кўруб ўтником,
Дафъ айлағай уқбо ишин ҳар лаҳза теъдоди камош.

Кўрмас муҳаббат файзини ўтмай вужуди кофидин,
Айлаб Ниёзий жустужў кўксида гар синдурса тош.

Хато қилдинг адувнинг қавлиға гўш,
Ки, аҳди дўстни айлаб фаромуш.

Қаттиғ кўнглинг эмас ҳолимға вокиф,
Қилурман дег янглиғ дам-бадам жўш.

Халос ўлмас кўнгил фикринг кўлидин,
Магар вақтики бўлсам масту мадҳуш.

Агар бўлса, даргоҳинг бўлса қилғум,
Муяссарким, эмас мумкин ҳам оғуш.

Ғамим кўнглумда мастур эрди, ваҳким,
Насими субҳ ондин олди сарпўш.

Хирад, дер, урма ҳаргиз ишқдин дам,
Қабул этмас кўнгул бўлмокни хомуш.

Паришон сўз Ниёзийдин тонг эрмас,
Анга бегона бўлмиш ақл ила ҳуш.

111

Бировнинг дилбариким, лаҳза ағёра ёр ўлмиш,
Ўзин рашк ўтиға солмасға не янглиғ қарор ўлмиш.

Йиқилғон ишқ дарди шиддатидин топинур чоғи,
Турарға қайда вуслат шахидин ўзга мадор ўлмиш.

Ғанимат васл базмин билмади мунглиғ кўнгил, лекин
Қилиб кўйида маскан, эмди бир кўрмакка зор ўлмиш.

Кишиким, бевафо маҳбубнинг ишқи танобини,
Солибдур гарданға водийи фуркатда хору зор ўлмиш.

Ҳавойи файз ишқи нечаларни кўйига чекди,
Бориб ётмас аларға ул маҳал фирдавсвор ўлмиш.

Иҳота айлаб атрофим, балийят тоши жисмимни,
Саги бегонадин хифз этгудек маҳкам девор ўлмиш.

Висоли ваъдаси албатта ёлғонким, Ниёзийдек,
Вафо уммедин этганлар ҳолати интизор ўлмиш.

Эй, дарди ишқинг этган ахволими мушавваш,
Кўнглум саҳифасида меҳри руҳинг мунаққаш.

Ҳар неча ром этай деб фикринг кушини қилдим,
Саъй узра саъй, лекин таъби эрур мувахҳаш.

Ихлосу эътиқодим розилиқингдур аммо
Маълум ўлур қилинса атворими мунаққаш.

Фирдавси ёдинг эрмиш асбоби айш кони,
Тонг йўқки, бўлса ондин ошиқларинг муайяш.

Баъзини лутф бирлан қилсанг агар сарафроз,
Бўлмасму ул висолинг бўстонида мушаббаш.

Йўқ қилмаса Ниёзий ўзлукни ҳаргиз ўлмас,
Йўқликни ошёни авжи уза муашшаш.

Эй, оразинг ҳусн авжида сунъи илоҳийдин куёш,
Бу турфадурким, шаб ўлуб эрмиш куёш устида кош.

Не тонг, ҳукми сунъдин ҳусн оламининг арсасин,
Равшан қилур бўлса агар, айлаб юзингдин нур фош.

Гардун хироминг изига эл юзларин суртмак учун,
Кўйинг аро айлаб ҳужум ҳар дам қўёр бош узра бош.

Сайринг аро кирса улус ногаҳ жамолинг тушгуси,
Ўт жонлариға, кўзлари қилғой жигар қонини ёш.

Ҳажринг асири ишқ эли бўлғоч фиғону ноласи,
Ором олурда руҳдин айлар фалак чўфин харош.

Зохид хиромингни агар боғ ичра кўрса ногаҳон,
Маслуб ўлуб ақли, тузар девоналар бирла маош.

Маҳзун Ниёзий дарғаҳинг ходимларидин бўлмоқи,
Мумкин эмасдур итларинг силкида бўлғой эрди кош.

114

Кўзларинг бедодидин жонлар кўнгул шоҳиға дод этмиш,
Ўзи кўрган ситамни шаҳ раъиятларға ёд этмиш.

Шууринг бўлғоч онлар дод-бедодиға ойининг,
Тағофулдур, вале ҳажринг алар додин зиёд этмиш.

Ажаб маҳбуби мавлодурсан, олам аҳли фаҳр айлаб,
Мунгаким ўзларини хидматингда хоназод этмиш.

Улус ҳар сориға сайр айлабон топмай мисолингни,
Сани ҳақ аҳлининг султонидур, деб эътиқод этмиш.

Фалак ушшоқнинг максуди сори ҳаргиз айланмас,
Вале ағёрни комича даврон бирла шод этмиш.

Хужум айлаб фироқинг оташи тан мулкига тушгач,
Муайян бил аломат қўймайин қатъан румод этмиш.

Ниёзий ишқинг ичра арз этар ажзу ниёзини,
Нединким, ишқ уйиға ажзни сонё имод этмиш.

115

Эй, меҳри рухсорингға зеб ўлғоч қаро кўз бирла кош,
Ҳар дам назардин ўт солур жонлар аро кўз бирла кош.

Ислом эли мағлуб ўлуб, бирига бири кон ютуб,
Оламни қилди аҳлиға мотамсаро кўз бирла кош.

Икки килич бирла икки субок эрурлар, эй кўнгул,
Хунрезликда айлаган кўб можаро кўз бирла кош.

Шамширлиг сайёддурким сунбулинг доми аро,
Қилмокға жонлар сайдини чархи яро кўз бирла кош.

Ишк аҳлининг катли учун омодадурлар дам-бадам,
Бу ишда не имкон демак чуну чаро кўз бирла кош.

Тифли бало тоши учун зоҳид сенингдек нечани,
Бу ишда не имкон демак чуну чаро кўз бирла кош¹.

Кўргач Ниёзийни шаҳид дашти ишқинг дардидин,
Кўйида шабранг киймаки йўк ифтиро кўз бирла кош.

116

Фалак ойини 'имронлар вайрон айламак эрмиш,
Доғи вайронларни ерга яксон айламак эрмиш.

Замона аҳлидин баъзисининг комин раво айлаб,
Неча кунлар масаррат ичра хандон айламак эрмиш.

Мазаллат хокиға пайваст этиб баъзиларин ҳар дам,
Мушавваш хотирин чашмини гирён айламак эрмиш.

Йироқ айлаб ватандин бизни ғурбат даштиға солиб,
Хиёнат қилмоқида неча имкон айламак эрмиш.

Муқим айлантуруб бизни маконида карам бирлан,
Маишатхонани олдида чандон айламак эрмиш.

Бировни бир париваш ишқида зору ҳазин айлаб,
Онинг ҳажри аро чоки гирибон айламак эрмиш.

¹ Бу мисра икки марта такрорланган.

Ниёзий чарх қасри эски меҳмонхонаедурким,
Иши ҳар тун сенингдекларни меҳмон айламак эрмиш.

117

Шоҳиди нозик бадан мажлис аро келса кош,
Базм эли қўйғой эди ул дам оёқиға бош.

Шод ўлуб этгай эди барчаси бирдин фиғон,
Торими аъло юзи топғудек ондин харош.

Шобб гар шайхдур юзини кўргач бўлур,
Телбасифат ҳам топиб тайри хирад эҳтивош.

Шок дил рашкдин тайри чаман душмани,
Бўлғуси гулшанда гар ораздур нур фош.

Шод муҳаббат била орази гулгунини,
Кимки кўрубдур бўлур пайкар анга имтиҳош.

Шофийи асқомдур шарбати лаъли онинг,
Нуктаси жонбахш, жон ондин ўлур иртиёш.

Шоҳини дилдур базе жонға фараҳ еткурур,
Хотир аро топмоқи ҳайъат аро интиқош.

Шойибаси ғайрнинг ишқ элига еткуруб,
Ўзгача ранж, ўзгача рашк била ихтимош.

Шокқа эрур ҳажр, ҳажр ўти рашк ўтидек бу иков,
Муттафик ўлса агар даҳр элиға интитош.

Шомиҳ эди васлининг қасри агар аҳли ишқ,
Етмагуси неча йил айласалар инкимош.

Шояд ул ой фурқати йиллар ўтуб васлиға,
Бир дам ўлуб дастгир бўлғай эди имтирош.

Шоми ғарибон анга бўлғай эди бир туни,
Зикри ҳабиби била тонггача тузса маош.

Шорид эса аҳли ишқ, тонг йўқ, они кўйига,
Ғайрида рашк ўтидур, топмас алар интиёш.

Шоъил эрур ишқ ўти киргали кўймас хирад,
Ёнмоқ иш эрди анга, ул бўлодур марди тош.

Шоири шаҳ бўлмоки эрди Ниёзийға бас,
Бўлмаса, шоирлари силки аро роҳдош.

118

Дилбарим эрканини жони жаҳоним билмиш,
Ҳажрида эканини оғрима жоним билмиш.

Ишқ домиға гирифтор эканимни неча кун,
Бир ниғаҳ айлагали қоши камоним билмиш.

Нақди жон бирла талаб васли қамошин қилурим,
Рад этибдур мағар ул писта даҳоним билмиш.

Дашт аро сайрда ифроти жунунимни кўруб,
Асру зийраклигини сирри ниҳоним билмиш.

Васлини ваъда Ниёзийға қилибдур гўё,
Ишқ аро пок эканин сарви равоним билмиш.

119

Ёр васлинг бирла қилғил дарди ҳижрондин халос,
Йўқса айларман биҳил қоним қил жондин халос.

Ўт уруб этмиш кўнгул кошонасин ишқинг хароб,
Жонға миннатким они қилди бу вайрондин халос.

Дарду ғам хайлин азал қилмиш вужудим бастаси,
Тайри ваҳший бўлмаса, тонг йўк, Сулаймондин халос.

Улки амрингдин белига боғламиш зуннорини,
Ким, қачон фармонпазиринг бўлғой имондин халос.

Гар(чи) хуббинг нуридин ёғду муяссардур манга,
Истамон бир дам бўлурни нури имондин халос.

Чекди масжиддин мани майхонаи ишқинг давом,
Илтифот этди бача килди бу зиндондин халос.

Эй Ниёзий, ёрнинг васлин таманно айласанг,
Ўшаи гут, қил ўзингни аҳли даврондин халос.

120

Зихи, сур аҳли лутфингдин эрурлар дамбадам раққос,
Бўлур сук аҳли қаҳрингдин маошиға бача наққос.

Башар жинси мусаддақ содик ўлмоқ раъфатингдиндур,
Қазо устоди тақдиринг бида бўлғон эди хаввос.

Килиб суратда хотам ҳалкасидек хайли анжумни,
Фалакнинг сафҳасида сабт этарга ҳикматинг фассос.

Атуфингдин жаҳон султонларидин ҳукмдур нофиз,
Йўк эрса, боғийларға не учун бўлғой алар ваккос.

Тарикат аҳли ваҳдат гавҳарин гар истамас бўлса,
Недин бўлғой баҳори маърифатни қаъриға ғаввос.

Ниёзий ҳамма журмиға афвинг хомасин чеккил,
Агарчи бўлса ҳам лаззати жисмоний учун ҳаррос.

Эй, топиб ҳақ русул ичра маротибда хусус,
Ким, анга ақволи меърожинг эрур гӯё нусус.

Ул куни тутдинг нубувватни хўжаста ҳалкасин,
Сўнгра мумкин бўлмади инсонға ул янглиғ қусус.

Муъжизотинг гарчи кўрди нечалар такзиб учун,
Очдилар тил, топмадилар куфр домидин хулус.

Шаръи дининг арсаи оламда шуҳрат топғали,
Қайси адён пардаси қолди бу тун бўлмай дусус.

Тезрав ҳам фарбеҳ ўлди маркабинг бўлғон ҳамон,
Ул фуруским, эрди аввалдин ниҳоятда нухус.

Улки эрмас маърифат сидқингға дини нақдини,
Олди шайтон хуфятан, андоқки, муҳарраздин лусус.

Мунфаъил бўлғой Ниёзий журмидин лутф этмасанг,
Ҳашр аро этгач шафоатни ливосиға нухус.

Фироқинг дардидур жонимға махсус,
Қоши шамширидек конимға махсус.

Тахайюл раҳшини фикрида сурмак,
Кўнгул васфида майдонимға махсус.

Кўзи ўлтурса жон бермак сўзидин,
Менинг ул лаъли хандонимға махсус.

Не мумкин элга билмак ишқи май пок,
Ким, улдур сирри ниҳонимға махсус.

Муҳаббат аҳлини қатлига сурмак,
Жафо тигини жононимга махсус.

Бало ажноси ғам хайлига топмоқ,
Тамаккун тийра айвониға махсус.

Ниёзий онча шўришким кўрарсан,
Бори ошуби давронимга махсус.

123

Эй дил, тиларсан бўлмокинг доми тааллуқдин халос,
Дашти адамда нафсинг эт элга тафаввуқдин халос.

Гар ботинингга хубсни алойишидин поклик,
Истарсан, ўлғил хўйи бад била таҳаллуқдин халос.

Мақбули омма бўлмокинг гар матлабингдур, айлагил
Аҳли замон била маош ўзни таҳаккуқдин халос.

Дайри фанода топғасан файзи муайядни агар,
Элдин алоқа қатъ этиб, бўлсанг таҳаллуқдин халос.

Авкоти умринг сахл эрур, айши учун фикр айлабон,
Инжитма дилни бир даме бўлғил тааммуқдин халос.

Дунё арусидин агар ранжу ино кўрмай десанг,
Кўнглинг висолиға анинг қилғинг ташаввуқдин халос.

Кўйсанг Ниёзий ўзлукинг аввал натижа бу эрур,
Аҳволинг ўлғой ҳар даме жинси тағарруқдин халос.

123

Эй, хуш ул кун эрди, эрдим базми васлинг ичра хос,
Фурқатингдин иш манга эмди бўлубдур эътисос.

Билмайин кори муҳаббатни зиёда шиддатин,
Шуғл қилдим ногаҳон кўрдим ман ондин илтиҳос.

Ишк бозори ҳароратлиғ эрур, ҳар ким анга,
Кирса, дастидин матоъ ихтиёри индилос.

Ҳар киши қилса ҳузуримда ҳикоят васфинги,
Истарам итмомидин аввалроқ они иқтисос.

Гар муяссардур рикобинг бўси жон нақдин бериб,
Хуш кўрарман, чунким аввал бордур зиёда ирнихос.

Айладим ишқим камолин орзу ҳажринг аро,
Кўрқарам онинг хужумидин топар деб интиқос.

Эй Ниёзий, қил тарабгоҳи фанони ихтиёр,
Топмагунг йўқса ҳарими маҳвашингда ихтисос.

124

Эй, етиб юзинг шуъоидин маҳи анварга файз,
Сайр аро андоқки етмишдур шаҳи ховарга файз.

Мазҳар ўлғоч топди бир кайфияти анботни,
Пўя тинмай урди етгач гунбази ахзарга файз.

Етмаса гулшан уза гулзори ҳуснингдин насим,
Бўлди булбулга наво қайдин, гули аҳмарга файз.

Зоҳир ўлғондин бири ашёда ҳуснинг жилваси,
Ҳосил айлар хослар қилса назар мазҳарга файз.

Гар етурмас раҳматинг майхона сори зиллини,
Етди қайдин ул уй ичра акбару асгарга файз.

Ичмагандек ваҳдатинг саҳбосидин бир катрани,
Етмагай кавнайн аро ҳаргиз бани асгарга файз.

Сол Ниёзий кўнглига, ё Рабб, висолинг шавқини,
Токи етгай дамбадам бу афқару аҳқарға файз.

125

Субҳи азалда оразинг хуршиди рахшондин ғараз,
Шоми абадда, ул сифатким, моҳи тобондин ғараз.

Аҳли муҳаббат топмоки зулматда ҳайвон чашмасин,
Не комиким, лаълинг суйидур оби ҳайвондин ғараз.

Васлинг муяссар бўлмоки маҳшарда ушшоқ аҳлиға,
Чекмаклари умри аро кўб дарди ҳижрондин ғараз.

Бу турфадурким, бир даме орифға марзотинг эрур,
Рўзу шаб ичра тинмайин ўзга султондин ғараз.

Топмоқ харобот аҳлиға майхонада файзу сурур,
Ҳар кун хуммори дафъиға ул сари жавлондин ғараз.

Хуррамлиқингни истамак куффору ислом аҳлиға,
Бирига эрди куфрдин, бирига имондин ғараз.

Эмди Ниёзийға адаб тарк этганини афвидур,
Кўз ёшини жорий қилиб, фарёду афгондин ғараз.

126

Куёшдек ул пари ҳусн авжида нишон килур ораз,
Кавокибдек ҳама маҳрўйлар пинҳон килур ораз.

Узорим ишк дашти ичра суръатидин кизарғондур,
Эмас мумкин демак рангин сиришки кон килур ораз.

Умидим тийра шомин лутф этиб ногаҳ висолини,
Етурса, субҳи уммедим касе рахшон килур ораз.

Ажаб дурдин матоъи қасдиға хинду карокчисен,
Ҳамиша сафҳасининг устида меҳмон қилур ораз.

Не тонг, бу юз жодусидин ғамза рангин этиб зоҳир,
Қиёмат шўришин олам аро чандон қилур ораз.

Табассум чоғида лабдин зулол шукрин мавжуд
Этар, сўзларда лекин жўшиши ҳайвон қилур ораз.

Жамоли рўятин қилғоч таманно бурқаъин солиб,
Ниёзийға умиди кулбасин зиндон қилур ораз.

127

Эй, нубувватда келиб сидқинг каломи ифтироз,
Кофир ўлди улки тасаддуқингдин этди ифтироз.

Чунки равнақ топди дининг арсаи офок аро,
Қайси бири қолди у ёндин етушмай интиқоз.

Маркабинг тузидин айру бўлғали олам кўзи,
Қайда кўргай ёғдуқим, зотингға йўқдур эътиёз.

Рахшинг изига 'уружинг кечаси суртуб юзин,
Қолдиким, кўз кўрмади руҳи русулдин инхифоз.

Топмағондин сандин ашфаънинг вужудин аҳли дин,
Пўя урғой ҳазратингға топса олам инқироз.

Куфр хайли чанд исломинг мушаддад кўрдилар,
Топдилар бўлмай муқобиллиқға имкон инҳизоз.

Марҳамат қилгил Ниёзий ҳолиға маҳшар куни,
Бўлмағой шояд гуноҳи қасратидин имтизоз.

Эй сабо, қилғил забун ҳолимни гул ёримга арз,
Айлагил такрор этарда меҳри рухсоримга арз.

Васл сахбосига ҳижронида хуммор ўлғоним,
*Баъда ухро марратан*¹ қил чашми хумморимга арз.

Муддаъийларни сўзидин бўлғонимни талхком,
Неча мумкин айлагил лаъли шаккарборимга арз.

Саҳв этармукин тағофул кўргузуб айлар жафо,
Илтимос улдурким, они қил жафокоримга арз.

Ўлгудек ҳолатга етдим, сустлиқ қилма они,
Келди лозим қилмоқинг ул шаҳди гуфторимга арз.

Қилғонимни жон дилдин ишқини куфрин қабул,
Дамбадам қил сунбули мушқини зунноримга арз.

Хонақаҳдин дайр сориға Ниёзий азмни
Айламак бўлди муносиб, шўхи айёримга арз.

129

Топмағунг, эй дил, жаҳон айвонида ҳарғиз нашот,
Не фароғат, не фараҳ манзилидур бу работ.

Аҳлидин асло тама қилма мурувват жавҳарин,
Йўқ аларға раҳмдин андозан раъсу-л-хиёт.²

Тарк эт улфат тутмоқинг онлар билаким, дарду ғам,
Кўрди улким, айлади бир дам алар бирла ҳалот.

¹ Биттадан сўнг такрор.

² Раъсу-л-хиёт – игнанинг учи миқдорича.

Батни ғабро манзилингдур, охири не суд эрур,
Муддате умринг агар кўк атласин қилсанг бисот.

Англағил мисдоки оламға бақонинг йўқлигин,
Бўлмагондек лафзи оламнинг хуруфиға нукот.

Ҳаддин афзундур ҳаётингнинг агарчи муддати,
Сустлик юзлангуси сўнгра бўлуб афзун мухот.

Эй Ниёзий, тинмайин Ҳақ зикрига машғул бўл,
Шояд ондин бўлмагойсан бастаи доми кулот.

130

Эй, аносирға камоли кудратингдин иртибот,
Етмаса, ажсом аро қайдин топарлар ихтилот.

Мумкин эрмас бўлмаса сандин арода топмоки,
Бир-бирига истикоку иртифоъу инҳибот.

Ҳар мавжудеки, қабзиятни қилмиш илтизом,
Ҳикматингдиндур анингдек улки топмиш инбисот.

Турфа тақдирики кофир ваҳдатинг такзиб этиб,
Келди тасдиқи онинг ислом элиға иштирот.

Кимга лутфинг афсари илму адаб бошидадур,
Қаҳринг ўлса жаҳл роҳида топар ул илтифот.

Улки макбулинг эди эл ичра топти иззу жоҳ,
Етти мардудинг ҳисоби пардасиға инхирот.

Баҳри ғуфронингға жўшиш мунжазим келди, не ғам,
Гар Ниёзийға жарима кофдиндур имтиғот.

Сафхаи рухсоринг унда хол эмас қўймиш нуқат,
Котиби тақдир анга ёзмок учун зангор хат.

Хатдин аввал нуқтанинг изҳори асру турфадуру,
Қайси котибдин нуқат хатдин бурун топғай сикат.

Ҳаддин афзундур муҳаббат нотаваон кўнглум аро,
Ул сифатким, дарди ҳижронинг баса келди шатат.

Фуркатингдин онча имкон йиғладим, Фарҳоду Қайс
Зинда бўлса топмағайлар кўз ёшим рудиға шатт.

Баҳри ашким ғарк ўлди куруғ жисмим они,
Кўрган эл қилғой хайл андоқки юзмиш сувда бат.

Ишратинг ағёр ила ишқ аҳлидур зору ҳазин,
Қайси бир дилдорға кирдор келди бу наMAT.

Маскан этгил фақр қўйин, ажзинг изҳор айлагил,
Бўлмағой шояд Ниёзий дилбаринг бир дам сахат.

Зихи маҳбубким, ишқи била ҳажри эрур маҳлут,
Висоли тавсанидур 'ажз, эски ҳасбиға (?) марбут.

Таажжубдурки, маҳжуриға қабзият ёвушмаским,
Хаёли васлидин бўлғуси ул ҳар хол аро мабсут.

Бировким инкисор ўлди, шиори йўқ ажаб ҳар дам,
Висолининг нишоти етганидин бўлса ул маншут.

Муҳаббат маркабига нозу истиғно юкин қўйғон,
Тарики ишқида албаттадуру умри аро малкут.

На мустасно гўзалдур рутбасининг рифъати ҳадсиз,
Онингдекким, жалол иззати асло эмас маҳбут.

Тавассул соғарин саршор кўрди хонақаҳ аҳли,
Вараъ била онинг шурбини истаб бўлдилар мағлут.

Ниёзий базми васли ичра бўлмоқ орзу қилсанг,
Вужудингдин кечиб оламда фоний бўлмоқинг машрут.

133

Эй кўнгил, хизмат қилурни айласанг ҳар бор шарт,
Дайр пириға этарни айлагил зинҳор шарт.

Воқиф ўлғилким, бу навъ хизматни қилсанг илтизом,
Маҳкам айларга белингни бўлғуси зуннор шарт.

Гар тиларсан ишқ даштини анга тарғиб учун,
Хушлиқо маҳбубу маҳваш кўзлари хуммор шарт.

Чунки кирдинг ишқ водийси аро, хомуш бўл,
Ким, онинг аҳлиға ҳаргиз келмади гуфтор шарт.

Ҳажр ўтиға куймакинга бўлди мужиб бузёкинг (?),
Бевафони суймайин деб айлабон такрор шарт.

Ошкор этма жаройимдин айбинг эл аро,
Ким, эмасдур тавбанинг асҳобиға изҳор шарт.

Эй Ниёзий, фоний ул озурда қилма кимсани,
Ким, фано ойинида қатъан эмас озор шарт.

Куфри ишқинг мубталоси қилмағой имонни ҳифз,
Шоғили Инжилдекким, айламас Фурқонни ҳифз.

Улки васлинг фикрин, исминг зикрин этти, қайдадур
Қилмоқи олам аро афсонаи давронни ҳифз.

Бўлмағон йиллар висолинг бирла бир дам комёб,
Қилғон эрса, тонг эмасдур, дафтари ҳижронни ҳифз.

Ишқинг аҳлиға фалак ёғдурди борони фироқ,
Йўқ шумори кимса қилғой қатраи боронни ҳифз.

Мухбиси дунёда маҳбус эрди улким айлади,
Иштиёқингдин ҳама дарду ғам зиндонни ҳифз.

Шаҳди зикринг зоиқидур хонақаҳ аҳли, не тонг
Қилсалар асрорлардин зоҳиру пинҳонни ҳифз.

Раҳматинг борида беғамдур Ниёзий, гарчи ул
Журми базрин сочсун, этсун хирмани исённи ҳифз.

Не навъ лаҳн эди бу жонга офат, эй ҳофиз,
Ки, олам аҳлиға солди киёмат, эй ҳофиз.

Унунда нағмаи Довудға ҳусул эмди,
Бўлурму булбули жонға саломат, эй ҳофиз.

Ажабки, савтинга жонлар қулоқлари сомёь,
Магар анга эди асру шарофат, эй ҳофиз.

Ул эрди аҳли надомат тиловатинг вақти,
Ёнингда қилмади бир дам иқомат, эй ҳофиз.

Ўлук тирилмаки коми эди Масих дамидин,
Не қасдинг этгали жонни каромат, эй ҳофиз.

Эшитса аҳли вараъ мустақим лаҳнингни,
Кетар алар ишидин истиқомат, эй ҳофиз.

Ўқурда келди Ниёзий жанобинга акнун,
Не хуш қасрида бўлғай давомат, эй ҳофиз.

136

Ҳамиша тилда зикринг эрди малфуз,
Бу янглиғ дилда фикринг бўлди малҳуз.

Унутдум ҳарфи васлинг телбалиқдин,
Фироқинг дафтари кўнглумда маҳфуз.

Ичарман фурқатинг захрин дамодам,
Бўлай деб шахди васлинг бирла маҳзуз.

Жамолинг тушда кўрмак бўлса мумкин,
Тиларман уйкуким, андин не мавкуз.

Муҳаббат аҳли эрмас улки бир дам,
Бало тоши бошидин бўлса мавкуз.

Дема, эй шайх, пандинг ман ҳазинға,
Не воиз бўлди манзуриим, не мавъуз.

Ниёзий ишқ бозусиға мағлуб,
Агарчи бозусидур асру мағлуз.

Эй, килиб кўнглим уйида дарду ҳижронингни жамъ,
Айладинг хуни жигарни кўзда ашк ўрнига дамъ.

Нолаи зорим эшитган элга ғам юзлангуси,
Марҳамат гўшидин они килмадинг бир қатла самъ.

Фуркатинг зулумотин айлар орзу мунглуғ кўнгул,
Негаким, васлинг хаёли машъалидур онда ламъ.

Иштиёкинг гавҳарин ҳар неча тергач жону дил,
Турфадурким, бўлмади онларға бир дам хирсу тамъ.

Улки, густохона ишқинг кўйиға кўйди кадам,
Кўргуси хайли балодин лаҳзада юз зарбу камъ.

Дашти ҳижронинг аро ўлди Ниёзий, бўлдимки,
Қайда топғай қабрин эл ёқмоқ учун устига шамъ.

Эй, 'уружинг кечаси келди маконинг муртафеъ,
Не макон ондин рафиъ ўлғой, не манзил муттасеъ.

Келди сайрингга замон ўтмай ниҳоятлар макон,
Бўлди зотингдин замон янглиғ маконинг мункатеъ.

Турфадур ҳақ заъфға не манзил ўлди, не макон,
Хурдадонларни 'укули бўлди ондин мундафеъ.

Ҳақ килиб таслимдин сўнгра «ҳабибий» деб нидо,
Жон кулокидин каломиға бўлубсан мустамеъ.

Ҳар на матлубинг ижобат бирла бўлди иктирон,
Барча максудинг хусули бирла топди муштамеъ.

Ражъатинг бирла 'уружинг вакти бир он бўлмади,
Ким, бу сайр ижодиға Ҳак зоти бўлмиш мухтареъ.

Заҳри исёндин Ниёзий бехуд ўлса ҳашр аро,
Айлагил они шафоат шарбатидин мунтафиъ.

139

Зиҳи, шоирки, абёти қабул айлабдурур тактиъ,
Анингдекким, бори алфоз рангиғадур тасжиъ.

Аруз илмиға моҳирдурки, қонуниға бўлмишдур,
Мувофиқ гар ғазал ондин зикри тахмис ё таржиъ.

Тамоми баҳр авзонида ашъори келиб бешак,
Ва лекин самъидин сомиъларига етмайин тасдиъ.

Тузубдур риштаи жонларға сўз гавҳарларин гўё,
'Абас келди анга авқотини қилди демак тақниъ.

Бировким, кофия файхони билмай шеърдин сўз дер,
Анинг ҳаққида агар айтилса ансаб бўлғуси ташниъ.

Машаққат келди қилмоқ назм ила алфозни тардин,
Тасомух роҳиға йўқдур онинг боби аро тавсиъ.

Ниёзий машки ашъор айламакни илтизом этсанг,
Тафаккур раҳиша кўргуз онинг майдонида тасриъ.

140

Эй, жамолинг партави бўлди бори ашёда шоъ,
Улки, бул нур андадур, қилмас вужудиға вадоеъ.

Аз вужуди бирла улким, даҳр аро бедор эди,
Топди йўқлик хобини йўқ бўлғоч андин бу шуъоеъ.

Хоҳишинингдин халқ аро амну фароғатга зухур,
Бу сифатким, вокиъ ўлмок шўру шарр, сулху низоъ.

Барча мавлудот ижоди ироданг гар эмас,
Не таваллудга сабаб бузмондадин шаръан жимоъ.

Топди лутфингдин тамоми амкина маъмурлик,
Раъфатингдиндур доғи би-л-кулл хароб ўлмок букоъ.

Шавқи васлингдин харобот аҳлига файзу сурур,
Хонақах аҳлига ишқингдин етар жазбу самоъ.

Баҳри ғуфронингга ғарқ этгил Ниёзий жисмини,
Қолмағой бошида исён дардидин асло судоъ.

141

Раҳм қилмас ул санамга зохир этсам бандалиғ,
Боис улдурким, шиорим бўлди сарафкандалиғ.

Телбалар янглиғ жунун тоси таним урён қилиб,
Кўйида ҳаддин зиёд ўлди манга шармандалиғ.

Хизматида ҳар неча чобуклик изҳор айладим,
Кўрмадим ҳаргиз талаттуфдин лабини хандалиғ.

Оразидин кеча сайрида магар олмиш ниқоб,
Йўкса ахтар жинсиға қайдин эрур рахшандалиғ.

Ҳусниға зийнат казо килки етурди, хайфким,
Қилмади деб вафо бирла анга зебандалиғ.

Ишқ аро не шуфъат топғай ғани зарбафтин,
Не мафаррат кўргусидур жандасидин жандалиғ.

Эй Ниёзий, муддатедурким висолин истадинг,
Аҳли ишқ ичра мусалламдур санга жўяндалиғ.

Эй дил, жаҳон айвонида мумкин эмасдур шодлиғ,
Не фарҳат ул манзилдаким, эрди хароб ободлиғ.

Шўҳиға мағрур ўлмағил, бўйи вафо йўк андаким,
Домиға банд этмак учун кўргузгай ул сайёдлиғ.

Ондин етушган ҳузну ғам бир дамда нобуд ўлғуси,
Айшу тарабдекким топар бир лаҳзада барбодлиғ.

Жавру жафо ойинидур фикр этса арбоби хирад,
Англарлар онинг эрканин эл бошиға бедодлиғ.

Маҳкам асос эрканлиги келди муайян, негаким
Бу гунбази ахзарғадур сув устига бунёдлиғ.

Топар даври имкон халкнинг хайриятин андеша кил,
Бу хислатинг шуҳрат топиб бўлғой улусға ёдлиғ.

Дунё аруси ақдини килма, Ниёзий, ихтиёр,
Ҳуш аҳли бўлғон айламас ҳаргиз анга домодлиғ.

Абруларингга чин солиб, кўнглумни килдинг тоблиғ,
Бўлмасға не имкон юрак-бағрим баса зардоблиғ.

Кўрди итобинг шиддатин, кўз мардумини айбким,
Топса ўзининг доманин ҳар дам аро хуноблиғ.

Тутсанг улуглар хурматин уммед эрурким кўргасен,
Фарҳат била даврон аро шайхухат ила шобблиғ.

Аҳли муҳаббат сар сафида ўлғоч мукаррам тутмоқинг,
Ансабким, элига муҳтарам ул кечаким маҳтоблиғ.

Умрингга нуксон етмагай топмай шабобатдин гурур,
Бўлсанг тавозуъ айлабон элга басе ободлиғ.

Не нафъ бергай комиға ишк аҳлининг раҳм этмасанг,
Бўлмок тамаъ ул даҳр аро ҳаддин фузун асбоблиғ.

Кўйингдин айру билмагил ҳаргиз Ниёзий жонини,
Ким, гарданидур ҳалқаи зулфинг била куллоблиғ.

144

Эй, дарғаҳингнинг арсаси келди басе ободлиғ,
Йўкса недин ҳосил бўлур хавфида асру шодлиғ.

Бу соҳат ичра қилғуси ҳар дам бани Одам ғулув,
Нечунким, анда бор эрур ғам кайдидин озодлиғ.

Шаҳлиғ мусалламдур санга бешак эрур мисл этмаги,
Ҳар дам жанобинг сориға улкимки эрди додлиғ.

Лутфинг била шурб этса эл ногаҳ муҳаббат бодасин,
Баъзиси хомуш ўлғуси, баъзилари фарёдлиғ.

Ҳар ҳукмким нишондур, сандин они айлаб қабул,
Марзотинг этмак орзудур шони одамзодлиғ.

Манҳийдин ўлмай мужтаниб, амрингга қилмай инқиёд,
Вактин кечурса ул эрур ўз жониға бедодлиғ.

Ташлаб Ниёзий ўзлукин кирди муҳаббат қасриға,
Бу нотапонға раҳм этиб, қилғил они бунёдлиғ.

145

Кўрубдур кимса эл бедодидин озор ман янглиғ,
Лагадкўби замондин ким экан безор ман янглиғ.

Фалакнинг зулмидин йўқтур манга осуда ҳол урмоқ,
Киши бормуки қилсам дардими изҳор ман янглиғ.

Етиб осибии даврон нотаваон кўнглим эрур мажрух,
То билсам дил шикаста даҳр аро бемор ман янглиғ.

Ҳаводис шаҳнаси торож қилди хонумонимни,
Магар ул топмади яғмоға факросор ман янглиғ.

На хушдур, улки кўрмай аҳли давроннинг жафосини,
Замон ўтқарса бўлмай кўзлари хунбор ман янглиғ.

Харош этса, тонг эрмас, оҳу зорим кўкниким қилди,
Балийят тоши кимнинг кўксини афгор ман янглиғ.

Ниёзий, оқил эрсанг, қатъ этиб элдин маошингни,
Ўзингни анжуманға солмағил зинҳор ман янглиғ.

146

Кўнглум кушидин олғали бир дилбари зебо фароғ,
Бўлмас анга тан кулбаси манзил, не манзил боғу роғ.

Айлаб тараҳхум ҳолима шомии умидим зулматин,
Зойил қилурға ёкмади бир қатла васлидин чироғ.

Бу турфадурким, ғулшани васлида қилмиш ошён,
Бечора булбулға бадал айлаб ўзин боғ ичра боғ.

Фарҳод қозди Бесутун, ман янглиғ эрмас ҳажр аро,
Ким, қозди ғам хоросидин тирноқи фикрим неча тоғ.

Ҳажрида бағрим қонини кўз мардуми жорий қилиб,
Рашк ўти қўйғоч пайкарим устига гўё қуйди ёғ.

Ишқни тарк этгил дебон пандини носих қўймади,
Бедариглиғдин босди ул дил чокиға доғ узра доғ.

Гум бўлди ҳажри даштида жону кўнгул, онларниким
Топмоқ Ниёзийга эмас мумкин неча айлаб сўроғ.

147

Бўлмайин фоний муҳаббат бобида кўргузма лоф,
Ким, вужуд аҳлига ондин сўз демак келди газоф.

Дашти ишк ичра вужуди укбасидин ўтмайин,
Кимса кирди, килди қонуни муҳаббатга хилоф.

Бўлса бу хислат муяссар ишк водийси сари,
Майл кўргузсанг сени арбоби дил тутгон маоф.

Шерким, манзилгаҳи бўлмиш они кўҳи вужуд,
Қайда йўклик туфроқи мури била қилғой масоф.

Ул санамким, маншаъи ишқинг эди фармонидин,
Токи жонинг тани додвар кўргузмагайсан инҳироф.

Айласанг роҳи фано бирла тариқи ишқни,
Муттасил меҳри умидингга етушмас инкисоф.

Эй Ниёзий, қил вужудингни адам даштидаким,
Ким ҳаво зулмотидин топғай замиринг инқишоф.

148

Эй, арсаи ишқинг дарду бало хайли салаф,
Андоқ чекилмишким, борур жонидин ул тараф.

Анвоъи олам хоҳишинг бўлмай нечук топғай вужуд,
Хуснингга мазҳар бўлмайин қайдин топар ашё шараф.

Амрингга бўлдимү самар марзотинг айлаб орзу,
На хуш эдиким, бу сифат авкот ўтурди мин салаф.

Дунё уйидин аҳлига лозим этиб падрудини,
Қилдинг видоё этгувчилар ўрнига ҳар турлук ҳалаф.

Сандин ирода бўлмайин борони найсондин нечук,
Тутғой замирида дури яктони ажноси садаф.

Улким, халойиқ аҳқари эрди, далер ўлғай баса,
Бир дам жанобингдин анга масмуъ бўлсалар тухаф.

Ҳар ҳол аро айлаб дема, истар Ниёзий раҳматинг,
Умид этарким, бўлғай ул тири ижобатга ҳадаф.

149

Васл уммеди бирла урдим пўя чандон ҳар тараф,
Тонг эмас, бўлса манга фархунда зиндон ҳар тараф.

Бўлмағондин ишқ дашти ичра комимга вужуд,
Нотавон кўнглимга бўлмиш нори сўзон ҳар тараф.

Кўзларимдин лолагун ашким тўкарман дамбадам,
Не таҳайюр бўлса гар эди бу навъ кон ҳар тараф.

Масканим дашти жунун бўлди муҳаббат дардидин,
Навҳа қилдим бўлди ваҳшийлар намоён ҳар тараф.

Ишқ иксири азалдин даҳр аро мавжуд эрур,
То абад асор эрур ондин паришон ҳар тараф.

Кимки кўнгли сифрига бу кимёдин заррае,
Етса файз, олса ажаб йўқ, қилса жавлон ҳар тараф.

Эй Ниёзий, водийи факр ичра бўлсанг маҳвашинг,
Боқғоч-ўқ манзуринг ўлмасга не имкон ҳар тараф.

Найладим, юз ранж ила бағрими кон килдинг, фирок!
Рашк ила они кўшуб кўздин равон килдинг, фирок!

Эътикодимни муҳаббатда хаёл айлаб кусур,
Айши вуслат лойики эрмас гумон килдинг, фирок!

Занги ғамни еткуруб, дил кўзгуси узра баса,
Ё нақшини тафаккурдин нихон килдинг, фирок!

Азм этолмасдек кўнгилни ёр кўйи сориға,
Ғусса қайдида ҳамиша нотаваон килдинг, фирок!

Ҳажр даштида ҳалокат вартаси ичра не ғам,
Раҳм қилмай ташлабон беҳонумон килдинг, фирок!

Неча йиллар берди комим сари майл этмайин,
Душмани зотийликинг би-л-кулл аён килдинг, фирок!

Топмадинг гўё Ниёзийдек ўзингга мунисе,
Ким, онинг кўнгли уйи ичра макон килдинг, фирок!

Англағил элни жаҳон қасрида меҳмон, эй рафик,
Сўнгра падруд айламас келғони имкон, эй рафик.

Дарҳақиқат саҳв эрур меҳмонлиқ исноди недин
Ким, ўлумлиғдин алар маҳбуси зиндон, эй рафик.

Қилмок умиди масарратдур абас даҳр ичраким,
Чарх кимнинг комича кўргузди даврон, эй рафик.

Кимсага ногаҳ замон ўлса хиёнат кўрмайин,
Қолдиму бўлмай фалак ондин пушаймон, эй рафик.

Қил тафаххуским, ҳама амсоли акронингга ҳол,
Даҳрдин авқотида ютмок эрур кон, эй рафик.

Кимни гардун этди амният шароби бирла маст,
Қилмади ул кимни ер остида пинҳон, эй рафик.

Қилмагил дунё арусиға Ниёзийдек назар,
Бўлмайин десанг онинг ҳусниға хайрон, эй рафик.

152

Юзингни хурду хобинг таркидин зард айла, эй ошиқ,
Муҳаббатдин ҳама аъзоларинг дард айла, эй ошиқ.

Муродинг узлат ўлсун, бўл адам даҳр ичра андоғким,
Вужудинг анжуманда бўлса гар фард айла, эй ошиқ.

Алойиқ риштасин катъ этгил олам аҳлидин акнун,
Кўнгулни шўхи дунё меҳридин сард айла, эй ошиқ.

Ҳамиша гулшани ишқ ичра бўлсун масканинг ондин,
Бағални гул терардин гўйиё дард айла, эй ошиқ.

Муҳаббат аҳли пойи остиға жисми низорингни,
Солиб, онлар лагадкўби била сард айла, эй ошиқ.

Кўрарсан ишқнинг даштини муҳлик бўлмайин хунсо,
Бу водий ичра ўзни солғоли мард айла, эй ошиқ.

Риёзат бирла Ҳақ йўлини тай айлаб Ниёзийдек,
Юзингни хурду хобинг таркидин зард айла, эй ошиқ.

Бир бевафога бўлмишам мафтуну хайрон, эй рафик,
Ушбу сабабдин тортарам фарёду афгон, эй рафик.

Ҳажрида етсам ҳам дағи ўлмакка ман зору хазин,
Бир раҳм қилмас ҳолима ул номусулмон, эй рафик.

Ул махваши номехрибон хижрону андуҳи аро,
Дард молим бўлғуси беҳадду поён, эй рафик.

Ул дилбари дилдорни ойдек жамолин базм аро,
Вах, кўрмагай эрдим мани бемору гирён, эй рафик.

Ул гулрух ширинзабон зебо қаддини ёдидин,
Тонг йўк, эсам қумри киби ҳажрида нолон, эй рафик.

Ул нозанин махлико, вах, найлайинким, айласа,
Ғайри сариға қоматин сарвдин хиромон, эй рафик.

Тонг йўкки, базмида куюб юз очса ул рухсор гул,
Қилса Ниёзий жонини қурбони жонон, эй рафик.

Дилбарим қилса, не айлай, майли ағёр, эй рафик,
Рашк тиғидин қилиб кўксумни афгор, эй рафик.

Ул кўзи кофир париваш, маҳжабину дилрабо,
Еткурур жонимға ҳар дам жавру озор, эй рафик.

Кўрғали мафтуну шайдову асири бўлмишам,
Ул парини кўрмагай эрдим мани зор, эй рафик.

Ул суманбўларни шоҳи кўргузуб расми ситам,
Борҳо бўлғуси ағёр аҳлиға ёр, эй рафик.

То ул ойни кўргали рухсори оламтоби(ни),
Бўлмишам юз меҳнату ғамға сазовор, эй рафиқ.

Бўлмайин десанг агар олам аро хору залил,
Қил ўзингга дойимо яхшилиғ атвор, эй рафиқ.

Олди оромин Ниёзийнинг адову ноз ила,
Бир пари рухсор ёр, шўху ғамхор, эй рафиқ.

155

Зихи, хилқатда юзинг келди собик бу-л-башар масбук,
Туфайлингдин вужуд айвониға кирди бори махлуқ.

Халойик ичра чун фош ўлди шаръинг ул сифатким, меҳр
Ҳама у ён келиб мансуха ҳақдин бўлдилар мафрук.

На аҳкомеки, содир бўлди лутфингдин улус сори,
Эрур мақбули бешак жону дил бирла доғи мавсуқ.

Эмасдур маърифат бўлғон ҳадисинг ҳукмидин хориж,
Қаю нотикки билди баъсатинг мадҳинг анга мантуқ.

Ишорат айладинг куфр аҳлидин шаккоқлар кўрди,
Баробар икки жонибға камарни курсини машқуқ.

Уружинг кечаси Ҳақ ломаконға еткурди зотинг,
Муҳаббат бирла вуслат топди анда ошиқу маъшук.

Ниёзийға муяссар шахди ғуфрон раҳмати Ҳақдин,
Қиёмат қасрида бўлғай шафоат хонида марзуқ.

Эй, дилраболар орази хуснинг китобидин варақ,
Заъфинг дабиристонида ишқ аҳлига ондин сабақ.

Келди намуна шамснинг завъи жамолинг нуридин,
Ул навъким бўлмиш асар онинг шуъоъига шафак.

Ишкингда саргардон шумор ажроми бўлмиш бу сифат,
Хомушу сукнат бирла ер келди табак узра табак.

Инсонни ҳайвон жинсидин бир навъ этиб афродини,
Бу турфадулким, айладинг ҳикмат била сонсиз фирак.

Чекдинг таносул ришгасин ижоди мавлудот учун,
Вусъат била андин етиб оламга анвоъи насақ.

Гардуни дунни зулмидин йўқдур ҳаёт имкониким,
Лекин баданда кудратинг осоридур жондин рамақ.

Ҳоли Ниёзийни баса ошуфтадур исён аро,
Бу журмини лутфинг била афв этгил, эй рабб ул-фалақ.

Эй дилрабо, қатлимга юз кўйғоч муқаввас қошларинг,
Мижгон ўкидин қадаме қилди мунаккас қошларинг.

Тири бало пайконидин бедодидин айлаб шикор,
Жоним димоғин қилдилар ҳар дам муаттас қошларинг.

Эминлик истаб қайда ер қочмоқга топғум эмдиким,
Чандин тарафдин сайфини қилмиш муассас қошларинг.

Фитна румузин демаса, ҳар дам кулокинг сориға,
Мултамиш дурурлар бошларин нечун муқаллас қошларинг.

Хуснинг гулига зеб учун топмиш қазо наққошидин,
Оху кўзинг узра ғариб сурат муқаддас кошларинг.

Меҳробин этгач жилвагар, бўлди улус сажжодагар,
Дин аҳлини ондин қилур гўё мумажжас кошларинг.

Топғунг Ниёзийни шаҳид, ким ишк эли қатли учун,
Айлаб эмишдур тиғи тез чархи муқарнас кошларинг.

158

Гулузоринг узра то бўлди ҳувайдо кокилинг,
Кўргач – ок қилди ҳазин кўнглимни шайдо кокилинг.

Ҳалкаи занжири ишқингга гирифтор ўлмишам,
Солғоли олам аро ошуби савдо кокилинг.

Истамас бўлса муқайяд телба кўнглум не учун,
Риштасида чин узра чин қилди пайдо кокилинг.

Тийра бўлди рўзгорим зулмати меҳрингдаким,
Рўзу шабни фурқатингдин қилди пайдо кокилинг.

Кошки бир ториға жон бирла кўнглум кушларин,
Банд килғой эрди букун, хох фардо кокилинг.

Мушк исидин нафрат этсам не ажаб етқурғали,
Сунбулинг бўйин машомим сори 'умдо кокилинг.

Кўнглини банд этса ториға Ниёзийға не ғам,
Жисмиға маскан бўлурдин кўҳи пайдо кокилинг.

Жилва қилғоч еткуруб оламға офат қомагинг,
Ошқора қилди ғавғойи киёмат қомагинг.

Боғ аро шамшоду сарви озод зебодур ва лек
Сайрида еткурғай онларға хижолат қомагинг.

Жон алифсиз бўлса, топғай лафз ҳам маъни тағайюр,
Не тағайюр жон аро бўлса саломат қомагинг.

Бўлмағуси сарви қадлар қомади қаддинг киби,
Эътидоли авжида чун топди шарофат қомагинг.

Неча навраслар ниҳоли қомадиға муфтахир,
Кўрсатурдин мунфаъилдурлар малоҳат қомагинг.

Шайхлардин мулкини яғмоға берди негаким,
Айлади зуннор боғларға хидоят қомагинг.

Не ғами етғай Ниёзийға бир окшом айласа,
Кулбаси ичра хиромини иноят қомагинг.

Хусн аҳлин айлар шармнок, эй сиймпайкар, қомагинг,
Маҳзун қилур ишқ аҳлини кўргач суманбар қомагинг.

Сайр этганингда боғ аро бўлди паришон, негаким
Қолди самарсиз кўргали сарву санавбар қомагинг.

Ўтлуғ юзинг кўрган ҳамон жон кушларини айлади
Ким, шавкидин ул ўт аро гўё самандар қомагинг.

Аҳли жаҳон кишварлари фатҳиға майл этмас эди,
Ажз уйини маскан қилиб кўрса Сикандар қомагинг.

Даҳр аҳли бўлмоқ тобеъинг эрмас таҳайюрға маҳал,
Ким, эл вухуш сайдида гўё ғазанфар қоматинг.

Шўхлиқ қилиб ё кирдим ушшоқ эли қони аро,
Ё кесдим гулрангини бўлмишдур аҳмар қоматинг.

Тонг йўқ, Ниёзий дайр аро кирса бўлуб ошуфтаҳол,
Ким, бир назар қилғоч они қилди қаландар қоматинг.

161

Эй, оразинг хуршидиға шиб ўлди зебо қоматинг,
Пайванд учун мунбатмудур гўёки боло қоматинг.

Боғ ичра сайримдин ғараз эрмасдурур кўрмақлигим,
Сарву санавбар ҳам саҳи қадларни оро қоматинг.

Вомик ҳаёт ўлса ўқур мандин муҳаббат дарсини,
Тишлар таҳайюр бормоқин гар кўрса Узро қоматинг.

Ширин қадини Кўҳкан кўрганда қозди Бесутун,
Ман кўрган-ўқ бўлдим баса ошуфта шайдо қоматинг.

Баҳром қилди зулму кийн ороми жонидин кечиб,
Кўрган ҳамон жоним фидо қилдим дилоро қоматинг.

Саҳрода ваҳшийлар била улфат эди Мажнун иши,
Не шаҳрдур маълум манга, кўргач не саҳро қоматинг.

Шамшод қадлар инфийол авжида бўлса, не ажаб,
Бу даҳр бўстони аро борида раъно қоматинг.

Зухду вараъ таркин қилиб, зикрин унутғой шайхлар,
Ул дамдаким, масжид аро бўлса хувайдо қоматинг.

Бўлса Ниёзийға не ғам олам эли ошубидин,
Қаддинг ҳаёли кўнглида, жонида пайдо қоматинг.

Қилиб дарду ғам лашкари бирла жанг,
Не андок ёфун айлади, не фаранг.

Шикастиға қодир бўла олмадим,
Ким, онлар шумориға йўқдур ранг.

Ҳазимат қачон топғуси ул гуруҳ,
Ки, рўйина тан барчаси ҳамчу санг.

Ажаб хайлдурким, аларға эмас,
Мудофеъ неча бўлса тиру туфанг.

Асар йўқ мурувватдин онлардаким,
Не кийн тиғи мафлул ва не тутди ранг.

Киши қолмади даҳр аро кўрмаган,
Оёқ - қўлларидин лагад бирла жанг.

Қаю жинслар шиквасин айлади,
Ниёзий ҳекибму хуммор узра банг.

Кўнглум ичра мунтақаш қилди ҳаёлин қоматинг,
Экдиму дил боғида гўё ниҳолин қоматинг.

Жисм уйин ташлаб хирад бегона бўлди кўргали,
Нечаларнинг қилғонин ошуфта ҳолин қоматинг.

Ихтиёрила даҳрни бўстонларини сарбасар,
Сарвақдлар ичра топдурмас мисолин қоматинг.

Кўрсатиб кўйинг аро ҳайрону зор этти мани,
Ногаҳон усрук чикиб зебо жамолин қоматинг.

Гарчи қаддинг алифдек жоним аро топти макон,
Ҳажрида кўнглумга солмишдур малолин қоматинг.

Олам аҳлин водийи ҳайрат сориға йўллади,
Зоҳир айлаб даҳр қасрида камолин қоматинг.

Шармисор ўлса паривашлар хижолатдин, не тонг,
Кўрсатурдин шавкати бирла жалолин қоматинг.

Сайд этарда домиға жону кўнгул ваҳшийларин,
Ўзига ҳамроҳ этибдур чархи золин қоматинг.

Гар Ниёзий гулшани фақр ичра маскан айласа,
Еткурурдин манъ қилмасдур висолин қоматинг.

164

Рухсоринг ўтлуғ мижмарин қилмиш мижмар кокилинг,
Йўқса, нединким ҳалқасин айлар мудаввар кокилинг.

Бўлғой ҳувайдо атрофа бу гўё қазо санъатгари,
Омизиш айлаб атру уд этмиш муаттар кокилинг.

Ё мушки нофа жавҳарин ҳайвон зулолидин қўшуб,
Чекмиш азал суратгари шаклин мухаммар кокилинг.

Ё анбари соро била топмиш қадар наққошидин,
Нақшу нигоришдур ажаб ҳайъат муанбар кокилинг.

Зулфинг саҳобидин ҳар кеча лутфинг насими тебратур,
Ул дам аро бу кеча не қилғой мукаммар кокилинг.

Жон хайлиға бўлмоқ омон эмди эрур душворким,
Эл жонининг доми учун бўлмиш муқаррар кокилинг.

Тонг йўқ, агар ошуфта ҳол ўлса Ниёзий негаким,
Чехрангни ёпғоч кўнглини айлар муқаддар кокилинг.

Мубтало бўлдим санга кўрган замон қошу кўзинг,
Ақлим олди ошно бўлган замон қошу кўзинг.

Тиғи кийн сурмак не ҳожат ишк эли қатли учун,
Бир назарда ўлтурур бир ёр омон қошу кўзинг.

Ўт аро солди ўзин кўнглум қуши қакнус киби,
Бир даме бўлса тасаввурдин ниҳон қошу кўзинг.

Ҳар бири тўккай улусни қонини раҳм этмайин,
Гўйиё хунрезликда тавъамон қошу кўзинг.

Турфадулким, даҳр аро ошуби яғмолар солиб,
Топмағойлар суд кўрмаслар замон қошу кўзинг.

Эл ҳаёти риштасин қатъ айламакка бўлдилар,
Раҳмсиз жаллод тиғи дудмон қошу кўзинг.

Зулм этардир бир даме осуда бўлмоқ ман киби,
Нечаларни айлади беҳонумон қошу кўзинг.

Еткуруб аҳли вараънинг атқосига ҳалал,
Нақддин торожини қилди аён қошу кўзинг.

Аҳд қилмишлар олурмиз деб Ниёзий жонини,
Эмди топди мақсадин ороми жон қошу кўзинг.

Жоним ичра ўт солиб мушкин қаро қошу кўзинг,
Қилдилар тан кулбасин мотамсаро қошу кўзинг.

Қолмади эмди бу тун узвим этиб мижгон ўқин,
Айлади жисмимни сар то сар аро қошу кўзинг.

Шӯру шаррдин даҳри қасри холи эрмас негаким,
Фитналар барпо килур олам аро кошу кўзинг.

Дини исломим нуқудин, ақлу ҳушим жавҳарин,
Кўрди, торож айлади яғмогаро кошу кўзинг.

Не ажаб васлинг майидин қатъи уммед айласам,
Ким, ишорат бирла дерлар «лан таро» кошу кўзинг.

Жону кўнглум кушлари кўйингда парвоз айласа,
Дер аларға рамз ила утрук гаро кошу кўзинг.

Йўлунгга чикса Ниёзий кўрмасун деб сайр аро,
Ражъатингдин кўрсатурлар қаҳқаро кошу кўзинг.

167

Ўтлуғ узоринг тобидин бўлди мусалсал кокилинг,
Тақдир мушти зарбидин бўлғоч муҳалҳал кокилинг.

Ошуби яғмо даҳр аро хуршиди рухсоринг солур,
Зоҳир қилиб олам аро ҳар дам муғалғал кокилинг.

Сайр айласанг бўстон сари печида қилғил сунбулинг,
Йўқса фалак бунёдиға солғай музалзал кокилинг.

Нўш айларида шарбати васлингни ушшоқ аҳлиға,
Аждарларини заҳрини қилди муҳалҳал кокилинг.

Хайли малойик кўрсалар зулфинг анбар афшонлигин,
Зикри забонин қилғуси ҳар дам мувалвал кокилинг.

Гулгун юзинг(ни) сатридин аҳли жаҳон чеккач фиғон,
Ишк аҳлини ҳасрат била қилғой муқалқал кокилинг.

Эй, офтоби оразинг устига то бўлди ҳижоб,
Қилди дамодам кўзларим конин мушалшал кокилинг.

Меҳри рухингни кўрмагин айлар Ниёзий орзу,
Ким, муддатедурким, они қилди мубалбал кокилинг.

168

Эй гулбадан, кўрган замон еткурди ғам қошу кўзинг,
Журмим не эркан билмадим, айлар ситам қошу кўзинг.

Фарёду афғоним менинг тун-кун фузун ўлса негай,
Ким, фуқратингдин еткурур ранжу алам қошу кўзинг.

Ҳажрингда бўлсам додгар суд айламасдур негаким,
Бедодин албатта зиёд айлар бу дам қошу кўзинг.

Баҳри вужудим мавжида ғарк эрдим, аммо турфадур,
Ким, қўймади бу баҳрдин кўзларда нам қошу кўзинг.

Оҳим шарорини кўруб бу нийлгун торум аро,
Раҳми келиб бир қилмади лутфу қарам қошу кўзинг.

Солмас назар гар айласам жону кўнгулни жавҳарин,
Ойинаи Искандарий ҳам жоми Жам қошу кўзинг.

Андоқ назарда кимёдурсан агар қилсанг назар,
Кўҳисор майдонин қилур Боғи Эрам қошу кўзинг.

Дин нақдин олди шайхдин бермакка васли заръини,
Гўёки ўртада қилиб байъи салам қошу кўзинг.

Мунглиғ Ниёзий кўнглини ҳайрат фазосига солиб,
Жавру жафосин қилмади бир зарра кам қошу кўзинг.

169

Ҳусн осмони меҳрму, эй моҳи пайкар, оразинг,
Ким, моҳвашлар оразин айлар мунаввар оразинг.

Олам гулистони доғи мажмуъи гуллар жавҳари,
Маншур ўлунғон баргида бир варди аҳмар оразинг.

Бўлса жамол аҳли хижил ҳайрат макони бўлмағой,
Кўргач кадинг нахли била хуршиди анвар оразинг.

Бу турфадурким, неча йил қилса мурур суръат била,
Бўлмас азал кўзгусидек ҳаргиз мукаддар оразинг.

Эл қатли коминг бўлмаса абруларинг шамширини,
Туғрода кўргузди недин элга мусаддар оразинг.

Ишратгаҳингдин тийра тун хорижға қўйсанг гар кадам,
Ул бўлса ялдо кечаси айлар муқаммар оразинг.

Кўк атласида гўйиё хуршид эмасдур, тушди ўт
Ким, ташлағондин даҳр аро суръатда аҳгар оразинг.

Шабгуна зулфингни магар сақларға ҳуснинг ганжини,
Икки тарафда қилдиму худ икки аждар оразинг.

Васлинг ҳаёлида недин топмиш Ниёзий шодлиғ,
Гар бўлмаса кўнгли аро ҳар дам мусаввар оразинг.

170

Маҳв этиб васли ниҳоди шоми ҳижроним менинг,
Тийра кулбамни ёрутди меҳри рахшоним менинг.

Айлади саҳбойи васлидин хумморим мундафё,
Бу мурувватнинг фидоси жисм ила жоним менинг.

Соя солди бошима қурбат хумоси эмдиким,
Тиғи фурқат тўкса садка бошиға қоним менинг.

Ногаҳон кулбам аро келди магар билмишдур ул,
Неча йиллар нотавон ҳажрида бўлғоним менинг.

Кўрсатиб гулгун юзин дил булбулин қилди халос,
Қайди ғамдин кўрди гўё ўтлиғ афғоним менинг.

Ишкида ўзликдин ўтдим, дайр аро кирдим далир,
Ким, вужуд аҳли не билсун сирри ниҳоним менинг.

Эй Ниёзий, истама дунё арусидин вафо,
Бевафо эрканликига бордур изъоним менинг.

171

Эй, қаҳри қаттиғ дилбарим, бир қилмадинг хандон лабинг,
Лутфинг сориға чекмадинг ҳаргиз инони шабҳабинг.

Меҳру вафони ўрниға жавру жафо ойинини,
Баф этмак ўлмиш даҳр аро ҳар дам азалдин манқабинг.

Шамшири зулминг тез этиб, ишқ аҳли қонин тўкмагинг,
Тарк этмадинг они ҳалол айлантурубму мазҳабинг.

Ҳажринг аро йиллар бўлуб васлинг ҳусули қайдаким,
Бир дам муяссар бўлмади бўси рикоби марқабинг.

Айланди холинг ҳиндуси жонлар нуқуди сорики,
Бўлса макони не ажаб ихфода чоҳи ғабғабинг.

Қилғойму ёғду, эй гўзал, ишқ аҳли шоми тийрадур,
Ҳусн осмони ахтари ичра мунаввар кавқабинг.

Дайри фироқинг шиддати олди Ниёзий жонини,
Бу турфа мужда эл ароким, ҳосил ўлди матлабинг.

Даҳр айвонида айлаб фитналар пайдо кўзинг,
Солди элнинг бошига турлук қаттиғ савдо кўзинг.

Шўру шарр таскини мумкин йўк жаҳон бозорида
Ким, қилур мавжуд ҳар дам ичра юз ғавғо кўзинг.

Гарчи лаълинг шарбатида мурда топди тоза рух,
Турфадурким, зиндаларни ўлтурур шахло кўзинг.

Водии ишқинг аро ётмишдурур сонсиз қатил,
Қайси кофир қилғай онларни шаҳид илло кўзинг.

Дину имон махзани маҳфузини вайрон қилиб,
Айламиш онлар нуқудини басе яғмо кўзинг.

Жону дил йўкким, эмас қуллоби зулфинг бастаси,
Ким, қилур сайд айламакка дамбадам иймо кўзинг.

Айб эмас кирса Ниёзий дайр аро ошуфтаҳол,
Кимни қўйди қилмайин ишқ аҳлидин шайдо кўзинг.

Ситамгар маҳвашо, ҳажрингда бағримни кабоб этдинг,
Нетай кўз мардумин қон била худ олуда об этдинг.

Ниёзу ажз ила аҳволи зорим арз қилғондин,
Ғазабнок ўлдинг асру, лек носозо итоб этдинг.

Борурдин қўйига манъ этдинг, аммо борғоним билгач,
Тузуб зулму ситам расмини қаттиғ ижтиноб этдинг.

Не журмим бор эдиким, қаҳр этиб бу нотаваонингдин,
Фироқинг кўхсори ичра қўйдинг ижтиноб этдинг.

Танимни оташи шавкинг аро солмоқ била ҳар дам,
Кўнгулни дамбадам ўз манзилида печутоб этдинг.

Қошинг шаклини меҳроб ичра кўрмак орзусида,
Муҳаббат касрини аҳли вараъға фатҳбоб этдинг.

Бошимни ўйнатиб саркаш самандинг босдуруб ўтдинг,
Ниёзийни бу янглиғ марҳаматдин комёб этдинг.

174

Ҳижрон ғамидин, эй дил, етушди
Гардунға ҳар дам пайкони оҳинг.
Фуркат сипеҳри шояд тушургай,
Вуслат ерига хуршиди моҳинг.

Тан маҳбасидин саъй ила чикдинг,
Лекин кутулдинг зулмони уйидин.
Бу жидду жаҳдинг мусрурликға,
Табдил этибдур ҳоли табоҳинг.

Жисмоний эрмас эмди шуҳудинг,
Нуроний бўлмоқ васфи вужудинг.
Фош ўлғонидин олам вужудинг,
Рифъатда бўлмиш худ иззу жоҳинг.

Зотингдин айлаб ўзлукини зойил,
Қилсанг ҳабибинг кўйида манзил.
Бўлмоқлиқингдин ажз ила ҳомил,
Вуслат қариби ойланди роҳинг.

Ғайри сориға солма кўзингни,
Кўй остони узра юзингни
Ашк оташиға солма ўзингни,
Ким, ғайр сайди шоҳини шоҳинг.

Дунё арусин нафсингга олдинг,
Сонсиз балоға шахсингни солдинг.
Қатъан вафоси йўкликни билдинг,
Ўз гарданига эмди гуноҳинг.

Ҳар дам ҳабибинг фикрида бўлгил,
Тинмай замоне зикрини қилгил.
Мунглиғ Ниёзий пандимни олгил,
Ким, заман эрурман худ хайрихоҳинг.

175

Эй фалак, турлук хиёнатларни изҳор айладинг,
Билмадим журмим не эрди, эл аро хор айладинг.

Ҳодисоти даҳрдин ранжида айлаб хотирим,
Турфа иллатлар била жисмимни бемор айладинг.

Фош этиб афъоли ношойистами даҳр аҳлиға,
Ижтиноб айлар коминдин асру бадкор айладинг.

Кўрсатиб бир дилрабони орази гулгунини,
Ишкида чандин балоларға гирифтор айладинг.

Бермайин васлиға йўл харгиз онинг ҳижронида,
Кўзларим гирён қилиб, бағримни афгор айладинг.

Нотавон жонимни ташлаб водийи фуркат аро,
Неча муддат бир кўрарга гул юзин зор айладинг.

Бир даме очмай Ниёзийнинг муроди чехрасин,
Ҳар адоватким, анга олам аро бор айладинг.

Хусн аҳли ичра бўлдинг шоҳи замон муборак,
Хусн авжи узра бўлмоқ хуршиди шон муборак.

Шамшоду сарву аръар нахли қаддинг хиромин,
Кўрганида инфийол сарви равон муборак.

Гўёки хотамини қўймиш санга Сулаймон,
Фармонпазиринг ўлмоқ аҳли жаҳон муборак.

Зулфинг бўлуб паришон, еткурди нукхатидин,
Эл ичра турфа роҳат анбарфишон муборак.

Дайр элига жамолинг ҳар дамда фикр этардин,
Ғам нақди инкишофу сирри ниҳон муборак.

Кўйинг аро Ниёзий бир камтарин ғуломинг,
Чокарларинг ичида бу нотавон муборак.

Эй кўнгул, кўрдинг жаҳон аҳлига бордур турфа ҳол,
Зоҳирига ботини тавфиқи имкони маҳол.

Инфирооди муддатида ҳабс эрур андишаси,
Ло муҳола, ижтимоъи ичра асру қилу қол.

Не тавозуъ, не адаб кўргунг жавони эрдин,
Бўлгусидур тарларида не мурувватдин ҳаёл.

Қилмағил хайрот умидин алардин шафқате,
Аҳли авлодиға етмасликдадурлар бемисол.

Аксарининг диллари машхун нифоқ осоридин,
Бўлмағой сигмоқ муҳаббатға алар ичра маҳол.

Айламишдур элни дунё шўҳи мағбун солғуси,
Барча авкотида ғафлат ичра бу маккора зол.

Фориғулбол ўлмок онлардин, Ниёзий, орзу
Айласанг, сатр эт фанодин гарданига эски шол.

178

Қилурға мажлисим, эй хурваш, рашки жинон келгил,
Дили ағёр вокиф бўлмасун, элдин ниҳон келгил.

Мухайё бўлди имкондин фузун ишратнинг асбоби,
Маишат бирла топғунг коминги беҳадди сон келгил.

Қасамёд айлагум андин замиринг қилғудек тасдик,
Мухаббат бобида содиклиқимга бегумон келгил.

Ҳадафдур тири мижгонингга кўксум чоки гар кўрсанг,
Тараххум айлагунг албатта, эй қоши камон, келгил.

Фироқинг даштидин жонға беоромлиғ мавжуд,
Сукуни мужиби жуз васл эмас, ороми жон, келгил.

Талаттуф бирла васлинг бодасидин комёб айлаб,
Қўёрға нотавон кўнглумға чандин имтинон келгил.

Ниёзий ўлғудек бемор бўлмиш дарди ишқингдин,
‘Иёдат келди лозим мақдами роҳатрасон келгил.

179

Бўса қилғоч дастинғи кўрди ўзини тоза гул,
Бу жиҳатдин ранги бўйин топти беандоза гул.

Субҳ васлингнинг насимидин егандин кожни,
Келғуси ҳар кун ажойиб шакл ила парвоза гул.

Бог аро ногоҳ хиромингни тафаккур айлабон,
Урди макбулинг учун ҳар дам юзига ғоза гул.

Гар яқосин чок этиб, ишқинг аро ҳайрон эмас,
Дамбадам нечун балобул бирладур дамсоза гул.

Гулшани ҳусн ичра чун бўлди ҳувайдо оразинг,
Ложарам, ишқ аҳлиға қилди ўзин ҳамроза гул.

Андалибу гулнинг ўртосида робит сан эдинг,
Бўлди булбул вола, топди шуҳрату овоза гул.

Ғунчаи лаълинг қошида ҳўблиғ даъво қилиб,
Оғзидин қони келиб ахтарди чора соза гул.

Келмакин боис хазониға Ниёзий англади,
Ҳусниға ҳуснингни ўтрусида хирсу оза гул.

180

Гулузорин боғ аро қилғоч намоён ул ўғул,
Гулни хомуш айлади, булбулни нолон ул ўғул.

Жон насими сунбулидин бў таратиб айлаб хароб,
Сарв ила сунбулни қилди зору ҳайрон ул ўғул.

Рашк ўтини нотавон кўнглумга урди, оҳким,
Айлабон ағёр ила сайри гулистон ул ўғул.

Кўрсатиб ноз уйқуси олуда бўлгон кўзларин,
Қўймади наргисға кўз юммоқға имкон ул ўғул.

Ғайр ила ишрат бисотин саҳни гулшанда солиб,
Қилди бағримни ҳамиятдин тўла қон ул ўғул.

Ҳожат эрмас нуктаи мадҳида сўз қилмоқ тавил,
Ким, келибдур даҳр аро жонларға жонон ул ўғул.

Эй Ниёзий, маскан этсанг фақр кўйин, тонг эмас,
Бўлса лутф айлаб санга бир қатла меҳмон ул ўғул.

181

Меҳри оразинг зулфинг мағрибида пинҳон қил,
Кўрмай эл, келиб, кулбам шарқидин намоён қил.

Ўлтуруб, солиб чинни коса ичра гулгун май,
Журъасиз чекиб они, лаълинги дурафшон қил.

Ҳолими сўруб ширин сўз била қилиб масрур,
Илтифоту ноз ойин онча бордур имкон қил.

Муддате эрур ҳажринг нишидин алил ўлдум,
Бу маризингга васлинг нўши бирла дармон қил.

Зулм хайлини акнун торқатиб талаттуфдин,
Адлинг аскарин кўнглум кишвариға фармон қил.

Мунча марҳамат кўргач амринг инкиёдидин,
Доғи инхироф этсам, мубталойи ҳижрон қил.

Рашк ўти Ниёзийни ёкмасун десанг танҳо,
Келтуруб жанобингга дарғаҳингда дармон қил.

182

Бўлмағил ҳаргиз вафосиз ёрға ёр, эй кўнгул,
Баста бўлма зулфи куллобиға зинҳор, эй кўнгул.

Даҳр шўхидин вафо кўз тутмаким, айёрадур,
Бўлмоқинг келди абас васли учун зор, эй кўнгул.

Хўблар ҳусниға наққоши азал берганда зеб,
Қилмади қатъан вафо нақшини изҳор, эй кўнгул.

Ишваи нозиға ман янглиғ бўлуб ошуфта хол,
Қилма ўзни кайд ишқиға гирифтор, эй кўнгул.

Бўлмокингдин чашми фаттониға мафтун суд йўк,
Бешувр алданмаким, ул сарви маккор, эй кўнгул.

Орзу айлаб висоли бодасини фурқатин,
Ихтиёр этма, ўзингни қилма хуммор, эй кўнгул.

Маст ўлуб саҳбойи ғафлатдин Ниёзийдек мудом,
Зойеъ этма умринги бўл эмди хушёр, эй кўнгул.

183

Қасри жаҳонда қилмағунг эҳсоси роҳат, эй кўнгул,
Онда фарах умид этиб, топғунг надомат, эй кўнгул.

Танг тут зиёну судини собиқларингдин барчаси,
Жуз дарду меҳнат кўрмади навъи шарофат, эй кўнгул.

Тарк айла балким нафъини, ўлгум тилаб беҳбудини,
Кўрди ҳаёти ахтари ондин касофат, эй кўнгул.

Истаб эл ўз хайриятин, айлаб талабда жустужў,
Кўрмас мурод(и) чехрасин илло хиёнат, эй кўнгул.

Айлаб тама даҳр аҳлидин ранжитма ўзни бир даме,
Очғил кўзунг масдуд эмас бори қаноат, эй кўнгул.

Они вужудинг иззат жоҳиға бўлма муфтахир,
Йўқликға қилсанг ўрнидур фаҳри фаҳомат, эй кўнгул.

Бўлди Ниёзий мунисинг ганжи адамни қил ватан,
То топғосен маҳбубинга ондин қаробат, эй кўнгул.

Кўрсатиб икки гўзал ўтган кеча турфа низом,
Келдилар кулбамга айлаб ман ҳазинни эҳтимом.

Мажлисим ганжида ўлтурғоч икковлон маст ўлуб,
Қилдилар гўё бу фурсатда они доруссалом.

Лабларидин нукта дерда махфил ахлидур хамуш,
Истимоъ этмак учун жон гўшидин ширин калом.

Базмими андоқ кизитдиларки аҳлига онинг,
Совумас ҳиркат ҳусулидур ила йавм ал-қиём.

Маст этиб онлар жамоли бодаси хуш аҳлини,
Кўзлариға килди бу окшомда уйқуни ҳаром.

То абад хушёр бўлмас аҳли жалис негаким,
Тонггача ло журъа чекдилар тўлуғ май бирла жом.

Эй Ниёзий, муғтанам билгил бу тунда ишратинг,
Сендин ўзга кимсага мавжуд бўлди бўйла ком.

185

Эй рафиқ, ўлса ҳаётингда тарикинг мустаким,
Олами боқийда ҳаргиз кўрмагунг ташвишу бийм.

Ҳашр бозорида косид қалб рўйи андух эрур,
Нукраи холисни кўргилким, чиқар ўтдин салим.

Айб агар бегонадин пўшидадур кўргай Басир,
Феълким, ҳамсоядин пинҳон эрур билгай Алим.

Нафси аммора юзи сори мойил бўлмайин,
Қоил ул феълини қилғойким, эди амри Ҳаким.

Роҳ навмидини тутмоқ феъли султондур, умид
Айламак лозим маком аҳлиға афв, эй карим.

Гарчи Ҳақдин банда афъоли учун ваъду ваъид,
Раҳмати омм ўлди, лек андоқки асқоми амим.

Сўз демак бирла Ниёзий кечди, умрим қолдим,
Узр этарга муддате «астағфируллоҳ ал-азим».

186

Бир парининг ишқи кўхсорида хайрон ўлмишам,
Телбадек ваҳшийлар ичра дийда гирён ўлмишам.

Ўтқариб фарёду афғоним фалакдин фурқати,
Фикрати курби аро чоки гирибон ўлмишам.

Азм этиб дашти муҳаббатға ўгут килма қабул,
Эмди би-л-кулл мубталойи дарди хижрон ўлмишам.

Айлабон васлин на хил пўя урдим дамбадам,
Онгладим айру олохону оломон ўлмишам.

Англингиз неки суруримни кўруб, эй дўстлар,
Тушда кўйида онинг бир кеча меҳмон ўлмишам.

Қисматим ҳажрида меҳнат чекмак ўлмиш, эй ажал,
Жонни чеккиму ҳазор маҳбуси зиндон ўлмишам.

Асрай олмайсан Ниёзийдек муҳаббат сирридин,
Ишқи фоний қулласи узра намоён ўлмишам.

187

Бўлса, тонг йўқ, нутки мадҳинг лаззатидин шахди ком,
Фаррухий, Султонийу Саъдий, Муродий хушкалом.

То абад васфингни қилса, мумкин эрмас бўлмоки,
Фазлийу Кудсий, Умархон, Равнақу Зийрак тамом.

Етганидин партави нуринг замойир ичрадур,
Огахий, Мунис, Ироқийларға дил ойнафом.

Фикр этиб зотингга мисли топмади олам аро,
Чокару Роғиб, Камолий, Содиқу Мирзо давом.

Дахр аро хуснинг зухуридин топибдур волалиғ,
Соҳибу Хоконийу Лутфий, Киромий хосу омм.

Комилу Рожий, Баёний, Окилу Холис, Рафиъ,
Гарди кўйинг кўзларига сурма қилди субҳу шом.

Даргахинг тавфи аро чобуклик изҳор этгали,
Доъийу Хокий, Ҳақир юз Ниёзийдур имом.

188

Ул париға ўзга Мажнун зор эканни билмадим,
Фурқати дашти аро бемор эканни билмадим.

Кўйига усрук бориб, атфол тоши захмидин,
Жисми сар то сар баче афғор эканни билмадим.

Дарди ишкида саргардон бўлуб лайлу нахор,
Дарду меҳнат шиддатидин хор эканни билмадим.

Ширкати ишки аро рашк оташи сунмас ва лек,
Азм этар чоғда бу ўт душвор эканни билмадим.

Бевафо эрканликига воқиф ўлдим, оҳким,
Жон фидо қилмок анга бекор эканни билмадим.

Ҳажрида кўб ранж чекдим васлин айлаб орзу,
Лек ул маҳвашға ғайри ёр эканни билмадим.

Соддаваш айлаб тахаййул кетти қўлдин ихтиёр,
Мубтало айлар чоғи сардор эканни билмадим.

Беибо кўйди Ниёзий ишк Қофиға кадам,
Бошиға эмди на кулфат бор эканни билмадим.

189

Жону кўнглум била жонон сориға қилдим азм,
Ғам сипоҳи била ҳар дамда қилиб турлук базм.

Ногаҳон кўрди, салом этти, табассум килди,
Айладим марҳаматин турфа саломидин жазм.

Индоди мажлисиға, тузди нишот асбобин,
Онча мумкин эди, қилдим, кеча жонон ила базм.

Мани меҳмон неча кунлар қилурга паймон,
Боғладиким, анга йўк ғайри сўзи бирла ҳазм.

Ҳар кеча базмида ишрат била бўлдим саршор,
Неча алвон ниҳам анда бўлуриға йўк жазм.

Эй Ниёзий, санга бу навъ мурувват бўлмоқ,
Тоғонингдин неча қаттиғ раҳи ишки аро дазм.

190

Зихи, ҳилм авжида шаҳларға келди ниятинг аҳлам,
Ҳаё бўстонида етмиш ниҳоли қоматинг ақдам.

Муборак фурқатинг узра ифтихор айлаб адаб тожи,
Онингдекким, тутуб ўзни ҳумойи ҳимматинг афхам.

Қаноат кишвари мафтуҳи зотинг тутса, тонг йўкким,
Тама хайли келурдин дарғахингға зотинг аслам.

Карам аҳли кўруб жуду вужудинг шармисор ўлди,
Нединким, билдилар боби карамда хилкатинг акрам.

Инод аҳлига кўйинг сори келмакликка журъат йўқ,
Аларга кўрсатур Вожиб таоло савлатинг аъзам.

Карам айлаб дуоғўйингга халъат сарафроз этдинг,
Анга қуллук била бўлди дуойи давлатинг алзам.

Ниёзий гарчи аҳқардур, дуоғўйинг аро онинг,
Дуосин касрати наслингда қилди раъфатинг адвам.

191

Хукмронлиғ кишвари ҳусн ичра шонингга атамм,
Ким, билибдур қуллуқингни хўблар хайли аҳамм.

Хўблар йўқким ҳама ишқ аҳли боглабдур камар,
Хизматингда жазм этиб фармонингни айни карам.

Ҳақ қилиб имкондин ортук иззу жоҳингни рафиъ,
Салтанат аҳлига бўлсун пойи бўсинг мултазам.

Айшу ишрат мажлисинг ичра икомат этмакин,
Фахр қилсун ўзларига, балки тутсун муғтанам.

Чекмасун даҳр аҳлидин ҳаргиз малолат хотиринг,
Етмасун гардуни хоиндин замирингга алам.

Чарх мақсудингча даврон қилмоқидин бир даме,
Инҳирофин саҳв этиб, кўз кўрмасун бўлмай надам.

Шурби лаълингни модих мадҳининг таҳриридин,
Ложарам, шаққни забони устида топди қалам.

Орзу айлаб висолинг фурқатинг дашти аро,
Пўя ургоч нечалар қилди вужудин ка-л-адам.

Сирри ишқингни Ниёзий асради элдин ниҳон,
Аҳд этиб асло муҳаббат даъбидин урмасга дам.

192

Ҳазин кўнгил тилади, маҳвашо, висол бу тун,
Тараххум этмасанг ўлғой ажаб ҳол бу тун.

Музоъаф истаганим базми айш асбобин,
Этарни ранжа қудуминг қилиб ҳаёл бу тун.

Башорат ўлмаса кулбам сари хиромингдин,
Манга ғамингда тирик қолмагим мажол бу тун.

Мунаввар ўлса фироқинг шаби, тонг эрмасдур,
Нединким, авжи жамолингдадур ҳилол бу тун.

Нужум кўзларини чарх юммайин бир дам,
Малоҳат ичра санга кўрмади мисол бу тун.

Йўлунгга чиқмағонимга сабаб эрур улким,
Баданга қолмағони турғоли мажол бу тун.

Муродим улки, санга ғайри бўлмағой йўлдош,
Ағарчи жон эрур ул тортарам малол бу тун.

Совуқ нафас била дил кўзгуси ғубор топар,
Бас айла ваъз аро, эй шайх, қилу қол бу тун.

Муяссар ўлса, Ниёзий, санга висол шаби,
Йўк айла фарҳатиға мол ила манол бу тун.

193

Тағофул одат айлангон каби ул лаъли хандондин,
Тазаллум илтизоми расм эрур ман зор ҳайрондин.

Кўзум ногаҳ жамолин кўрди, ишки дардини эмди,
Кўнгилга текканини билдим бу кон олуда домондин.

Бўлур гулзори ҳусни рўйятидин ғунчаи кўнглум,
Кушода, гарчи очилмас эди сайри гулистондин.

Фироки даштида васли хаёлин муғтанам билмак,
Керак, ҳар дам эмас мумкин бако бу кўҳна айвондин.

Мурувват истамаклик хўбрўлардиндур андоқким,
Тамаъ иззатни қилғой соҳиби қошона меҳмондин.

Адам ганжида бўлсун улки амнийят таманноси,
Бўлуб кўрмай деса анвоъи меҳнат аҳли даврондин.

Дуойи давлатин субҳу масо айлар, тонг эрмаским,
Ниёзий кўрса турлук марҳаматни эмди султондин.

194

Кўруб юзи қарокўз оразинг нигор бу кун,
Тар ўлди домани дил топи изтирор бу кун.

Сиришким ўрнига октурди ул жигар конин,
Нединки, бўлди доғи бир кўрарга зор бу кун.

Десам, нечун боқибон бу балоға қолмишсан,
Дегайки, учради ногаҳ бу шаҳсувор бу кун.

Кўнгил хаёлинг ила нотаваон эди би-л-кулл,
Ким, ўлди шавқинг аро эмди асру хор бу кун.

Жунун аро мутамаккин бўлуб ман амри маҳол,
Хирадға тан уйида топмоқи қарор бу кун.

Ниёзий жозим эрур келса хўблар шоҳи,
Қилурға жону кўнгил нақдини нисор бу кун.

Ҳабибо, нуктаси жон бергувчи жононни истабман,
Эдим онсиз ўлук, эски ўлукдек жонни истабман.

Очилмас бўлса гулшан сайридин, тонг йўк, ҳазин кўнглим,
Нединким, орази гул, лаблари хандонни истабман.

Не жон роҳат топар гул мавсими бўстон насимидин,
Ки, ҳусни боғи ичра сунбули райҳонни истабман.

Онинг кўйи сори майл айласа жон булбули йўқдур,
Ажабким муддатедур равзаи ризвонни истабман.

Тўкарман кўзларимдин водийи фуқаратда ашкимни,
Дамодам Нух янглиғ гўйиё тўфонни истабман.

Ўтурдим зулмати ҳижрон ичра субҳ ила шомим,
Сикандардек магар сарчашмаи ҳайвонни истабман.

Агарчи даҳрнинг ошубидин озурда хотирман,
Ниёзийдек ажабдур фитнаи давронни истабман.

Эй, оразинг базм ичра гар келсанг қилиб гулгул бу кун,
Бўлғой наво оҳангида жон мутриби булбул бу кун.

Чобук кўнглини устига пўшиш қилиб жон ҳулласин,
Чексам ҳануз оздур агар бу навъ неча дулдул бу кун.

Эй дил, бу янглиғ базм агар умрингда бир кун берса даст,
Ичгил висоли бодасин айлаб кадаҳ мулмул бу кун.

Олдида айлаб бандалик, кўргуз нишотинг дамбадам,
Ким, демагинг алзам эрур, мийно киби кулкул бу кун.

Майл этса гар падрудиға хушу хирад беихтиёр,
Занжири зулфи ҳалқасин бўйниға қил гулгул бу кун.

Бу мажлис ичра бўлса гар зоҳид хузури золи чарх,
Гўёки солмиш ош аро туз ўрниға фулфул бу кун.

Айши тарабни васл аро тутғил, Ниёзий, муғтанам,
Етса фироки зарбати жисминг қилур кул-кул бу кун.

197

Беморинг уза келдинг, эй сарви равон, бул кун,
Эмди, тонг эмас, топса жисми аро жон бул кун.

Ваҳким, на эди монёъ бўлмоқлиқиға мавжуд,
Максудинг эди сўрмок ҳолини жаҳон бул кун.

Қистог била келгандек, кетмакка шитоб этдинг,
Пўя аро, андоқким, хуршиди жаҳон бул кун.

Ҳолин суруб ўлтурмай бир лаҳза ружуъ этдинг,
Жайронлиғ ила қилдинг кўз ёшини кон бул кун.

Гар мунча эрур топди ташрифи қудумингдин,
Ўлган тани маълулинг худ руҳи равон бул кун.

Чун ожизингга бўлди бу марҳаматинг, тушди
Рашк ўтиға ишк аҳли ҳам аҳли замон бул кун.

Комил экани ишқинг эл ичра Ниёзийға,
Бу лутфинг ила бўлди бешубҳа аён бул кун.

Истама, эй дил, вафо бўйини гул рухсордин,
Ким, ҳавойи андалиб имкони йўк гулзордин.

Қил тааккулким, адам сориға ушшок ахлидин,
Қайси бири кетди кўрмай дарду ғам дилдордин.

Гар итоб осонки бир қатла қилса асрамоқ,
Қайда мумкин элга жонин кўзлари хунхордин.

Муддате умрингда осойиш таманно айласанг,
Ахли дунёдин бири бўл, балки бу ғаддордин.

Чарх золидин тама қилма мурувват негаким,
Кўрмади даҳр ахли бу хислатни ул маккордин.

Хонақах ахли муҳаббат сирриға вокиф эмас,
Иста они дайр аро ҳар тун саҳар бедордин.

Дамбадам ўзни жафо чекмакка мўътод айлагил,
Жуз жафони кўрмагунгдур, эй Ниёзий, ёрдин.

Хусраво, авлоду аҳфодингга нуксон бўлмасун,
То абад онлар шумориға ҳадду сон бўлмасун.

Ҳазратингдин имтидодиға таносул хублодек,
Риштаи тавлидинг маддиға поён бўлмасун.

Давлатинг ҳаддин фузун, Хизр умри бўлсун қисматинг,
Хотиринг ҳаргиз бу аснода паришон бўлмасун.

Шавкат ичра бўл Сулаймондек ҳамиша барқарор,
Офариниш чиқмоқи ҳукмингдин имкон бўлмасун.

Пуя урсун дамбадам коминг сори гардуни дун,
Бу сифат давронидин асло пушаймон бўлмасун.

Англабон хоки дарғаҳингни кўзларига сурмасон,
Жабҳасин ихлос ила еткурмагон хон бўлмасун.

Субҳи жудингнинг насими бутрасун ул навъким,
Ғунчаси очилмаин қолғон гулистон бўлмасун.

Муддати умрингда фарҳат хайли олам арсасин,
Айласун мўл, анда ғам фардойи жаҳон бўлмасун.

Кимки авқоти Ниёзийдек бу навъ айём аро,
Чехраи максудни кўрмай бағри(да) қон бўлмасун.

200

Эй, қадинг нақши кўнгил ганжида пинҳонму экан?
Ё ҳулул этган қазодин нотагон жонму экан?

Оразингдурму жамол афлокида меҳри мунир,
Йўкса кўргузган тулубин моҳи тобонму экан?

Ишқ элин қатл этгали хуммордурму кўзларинг,
Фитна хайлин кўзғамокға ёки фаттонму экан?

Турфақим, олам насими мушксоро бўйиму,
Муддате ё зулфи мушкининг паришонму экан?

Ёпдиму жон шираси лаъли лабинга инзимом,
Ё анга омизиш ўлғон оби хайвонму экан?

Сончилур кўксимга ҳар дам хори ҳижронингмудур,
Чикғон абру қавсидин ё тири мижгонму экан?

Соате васлинг муяссарму Ниёзий зоринга,
Ё анга қисмат азалда нори ҳижронму экан?

Висолинг учун бермагим накди жон,
Аёну аёну аёну аён.

Бу ишдин эрур суд йўқдур манга,
Зиёну зиёну зиёну зиён.

Қилурман талаб қурбатинг ҳар неча,
Замону замону замону замон.

Манга шавқинг элтурда қўйингга йўқ,
Инону инону инону инон.

Фирокинг аро ўлмайин колмаким,
Гумону гумону гумону гумон.

Манга бўлса қўйинг аро қошки,
Нишону нишону нишону нишон.

Ниёзий не тил бирла васфинг килур,
Баёну баёну баёну баён.

Истаган бўйи вафо бу гунбази вайронадин,
Тутди кўз гўё вафо даҳр ичра ҳар жононадин.

Бемурувват ошнодин ҳўб эрур узмак кўнгил,
Эҳтироз этмак абас хушхўйлиғ бегонадин.

Жон қушини ишқ ўтиға ўртамак таълимини,
Ишқ элиға олмоқи лозим эрур парвонадин.

Фикри истехкоми дунё амри мустахсан эмас,
Ким, кўрубдур кетмайин қолғонни бу ғамхонадин.

Доимо жоми ажал андоғ тўлуғдур, бўлмағой
Холи, ҳаргиз нечалар шурб этса бу паймонадин.

Мард эмас улким, муҳаббат дардидин қилди ҳазар,
Жуз таҳаммулни кўрулмас муддате мардонадин.

Эй Ниёзий, чирки ғам етмас замирига онинг,
Дайр пири бирла бўлса чикмокин майхонадин.

203

Атуфинг соясини излаган беҳонумонингман,
Муҳаббат даштида оввора бўлғон нотавонингман.

Бало хайли сафини мунҳазим қилғон шакибидин,
Вафо майдониға ишқингда кирган қаҳрамонингман.

Сиёхгўши ғамингдин фуркатинг Мозандаронида,
Муқим ўлғон таваҳҳум қилғамен шеру жаёнингман.

Маваддат ганжининг ҳифзи учун ғам кўҳининг ғорин
Мақом этган ўзига аждари оташфишонингман.

Адолат айнидин гар нозир ўлсанг зулми кўб кўрган,
Бори ушшоқ аро ҳажрингда беному нишонингман.

Висолинг оби ҳайвонини ҳижрон зулматин истаб,
Не мумкин топмоқим, бўлсам агар Хизри замонинг ман.

Ниёзийга не ғамким, деса маҳбуби анга бир кун,
Ҳаётинг боиси жисминг аро руҳи равонингман.

Мубтало қилди мани ишқингда ул гул пийраҳан,
Кўргали ҳам юзланур жонимға юз турлук миҳан.

Ногаҳон фаттон кўзи манзуриим ўлғоч бошими,
Ташлади хайли балоға келтуруб сонсиз фитан.

Қошларининг қавсини бир дам тахайюл қилмоқим,
Нотавон кўнглумға берди беадад новакфикан.

Соате кўйида айрилмоқ не имкондур манга,
Ким, таноби шавқи бўйнимда узулмасдек расан.

Деб эмиш олғум Ниёзий жонини хижрон аро,
Бу мурувват садқаси жон деб тамом этдим сухан.

205

Эй пари, ишқинг фазосида жаҳонимни жунун
Олди, мағлуб ўлди ақлим, гарчи эрди зуфунун.

Дашт аро мажнун басе сайр этди гўё бўлмади,
Ман киби қадди муҳаббат бори бирла вожгун.

Дарди ишқингдин манга йўқдур таҳаррукка мажол,
Турфа буқим, ишқ аро Фарҳод козди Бесутун.

Қайди зулфингдин хирадға бўлмади мумкин нажот,
Ким, кўзинг жодуси қилмишдур магар они фусун.

Олган ўлса хурдабинларға забон васфинг аро,
Тонг эмасдурким, мисолинг кўрмади аҳли қурун.

Саъй ила моҳиятингни билмагай аҳли вараъ,
Қойдин англар кунхи зотинг илмидур асру кумун.

Имтиёз этмак муҳаббат аҳлини мушкил эрур,
Эй Ниёзий, ишқ нахлиға ададсиздур ғусун.

206

Фирокинг шиддатидин субҳ ила шомимни билмасман,
Шуурим бўлмайин жунбишға оромимни билмасман.

Не ман огоҳ эрурман хеш кимдур, ажнабий кимдур,
Не исмиға аларнинг, балки ўз номимни билмасман.

Не етди аклу ҳушим, қайси жонибда эрур беҳбуд,
Азимат қай тарафға, қайда ақдомимни билмасман.

Жунун андоғ ихота айлади бу нотавонингни,
Бараҳна ёки мастур эрди андомимни билмасман.

Не хористони фуркат, не гулистони висолингдур,
Муродим маъмани бу турфадурким, комимни билмасман.

Қайдадур хонаках, масжид қайдадур, дайр қайсидур,
Дебон кимдин сўрарни, қайда анжомимни билмасман.

Ниёзий сафҳаи ишқ ичра сабт этди неча сўзни,
Не сўз мазмуни маълумимдур арқомимни билмасман.

207

Гул юзинг фикрида бўлдим гулга зор, эй гулбадан,
Гулшану гул сайрин этдим ихтиёр, эй гулбадан.

Тавсанинг гулгун либос, оразинг андоқки гул,
Бас, назиринг қайси гулзор ичра бор, эй гулбадан?

Гулларин олам гулистони очиб кўргач сени,
Айлагай тинмай оёкингға нисор, эй гулбадан.

Гулбину гулни на айлай сансизин, эй гулзор,
Бу икковга хажр аро йўк эътибор, эй гулбадан.

Орзу килдим кўнгилдин равзаи ҳуснинг гулин,
Лек кўркарман қилурдин ошкор, эй гулбадан.

Кўргали гулгун саройингда сени, эй гулжабин,
Мубтало бўлгон кўнгил хору назор, эй гулбадан.

Войким, лутфинг дариғ этсанг Ниёзий ҳолиға,
Ўлгали етди чекиб кўб интизор, эй гулбадан.

208

Эй пари, бўстонда қилсанг сайри гулзору чаман,
Айлагай манзуринг ўлмоқ орзу сарву суман.

Чарх золи мақдамингга ҳар кун ифшо қилғоли,
Нур нақдидин тўлуғ боши уза олтун лаган.

Хажр хористонида қолдим таҳаррук қилмоқим,
Сончилурнинг мужиби жисмимга юз турлук тикан.

Бир даме қилмоқ муқаввас қошларингнинг фикрини,
Нотавон кўнглумга бўлмоқ не ажаб новакфикан.

Фурқатинг даштида истаб ишқ элин кўрди ажал,
Фақр қабрида фано зарбафтин устида кафан.

Хусн аро Ширину Лайло топмади сандек жамол,
Бўлмади ишқ ичра мандек Қайс бирла Кўҳкан.

Дарди ишқингдин Ниёзийнинг фиғониға не суд,
Ким, азалда қисмати қилмишдур они зу-л-минан.

Зихи, хуснинггадур ишк аҳли ҳайрон,
Таҳайюр бирладурлар дийда гирён.

Не тонгким, барча хусн аҳлига зотинг,
Жамол авранги узра бўлса султон.

Омон топмоқ не мумкин кўзларингни,
Қилибдур сунъи килки офати жон.

Жаҳон аҳлига рустахез солдинг,
Вужудингдур магар ошуби даврон.

Фироқинг шиддатидин аҳли ишқинг
Ороким, колди бир дам ютмағон қон.

Муқим ўлди кўнгил кўйингда ҳажринг,
Они қилгон эрурму хонавайрон.

Хароб этдинг масаррат манзилини,
Манга ғамдин халос ўлмоқ не имкон.

Етушдим дарди ишқинг қасратидин,
Ажаб ҳолатга етди чиқғоли жон.

Тарахҳум қил Ниёзий сирри ишқинг,
Ҳамиша хотирида қилди пинҳон.

Айлағил бедод этардин ижтиноб, эй маҳжабин,
Бўл қарам бирла муҳаббат аҳли шаънида амин.

Ишқ элининг оҳи оташнокидин парҳез қил,
Кимки қилди эҳтироз ондин ул эрмиш хурдабин.

Шўхлиқ айлаб тағофул ичра солма ўзником,
Дод эрур ушшокдин гар фикр этарсан асру чин.

Бўлмаса лозим тарахҳум фақр элига айламак,
Не учун севди аларни анбиёву мурсалин.

Кимки ошиқ, ложарам, бечорадур хижрон аро,
Хўб эмасдур айламак дарвешларға зулму кийн.

Навъи инсондиндур улким тузди адл ойинини,
Топди ондин комини, бўлди шаҳи рўйи замин.

Марҳамат килғил Ниёзий қўймади зикринг даме,
Дашт аро бўлди гаҳи, гоҳи макон ичра макин.

211

Вужудинг салб қилсанг жилвагар бўлғай ҳабиб ўтру,
Онингдек мосивонинг нафйидин исботи «илло Ху».

Кўнгилдин нафси зулмонийни маҳв этгилки, Ҳақ нури
Мужалло бўлсин анда, ул сифатким, зангсиз кўзгу.

Убудийят камоли коминг ўлса хавфи укбодин,
Шариат ҳукмини тут, кўзларингга келмасун уйку.

Ташовиши жаҳондин фориг этгил ўзником, андин
Агар имкони бўлса, айлабон тан кулбасин яксу.

Тамаъ қилма фараҳни даҳр золи издивожидин,
Они ақд этди, ташлаб кетди, сандин ўзга чандин шу(й).

Бўлуб хомуш мумкин бўлса қилма кулгу изҳорин,
Абас келди улуғ кўпрукдин ўтмасдин бурун кулгу.

Ниёзий иртиқоб этгил шикастинг фақр қўйида,
Бўлуб сокин таваккул доманин тут, қилмағил кайғу.

Хусн боғи қоматинг янглиғ ниҳоле топдиму?!
Сафҳан ғабро юзинг нурини холи топдиму?!

Қайда кўрди оразинг меҳринг адилини чарх,
Ўйлаким, абру камон хаддаш ҳилоли топдиму?!

То жамолинг партавини офтоби ховарини,
Кўрмайин журми аро зеби жамоли топдиму?!

Бўлғали шоҳини ишқинг сайди хайрим тойири,
Пар била ондин халос ўлмоқға боли топдиму?!

Курбатингни ҳар неча фикр айлабон мухбир кўнгил¹,

Зойил ўлди ҳар на ким тоңди камолот дамини,
Турфақим зойил берур умрим камоле топдиму?!

Эй Ниёзий, дегайсан айшим гули очилмади,
Бўстон васлидин бир дам шамоле топдиму?!

Ўтлуғ узоринг ҳажридин кўнглим аро тушди олов,
Ёқди гугирд ўти каби жони ҳазиним лову лов.

Хайли жунун фатҳ айлади бул кун хираднинг кишварин,
Ким, чекмиш эрди саф онинг атрофида оқғаҳи ёв.

Ишқ ичра шахдурман сияҳ дарду бало хайли эрур,
Сайримға фуркат арсаси бас оташин оҳим ёлов.

Ғар бўлса мушкин кошларинг жазаъиға тахжир орзу,
Жону кўнгилни истарам бўлмоқ учун онларға ов.

¹ Байтнинг кейинги мисраси тушиб қолган

Боғ ичра гулшан саҳнида гулзори хуснинг ҳайъатин,
Кўргач, кўнгилнинг булбули, тонг йўқ, агар бўлса сақов.

Қатлим агар коминг бўлуб, сурсанг самандинг ман сори,
Қилғум биҳил конимниким, чекма бу қасдингдин жилов.

Тарк эт, Ниёзий, ўзлугинг ишқ ичра гар хушёрсан,
Дунё аруси гар сени истар, анга бўлма куёв.

214

Кўнглум айлар орази хуршидисони орзу,
Тифлдекким, айлағай курси самони орзу.

Гулшани хуснини кўргач, айламас жон булбули,
Даҳр аро ҳар гулшани роҳатфизони орзу.

Келди уммеди мурувват хўбрўдин истамак,
Айлагандек чарх золидин вафони орзу.

Фурқати зулмотида ул солик эрмас, қилмасун
Лаълидин васли аро оби бақони орзу.

Кимга бўлса ишқ иксири муяссар, қилмағой
Умри борида замоне кимёни орзу.

Хонақаҳ аҳлига жаннат ком эрур, гар аҳли дайр,
Қилса, тонг йўқдурки, кўйи дилрабони орзу.

Гар муҳаббат аҳлидиндурсан Ниёзий қилмағил,
Байту-л-аҳзонинг аро ноошнони орзу.

215

Не тонг, афғону зорим кўкка етса ёрдин айру,
Анингдек нолаи булбул чекмағай гулзордин айру.

Хуморим бода ичмак бирла кайдин мундафиъ бўлсун,
Маишатхона ичра кўзлари хуммордин айру.

Не янглиғ маскани сабр ўлғусидур нотавон кўнглим,
Ҳамиша фуркат ичра васли файзосордин айру.

Эмас кўнглим писанди хўбрўлар суҳбати харгиз,
Масиҳосо нафаслиғ шаккарин гуфтордин айру.

Нечук топгай машомим боғ аро гул исидин роҳат,
Гулосо ораз узра зулфи анбарбордин айру.

Ҳазин тутма ўзингни ҳамиша ағёр бўлди деб,
Қачон гул бўлғусидур, эй Ниёзий, хордин айру.

216

Эй кўнгил, маҳзунликим ороми жоним билдиму?
Келди ҳолимни сўрарға ёки раҳми келдиму?

Кўрганимни ҳажридин бедоди дод айлаб эдим,
Адл этиб они кабулиға мукорин қилдиму?

Кўзларимдин ашкнинг ўрниға хар дам кон келур,
Ҳар тарафдин фуркати шамшири бағрим тилдиму?

Кўрганим англаб тарабгоҳи муҳаббатни даме,
Чархи ҳосид шодлиғ бобини катъан илдиму?

Ишқ аро Мажнун менингдек бўлмоки мумкин эмас,
Ким, муҳаббат даштида тинмай замони елдиму?

Эй Ниёзий, кон тўкар ушшокларнинг кўзлари,
Хўблар они мурувват дасти бирла силдиму?

Зихи, маҳбуб эрурким, барча жононларга жондур бу,
Не жондур дарҳақиқат фитнаи охир замондур бу.

Жамол авранги бирла ҳусн мулкининг хидеввинди,
Малоҳат афсарининг соҳиби шоҳи жаҳондур бу.

Тақаллумдин берур жон кўзлари ўлтурса ишк аҳлин,
Ажаб хислатлар изҳор этгувчи мўъжиз нишондур бу.

Муанбар бўлди офок арсаси сайр ичра зулфидин,
Сабо таҳрики бирла гўё анбарафшондур бу.

Муҳаббат аҳли кўйи сориға азм этди ондинким,
Ҳаводис шаҳнасин дафъ этгувчи дору-л-амондур бу.

Мани манъ этса зоҳид ишқдин, тонг йўкки, не билсун,
Анинг файзининг аҳли бўлмағонлардин ниҳондур бу.

Ниёзий хотиринг осуда истарсан фано даштин,
Ватан қил хайли ғамдин фориғ ўлғудек макондур бу.

Ғар ошиқ эрсанг оташи ишқ ичра қил бағрингни сув,
Чирки вужудинг қўймайн бу сув била қалбингни юв.

Қилғил адам хилвагтаҳин маскан убудийят сори,
Азм этки ғарра бўлма, эл қилса рикобингда ғулув.

Марзоти маҳбубинг агар максудинг ўлса бўлмағил,
Ўз нафсинг ороми учун комиға ҳаргиз комжў.

Тиғи ситам бирла улус кўнглин жароҳат қилмағил,
Ким, бу жароҳат ҳар неча тадбир ила топмас руфу.

Қилсанг қабулин орзу савму салотинг ҳар нафас,
Изҳори ажзинг бирла сидк ибрикидин килғил вузу.

Чеккил алойикдин кадам то танда жонинг, Ҳақ йўлин
Тутғил, замоне қўймайн мунглиғ кўнгилдин зикри Ҳу.

Ҳақ раҳматидин ноумид ўлма, Ниёзий, ҳар неча
Кўбдур гуноҳинг, журм эли ҳақидадур «*ло тақнату*».

219

Зихи, изҳор этиб ҳуснингни ашё мазҳари бирла,
Қилурсан волаи ишқ аҳлини зебо манзари бирла.

Карам айлаб ангаким ҳусн ганжин истадинг зоҳир,
Бўлурни анбарин гесуларининг ажлари бирла.

Жаҳон айвонидин ҳар субҳ зулматнинг гуруҳини,
Паришон айладинг бир курси аҳмар анвари бирла.

Кишиким, дашти ишқинг ичра мажнунвор саргашта,
Азалда кўнглини туздинг муҳаббат зевари бирла.

Шабистон тийрасини айладинг зойил уфқлардин,
Нужуми сабъадин бир журми абйаз пайкари бирла.

Ҳавойи нафс зангин қалби орифдин этиб маъдум,
Мусаффо шишадек қилдинг таарруф жавҳари бирла.

Ниёзий меҳринг истаб, фуркатинг дардини келтурмиш,
Нечук радди муносиб чехрасининг асфари бирла.

Жамолин орзу айлаб, бокиб ҳар ёна-ҳар ёна,
Кўзум келмиш фироқи дардидин гирёна-гирёна.

Паришон бўлмаким кўргач узорин турфа эрмасдур,
Агар нутқида қилмас лабларин хандона-хандона.

Агар(чи) ўлмаким бўлмиш муайян дарди ишқидин,
Урарман билмасун деб эл қадам мардона-мардона.

Висолин фикр этарман кеча-кундуз тинмайин эмди,
Таҳайюр даштида оввораман ҳайрона-ҳайрона.

Муяссар бўлса умри Нух, йўқ ондин парвойимким,
Не дунё жойи шоди, балки бир ғамхона-ғамхона.

Абас манзилғаҳинг таъмири келдиким, кўруб билдинг,
Ҳама маъмурларинг бўлмокин вайрона-вайрона.

Вужуди қасридин чиксун Ниёзий гар фароғ истар,
Ва гарна солғусидур худ ўзин зиндона-зиндона.

221

Йўқдур бақонинг зийнати бу гунбази давворға,
Не истидомат зебидур собит била сайёрға.

Ҳуш аҳли истаб чархнинг золидин амният баса,
Зоҳир қилурда макрини майл этмас ул маккорға.

Оқилға таъсир этмағай дунё аруси жилваси,
Ким, солмади қасддан назар бул шеваи айёрға.

Коминг замона аҳлидин битмас тама таркини қил,
Изҳори мақсудинг абас бу зумраи ғаддорға.

Бир кун маконинг сориға эсгай фанонинг сарсари,
Ул дамда не бордур гунаҳ нажжор ила амморға.

Кўйгил риёи уjbники, эй шайх, бўлгил мункир,
Ким, нақди дининг кетмасун нафсу ҳаво таррорға.

Кўз тут, Ниёзий, мағфират дарёси мужиб сориға,
Зору тазарруъ айлабон тинмай даме Гаффорға.

222

Эй маҳваши сархуш низом, келсанг на бўлғой бу кеча,
Кулбам сари айлаб хиром, келсанг на бўлғой бу кеча.

Шавкинда чексам иштиёқ, фикрингда ман ширин мазок,
Лутф айлабон, эй сиймин шиқок, келсанг на бўлғой бу кеча.

Ишкинда асру зорман, субҳу масо беморман,
Ушшокинг ичра хорман, келсанг на бўлғой бу кеча.

Атрофим олғоч хайли ғам, кўргуздилар зулму ситам,
Эй, хусрави соҳиб карам, келсанг на бўлғой бу кеча.

Эмди эрур холим хароб, тарк ўлди би-л-кулл хўрду об,
Пўя аро айлаб шитоб, келсанг на бўлғой бу кеча.

Фуркат замони шиддати, кўнглимга солди фуркати,
Йўқларға бу навъ меҳнати, келсанг на бўлғой бу кеча.

Гул чехралиғ, бодом кафок, хуммор кўз, йўфка дудок,
Ўлтурди андуҳи фирок, келсанг на бўлғой бу кеча.

Васлинг хаёли хўбдур, зикринг доғи марғубдур,
Лекин хирад маслубдур, келсанг на бўлғой бу кеча.

Бўлғоч Ниёзий дардлиғ, ишкинда топди фардлиғ,
Солмай ороға сардлиғ, келсанг на бўлғой бу кеча.

Тараххум айлаб ул чобуксувор охиста-охиста,
Бузук кулбамни килди ихтиёр охиста-охиста.

Қаро шомимни равшан килғоли бошим уза келди,
Кулимсиб ноз ила хуршид узорим охиста-охиста.

Фироқи ранжидин руҳим бориб эрди висолидин,
Басе жон топди жисми мадор охиста-охиста.

Такаллум айлади жонбахш лаълидин сўруб холим,
Деди, эй фуркатим даштида охиста-охиста.

Менинг ҳажрим аро чандин замон сабру шикеб этдинг,
Висолим бирла бўлғил эмди ёр охиста-охиста.

Бу фурсатда мулодинг барчаси ҳосил бўлур мандин,
Йўлумда гарчи чекдинг интизор охиста-охиста.

Муҳайёдур агар нозик миёним иштимол этсанг,
Тиларман бўса қил, эй ҳокисор, охиста-охиста.

Дедимким ўтқарибман ишқинг ичра моҳу солимни,
Талаттуф эмди бўлғай пойдор охиста-охиста.

Таманно айлабон васлингни чеккандин бало борин,
Бўлубман элга Мажнуни номдор охиста-охиста.

Бихамдиллоҳ, бу дам саҳбойи васлинг бирла маст ўлдим,
Бу бўлғой то киёмат барқарор охиста-охиста.

Агар ишқ ўлса комил кимга ул бўлғой Ниёзийдек,
Тавассул гулшанида ошкор охиста-охиста.

Ошимга қотди захрни ҳижрониғ оғу устина,
Эрмасму бас кўйди ушнонин ушбу устина.

Гўё жамолинг мазҳари айланди меҳр ховари,
Онча жило зоҳир килур бу навъ ёғду устина.

Гулранг бўйин истамас ҳуснинг гулидек ранги бў,
Манзуризм ўлғоч ўзгача бу ранги бў устина.

Тушда узоринг кўрмаким, гар мумкин ўлса истарам,
Бир уйқуниким бўлмағой уйку бу уйку устина.

Мушкин ҳилолинг устига чин солди қаҳринг шиддати,
Тигратма тушгай кўнглима ҳар дам бу кўркув устина.

Сурсам фирокинг даштида гар фикратимнинг рахшини,
Ортар сўзимда телбалик лағви аё лағв устина.

Еткурғусидур жонима офат тахайюл қилмоким,
Қошу кўзингнинг суратин ҳар лаҳза гулрў устина.

Роҳат Ниёзий истасанг, силкит вужудинг хокини,
Қатъан назар қилма анга, балким илик юв устина.

Асир қилди орази хуршиди рахшон бу кеча,
Чикмағой чунким хижилдур мохи тобон бу кеча.

Паргави меҳри руҳидин ёрутуб олам уйин,
Даҳр шўхин айлади ҳусниға ҳайрон бу кеча.

Боғ нахли кўрди қаддин гул юзин гулшан гули,
Нахл баргин тўлдуруб гул бўлди хандон бу кеча.

Шамъи рухсорин шабистон ичра кўргач жону дил,
Қилдилар парвонадек гирдида тайрон бу кеча.

Нотавон кўнглим они кулбам сари келгай дебон,
Фикр этиб жон шахсини қилди ниғахбон бу кеча.

Хонақаҳ шайхи жамоли ламъасининг файзини,
Топмаса қилғой недин афғону нолон бу кеча.

Мастлиг саҳбойи васлидин Ниёзийға умид,
Гар йўк этгай дайрнинг тоқини вайрон бу кеча.

226

Маҳвашим сайр этдиму бўлди мукаммар бу кеча,
Не учун бўлғусидур йўкса мунаввар бу кеча.

Оразининг ламъасидурму ҳама офокни,
Тутди равшанлиғ даме бўлмас мукаддар бу кеча.

Орзу айлаб кўнгил минди тахайюл маркабин,
Бир кўрарни айлабон ўзни мушаммар бу кеча.

Сайрида қилди магар ошуфта мушкин сунбулин,
Йўкса дунё арсаси қайдин муаттар бу кеча.

Муҳаббат аҳли бу ёғду аро баҳраёб ўлғай,
Негаким бадр оқшоми янглиғ мусаввар бу кеча.

Дайр пирининг замириға маваддат партави,
Тушдимудир кошки бўлғай мукаддар бу кеча.

Гар Ниёзий ахтари васл осмонида тулуъ,
Қилмаса, ўлди анга ўлмак муқаррар бу кеча.

Ҳажрининг борин чекарга йўқ мадорим бу кеча,
Раҳм этар ҳар ким эшитса оху зорим бу кеча.

Васли умидин кўнгилдин салб қилдим, лек шавк
Олди мандин кўймайн сабру қарорим бу кеча.

Пайкари нақши дилимда сабтидин бўлди фузун,
Изтиробим ҳаддин ошди, изтирорим бу кеча.

Иштиёқининг таноби кўйининг тавфи учун,
Чеккусидур дамбадам жисми фиғорим бу кеча.

Дарди ишқидин жунун дашти аро овворалиғ,
Бошим узра тушди, йўқдур ихтиёрим бу кеча.

Раҳм этиб гар байтулаҳзонимға келсанг бор эрур,
Мақдамиға ашк дурридин нисорим бу кеча.

Рашк тиғи санчилур бағримға эмди ўлгаман,
Эй Ниёзий, биткариб кўйғил мазорим бу кеча.

Кулбамни равшан қилди ул рухсори моҳтоби била,
Йўқлаб хуморим васлининг саҳбойи ноёби била.

Ширин такаллум лаълидин айлаб табассум кўргузуб,
Ақлимни олди ўзгача икрому одоби била.

Фикр этмак эрди варзишим, кўрсам жамолини онинг,
Ҳолимни арз этсам дебон ийжозу итноби била.

Ваҳким, кўрунғач орази мадхушлиғ юзландиким,
Комимға не мумкин вужух изҳори асбоби била.

Ийсо дами, ҳайвон суйи гарчи ўлукни тиргузур,
Бўлмас баробар оғзининг анфосу жуллоби била.

Мушкин кошининг ҳайъатин хотир фаромуш этмасун,
Деб, шайх бўлди рўбарў масжиду меҳроби била.

Гул барги бирла шабнамин нетсун Ниёзий, бўлмади
Ўхшаш тароватда онинг рухсори сурхоби била.

229

Анвоъи сафо дарғаҳи аълосида давра,
Юз файзи ажаб қасри муаллосида давра.

Гар бўлса масаррат куррасин кўргали қасдинг,
Азм эт ангаким, соҳати маъвосида давра.

Холи хатининг сафҳаи рўйида нукуши,
Аҳсанлиги худ сурати имлосида давра.

Ҳайвони Масих баса хижил лабларидинким,
Жонбахшлиғи нуктаси фаҳвосида давра.

Дин нақдини элдин алодур кўзлари куфри,
Ҳам қатлиға насс қошлари имосида давра.

Бу токи куҳанға солиб ўт ишки шарори,
Шўришлари дайр аҳли алоласида давра.

Ишқида агар Ниёзий истар ўлмак,
Ҳижрон ғамининг турфа муаммосида давра.

230

Рафиқо, бил бу эски корхона,
Бақосиз, кетма боқий деб гумона.

Тахайюл қилма маҳкам деб асосин,
Абас келди демаклик жовидона.

Кўнгил берма агарчи қасри жоҳинг,
Рафиъ, андоқким, ўлсун хусравона.

Йироқ ул чархи золи фитнасинин,
Бошингга солма ошуби замона.

Ниёзий янглиғ авқотингни зойсиъ,
Кечурма, пўя урма беҳудона.

231

Қўйсанг маконимга кадам кўз устина, кўз устина,
Ғам хайлини айлаб адам кўз устина, кўз устина.

Чунким бузук қошонага келдинг забун ҳолим кўруб,
Этсанг талаттуф дамбадам кўз устина, кўз устина.

Қилсанг такаллум лутф ила ўлган таним жон тоғуси,
Турфа нафасдур, турфа дам кўз устина, кўз устина.

Ишқингни пинҳон асрамай, ифшо қилурдин қаҳр этиб,
Чексанг манга тиғи дудам кўз устина, кўз устина.

Ҳусн аҳлининг султонисан, додимга етсанг миннатинг,
Эй соҳиби хайлу ҳашам, кўз устина, кўз устина.

Амрингдин этсам инҳироф, тиғи фироқинг бошими,
Шак қилса, андоқким, қалам кўз устина, кўз устина.

Бўлди Ниёзий ошиқинг, гўёки кечмиш жонидин,
Ҳар дамда қилсанг юз ситам, кўз устина, кўз устина.

Эй, гарди пойинг сурмасон кўз устина, кўз устина,
Вей, мақдаминг партавфишон кўз устина, кўз устина.

Кулбам сари азм айладинг, осудалиғни ўзгача,
Топғай эди бу мезбон кўз устина, кўз устина.

Лутфингга мамнун бўлғаман, йумни кудуминг бергуси,
Ўлган танимга тоза жон, кўз устина, кўз устина.

Сўрмоқга қасдинг холими, топса тааллуқ раҳм этиб,
Қилғил хиром элдин ниҳон, кўз устина, кўз устина.

Лутф осмонидин тулуь, этганда зотинг ахтари,
Гўёки йўлдур қаҳқашон, кўз устина, кўз устина.

Бир тун масаррат манзили кўнглимни қилсанг нукта деб,
Айлаб мурувват бекарон, кўз устина, кўз устина.

Келсанг Ниёзийга иёдатга ул онда еткурур,
Лутфинг ҳаёти жовидон, кўз устина, кўз устина.

Эй, ишқинга пайвасталиг, жон устина, жон устина,
Ондин етушган хасталиг, жон устина, жон устина.

Кўргач ҳилолингни қаддим ҳам бўлмокидин ғунчае,
Хандонинга дил басталиг, жон устина, жон устина.

Жисмим ушолғондек жунун тоши била ҳажрингдаким,
Кўнглим аро шикасталиг, жон устина, жон устина.

Ишқинг фазосида қадам, тинмай урарман чархдек,
Ким, бу сифат баржасталиг, жон устина, жон устина.

Ҳар кеча кўйинг сориға, азм этганимда гоҳ-гоҳ,
Тезлик била оҳисталиғ, жон устина, жон устина.

Айлаб таманно васлинги, қилдим вужудимни адам,
Йўқлик била во расталиғ, жон устина, жон устина.

Юз минг балийятға Ниёзийдек фироқинг даштида,
Топмоқликим шойисталиғ, жон устина, жон устина.

224

Ҳажринг ғами, эй нозанин, жон устина, жон устина,
Ҳар неча сурсанг тиғи кийн, жон устина, жон устина.

Ҳусн аҳлининг султонисан, ҳар амриким ман зорға,
Сандиндур, эй аврангнишин, жон устина, жон устина.

Келсанг самандек сакратиб, лозим билурман демаким,
Сурғуб туёқиға жабин, жон устина, жон устина.

Меҳри жамолинг кўрсатиб, кўйсанг муҳаббат борини,
Турфа қарам эрди ҳазин, жон устина, жон устина.

Ишқ аҳлиға қилсанг солиб, ангушт узра ҳар ҳукмким,
Эмди Сулаймондек нигин, жон устина, жон устина.

Беҳуда афғоним кўруб, турлук итоб айлаб манга,
Солсанг агар қошингға чин, жон устина, жон устина.

Ёдинг Ниёзийға эрур, баским фироқинг дардидин,
Бўлса тўлуғ рўйи замин, жон устина, жон устина.

225

Кулбамға солсанг гулбадан, бош устина, бош устина,
Ғам хайлиға солиб шикан, бош устина, бош устина.

Конимни айларман бихил, катлим учун гар келса ул,
Мижгонидин новакфikan, бош устина, бош устина.

Гулзори хуснин кўрсатиб, кўнглимга еткурса фарах,
Раҳм айлаб ул гул пийраҳан, бош устина, бош устина.

Дашти фироқи тавфида, афгор жисмимға агар
Сончилса юз турлук тикан, бош устина, бош устина.

Қоздинг ғами хоросини, эй дил, келиб Ширин лиқо,
Бир қатла деса Қўҳкан, бош устина, бош устина.

Чарх анжумидин бошиға бир кун нисор этмақ учун,
Қўймиш тўлуғ инжу лаган, бош устина, бош устина.

Бошлаб Ниёзийни тарабгоҳи висоли сориға,
Гар қўйса анвоъи минан, бош устина, бош устина.

226

Гар келсанг инак хонамиз, бош устина, бош устина,
Лутф айлабон жононамиз, бош устина, бош устина.

Гар байту-л-аҳзоним эмас итёнингга альяқ, вале
Қўрдинг келиб қошонамиз, бош устина, бош устина.

Фуркат ғамидин чиқғоли жон етган эди қўрдингиз,
Юз шукрим, вайронамиз, бош устина, бош устина.

На соати саъд эрдиким, қилдинг фарах манзилғаҳи,
Бир дам келиб ғамхонамиз, бош устина, бош устина.

Сеҳри узоринг манзилим, қилди мунаввар эмдиким,
Фармон надур мардонамиз, бош устина, бош устина.

Етди кудумингдин шараф, гўёки аввалдин очук
Бўлғон экан пешонамиз, бош устина, бош устина.

Итёнингиздин гар фиғон этса Ниёзий шод ўлуб,
Айб айламанг девонамиз, бош устина, бош устина.

227

Бўлмағой фирдавс себи махвашим рухсорича,
Гулшани жаннат эмасдур ҳуснининг гулзорича.

Сунбулу анбар топиб, эл ичра шуҳрат мушкдек,
Магар маст бобида бўлмас, зулфининг бир торича.

Офтоб ховариким айлади изҳори нур,
Қайда бўлмоқ орази хуршидининг анворича.

Дарду ғамким, кўрсалар ҳижрон аро Фарҳоду Қайс,
Тоқат этмас эрдилар дарду ғамим миқдорича.

Ишқ аро содиқлиқимға эътирофи ғайрининг,
Ҳаргиз ўлмас кўнглим олғон дилбарим инкорича.

Зухду такво мажлисиға бормағилким, бўлмоқи
Мумкин эрмасдур муҳаббат дайрининг мизморича.

Нечалар даъво қилибдур ул ситамғар ишқини,
Бўлмадилар ишқ аро ҳижронида ман зорича.

Салтанат қасрини кўрсам, эй Ниёзий, факр эли,
Роҳатафзолиғда эски дайрининг деворича.

228

Дарду ғам ишкаста бошим узра ғавғо қилдило,
Олди атрофим жунун хайли алоло қилдило.

Оҳким, онлар муҳаббат олами ичра мани,
Аҳли ишқ ўрталарида асру расво қилдило.

Кечалар маҳбуб фикри тонггача ҳаддин фузун,
Қисматим бўлди фазо ишқ ичра шайдо килдило.

Жони зоримни солиб, оташгаҳи ичра фирок,
Коми ранжитмак экан сўзиш хувайдо килдило.

Орзуи асрорини пинҳон саклар эрдим тилайин,
Чашми хунборим сиришки элга ифшо килдило.

Эй Ниёзий, ишқ ўтига ёнмокинг килки қазо,
Гўйиё лавҳи замиринг узра иншо килдило.

229

Жону кўнглум ёрни истарда йўлдош ўлдило,
Йўлида бири қаландар, бири қаллош ўлдило.

Кирдилар дашти жунун ичра алар қисматлари,
Найлагум дард илаки сафолидин тош ўлдило.

Ёшурун истар эдим, ишқини, ваҳким, бу иков,
Айладилар бевафолик эл аро фош ўлдило.

Етди комим, бўлдилар бегона мандин, боиси
Рашк ўтин солғон ароға ул қарокош ўлдило.

Топмайин гулзори хуснин пўя урмоқдин субҳ,
Булбули шому кеча монанди хуффош ўлдило.

Айлади фурқати дарди юрак-бағримни қон,
Кўзларимда ҳамдами қонлиғ бу навъ ёш ўлдило.

Эй Ниёзий, бил ғанимат мунча давлат бас санга,
Ким, алар ишқи ичра ишқ аҳлига бош ўлдило.

Эй саодат ҳамраҳи, ғамзангға нуксон бўлмағой,
Қисматинг бўлсун фарах, кўнглингда армон бўлмағой.

Айши ишрат мажлисингда дойимо бўлғай муқим,
То абад осори ғам анда намоён бўлмағой.

Лутфи Ҳақдин Нух умридек ҳаётинг муддати
Бўлсун, аммо хотиринг ҳаргиз паришон бўлмағой.

Дамбадам комингча даврон, айласун гардуни дун,
Бу сифат давронидин асло пушаймон бўлмағой.

Барча авқотинг масаррат бирла бўлсун тавъамон,
Ранж ила меҳнатға бу аснода пайкон бўлмағой.

Раҳбаринг бўлсун ҳидоят ахтари кўнглинг аро,
Тай қилурда Ҳақ йўлин васвоси шайтон бўлмағой.

Наслига осибди даврондин газанди етмағай,
Ҳам таносул риштаси маддиға поён бўлмағой.

Айласун авлоду аҳфодинг Ҳақ дуойи давлатинг,
Ўйлаким, теъдод аро афродиға сон бўлмағой.

Пешаси бўлмиш Ниёзийнинг дуойи давлатинг,
Лек бу лутфу қарам вақтида бисёр бўлмағой.

Зихи, зулфинг ҳаёли кечада кўнглимға айлонди,
Йилондек жисми беморим сабоҳға тегру тўлғонди.

Фироқинг шоми дардолуд фарёдим бўлуб боис,
Жаҳон аҳли лазиз уйқуларидин сачраб уйғонди.

Дилу жоним сенинг кўйингга борғоч ҳар бири танҳо,
Йўлукуб иккиси ул кеча туфроқини ёстонди.

Доғи кўйинг итига учрашиб ҳамроз бўлдилар,
Анга фош этди пинҳон сирларин ёлборди, йиғлонди.

Тани зорим бу навъ ҳолатни англаб ҳушдин кетди,
Не борди ҳушдин рашк ўти бирла куйди, ўртонди.

Басе ҳўб ўлди кўнглим ишқинг ичра дайр пиридин,
Магар мажнунлиқим кўрган замон кетмакни ўйлонди.

Висолингни таманно қилғонимни ногаҳон англаб,
Фироқинг хайли атрофим олиб қатлимга юзлонди.

Ниёзий кўксун и чок этди ҳажринг тиғи буррони,
Гумон қилма они беҳуд дебон, албатта ўлгонди.

232

Эй, шарофат буржида келдинг саодат ахтари,
Кўрмас эл сандек латофат дуржида ҳуш гавҳари.

Осмони ҳусн уза меҳри узоринг талъатин,
Кўрди хижлатдин кизорди офтоби ховари.

Бўйла мустасно гўзалдурсан, бадал топилмағой,
Охтарилса сарбасар жинси башар, хайли пари.

Тавсани ҳиммат миниб, олам аро сайр айлабон,
Кўрмадим қасри висолингга мушобих манзари.

Хони алтофинг васиъ, андоқки, гунжойиш берур,
Бир кичикроқ хиргаҳинг бўлса фалак нилуфари.

Ҳайъатинг зеб айлагон чоғда азал наққошидин,
Ҳайфдурким, чекмади нақшу вафодин зевари.

Хўблар хайли мусаххар бўлди андоқким санга,
Бўлғон эрди фатҳ арбоби, малоҳат кишвари.

Ўтлиғ афғоним фирокингдин фалак токи аро,
Тушса гар боли малойик чурганур бир ахгари.

Ишқинг авжиға Ниёзий асру қилмишдур уруж,
Ким, бўла олғой баса ушшокларинг(ни) раҳбари.

233

Эй, хаёлинг дилда айшим, ўзга ишратни нетай,
Бўлмаса фикринг кўнгилда жонға фурсатни нетай.

Шеваи факру фано бўлса муяссар эрди бас,
Йўқса, иззу жоҳ ила дунёда шавкатни нетай.

Қилмасам қаддим убудийят юкидин асру ғам,
Найлағум вақти шабобат, белга қувватни нетай.

Тилда гар зикринг ҳамиша бўлмади, маъдум қил,
Бу даме оламда бўлмоқликға муддатни нетай.

Гар кўнгилда файзи ишқинг орзуси бўлмаса,
Саъй этиб васлинг учун кўйингга қурбатни нетай.

Кечаю кундуз тутарман даҳр аро марзотинги,
Йўқса, мунглиғ бошима анвоъи кулфатни нетай.

Кўйинга етмак Ниёзийдек агар комим эмас,
Пўя урмоқликда ҳар дам мунча суръатни нетай.

234

Эл дегайлар: қилса ул дилбар хувайдо ҳуснини,
Қилди гўё Юсуфи Мисрийнинг иншо ҳуснини.

Борғонидин кўйига ишқ аҳлининг коми эрур,
Кўрмаки гул сайрига чиқғонда зебо хуснини.

Ўзгача овоз эшитмак даҳр аро эрмас ажаб,
Ким, улус қилмиш магар кўрганда ғавғо хуснини.

Хонақаҳ аҳли самоғи даҳр эли фарёдининг,
Мужибидур килмоқи оламда ифшо хуснини.

Эл машомиға етурди тонг шамоли турфа бу,
Анбарин зулфин очибдур ё гулосо хуснини.

Хазр хатти лаъли жонбахши бериб зийнат базе,
Қилдилар ҳар дам бурунгидин мусаффо хуснини.

Нукта сурмак мадҳида не ҳадд Ниёзийға агар
Хотириға фикрида келтурса барно хуснини.

235

Тун келурман деб эди, ул меҳрибоним келмади,
Ваҳки, монеъ на экан писта даҳоним келмади.

Интизори шиддатидин келди жон оғзимғаким,
Хулфи ваъд этди магар ороми жоним келмади.

Ҳар замон чиқдим йўлиға васлини айлаб умид,
Ўртади фуркат ўти жону жаҳоним келмади.

Кўзларимга келмай уйку ҳажридин то тонггача,
Талхком ўлдум базе ширин забоним келмади.

Йиғладим андоқки қон рағларда эмди қолмади,
Чиқди жоним кўргали, Ийсо нишоним келмади.

Водийи ҳижронда муҳлик ташналабликдин нажот,
Бергали бошим уза Хизри замоним келмади.

Нолаву зорим магар кўнглига таъсир этмади,
Гарчи етди самъига ўтлиғ фигоним келмади.

Изтиробу изтирорим ҳаддин ошди нетгаман,
Сокин айларга даме қоши камоним келмади.

Толиби содик эмас эркан Ниёзий гўйиё,
Йўкса, келгай эрди ул сарви равоним, келмади.

236

Муҳаббат дил уйидин олғоли сабру қароримни,
Жунун дашти сори роғиб кўрарман жони зоримни.

Қўюб тан мулкани ҳар дам кетарга айлағай оҳанг,
Кўнгил бирла мувофик бузмоқ истар рўзгоримни.

Фалак зулми таним хок этгач, олди сарсари бедод,
Қачон топғусидур эл тўтиёликға ғуборимни.

Диёрим аҳлидин жуз ранжи меҳнат кўрмадим ҳаргиз,
Ажаб йўқ кетмагим бошим олиб, ташлаб диёримни.

Тарахҳум айлағай ҳолимға куфр аҳли агар кўрса,
Кўзим хунобидин олуда кон бўлғон узоримни.

Тириклик бодасидин, эй ажал, бошим гарон бўлди,
Бериб бир қатла захринг эмди дафъ этгил хуморимни.

Шаҳиди ишқ эрурман, дўстлар, маҳбуб кўйида,
Кўрунгудек муҳаббат аҳлиға айланғ мазоримни.

Тузук йўлға далолат қилмоқинг, эй шайх, кўйғилким,
Фазо илкида чун кўрдинг инону ихтиёримни.

Ниёзий жонибидин ёр сари, эй сабо, еткур,
Фироки шиддатидин турфа ажзу инкисоримни.

Эй кўнгил, билгил ғанимат базми васл айёмини,
Муддате умридаким сипқорди ишрат жомини.

Бўлмади ишк аҳли вуслат бирла ҳаргиз комёб,
Қаъ этиб то солмайин бошдин вужуди домини,

Чарх давридин тама қилма фароғи хотиринг,
Ким, фароғат истади, олди онинг оромини.

Кимни кўрдингким, муҳаббат аҳлидин бу даҳр аро,
Жовидони айш ила топғон ҳамиша комини.

Англағилким, ул замири пок эмасдур ишк аро,
Маҳваши шамъи рухи асло ёрутмас шомини.

Қил ҳазар дунё аруси макр ила ҳар дам сачи,
Кўрсатур роғиб қилурға орази гулфомини.

Эй Ниёзий, қилмасун мафтун сани таҳсини эл,
Суд билмаслар аларнинг аҳли дил икромини.

Бир шикаста дилни ул кимса сарафроз айлади,
Билгил они Каъба ободиға оғоз айлади.

Эй кўнгил, тарк эт муҳаббатсизни, мойил бўл анга
Ким ҳамиша дўстлиғ конунини соз айлади.

Одам улдур фарк этиб бедард ила дард аҳлини,
Зоҳиру ботинда ҳар бирини ифроз айлади.

Бил жавонидин адаб топмай, шабобидин ғурур,
Ҳурматин кўргач улуғни, тутди эъзоз айлади.

Муъмини комилдур ул олимға айлаб эхтиром,
Вориси мурсал билиб эл ичра мумтоз айлади.

Тобеъи нафсу ҳаводур кимки дунё шўҳининг,
Қасдида ҳаддин фузунрок ҳирс ила оз айлади.

Пок эмас ишқинг, Ниёзий, йўкса нечун дилбаринг,
Фарти истиғно била ҳар дамда юз ноз айлади.

239

Эй, жамолинг кўрмак истаб дарғаҳингда топилай,
Балки умре итларингнинг зумрасиға токилай.

Ғунчаи кўнглим фироқинг даштида гар бастадур,
Гулшани фикри висолингда ҳамиша очилай.

Доимо дилда ҳаёлинг, тилда зикринг айлайин,
Ногаҳон гар келса тилга ғайри зикри ёнгилай.

Дайр пирининг каломи англатур ирфонниким,
Жаҳл саҳбоси била мадҳушлиғдин ойилай.

Бандадурман, золи дунёни Ниёзийдек талок
Этмасам, кобин учун тақсир ўзимдин сойилай.

240

Ўлукни тиргузурсан нукта деб, эй ҳўблар шоҳи,
Не ғам, ўлтурса ишқинг аҳлини кофир кўзинг гоҳи.

Суйи ҳайвондин, Масих анфосидин елни топиб гўё,
Қадинг нахли таодул сориға топғон эрур роҳи.

Рамида бўлди мандин тайри руҳим, ҳалқаи зулфинг
Анга маскан эрурму ёки манзили ғабғабинг жоҳи.

Мунаввар тийра кулбам қилди ҳар тун оразинг фикри
Ким, они равшан этмас эрди ҳаргиз чархнинг моҳи.

Гадову шоҳнинг ҳар биридин ажз ўлди мақбулинг,
Писандинг тушмади, лекин биридин иззу ҳам жоҳи.

Етушмас ишк эли доди муалло ҳазратинг сори,
Агарчи нардбондур етмакига оташин оҳи.

Фано дайриға киргил, эй Ниёзий, шояд ўлғойсан,
Сафар қилғучиларға кўҳи маҳбубингга ҳамроҳи.

241

Телбалигимни ул пари ишкида билмади, нетай,
Ҳолима вофик ўлди чун чора қилмади, нетай.

Бистари мавт уза солиб фуркати нотавон таним,
Шарбати васлидин даме комим эзилмади, нетай.

Гарчи муҳаббатим фузун дамбадам ўлди, бас анга
Мутталиъ ўлса ҳам мани кўзига илмади, нетай.

Шиддати ҳажри айлади ҳоли низорими забун,
Биргина қотла ҳолатим сўрғоли келмади, нетай.

Оқди Ниёзий кўз ёши, турфаки тинмади даме,
Ҳаргиз анга қўли етиб, лутф ила силамади, нетай.

242

Келиб базмимға дилбар суръат изҳор этди-ю кетти,
Нишастидин магар мажлис аро ор этди-ю кетти.

Намоён қилди гулгун оразини турмайин бир дам,
Кўнгилга келмагудек турфа ҳанжор этди-ю кетти.

Кўрулди ихтироъи одат эрмас манъи мумкинким,
Замираға они шойиста атвор этди-ю кетти.

Висоли бодасин кўрганда фикр этдим саботини,
Замоне собит ўлмай асру хуммор этди-ю кетти.

Ажабдур рашк ўтин ҳам дарди ҳажрин тозадин кўйди,
Туганмас дарди ишки узра бемор этди-ю кетти.

Нечук токат килур мунглиғ кўнгил раҳм этмайин они,
Бало-ю меҳнат афвожига дучор этди-ю кетти.

Ниёзий файз топмокликда ишкидин эди мумтоз,
Они фарқ айлаб ушшокиға сардор этди-ю кетти.

243

Бир гўзал холим кўруб, меҳрини чандон айлади,
Турфақим, окшом ўзин кулбамға меҳмон айлади.

Хусравона илтифот айлаб ўзи марзотида,
Мустақим ўлмоклик ўтрусида фармон айлади.

Масти саҳбойи висол ўлдим ва лекин тонгғача,
Марҳамат сонсиз мурувват онча имкон айлади.

Ишрат асбобин муҳайё айлаб эрдим бекарон,
Шўхликдин шодлиғ беҳадду поён айлади.

Тонг шамоли эсди, чун ражъатни айлаб ихтиёр,
Кўргузуб падрудини бағрим тўлуғ қон айлади.

Манзилимни гарчи ўтган кечада фирдавсдек,
Айлаб эрди, кетгач они эски зиндон айлади.

Эй Ниёзий, мунча хуррамлиғ доғи маҳзунлигинг,
Кимдин ўлсун барчасин ошуби даврон айлади.

Эй, дарди ишқинг шиддати жон олғуси, жон олғуси,
Шавқингда кўнглим рикқати жон олғуси, жон олғуси.

Агёр ишрат мажлисин кўйингда тузди, оҳким,
Рашк оташининг ҳирқати жон олғуси, жон олғуси.

Васлингдин айру ишқ эли уммеди шоми тийрадур,
Шамъи жамолинг фурқати жон олғуси, жон олғуси.

Лаъли лабингнинг шарбати ўлганға жон бахш айлағай,
Қотил кўзингнинг рўйяти жон олғуси, жон олғуси.

Мижгонларингнинг сурати руҳи равоннинг офати,
Абру камонинг ҳайъати жон олғуси, жон олғуси.

Ҳар ким муҳаббат роҳиға гар кирса кечсун жонидин,
Ким, дарди ишқинг меҳнати жон олғуси, жон олғуси.

Ҳажринг Ниёзийға эрур бодинг била фарҳатфазо,
Нисёни зикринг муддати жон олғуси, жон олғуси.

Ҳижрон туни чекмак алам жон олғуси, жон олғуси,
То тонгғача юз дарду ғам жон олғуси, жон олғуси.

Махжур(ни) ҳоли ўзгача эрди етушгач ногаҳон,
Гар аҳли даврондин ситам жон олғуси, жон олғуси.

Васлига муддат ўтмайин фурқат анга мулҳақ бўлур,
Дилбардин ул навъ карам жон олғуси, жон олғуси.

Маҳбубсиз шурб айламак саҳбойи ишрат мўл қилиб,
Ошиқға бердим жоми Жам жон олғуси, жон олғуси.

Йўклик муҳаббат касрига кирмак учун боби васиъ,
Қилмаслик ўзлукни адам жон олғуси, жон олғуси.

Кўҳи вужуд эрмиш рафиъ то кечмай ондин саъй ила,
Ишк авжиға урмоқ кадам жон олғуси, жон олғуси.

Кирсанг, Ниёзий, водийи ишк ичра жонинг борича,
Саъй айлагил, йўкса надам жон олғуси, жон олғуси.

246

Қотил кўзинг ман зорни ўлтургуси, ўлтургуси,
Ишк арсаида хорни ўлтургуси, ўлтургуси.

Дарди фирокинг касрати рашк оташи ифротидин,
Ғам хайлиға дучорни ўлтургуси, ўлтургуси.

Мушкин кошингни ҳайъати ногаҳ муҳаббат дардидин,
Худ ўлгудек беморни ўлтургуси, ўлтургуси.

Қилмоқ тахайюл пайкаринг зебоси бирла ҳайъатинг,
Ҳажрингда дилафгорни ўлтургуси, ўлтургуси.

Вуслат шароби ўрниға фуркат самандин бермагинг,
Охир мани хумморни ўлтургуси, ўлтургуси.

Кўйингда ҳар ёндин отиб тифли бало, санги ситам,
Бир кун бу мажнунворни ўлтургуси, ўлтургуси.

Раҳм эт Ниёзий ҳолиға ҳажринг гами қон йиғлатиб,
Эмди кўзи хунборни ўлтургуси, ўлтургуси.

247

Ишк аҳлини ул турфа шох ўлтургуси, ўлтургуси,
Айлаб итобосо нигоҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Бу турфарокким, кўйига эл келмагин манъ айлабон,
Ҳар кимса бўлғоч додхоҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Ондин ужубадурки, бўйла муҳаббат аҳлидин,
Ул кимниким, холи табоҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Мақбули васлин топгуси, жовидким мардудининг,
Ҳижрон килиб бахтин сиёҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Билгил висоли кадрини, йўкса, фироки дарлидин,
Хусн осмони узра моҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Кўйида бўлмоқ иззату жоҳинг эрур ул рутбадин,
Айру сани афғону оҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

Эмди, Ниёзий, жозим ўл, рашк ўти ичра ғам сани,
Албатга бул кун ё пагоҳ ўлтургуси, ўлтургуси.

248

Лаъли лабини кўзғотиб, жон бергуси, жон бергуси,
Нутқи насимин бутратиб жон бергуси, жон бергуси.

Гулзори хусни саҳнида кошу кўзин базм ичраким,
Мажлис элиға ўйнатиб, жон бергуси, жон бергуси.

Ишкида ўлганларга ул Ийсонафас анфосидин,
Бир қатла иксир ўрнатиб, жон бергуси, жон бергуси.

Маҳжурларнинг комиға еткурса оғзи шарбатин,
Оби бақоға ўхшатиб, жон бергуси, жон бергуси.

Ишк аҳли эски марқади устидин ўтгач ул Масиҳ,
Жонбахшлиғни кўрсатиб, жон бергуси, жон бергуси.

Марг аскари эл жонларин қабз этгач, ул топса вукуф,
Хайли ажални торқатиб, жон бергуси, жон бергуси.

Ўлсанг Ниёзий кўйида ногаҳ етиб бошинг уза,
Раҳм айлаб они титратиб, жон бергуси, жон бергуси.

249

Кулбамга келгач сиймбар жон бергуси, жон бергуси,
Лаъли суйи ҳайвонасар жон бергуси, жон бергуси.

Шухрат топибдур эл аро ҳар дамда руҳафзолиғи,
Жон кишварин олмиш магар жон бергуси, жон бергуси.

Бу турфадурким, қаҳр эли қилса ниғаҳ ўлтургуси,
Лутф айлабон қилса назар жон бергуси, жон бергуси.

Оғзи онинг сарчашмаи ҳайвон эрурким, айлабон,
Зулмоти зулфида мақарр жон бергуси, жон бергуси.

Ийсонафасдур ул пари оламга гарчи солса ҳам,
Фаттон кўзидин шўру шар жон бергуси, жон бергуси.

Гар сайр қилса лутф ила гардун навардин секратиб,
Тўлса ўлукдин баҳру бар, жон бергуси, жон бергуси.

Қайғурмағил жонингниким, ҳаргиз Ниёзий топмағунг,
Кўйи аро ўлсанг зарар жон бергуси, жон бергуси.

250

Эй, мадҳалинг кулбам аро тиргузгуси, тиргузгуси,
Жонсиз танимни марҳабо тиргузгуси, тиргузгуси.

Ийсо санга йўқ ҳамнафаским топса токи санам даминг,
Тонг чоғида эсган сабо, тиргузгуси, тиргузгуси.

Ишқинг қатлиға не ғам сўздин лабинг жон бутратиб,
Офоқ аро ул жонфизо, тиргузгуси, тиргузгуси.

Ўлганга ҳижрон фартидин лаълинг тарашшуҳ чоғида,
Етурса гар оби бако тиргузгуси, тиргузгуси.

Ахли муҳаббат жисмининг туфроки узра қилмоқинг,
Ногаҳ бориб «кум!» деб нидо тиргузгуси, тиргузгуси.

Меҳри узоринг сунбулинг зиллидин айру айлабон,
Жонсизга кўргузсанг лико, тиргузгуси, тиргузгуси.

Бўлмиш Ниёзийга ҳаётидек мамоти кўзларинг,
Ўлтурса лаълинг борхо тиргузгуси, тиргузгуси.

251

Нутқинг бериб ўлганга жон, тиргузгуси, тиргузгуси,
Айлаб ҳаётин жовидон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Ҳажрингда ўлган ишқ эли қабри уза қилса агар,
Шунқори васлинг ошиён тиргузгуси, тиргузгуси.

Эй, курди зотинг бистарим устига келгач бермайн,
Марги аждаҳосига омон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Ишқ ахли гўристонидин қилсанг гузар бир қатлаким,
Йумни қудуминг жонфишон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Навъи талаттуф кўргузуб, болиним узра келмагинг,
Чикғон чоғи руҳи равон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Оғзинг сувиға бўлмаса, ҳайвон сувининг хилқати,
Қойдин ўлукни тавъамон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Лаълинг зулоли борида ўлса Ниёзий, не ажаб,
Гарчи қароғинг тўқди қон, тиргузгуси, тиргузгуси.

Мухаммаслар





ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

252

Аё, гардунға сунъинг килкидин накши ҳадаб пайдо,
Келиб ғайри мусаттах чўфидин кони заҳаб пайдо,
Жаҳон аҳлиға ҳуснинг завқидин асру рағаб пайдо,
Зиҳи, жонларға васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Ғаҳи дарди фироқинг хавфидин ранжу таъаб пайдо.

Замонеким, вужуд айвониға арвоҳлар кирди,
Вужуди тунд бодиға адам хошокини берди,
Жамолинг боғидин гўё таашшук дардини терди,
Эди ишқингга жонлар мубтало, ул чоғдаким эрди,
Не тан, не танда бош, не бошда юз, не юзда лаб пайдо.

Эл арбоби тахайюл эрдилар билкулл хайлингга,
Не билди кунҳи зотинг тутди кўз лутфи наволингга,
Таманно килдилар миръотни акси жамолингга,
Чу мазҳар айладинг оламни ҳусни бемисолингга,
Бу кўзгу ичра бўлди неча накши булажаб пайдо.

Улус баъзилари олди саодат авжида роҳат,
Шаковат қисмат ўлғонларга келди фикс иши одат,
Бировнинг қаддини ҳам айлади жунбойиши тоат,
Биров ҳусн ичра топди, сарвдек оройиши қомат,
Биров ишқ ичра килди кумриосо ларзу таб пайдо.

Идоми хубз учун топмас бировлар катраи мосил,
Бировга куфру ислом байнида бўлмай хирад фосил,
Биров бўлмай ҳабиби қурбиға умри аро восил,
Бировга гулмасаллик орази гулгун бўлуб ҳосил,
Бировда булбулосо бўлди юз шўру шаъб пайдо.
Ҳама мавжудлар ижоди такдиринг зухуридур,

Бориға хони алтофинг била роҳат хузуриду,
Аларға чарх даври вақт мақсуми муруриду,
Халойик хилкати бир-бирига яқсар заруриду,
Эмасдур қудратингдин жумла ашё бесабаб пайдо.

Ливойи салтанатни баъзиға фазлинг килиб рофиъ,
Адолатдин сан они айладинг зулм аҳлига дофиъ,
Қўлин жабр этгувчилар юзларига айлабон софиъ,
Шабу рўз аҳли оламға эрур бир-биридин нофиъ,
Эмас беҳуда бўлмоқ хикматингдин рўзу шаб пайдо.

Таманно маъманининг мужиби фармойиши нутқинг,
Мақосид қасрини обод этардин йўқдурур зуъфинг,
Башар саъйин ҳабо этмасга меъёдингга не хулфинг,
Муроди манзилига восил этгай ходийи лутфинг,
Киши гар сидк бирла айласа саъйи талаб пайдо.

Ниёзий бўлса даргоҳинг гадойи аҳқаридинким,
На хуш айланса ҳам аҳли муҳаббат кишваридинким,
Ажаб йўқ воқиф ўлса жамолинг мазҳаридинким,
Не тонг, огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг сиридинким,
Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо.

ОҒАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

253

Ул хўбдурки асли вужуди аён анга,
Тоат ишида саъй ила кечса замон анга,
Асрори ишқ кўнглида бўлса ниҳон анга,
Ҳар кимки фақр гўшаси бўлмиш макон анга,
Хотир ҳамиша даҳр гамидин омон анга.

Беҳад муҳавваф муҳлик адам дашти ичра йўл,
Анда борурға пўя урарда сариъ бўл,
Холис бўлурни истаган ўзлигинин узди кўл,

Сайр эт фано тарабгаҳини, эй кўнгилки, ул
Бир боғдурки, етмагай асло хазон анга.

Мактуб ўлунди ҳар наки бор сунъ килкига,
Ҳам хайру шар тизилди фазо ҳабли силкига,
Эминлик истаган миnodур факр фулкига,
Киргил васиъ ер тиласанг ажз мулкига,
Ким, бир камина қасрдурур осмон анга.

Манзуринг ўлса хони тамаъ кўзларингни йим,
Олма таоми лукмасини оғзинг ичра дим,
Томеъ кўнгилга бўлма рафиқ, эй ҳазин дилим,
Дайри қаноат ичра мудом ул муқимким,
Лабрези жоми роҳат эрур жовидон анга.

Баҳри фано зулоли дури шаҳворлиғ,
Дашти фанода хислати ҳўб эрди зорлиғ,
Бўстони файзасар келибон инкисорлиғ,
Бир судманд пешадурур хоксорлиғ,
Ким, ходисоти даҳр етурмас зиён анга.

Вирд айлаганга субҳ ила бўлмокни ҳамнафас,
Тавфиқ ила саодати дорайн дастрас,
Билган ҳамон жаҳонни хирад аҳлиға қафас,
Ҳар кимки даҳр шоҳлиғин айлади ҳавас,
Бордур ҳамиша ғуссаи фикри жаҳон анга.

Ё мўътий ал-атиййа, Ниёзийға бўлди тил,
Шукринг демакда шукр элининг зумрасида бил,
Йўқлик диёриға они ҳам солғил ой-у тил,
Ё раб, ҳамул ғўшасида Оғаҳийни қил,
Андок адамки бўлмасун асло нишон анга.

Ниҳоли қоматинг битган чаманзорингга салламно,
Юзинг давридоғи лаъли шаккарборингга салламно,
Жамол ичра баса гулгун намудорингга салламно,
Нигоро, олди ҳушим тарзи рафторингга салламно,
Ёрутди тийра кулбам шамъи рухсорингга салламно.

Менинг ҳолим паришон айлади ишқинг ғами билкулл,
Фироқинг шиддатидин ўлгудекман, эй узори гул,
Дилу жоним сенинг шавкингадурлар нолазан булбул,
Ишим қотил кўзинг бедодидин бўлмиш баса мушқил,
Ичиб конимни тўймас чашми хунхорингга салламно.

Висолинг фикр этиб жонлар олур роҳатни ҳажрингдин,
Бўлур ошиқларинг ҳижрон шабе масрур зикрингдин,
Масиҳосо такаллум айласанг жонбахш лаълингдин,
Лабинг сўздин берур жон ўлган элга дарди ишқингдин,
Равонпарвар лабу жонбахш гуфторингга салламно.

Жаҳон аҳли эрурлар дойимо васлинг харидори,
Жамолинг партавидин қизғусидур ишқ бозори,
Бу ташвиш ичра тун-кун тинмай айлаб нолаю зори,
Ҳама ишқ аҳлидур, эй муғбача, зулфинг гирифтори,
Боридин аҳлини банд этди зуннорингга салламно.

Таманно айладим лутфинг неча ажзу ниёз айлаб,
Қўл уздим ғайрдин ишқингда ўзни покбоз айлаб,
Сўруб ҳолим тарахҳум бирла кўнглимни гудоз айлаб,
Дединг, лутф айлагум ўлтурдинг аммо неча тоз айлаб,
Агар лутфинг бу эрса жавру озорингга салламно.

Итобинг зоҳир этгунг ҳар қачон ифшойи роз этсам,
Не топғум роҳати ҳажринг ўтидин эҳтироз этсам,
Сенинг кўйингга бориб оҳу фарёдим дароз этсам,

Қилурсан ноз агар ман ҳар неча арзи ниёз этсам,
Ситамгар маҳвашо, бу навъи атворингга салламно.

Гар очса чехрасин кундуз фалак хуршиди топғай касф,
Не мумкин кечада нури камарға бўлмағуси хасф,
Ниёзийға дуойи давлатингдин ишқ сирри кашф,
Санга Феруз ўлуб бахт этдинг ул ой қадди зулфинг васф,
Бу янглиғ таъби нозик бирла ашъорингга салламно.

НИЁЗИЙ МУХАММАСИ

255

Ҳолим эрур дилбарим асру хароб,
Зор кўнгилга тушибон печу тоб,
Етмак учун кўйинга айлаб шитоб,
Кечаю кундузда қилиб тарки хоб,
Изтараба йазтарибу изтироб.

Водийи ҳажрингда дилим зор ўлуб,
Санга маломат била афғор ўлуб,
Чекмагида ранжини бемор ўлуб,
Дарду алам домиға дучор ўлуб,
Иғтараба йағтарибу игтироб.

Пўя урар чоғда ўзидин кетиб,
Ҳолати назъ мартабасиға етиб,
Сафҳаи шавқинг уза додин битиб,
Бодаи васлингни кўб уммед этиб,
Иртакаба йартакибу иртикоб.

Меҳри рухинг кўрмагин айлаб хаёл,
Гарчи хаёли бўлуб амри муҳол,
Хайли гамини қилибон поймол,
Водийи ҳайратда мушъабид мисол,
Илтаъаба йалтаъибу илтиъоб.

Ўтқариб ишқинг аро ёзу киши,
Хайрат ила бўлмок эди варзиши,
Даҳрда ким кўрди мунингдек киши,
Рашк ўтиға тушмак бўлмок иши,
Илтаҳаба йалтаҳибу илтиҳоб.

Сол назари марҳаматинг, раҳм қил,
Расми талаттуф била ҳолини бил,
Мумкин эмасдур анга сўз дерга тил,
Бор ғамингни кўтариб неча йил,
Инҳадаба йанҳадибу инҳидоб.

Қошу кўзинг қатлиға майл этгали,
Ғамза қиличи бошиға етгали,
Фикри висолинг дилини кетгали,
Тиғи ғаминг бағриға беркитгали,
Интасаба йантасибу интисоб.

Ҳосил ўлуб хажр шаби зулмати,
Анда тутуб хайли бало улфати,
Дарди фироқинг алами ҳиддати,
Сабру шакиб мулкини ғам шиддати,
Интаҳаба йантаҳибу интиҳоб.

Меҳри жамолинг бўлубон жилвагар,
Олам аро тушгали ондин шарар,
Топди зухур эл ичида шўру шар,
Ҳоли Ниёзийға ажаб йўқ агар,
Инқалаба йанқалибу инқилоб.

НИЁЗИЙ МУХАММАСИ

256

Гул юзинг маҳжурига ўлмак намоёндуր эваз,
Ишқинг ичра куфри маз нурига имондуր эваз,
Кўзларинг манзурига рашқ ичра сўзондуր эваз,
Базм аро ҳар дам лабинг маҳмурига қондуր эваз,
Кечалар тонг отғуча хуноби ҳижрондуր эваз.

Кўзларинг жаллодидин ман қайда топғумдуր омон,
Лутф этиб қулбамга келсанг жонга юз минг имтинон,
Сунбулинг эслаб сени оғушима олғон ҳамон,
Лабларинг сўрғонда қон этдим бадал қил қонга қон,
Лаълинг ар озурда бўлмишдур анга жондур эваз.

Расми ошиқликни, вовайлоки, кўзга илмадим,
Остонин ёстанурга нега ҳар тун келмадим,
Ҳажри шамширин жигардин манъи фикрин қилмадим,
Васл базмида сеҳрваш ишқ кадрин билмадим,
Эмди фуқрат ичра юз хуноби ҳижрондур эваз.

Юзларинг қошида гар ой қулчасини истадим,
Кўргач-ўқ зулфинг пари сунбулчасини истадим,
Сарв қадлардин қадинг мавзунчасини истадим,
Лабларинг борида гар гул ғунчасини истадим,
Кўнглим ичра ҳар тарафдин захми пайқондур эваз.

Фуқрат айёми дамодам оху фарёд айласам,
Кечаларда тинмайин изҳори бедод айласам,
Изтиробим ҳаддин ошиб навҳа бунёд айласам,
Новаки мижгонларинг ҳажрида гар дод айласам,
Кўнглима ҳажр офатидин тири буррондур эваз.

Партави ишқинг бузук кўнглимда гар бўлмас мазид,
Рашқдин ар олам аҳлига эмас эрсам анид,
Қилмағон бўлсам висолинг бодасидин қўб умид,

Бўлмагон бўлсам агар кошинг қиличидин шахид,
Танда ғам шамширидин захми намоёндур эваз.

Фикр аро гар киймас эрсам дер пари жандасин,
Солмагон бўлсам оёкинг остиға жон пардасин,
Муғтанам тутмас эсам қаддинг ниҳоли жилвасин,
Гар ғанимат билмадим лаълингни шакархандасин,
Заҳри ғамдин комталх чашми гирёндур эваз.

Жавҳари ишқингға улким, бўлгон эрмас мужтабий,
Бори ҳижронинг кўтарган бўлмас эрса манкаби,
Хоҳ инсону малойик ё валийдур ё набий,
Оразинг кўрган ҳамон шукр этмаган кокил каби,
Сийнаи садпораи чоки гирибондур эваз.

Гар Ниёзийдек жунун дашти аро кирдим далир,
Топмадим ҳажринг шарори ёкмагонга бир назир,
Англадим ошиқға ёнмоқ қисмати Ҳаййу Қадир,
Кокилинг савдосидин жамъият истардим амир,
Хотири ошуфтаи таъби паришондур эваз.

МУНИС ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

257

Эй, зотинг уза ҳомий зилли сояи Субҳоний,
Юзингда муайяндур ҳам партави Раҳмоний,
Амирлигингға падруддур одати меҳмоний,
Жонбахш лабинг узра чиқмиш хатти райҳоний,
Ким, кўрди Хизр бирла бир срда Масиҳони.

Зеболики изҳорин деди демаки мунча,
Булбул била кумрини ўз шоҳиди қилгунча,
То маҳкамаға козиб шоҳидлари келгунча,
Даъвоға очиб эрди лаб оғзинг ила гунча,
Бу тарки адабдур оғзидин оқар кони.

Кўк атласидин тунинг шоҳоналиғ истабдур,
Чарх анжуми накдидин моҳоналиғ истабдур,
Меҳр олтунидин тожинг сосоналиғ истабдур,
Шамъи рухинга жоно парвоналиғ истабдур,
Беҳуда эмас ойнинг ҳар кечада даврони.

Хунрез аро йўқ саффоҳу жаллод кўзинга ҳамтак,
Ишванг қиличи даъби эл кўксини чок этмак,
Хайли ғам ҳижронинг жон қасдиға юз минг лак,
Пайваста қошинг ёйи мижгондин отар новак,
Кўнглим ҳадафи онинг жонимдоғи қурбони.

Етмак манга не мумкин гулзори висолингға,
Не дилда тасаввурдур тасвири мисолингға,
Фикрим чаманистони ер икки ғизолингға,
Бўлмиш дили тангимда ороми хаёлингға,
Зиндон аро тутғондек манзили маҳи Канъони.

Ишқинг эли шаънида ишқ оятидур нозил,
Тонг йўқким, агардурсан махвашлар аро фозил,
Ҳажринг юкига бўлғоч бир неча замон ҳомил,
Жонларға жамолингдин огоҳлиғ ўлуб ҳосил,
Ҳусн ичра санга бўлмиш ойинаи руҳоний.

Шавқинг ўти кўнглимга роҳату таъаб эрмаским,
Ноз ўқи Ниёзийға сандин ғазаб эрмаским,
Шамшири фироқингдин жонға караб эрмаским,
Пайваста ер алардин шукрим ажаб эрмаским,
Гулранг кабо топмиш Муниси тани урёни.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

258

Ўзгалар кўйида синсун пайкарим жо айласа,
Жисмим ўлсун кул, ёниб гар онда маъво айласа,
Бағрим оксун ғайрдин сўзиш хувайдо айласа,
Кўнглим ўртансун агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Ғайрни фикр айласам ҳажринг аро жовид ўлай,
Қурбатинг уммидидин албатга беуммид ўлай,
Фурқатинг зулмоти ичра соҳиби таъбид ўлай,
Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Сандин ўзга ёр зикри бир даме бўлса сўзум,
Дуди хирмондин қарорсун қаҳрабо янглиғ юзум,
Аҳд боғлаб нафсима айтурман, эй дилбар, ўзум,
Ўзгалар хуснин тамошо айласам чиксун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг хуснинг тамошо айласа.

Хотиримга бошқа ёди келса чок ўлсун дилим,
Ҳам узилсун ғайрга қад ҳам қилур бўлсам белим,
Ҳам қуруб колсун баданнинг моддаси бўлгон гилим,
Ғайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкора айласа.

Ғайратимдин рашк аро ҳар гул юзи бир шуъладур,
Ёкғоли кўнглумни ҳам булбул сўзи бир шуъладур,
Ҳар на бўстон ичрадур, балким ўзи бир шуъладур,
Рашкдин жонимга ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул шўхи раъно айласа.

Орзу бўлди азалдин кўнглима ишқинг фани,
Бу жиҳатдин чашми афгорим балонинг маскани,
Саъй бирла умрим ичра бир кўра олмай сани,

Окибат жонимға етдим, эй хуш, ул мугким мани,
Буркада бирла харобот ичра расво айласа.

Бу ажаб хусни гули асло хазондин сўлмағой,
Зулм этиб ҳар дам ўсонмай кўнгли ҳаргиз тўлмағой,
Ушбу гулшандин фалак золи доғи гул юлмағой,
Йўк оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағой,
Гар куёш ҳар заррасидин бир Масихо айласа.

Турфадур Мажнунлигим ҳолимни билмасдур ҳабиб,
Бир нафас бўлмас ифокатдин манга ҳаргиз насиб,
Волалиғ дашти аро эмди бўлубдурман ғариб,
Келтуринг рафъи жунунимға парихон, эй табиб,
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Кўргусидур ҳодисоти даврнинг озорини,
Даҳр элидин муштаъил билгай ҳусднинг норини,
Бўлғой аҳволи паришон маҳв этиб азкорини,
Субҳдек бир дамда гардун кўймағой осорини,
Ногаҳ аҳли сидк кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Золи дунё фикрида сорғарма, сўлма нечаким,
Эй Ниёзий, алданиб узрини қўлма нечаким,
Инкиёд айлаб онинг юзига кулма нечаким,
Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

259

Шавкинги тарк этганимға нори ҳирмондур сазо,
Салбима зикринг забондин тиғи буррондур сазо,
Қўйгонимға фикринги дилдин пушаймондур сазо,
Кўз-юзингдин олғонимға ашкдин қондур сазо,
Васл аро шукр этмаганга доғи хижрондур сазо.

Муғтанам гар тутмагон бўлсам жамолинг бадрини,
Чекмагон бўлсам бало-у ранжи ишқинг садрини,
Имтиноъ килсам кўрардин чарх золи ғадрини,
Телба кўнглим билмагон бўлса висолинг кадрини,
Ҳажр анга еткурди инак онча имкондур сазо.

Чокаринг бўлмоқда гар комингга ҳаргиз етмадим,
Бўлмадим кўйингда ногаҳ гарчи аксар кетмадим,
Дарғахингда дойимо дарбон қадидек битмадим,
Гулшани васлинг ватан эрканда гар шукр этмадим,
Дашт уза бўлмоқ алохон ал-омондур сазо.

Махрами розинг бўлурдин етгали сур узра сур,
Дамбадам кўнглимга ҳосилдур сурур узра сурур,
Ногаҳон содир бўлубман то тавонингдин кусур,
Ошкора лутфи хулқингдин агар тошдим ғурур,
Фуркат ичра эмди доғи дарди пинҳондур сазо.

Мақсадим таҳсилида марғуби ахзар кох эдим,
Соҳати қурбингда гар лоболу ҳам фассох эдим,
Гар гаҳи чеккан муҳаббат пардасин саллох эдим,
Ҳажр ила берма сазо гар васл ила густох эдим,
Тиғи кийн бирла сиёсат килки осондур сазо.

Бежиҳат кийн ишқ элига лойиқи жонон эмас,
Журм эрур мумкин алардин қасд ила нишон эмас,
Саҳвдин гар бўлса содир мужиби хирмон эмас,
Ошиқ ар қилса гуноҳ қилмоқ сазо ҳижрон эмас,
Қатл тиғи сурки, қилмоқ ғорати жондур сазо.

Бодаи лутфингга маст ўлди ўзига келмади,
Фуркат олмоси Ниёзий сийнасини тилмади,
Бу сабабдин ишқ эли бирин кўзига илмади,
Васл базмида наво қадрин Навоий билмади,
Фуркат ичра кеча тонг отғунча афғондур сазо.

СУЛТОН ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

260

Йилондек товланур жисмим онинг ҳажрида зор ўлғоч,
Қадининг хайъати жонимда музмар интизор ўлғоч,
Рухининг шамъиға жону кўнгил парвонавор ўлғоч,
Узори васфин айларман анисим ул нигор ўлғоч,
Қилур пажмурда бўлгон шоха гул вақти баҳор ўлғоч.

Кўруб гесуларини рашкдин ўртанди сунбуллар,
Тушар жон ҳиндуси анқо деб ҳар торидин ғуллар,
Жаҳон боғи аро фарёду афғон тузса булбуллар,
Майи ноб тоби бирла хусни гулзори очар гуллар,
Қадах ичмакка роғиб ҳар қачон ул гулузор ўлғоч.

Баён қилғум фироқи дашти ғамда этганини тарх,
Жудолиғ тигидин бағримға етди деб аламлиғ жарх,
Қаттиғ дардимни чехрам зарди қилғоч ҳазратида сарх,
Қилурман арзи ҳолим ёринг олдида бир-бир шарх,
Келиб базмимға бир тун ишва бирла барқарор ўлғоч.

Тушар мунглиғ бошимға ҳар даме юз навъ савдолар,
Бу савдолар била даҳр аҳлидин бир неча даъволар,
Деса тарк этгил ишқин муддаъий бадхоҳ расволар,
Солурман оҳу афғоним била оламға ғавғолар,
Узори то никоби гўшасидин ошкор ўлғоч.

Дамодам истабон бўстон йиғочин ғайрға минмай,
Топпиб қўнғоч анга майл этмай ўзга сориға инмай,
Наво оҳангини ҳаргиз сакта бўлмай бир даме синмай,
Қилур гулшан гули шавқида булбул нолалар тинмай,
Қўлидин ихтиёрини бериб беихтиёр ўлғоч.

Нечук боғ ичра топғай тайрлар парвоздин роҳат,
Қилурму дамбадам ўз нағмасини кумрилар одат,
Тузарму фохта оҳангин ўз таврида ҳар соат,

Қачон ул лахза булбулларда қолғай заррача тоат,
Тушуб гул юзи узра зулфи сунбул тор-тор ўлғоч.

Муҳаббат аҳлининг мажлислариға ногаҳон келким,
Тааммул айлабон ишк ичра содиқ сидкини билким,
Ҳақиқий ишк аро вобасталар кўз ёшини селким,
Тараххум бирла ул ошиқни ҳолиға назар қилким,
Бериб қўлдин инонин бевафо дилдора ёр ўлғоч.

Бўлур малҳуқдин лутфу қарам албатта лоҳиқға,
Ҳабибидин зиёд ўлғай мурувват ишқи содиқға,
Фузун ўлғондек Узродин муҳаббат расми Вомиқға,
Бўлур маъшук меҳри кун бакун асру ул ошиқға,
Умиди васл бирла ой-у йиллар устувор ўлғоч.

Ниёзий кўргуси Фарҳоддек қўб можаро ҳар ким,
Шаҳи Баҳром янглиғ рўзгоридур қаро ҳар ким,
Қилур ўз кулбасини шавкидин мотамсаро ҳар ким,
Бўлур, Султонийе, Мажнун киби олам аро ҳар ким,
Агар ул қоши ёнинг ишқиға ногаҳ дучор ўлғоч.

РАВНАҚ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

261

Шакарналлоҳки, ҳайвон ичра бизларни ибод этди,
Ҳумоюн зилли била бизинг ишни адлу дод этди,
Бу зиллуллоҳ дуогўйға лутфин издиёд этди,
Бихамдиллоҳки, ул султони олам бизни ёд этди,
Бу янглиғ марҳамат бирла ҳазин кўнгулумни шод этди.

Мироран, гарчи борсам ҳазратиға чиқмас абрўсин,
Не тонг, эмдики ҳар азмим аро чолсам фараҳ кўсин,
Қилиб қўйи ҳасин ортурға лиҳйамдин супургусин,
Юзум дарғаҳиға суртуб чу қилдим остонбўсин,
Насими субҳи давлат ғунчаи кўнглим кушод этди.

Раъият борчаси осудалиғ топди баче азмон,
Улум аҳли дуойи хайр этарлар борича имкон,
Нединким, адл ила хони карам мастур эмас бир он,
Зихиким, хусрави соний Абулғози шаҳи даврон,
Ки, фармониға онинг тожварлар инқиёд этди.

Келиб зебо кади бўстони олам ичра мавзунда,
Шакибу сабр кони нуктаси жонбахш мазмунда,
Ҳама шоҳу гадолар лутфу эҳсонига мамнунда,
Жаҳонжўйики, мундоғ комронлиғ рубъи маскунда,
Не Доро, не Искандар мунигдек Кайқубод этди.

Кўнгилдин эътиқод этган киши гар омм эрур ё хосс,
Ва ё бўлсун замона аҳли ўртасида хоссу-л- хосс.
Ризо жўбанда бўлса улки ваҳдат баҳриға ғаввос,
Қаю шаҳким жанобиға етурди жабҳаи ихлос,
Улувви жоҳгоҳин етти гардундин зиёд этди.

Тааддий аҳлиға шамшири қаҳри аҳгари жонсўз,
Тазаллум хайлиға бўлди атуфи риштаси дилдўз,
Ситамгарлар била зулм аҳлидин кўкка чикғон туз,
Замони давлатида элга ҳар кун байраму наврўз,
Нединким, рўзгор ғами жаҳондин хайрбод этди.

Ҳалимедурким, йўқ ҳар нутки ношойистадин хашми,
Каримедурки, содик бўлмағой факр аҳлиға ғашми,
Билур шаҳлар ҳарир ўрнида ондин жомаи пашми,
Саодатлиғ шаҳаншоҳики, тушгач кўсаи хашми,
Қаро туфроғни ул кимиёдин зарниход этди.

Заминнинг арсасида барча кишвар бўлғоли обод,
Буларда ҳукмронлиғ қилғоли ҳар хусрави шаҳзод,
Адолат мағрибидин эсғали роҳатфизолиғ бод,
Таъолаллоҳ, зихи хоники, олам бўлғоли бунёд,
Қаю шаҳ даҳр мулкида онингдек адлу дод этди.

Фасих шеър ичра камдур, сарваридур шоири доно,
Балоғатда онинг тақлиди кишида бўлур шайдо,
Ниёзий зоҳир этгач ҳар нури дилингни анга умдо,
Келиб шаҳр дарғаҳиға Равнаки бедил бўлуб гўё,
Ғазал тайёр этиб ул ерда олам ичра од этди.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

262

Ўзга мажлисни нетай ул фарҳатафзо бўлмаса,
Файзи роҳатбахшликда жаннатосо бўлмаса,
Кирмагумдур бодаи гул онда пайдо бўлмаса,
Гул керакмасдур манга мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони бир гул мажлисоро бўлмаса.

Эй, хуш ул мажлис аро тартиб топса жашни омм,
Анжумандин ҳар бири ишк ичра топгон файзи томм,
Дайр биридин муҳаббат бобида кўрган низом,
Базм аро хушдур қадах кавкаб, вале эрмас тамом,
Мутриби хушлахжаи хуршиди сиймо бўлмаса.

Нури Раҳмоний зоҳир айласа ҳар бир шумуъ,
Партавидин равшан ўлса ҳам усулу ҳам фуруъ,
Базм эли топса бу кайфият била асру хушуъ,
Меҳру Моҳу Муштарий, Зухра чун килди тулуъ,
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда катъо бўлмаса.

Маҳжабин соқийлари ҳар дамда бўлса дилфурўз,
Қизса мажлис, тушса ондин аҳлининг кўнглига сўз,
Неча муддат бу сифат файз ўлса ҳосил лайлу рўз,
Мунча ҳам бўлса муяссар жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ кўйида бир маҳфуз маъво бўлмаса.

Бу уй атрофида сўзан сукбидек бўлмай тешик,
Доҳилида май тўлуг хумлар била чандин мешик,

Чарх золи кўзгамай тифли хиёнатга пишик,
Чун бу ерда ичкаридин руст бағланди эшик,
Одам эрмас ул кишиким бодапаймо бўлмаса.

Яхшидур махфилда жамъият вале окшомғача,
Бўлмайин ўртада ғайрият вале окшомғача,
Хўб эрур бу тавр кайфият вале окшомғача,
Хушдурур бу навъ амният вале окшомғача,
Гар фалакдир бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Хуш ангаким, тийра шомин йўк қилиб субҳи аласт,
Айлади билкулл ўзин сахбойи ваҳдат бирла маст,
Йўк этиб ўзликни кўрса базм элидин ўзни паст,
Хар кишига умрда бу навъ бир кун берса даст,
То абад ғам йўк агар бўлса яна ё бўлмаса.

Дахр базмида тарабни хўб кўргай хар касе,
Хор кўрса ишк ичида ўзни андоқким хасе,
Хотирин қилмай паришон дахрнинг пешу пасе,
Умр базмида нишот асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Маст бўлмоқ ёр васли бодасидин бўлди шак,
Тарк қил хушёрлиғни ё бало борини чак,
Бил, Ниёзий кўрмади ҳаргиз балони ман тарак,
Эй Навоий, гар насибингдур абад умри керак,
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

ТАБИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

263

Далирона такаллум қилмаким гуфтор нозикдур,
Дейилди «қалла далла» хуш, вале меъёр нозикдур,
«Кули-л-хайра» мухотаб таъбиға изҳор нозикдур,
Сўзинг қил мухтасарким, хотири дилдор нозикдур,
Агарчи сўз гуҳардур лек ушбу тор нозикдур.

Дило, кўзгунг юзидин ғайрининг накши нигорин юв,
Тано, қўйма қадам тошқори кўйидин сари як мў,
Жамолин кўргали ғам тузидин гар топмасанг ёғду,
Ул ой кетгусидур, эй кўз, йўлиға ашқдин тўк су,
Вале соч сарф бирлаким анга рафтор нозикдур.

Вужудин йўқлағой ошиқ фано водийси таллида,
Агарчи бўлса якто барча мушкилларға ҳаллида,
Сен айлаб шўъбада маъшук кўйи бор маҳаллида,
Қилурсан ғўфтуғў беҳуда дилбар кўзи оллида,
Магарким билмадинг табъияти бемор нозикдур.

Жаҳон айвонини англа бако бунёдидин ори,
Ҳаёти жовидона кимнинг эркандур сазовори,
Не мустаҳкам таноби вақтни душманлиғ изхори,
Не тори умр бордур маҳкам, не дўстлиғ тори,
Бу икки риштадин афсуским бисёр нозикдур.

Жафову жавр элининг мажлисида бир даме турма,
Этарға зулм кирдорини аҳли ичра ўлтурма,
Эл озориға фитна ҳалқасин гардун киби қурма,
Ситамнинг тошини озодаларнинг кўнглига урма,
Тафаккур айла аввал шишани миқдор нозикдур.

Топиб зебо қадига неча муддат алқалар, эй зулф,
Ғурурнинг жисмига чиндин солибдур ҳалқалар, эй зулф,
Адаб тут, кўрмагайсан фурқатингдин талқалар, эй зулф,
Белига айлабон густох урма ҳалқалар, эй зулф,
Мабодо кўрқарам синса миёни ёр нозикдур.

Ниёзий, оқил эрсанг ишқ элининг зумрасидин бўл,
Мақосид васлиға ғўё муҳаббат роҳи бузруг йўл,
Вужудинг тарк этиб ҳабли диёнатға узотгил қўл,
Табибий, ур илик исломғаки, бас қавийдур ул,
Инонма куфрғаким риштаи зуннор нозикдур.

То абад ишқингда Ҳайи лойазол айлар мани,
Иштишқинг махфилида бемисол айлар мани,
Гоҳ-гоҳи маст сахбойи висол айлар мани,
Бўси лаълинг шуйла сероби зулол айлар мани,
Ким, кўран обихаёт ичмиш хаёл айлар мани.

Бўйла бўлмиш қисматимким, шавк аро қон оғлайим,
Кеча-кундуз фикрим улким, ҳолими арз ойлайим,
Ҳазратингга сўз дуридин альяқини сойлайим,
Шоира сўз бўлмаға миннатни аммо найлайим,
Оҳким, хайрат сени кўрдукча лол айлар мани.

Олди хушим бир назар қилдукча сиймин ғабгабинг,
Турфа дилбарсан магар шамсу қамар умму абинг,
Гўйиё элдин хирад олмоқда бўлғоч матлабинг,
Севдигим, жоми майа ҳожат надур лаълу лабинг,
Бир шаккарханд ила масти бемажол айлар мани.

Даҳр аро мажҳулам андоқ барча бу кимдур дея,
Масжид аҳли дайр эли янглиғки бу кимдур дея,
Дашт аро кўргач гуруҳи ваҳш бу кимдур дея,
Боғда зулфу рухинг олдакча бу кимдур дея,
Сунбулу гул бири-биридин савол айлар мани.

Оразингдур осмони ҳусн уза тўлғон маҳи,
Қоматинг боғи маломат ичрадур сарви саҳи,
Бўлғоли бахтим қўли нақди висолингдин тиҳи,
Нотавоним шўйла чашминг ҳасратидинким гаҳи,
Соия мижғони оҳу поймол айлар мани.

Шўхлик бобида бўлғондин ажиба мазҳабинг,
Бир ниғаҳдин ишқ эли жонини олмоқ мансабинг,
Кўрганимдин боғ аро сайрингда чобук маркабинг,

Гардишин кўрдукча соқий мулойим машрабинг,
Орзу саргаштаи фикру мажол айлар мани.

Изтиробим дарди ишкингдин фузун, эй гулузор,
Сабру ҳушим тан уйидин кетди, бўлдим беқарор,
Сайрни вақти рабиъда қилғонингдин ихтиёр,
Накхати зулфинг-ла келдикча насими навбаҳор,
Турраи сунбулсифат ошуфтаҳол айлар мани.

Ҳалқаи зулфинг-ла маҳкам жони зоримнинг нахи,
Дини исломим кўзинг куфри ила тавбам, ахий,
Бўлса гарчи базм бўлмасдур қатиг кўнглинг сахий,
Ҳайрати чашминг комин ҳоли сиёҳ бўлсам дахи,
Бахти охир сурмаи чашми ғизол айлар мани.

Ишқ эли пок ўлмаса маъшук қўймас кийнасин,
Танимиз гар тири мижғониға тутсун сийнасин,
Тузса ҳам ҳар дам Ниёзий маърифатнинг зийнасин,
Гўйиё билмаз афандим бандаи диринасин,
Ким, Надимо, бумидур деса савол айлар мани.

МУХАММАС

265

Бихукмиллоҳ манозил қатъини тақдир этар маҳтоб,
Паёпай издиёд журмини тасдир этар маҳтоб,
Заломин кашф этиб, шаб мулкани тасхир этар маҳтоб,
Ҳавойи файзи меҳри ишқ ила шабгир этар маҳтоб,
Ки, жомин салсабил нурдин пур шир этар маҳтоб.

Қилиб бу корхона соҳатин дўккони ноёби,
Тузуб санноълиқ расмини ҳар ердин очиб боби,
Муҳайё кимёгарликка гўё айлаб асбоби,
Этибдур бута мавжи партави шамси жаҳонтоби,
Нужуми чарха машқи санъати иксир этар маҳтоб.

Лужини суратин токи фалак лавҳи уза битди,
Муқобил шамса машрик сориға ер остидин кетди,
Зиё касб этди, гарчи етмайин қолди, гаҳи етди,
Кийиб бир ол этаклик ҳоладин майдона азм этди,
Самода мавлавий ойинини тасвир этар маҳтоб.

Сарири кишвари гардунда Жамдур ёки Баҳмандур,
Ашиъа хатларидин хайли Лакҳан, Жунди, Малҳандур,
Шикасти лашкари зулмат русуми ичра якфандур,
Фалакда гўйиё бир паҳлавон новакафкандур,
Шуъоъин тири буррон ҳоласин зиҳгир этар маҳтоб.

Кудурати сияҳдин зарраи журмида йўқдур ғаш,
Эрурму айний ё борму амома бошида бефаҳш,
Мунаввар манзарида бўлғуси бир тун жиҳоти шаш,
Олинда хомаи заррини Мавлоноӣ Румийваш,
Кеча осори шамсий шавқ ила танзир этар маҳтоб.

Ажаб йўқ, сайд бўлмоқ ҳар кун ичра бозий тамсанг,
Ки, ҳар субҳ бўлди мағмус ғадири водийи ғамсанг,
Чиқарғоч буржидин сар кеча бутраб ашҳас дамсанг,
Ўлур ҳамвора мазҳар кимёӣи файзаи самсанг,
Ки, ҳола чилласинда субҳадек шабгир этар маҳтоб.

Эрур торику равшан бир-бирига бугзнинг кони,
Нединким, бирриси бўлғон маҳалда бўлмағон сонӣи,
Не мумкин ижтимоӣи бир киши кўнгли аро они,
Сияҳ табъон ўлур равшандилоннинг душмани жони,
Ки, рўзу тийра рўзи дойимо дилгир этар маҳтоб.

Қачон чекмас ўзига ишқ элини ҳодийи ишқи,
Ким, ул иқболин истаб муқбил ўлмас нодири ишқи,
Қаю бир кимсани хушҳол қилмас шодийи ишқи,
Неча тарк айласун шабзиндадорони водийи ишқи,
Тани пур зўъфа мавжи шўъладин занжир этар маҳтоб.

Сабо, бергил хабар гулшанда гун гул юлмасун ул шўх,
Чикиб хорижга уйдин мажлис ичра бўлмасун ул шўх,
Этай деб кеча сиррин заҳматидин бўлмасун ул шўх,
Бу шаб равнақфизойи базми маҳтоб ўлмасун ул шўх,
Ки, гармийят-ла чашми покина таъсир этар маҳтоб.

Тавофи кўйида жунбуш килурга бўлса дармонинг,
Азимат ул тарафга айлагил то тандадур жонинг,
Ҳамиша дарғаҳида иштиҳоринг бўлса армонинг,
Агар бор эса жузийи фанни шабравликда нуксонинг,
Сани кўйида борин олама ташҳир этар маҳтоб.

Ниёзий рамзи ишқа ишқ элининг жазми хосинда,
Муҳаббат аҳлининг маҳбуб сори азми хосинда,
Тариқат аҳлидин нафси аскарига ҳазми хосинда,
Балиғо, раъйати осафназиринг базми хосинда,
Бу назми хомаи заррин ила таҳрир этар маҳтоб.

МУҲАММАС

266

Эй, лутфни бан ҳазина дўш этдира билмам,
Васлин дила пайғом суруш этдира билмам,
Найлайки қарини хирадла ҳуш этдира билмам,
Фарёдки, фарёдими гўш этдира билмам,
Мурғи дил шайдойи ҳамуш этдира билмам.

Лаънат тошин ишқида дуруст бўлмасам, урким,
Ҳамсанги балийят-ла раҳо бошима қурким,
Май иззатин айларга дахи ҳикмати сўрким,
Майгун экан ашким-ла миҷам ҳурмати кўрким,
Жорубдур, бодафуруш этдира билмам.

Сайрида ажаб фиғон-ла гуллар кийҳандур,
Ҳуш анбару кофур риёҳ пехиндан,

Бу барчани маъжун этилан ғолийҳиндан,
Нек оҳ чекарман дахи зулфи сияҳиндан,
Миръоти рухин ғолияпӯш этдира билмам.

Бу дамда қаён борур эсанг соҳати ер,
Йўл ишк йўлидур, санга сан ар комил эр,
Акнун наки бордур санга маллоҳлара бер,
Тўфон ўлур ағларсам агар саними ким дер,
Дарё киби бир жўшу хуруш этдира билмам.

Вуслат талаби камолидур табъи салимдан,
Табшири вазоҳат келадур хулқи ҳалимдан,
Ҳар ишни Ниёзий кўра тақдири 'Алимдан,
Наврасға бу миръоти нав-ла билмамки алимдан,
Нўш ўлса-да ул офата нўш этдира билмам.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

267

Тузалди базмгоҳи айш итёнинг аҳамм, келгил,
Бўлубдур манзури базм аҳли барважҳи атамм, келгил,
Басе еткурди шавқинг шиддати ранжу алам, келгил,
Очилмиш гул етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил,
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми Жам, келгил.

Вафосиз онглабон аҳли муҳаббат чархнинг золин,
Қилур меҳринг била жисми уза пўшиши фано шолин,
Ниёзи ажз бирла ўтқарурлар моҳ ила солин,
Даме нозинг не тарк этгил кўруб ушшоқ аҳволин,
Тузуб меҳру вафо расмин, қилиб лутфу карам, келгил.

Кушода тут замоне ман ҳазинға марҳамат бобин,
Не мумкин кўз равон қилма салиқи чехрамға хунобин,
Кўруб жисмимда ҳажрингдин етушган печ ила тобин,
Муҳайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,
Кўнгил кўз кўсидин дафъ айламакка занги ғам, келгил.

Таманно айлади бог ичра махвашлар қарорингни,
Кўрай деб фикр ила булбулға алҳони гулузорингни,
Қадам ранжида қилғил шод этарга хокисорингни,
Тўшаб баргини гул сайр узра тортар интизорингни,
Гулистон ичра гул барги уза қўйғил қадам, келгил.

Равондур жўйлардин бог аро тинмай замони об,
Чаман сахнида сокин неча ходим соҳиби одоб,
Қаю ишрат сориға майл кўргузсанг очукдур боб,
Ҳаводур мўътадил ҳам фасли гулдур кеча ҳам маҳтоб,
Тузуб мажлис ичарга лолагун май дам-бадам келгил.

Топилғой чашни омм айларга бўстонда васиъ майдон,
Ажойиб ағъима мажлисда, турфа фокиҳа чандон,
Ҳамма арбоби мажлис хушважохатдур доғи сирдон,
Чаманлар сабзу хуррам, ҳавзлар лабрези гул чандон,
Билиб бу файзлиғ мавсимни асру муғтанам, келгил.

Келибдур оразинг меҳри фалак хуршидидин аҳсан,
Сифотинг хурдабинлар зикр этарда тиллари алкан,
Забундур дашти ҳажринг ичра ғам хайлиға мардафкан,
Олиб бурқаъ жамолингдин қилурға кўзларим равшан,
Жафою жавру зулмингни қилиб бир лаҳза кам, келгил.

Талабда рост кирдор англа ишқингда аминингни,
Кўруб бир қатла бўлғон мубтало нури жабинингни,
Еридур имтиёз айлар эсанг Рабб ул-аминингни,
Гаҳи айлаб баҳона гул терарга бу ҳазинингни,
Қилурға хайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам келгил.

Замона қилмади ҳаргиз сенингдек саййидини ёд,
Ниёзийдур ғуломинг бўлмағон ғам қайдидин озод,
Вале сабр этди қилмай фурқатингдин ҳазратингда дод,
Санга Феруз эрур бир кул, вале ҳажрингдадур ношод,
Бу кулни шод этарга, эй нигори муҳташам, келгил.

Сурат ичра келди инсон зумраси ашбоҳлар,
Топди фарк аммо хидоят аҳлидин гумроҳлар,
Ишқ дардин онлардин фалак харгоҳлар,
Улки солғай шўъла аъзосига ўтлиғ оҳлар,
Қайда билгай куймагин зарбафт кийган шохлар.

Эски тўн бечораларни кўзларига илмагай,
Зулм кўксини адолат тиғи бирла тилмагай,
Мустағис мазлумлар этган ноласига келмагай,
Бағридин қон томғувчи ушшок захмин билмагай,
Тиғидин қон томғувчи бераҳм олийжоҳлар.

Айламас ҳижрон ғамидин ишқ эли парҳезким,
Васл жомин англағай ҳар дам аро лабрезким,
Ошиқ ўлсанг бўл адам ошуфтагона хезким,
Шиддатин Фарҳод қилгай фаҳм йўк Парвизким,
Дардни хокийлар англар йўк фалак даргоҳлар.

Қасд этибдурму ажал умрим гулини юлғоли,
Ким, етушмишдур ҳаётим нахли барги сўлғоли,
Ишқ аро манзилғаҳим сонсиз балюдин тўлғоли,
Жону кўнглим кирдилар ғам даштиға гум бўлғоли,
Ман ҳам этдим азм чун азм этдилар ҳамроҳлар.

Улки бошиға муҳаббатдин балолар келтурур,
Дашти фурқат ичра саргардон кўрунган шул турур,
Роҳларким ондадур, лекин қаттиғроқ йўл турур,
Бўлсалар оғаҳки бир беғамни маҳжур ўлтурур,
Фикр этар холиға ҳижрон дардидин огоҳлар.

Ургонимдин пўя билмаслар тарабгоҳим недур,
Ишқ майдони сариким анда жонгоҳим недур,
Васл агар бўлса муяссар изз ила жоҳим недур,

Вах, на билгай ҳажри занжирида дилхоҳим недур,
Ҳалқа урғон базму айши даврида дилхоҳлар.

Бўлмағон янглиғ ғанийларда қаноат, шукри йўқ,
Ҳам фақирларға тама сармоя келди, зикри йўқ,
Муддатедурким, Ниёзий, жони тайри вақри йўқ,
Эй Навоий, шоҳларға чун гадонинг фикри йўқ,
Айлагил ҳам Тангри даргоҳиға шайъан лиллоҳлар.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

269

Вужудим кулбасини ишқ ўти эрди хароб айлаб,
Фироқи нотавон жисмимни андок печу тоб айлаб,
Магар ҳолимни билди ишқ элидин интиҳоб айлаб,
Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб.

Хиҷолатманд ўлуб кўргач узорини маҳи анвар,
Бўлуб зоҳир кўзининг фитнасидин шўриши маҳшар,
Солиб ағёрға рашк оташидин юз туман аҳгар,
Чекиб миҷғони шабравлар каби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбар торидин мушқин таноб айлаб.

Латофат дурларини ончаким мумкин эди, терди,
Манга лутф айламак кўнгли аро сирри ниҳон эрди,
Кўзум равшан қилурға тийра кулбам ичра чун кирди,
Келиб ўлтурдию илким тутуб ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзидин дурри хушоб айлаб.

Жамоли партави жон дийдасин айлаб басе равшан,
Гуҳарлар оғзидин ифшо қилурда кўргузуб шеван,
Деди, кўнглинг қилиб фуқрат балоси хайлиға маскан,
Ки, эй зору балокаш ошиқим, мансиз нечукдурсан,
Ман ўлдум гунгу лол айтолмадим майли жавоб айлаб.

Хуморим фарти ҳушим ҳулласин сармағзидин суйди,
Хирад чашмин доғи бошоғритқининг ханжари ўйди,
Билиб эркан бу ҳолим дастини кўйни аро кўйди,
Чикорди шишаи май доғи бир соғар тўло қуйди,
Ичиб тутди манга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Не мумкин ҳолим изҳор айламак тил тебратиб сўздин,
Туруб ҳам бўлдим ул янглиғки манкуб ўлғоли ўздин,
Қўлидин жомин олдим ашкими жорий қилиб кўздин,
Ичиб фарёд этиб тушдим оёкиға бориб ўздин,
Мани йўқ бодаким лутфи онинг масту хароб айлаб.

Азалдиндур муҳаббат аҳлиға ишқ атласи қўндок,
Ғадову шохға ишқ ичра чекмак дарду ғам ўртоқ,
Ниёзийдек топар вуслатни улким шавки афзунрок,
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундок,
Навойидек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

270

Лутфу караминг ҳар дам кўргуз манга, эй ҳуш зот,
Олмас муҳаббатни кўнглимга басе ўрнот,
Махмур кўзинг очиб ашкимни даме тўқтот,
Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғот,
То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнот.

Хуршиди узорингни даҳр ичра дурахшон қил,
Шамшод кадинг гулшан саҳнида хиромон қил,
Хандон этибон лаълинг ғунча ичини қон қил,
Ташлабки сочинг ўрдинг, очғонда паришон қил,
Офок саводида жон ройиҳасин бутрот.

Ақлимни жунун шахси қилди келиб ошуфта,
Андоқ мани ғам тиғи бағрим тилиб ошуфта,

Бу меҳнат аро қўйма ҳолим билиб ошуфта,
Кулбамга хайафшон кел, зулфинг қилиб ошуфта,
Анжум сипаҳин синдур, офок улусин қўзғот.

Эй дилбари маҳбубим, ғафлатга солиб ўзни,
Бу зори ҳазинингдин рад айламагил юзни,
Мақбулин этиб умид, дедим санга бу сўзни,
Ораз қуёшин очиб ашки қуруғон кўзни,
Қўб ҳажр аро йиғлатдинг, бир васл ила ҳам йиғлот.

Ишқ арсаида ҳар ён фикрим отини чопиб,
Шавқимни қилиб пайванд, ғам нахли уза сопиб,
Рухсори ҳаётимни туфроқи фано ёпиб,
Бир оҳ ила кул бўлдим, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунга ошиқлик ишин ўргот.

Оламда ҳаёти Нух максуминг эса, эй дил,
Анқо бошинга солса ҳар дамда ҳумоюни зил,
Дунёю ва мо фийҳо фоний бўлуриң ҳақ бил,
Хоро тубида ётгунг йўқ, суд агар юз йил,
Қўқ атласи устида жисмингни ётиб оғнот.

Бир маҳваши зебонинг ҳажри аро муштоқи,
Қўймас анга беҳудлик дарду ғами, не боқи,
Бўлғонда Ниёзийдек майи базмини қилмоқи,
Базм ичра Навоий қўб йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элтгувчи доруни жомига солиб чойқот.

ХОЛИС ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

271

Мавсими баҳор инбот топди неча алвон гул,
Қилди сабзаи баргин боғ аро намоён гул,
Ғунчаси сабога чин кўрди, бўлди хандон гул,
Ғарчи ҳусн ила эрди зийнати гулистон гул,
Лек гул юзинг кўргач бўлди зору ҳайрон гул.

Қилмади асар ҳар бир мохрӯ манга чунким,
Ул сифатки гул юзлик тундхӯ манга чунким,
Ҳаргиз ўлмағой мақсуди мушкбӯ манга чунким,
Сунбули гул эрмасдур орзу манга чунким,
Кокилинг эрур сунбул, оразинг очилгон гул.

Боғбон қилур холи боғни битик битсанг,
Ашҳабинг сўруб ҳар субҳ боғ сарига кетсанг,
Вокиф ўлмайин ағёр лаҳзада анга етсанг,
Гулистон аро, жоно, ноз ила хиром этсанг,
Макдаминг ғубориға айлағай фидо жон гул.

Даъбинг эрди истиғно ўзни ғофил айларсан,
Кўрсанг ишқинг аҳлини, эй малаксифат пурфан,
Гарчи ажзими зоҳир айламакда тил алкан,
Нола гул юзинг кўргач бехудона айларман,
Ўйлаким ҳазин булбул кўргач айлар афғон гул.

Даҳр золининг билгил бевафолигин, эй шўх,
Кимса ҳарфдин англар жуз жафолигин, эй шўх,
Кўрдинг эмди гулшаннинг босафолигин, эй шўх,
Гулдин онглагил ҳуснинг бебақолигин, эй шўх,
Ким, бу боғ аро сўлмай, ҳеч борму қолгон гул?

Дил дегусидур мийно иззатинг учун қулқул,
Дам ғаниматин билгил косани ичиб мулмул,
Тузгил ишрат асбобин очса боғ аро гул-гул,
Субҳу шом афғонинг паст этма, эй булбул,
Ким, эрур бу гулшанда беш кунча меҳмон гул.

Улки лутфи гулрўдин боғ аро эди рокис,
Ашк ўти Ниёзийдек бўлса кўнглида шохис,
Ҳайрат олғой атрофин ақлу ҳуш ўлуб нокис,
Беқарор эса, тонг йўқ, рашқдин ағар Холис,
Эсламағай илкига чунки олди жонон гул.

НИЁЗИЙ МУХАММАСИ

272

То гул юзингни кўрдим, йўқдур даме қарорим,
Булбул каби етушди кўкка фиғону зорим,
Кўйингда пўя урмоқ тинмай бўлуб шиорим,
Хайрат маҳалли эрмас гар қолмаса мадорим,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Ишқинг асири бўлдим, ҳажрингда ютғоман қон,
Раҳм этмас эрсанг эмди ютмоқға қон не имкон,
Чунким, етушди ғамдин оғзимға чикғоли жон,
Лутф айлагилки, кўрдинг аҳволими паришон,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Солдинг мани назардин билмон надур гуноҳим,
Ҳажрингда хор бўлдим, не қолди иззу жоҳим,
Ғам маҳбасида қилдинг ҳар кеча хобгоҳим,
Не тонг, эрур фалақдин гар ўтса тири оҳим,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Тутдим юзингдин айру ғам дашти ичра маъво,
Хайли балодин анда йўқ эрди тўлмагон жо,
Бу дашт ичра эрдим ишқингда зору шайдо,
Юз навъ кайғу қулфат бошимда бўлди пайдо,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Васлинг тафаккур айлаб ҳолим базе забундур,
Қаддим чекардин ишқинг борини мисли «нун»дур,
Йиғларда фуқратингдин чашмимнинг ашки хундур,
Билдим хиёнат этган ҳақимда чархи дундур,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Бордур санға латофат боғида турфа қомат,
Ғавғойи маҳшар ондин ҳам шўриши қиёмат,
Гўёки ул азалдин эл жонлариға офат,

Эмди нечук кетургум рашк оташига токат,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Бир кўргали жамолинг ошуфтавор бўлдум,
Топмай замон тахаллул ҳажрингда зор бўлдум,
Расволиғ ошди ҳаддин эл ичра хор бўлдум,
Кош ўлгай эрдим ул кун ким санга ёр бўлдум,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Хуршиди оразингга ҳусн авжи келди маскан,
Оламга ёғдусига ойу кун икки равзан,
Фирдавс арсасидин кўйингга соҳати аҳсан,
Бу боис ўлди, қилди ишқ аҳли они маъман,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.

Эмди Ниёзий бўлди кўйинг аро гадойинг,
Сурма килур кўзига гар топса хокпойинг,
Фақр аҳли кўнгли эрмиш сокин бўлурга жойинг,
Ким, хўблар шоҳисан, бас қилғил озмойинг,
Ороми жон нигорим, сарви равон нигорим.

ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

273

Айлаб кўзум ўтрусида бир жилва то кошу кўзинг,
Кўнглим уйини айлади мотамсаро кошу кўзинг,
Шавк оташига ёнмоким кўрди раво кошу кўзинг,
Вах, на балодур билмадим, эй дилрабо, кошу кўзинг,
Ким, бир назарда солди ўт, эй дилрабо, кошу кўзинг.

Ман мубталоға жавр ила ўтди баче ойу йилинг,
Бир қатла комимча демай сўз нутқи жонпарвар тилинг,
Кўрган ҳамон дийдоринги бўлдим асири бедилинг,
Олди қарору токатим оқ сийнаву нозик белинг,
Солди қаро кун бошича икки қаро кошу кўзинг.

Ваҳким, хирад султонини сатр этди чоҳи ғабғабинг,
Дилбарлик ойини била ман сори сўрсанг ашҳабинг,
Кўз мардумиға тўтиё қилғум ғубори маркабинг,
Жонимға қўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглимға еткурди туман дарду бало қошу кўзинг.

Маҳвашлар ичра шак эмас бўлмоқда мустасно ўзинг,
Ҳусн осмонида тулуъ кўргузди меҳросо юзинг,
Ишк аҳли гар қилса назар ўлтургуси қотил кўзинг,
Ҳам юз ўлукни лаълинг аро тиргузур ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзинг.

Ҳилму ҳаёнинг маъдани зотингдур, эй кони адаб,
Ҳажрингда афзун бўлғуси ҳар дам манга ранжу таъаб,
Айру узоринг меҳридин ёғду кунимдур тийра шаб,
Қошу кўзинг бедодидин дод айласам эрмас ажаб,
Кимни жафолар қилмади охир манга қошу кўзинг.

Эй, хўбликнинг тахтига чиқгон ҳукумат сўргали,
Ҳар дам муҳаббат аҳлиға зулму ситам етқурғали,
Бир кимса зинда қолдиму шахло кўзингни кўргали,
Ҳусн аҳли шоҳисан бори ошиқларинг ўлтурғали,
Гўёки жаллоду қилич бўлмиш санга қошу кўзинг.

Ҳусн оламида оразинг андоқки шамс анвари,
Ул кимсаким бўлса онинг даҳр ичра сендек дилбари,
Бўлгой жунун водийсида девоналар сардафтари,
Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари,
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзинг.

Йўқдур муҳаббат борининг, эй сарви қад, поёниким,
Чекса бу юкни аҳли дил бўлмас онинг армониким,
Мумкин эмас чекмак манга бу заъф бирла ониким,
Йўқдур манга ишқинг аро юрмак тирик имкониким,
Жонимни ёқди кўзинг олғуси ё қошу кўзинг.

Чун шўхликдин айладинг гулгун юзинг очмоқ шиор,
Не қолғусидур кўрган эл кўнгли аро сабру қарор,
Афғону нола ўзгача бўлғой ҳувайдо, эй нигор,
Қошу кўзинг иймосидин бўлди қиёмат ошқор,
Гўёки олам офати қилмиш Худо қошу кўзинг.

Ишқ аҳли қатли ком ўлуб кийн тигини сурсанг агар,
Онларға мумкин бўлмағой бу тигдин қилмоқ ҳазар,
Нобуд ўлурлар барчаси бир кимса қолмай сарбасар,
Эл қатлини қасд айлабон мастона қилғоч бир назар,
Солди жаҳонға нолаи во ҳасрато қошу кўзинг.

Субҳи азалда бўлишам икки қароғинг бандаси,
Қилсам тахаллуф бўлғоман ишқ аҳлининг шармандаси,
Айлаб таманно бўлмоқинг, ман зоринг мақсадраси,
Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам санову садқаси,
Ёшурмағил ман зордин айлаб ҳаё қошу кўзинг.

Шод этгали базм аҳлини ҳайратфизойи хос ўлуб,
Вақти тараннумда доғи марғуби хоссул хосс ўлуб,
Эл хотирин олмоқ учун бошдин оёқ ихлос ўлуб,
Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,
Бир ғамзада юз жон олур, эй маҳлиқо, қошу кўзинг.

Изид латофат кишвари султони айлабдур сани,
Кўйинг аро фармонпазир этмиш Ниёзийдек мани,
Ўлганга жон бермак ишинг ишқингда, эй гул, хирмани,
Ширин лабингдин Оғаҳий жисмиға жон бергим они,
Ўлтурди бир имо қилиб, боқғоч қиё қошу кўзинг.

СОДИҚ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

274

Ютар эрдим фироқи ичра қон оҳиста-оҳиста,
Чикорға етди шавқи бирла жон оҳиста-оҳиста,
Бориб кўйи аро қилдим макон оҳиста-оҳиста,
Манга раҳм айлаб ул ширинзабон оҳиста-оҳиста,
Етушди бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста.

Бўлуб фуркат шаби ғам муҳибби ичра манга маскан,
Не маскан эрди ул дардила(р)нинг хайлиға маъман,
Менинг холимни кўргач меҳрибона кўргузуб шеван,
Фирокида қарорғон кўзларимни айлади равшан,
Очиб рухсораи хуршидсон оҳиста-оҳиста.

Замоне иштиёқим хобидин чашмим эмас бедор,
Кўнгил девонадур ишқида қойдин бўлғуси хушёр,
Даво топмас таним заъфиға айлаб элдин истифсор,
Эдим хижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,
Етурди васлидин сихҳат равон оҳиста-оҳиста.

Бихамдиллох, ўлар ҳолатға бўлғон чоғда ман дучор,
Бузук кулбамға келди лутф этиб ул шаккарин гуфтор,
Такаллум вақтида ҳар бир каломи эрди руҳосор,
Масихо мўъжизин жонбахш лаълидин қилиб изҳор,
Ўлук жисмимға берди тоза жон оҳиста-оҳиста.

Юруб кулбам сари лутф этгали меҳри дурахшоним,
Шуъоъидин мунаввар айламакка байтул аҳзоним,
Келиб қилди табассум, ўлтуруб ул лаъли хандоним,
Сўруб дилдорлиғ расми била ҳоли паришоним,
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳиста-оҳиста.

Басе кўрган эдим зулму ситамни аҳли даврондин,
Кечиб эрдим фироқи шиддатидин нотавон жондин,
Бу дам навъи талатгуф ман ҳазинға етди жонондин,
Деди: к-эй ошиқи зорим, малоле берди хижроним,
Бўлубсан асру зору нотавон оҳиста-оҳиста.

Чекардин ранжу меҳнат имтиҳон ҳолингни қилмишман,
Фано даштида ажзу инкисоринг кўзга илмишман,
Сани лутфимға ансаб аҳли ишқим ичра билмишман,
Бу дам васлим била коминг раво қилмоқға келмишман,
Макомингға борай элдин ниҳон оҳиста-оҳиста.

Улус жонлар нукуди бирла истар борхо лаълим,
Хануз килгон эмас ҳеч бирининг комин раво лаълим,
Вале мажжонан этдим марҳамат бу дам санга лаълим,
Агар истарсан ўпмакликни инак жонфизо лаълим,
Ва ё кучсанг белим инак миён оҳиста-оҳиста.

Дилингдур холи бўлгон ғайри накшин сузук шиша,
Менинг фикримдин ўзга ишқ аро йўқ онда андиша,
Уруб Фарҳод ёнглиғ Бесутун ғам уза теша,
Неча кун дарди хижроним аро сабр айладинг пеша,
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста.

Добон бу нукталарни раҳм этиб эгнимга қўйди даст,
Кетиб ўздин, қилиб қаддимни хам, олдида бўлдим паст,
Лабининг шаҳдини комимга килди ул замон пайваст,
Ман ул дам ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,
Фироқи ранжидин топдим омон оҳиста-оҳиста.

Ниёзий тўкди ҳажр аро кўздин сиришкин сув янглиғ,
Ҳаёти риштасин ғам бори ожиз қилди мў янглиғ,
Эди ишқ ичра содиқ топди комин комжў янглиғ,
Киши гар Содик ўлса ишқ аро васл ичра бў янглиғ,
Бўлур ферузбахт комрон оҳиста-оҳиста.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

275

Кулбамга келди ул пари гардун навардин ўйнатиб,
Рухсори узра зулфининг мушкин никобин ўрнатиб,
Суртуб рикобиға юзум юз ажз ила тил титратиб,
Дедим, кўзимни равшан эт меҳри жамолинг кўрсатиб,
Деди, узорим ўтиға жисминг нетарсан ўртатиб.

Йиллар фироқи даштида эрдим басе овворае,
Дарди муҳаббатдин эдим жон чиқғудек беморае,

Умид этиб бу дардима шояд килур деб чорас,
Дедим, тараххум айлабон ҳолимға кил наззорае,
Деди, кўзум жонинг фиғор этгуси ноз ўкин отиб.

Ғам мажлисида, эй хабиб, дил соғари жомим эрур,
Васли хаёли жом аро саҳбойи гулфомим эрур,
Ўтрусида онингким, ул жонимға оромим эрур,
Дедим, висол ичра лабинг шаҳди менинг комим эрур,
Деди, санга бергум они захри фирок ичра котиб.

Фирдавс аро гарчи топиб зебу сафо кавсар суйи,
Лаъли зулолидек эмас роҳат расо кавсар суйи,
Сўз бўлгон эрди қошида мажлис аро кавсар суйи,
Дедим, лабингнинг шарбати ширинму ё кавсар суйи,
Деди, бўлурму ҳар сувни оби бақоға ўхшатиб.

Базмимда ишрат айлагач ул хўбларнинг сарвари,
То тонгға тегру олдида очдим муҳаббат дафтари,
Ул дамда роҳат хобиға майл айлаб эрди кўзлари,
Дедим, кўзинг бедор кил ноз уйқусидин, эй пари,
Деди, бу лаҳза фитнаи нойимни нетгунг уйғотиб.

Бедор бўлди уйқудин боди сабо эсган чоғи,
Ул дам эди гул устида ел хайлининг йўл солмоғи,
Берди саросар мушк исин барча шажарлар яфроғи,
Дедим, недин эркан бу кун олам муаттар бўлмоғи,
Деди, сочимни тонг ели юз узра солмиш бутратиб.

Фикри Ниёзий ўзгачадур турфарок афсона дер,
Ким, бу кеча тутдим бориб ул гулузор олдида ер,
Хижлатдин олди чехраи зардимнинг атрофини тер,
Дедим, кўзингдин ўргулай Ферузға бир бўсаи бер,
Деди, юзимни оғритур ҳар ён хатинг ниши ботиб.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

276

Еткурдимуким, ногаҳон санги ядога қон лабинг,
Ёғдурди кўзларинг абридин тинмай даме борон лабинг,
Жазм айламасман дегаликим, донан руммон лабинг,
Ёкутдурму билмадим ё лаъл, эй жонон, лабинг,
Ё оразинг гулзорида борму гули хандон лабинг.

Йўқдур мухаббат баҳрига осори поёну карон,
Кирса анга авлоди Нух мумкин эмас топмоқ омон,
Ман зорға бу баҳр аро битган эди чикмоқға жон,
Лаълингни бир ўпмак била топдим ҳаёти жовидон,
Эъжози Ийсому экан ё шарбати ҳайвон лабинг.

Дилбарлигинг ойинини мустаҳкам этмак ишларинг,
Зулму ситам даъбинг эрур, жавру жафо варзишларинг,
Жонимни олғой ноз ила ҳар дам итоб этмишларинг,
Кулгу чоғи зоҳир бўлур буким мусаффо тишларинг,
Гўё алардур бебаҳо дур, ҳуққаи маржон лабинг.

Сонсиз жафолар айлади ман зорға гардуни дун,
Қаддимни ҳам ишқинг юки айлабдурур андоқки «нун»,
Ҳасрат чекиб шавкинг била бўлди басте ҳолим забун,
Кўздин тўқуб ҳижрон аро дойим сиришки лолагун,
Ўпмаклик айлаб орзу, тун-кун ютарман қон лабинг.

Васлиға тун-кун айлаган паймонидин ортукдурур,
Ишрат бу янглиғ васл аро нишёнидин ортукдурур,
Юз ганжи Қорунни ато қилгондин ортукдурур,
Минг беҳабо ёкуту дур эҳсондин ортукдурур,
Бир сўрғоли бу зоринга қилсанг агар эҳсон лабинг.

На хуш кун эрдиким мани қилдинг ўзингга ошно,
Эмди не мумкин бўлмоқим сандин ҳаётимда жудо,

Қилдим йўлингда борҳо руҳи равонимни фидо,
Гар бўсаи лаълингга жон нақдин қилур бўлсанг баҳо,
Олғум нединким ер ўпуб ўлганга не армон лабинг.

Хотир аро тутдим базе фикри висолинг завқини,
Хукминг на бўлса бўйнима олғум итоат тавқини,
Қилдим арода бевуқуф густохликнинг фавқини,
Дедим, кўнгилда саклабон пинҳон лабингнинг шавқини,
Эмди етибман ўлгали ўптур манга пинҳон лабинг.

Кўнглим очилмас бир даме гар сайр қилсам боғлар,
Фарҳоддек ҳасрат чекиб кезсам ҳамиша тоғлар,
Қилди анодилдек макон гулзори васлинг зоғлар,
Ўтлиғ замиримга менинг доғ узра кўйди доғлар,
Жон нуктасидек холлар зоҳир қилиб ҳар ён лабинг.

Чекди Ниёзий даҳр аро ҳар дамда юз ранжу таъаб,
Кўйингга восил бўлса фирдавсни қилмас талаб,
Жаннат гулидин гул юзинг борида очмас эрди лаб,
Феруз жаннат равзасин гар истамас, эрмас ажаб,
Ким, оразинг жаннат гули, кавсар суйи, эй жон, лабинг.

ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

277

Субҳи азалда қилғоли жонларни шайдо оразинг,
Дин мулкига солди базе ошубу яғмо оразинг,
Бу нуктадин зоҳир қилур эл ичра ғавғо оразинг,
Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг,
Хуршид уза жамъ айлади юз минг Масиҳо оразинг.

Меҳр узоринг кўргали мадҳингда кенгдур хурдабин,
Еткурғусидур ажз ила кўйинг ғубориға жабин,
Ҳар кун хижолатдин қамар бир гўшада бўлмиш макин,

Хуршид ерга киргуси ҳар кун камоли шармдин,
Хусн авжи узра жилва то килди мусаффо оразинг.

Умри борида ишкнинг дашти сориға юрмамиш,
Кўрса муҳаббат кишварин анда замоне турмамиш,
Кўси фанони фақр уйи устида ҳаргиз урмамиш,
Зоҳид тилар жаннат гулин, сарвин магарким кўрмамиш,
Лутф ичра зебо коматинг, хусн ичра аҳмар оразинг.

Ишкнинг қиличи айлади кўнглимни сар то сар яро,
Васлингдин айрудур манга олам уйи мотамсаро,
Ҳолимга вокиф бўлмокинг ансабдур, эй қоши қаро,
Жонинг учун раҳм айлабон кўргуз юзингким ҳажр аро,
Жонимға етдим айлабон кўрмак таманно оразинг.

Қилмон назар ман сориға гар хўбрў солса кўзин,
Васлин ирода қилмағум ҳар неча арз этса ўзин,
Ҳаргиз кулокға тутмоғим гар деса лутфона сўзин,
Кўз солмағум жаннат аро ғилмону хур очса юзин,
Ким, мақсадим кўйинг аро қилмоқ тамошо оразинг.

Ғам хайлини ишқ аҳлининг устига шавкинг дорутур,
Бу хайлдин фарҳат сари қочмоқ аларни ҳорутур,
Раҳм айласанг лутфинг кўли ҳузн аҳли ашкин орутур,
Ойдек юзинг маҳжурлар шомми ғамини ёрутур,
Партав менинг шомимға ҳам солғойму оё оразинг.

Умрим замони тийрадур шаб-рўзи тийра ел каби,
Фуркатда дардим дамбадам ортиб бўлубман сел каби,
Арзим демакга тил эмас қодир кесилган тил каби,
Рашкида жон бетоб эрур, ўт узра тушган қил каби,
Жоно, паришон зулфинг то бўлди маъво оразинг.

Ҳижрон қиши ичра тушуб оччиғ йилидин сўлмишам,
Дардлиғ ҳаётим вардини озурдалиғдин юлмишам,
Ишкнинг тарикин тутғоним узрини қойдин қўлмишам,

Рози ўлумга оразинг ҳажри ғамидин бўлмишам,
Ўлтур мани ё тиғ ила, кўргуз манга ё оразинг.

Дашти муҳаббатда ўзин эмди Ниёзий йўйғуси,
Гўё вужуду дийдасин тиғи ташаввуқ ўйғуси,
Лутф айла бу зоринггаким жон аччиғдин тўйғуси,
Қил Оғаҳийға раҳмким ишкинг ўтиға куйғуси,
Токим кўрубдур бир назар ул зори шайдо оразинг.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

278

Ғайрдин кудумингни кулбам ичра пинҳон қил,
Рашкдин улус бағрин борҳо тўлуғ кон қил,
Ман ҳазинингга лутфинг онча бордур имкон қил,
Гул юзинг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил,
Меҳри оразинг узра кокилинг паришон қил.

Базм аро санга таслим топди тож ила авранг,
Мутриби хуш алҳонлар ҳазратингда чолғуси чанг,
Мажлис аҳлидин кўрсанг турфа шўъбада найранг,
Илкинга олиб соғар, нўш этиб майи гулранг,
Жонфизо табассумдин лабларингни хандон қил.

Ҳақ азалда қилмишдур пайкаринг ажаб сурат,
Турфадур санга хилқат, ўзгача эрур сийрат,
Гарчи зеб аро ҳаддин ташқари санга ҳайъат,
Азми гулистон айлар зулфинга бериб зийнат,
Рашк ўтиға сунбулнинг пайкарини пурон қил.

Хусн эли жамолингга бўлмағондин андоза,
Хўблиқ била топдинг даҳр ичида овоза,
Гарчи наргисинг шахло, варди оразинг тоза,
Кўзингга чекиб сурма, юзингга уруб ғоза,
Лола бирла наргисни ул иковга ҳайрон қил.

Хўблар таассуфдин кўксига уруб хора,
Куллукингни қилмоқдин ўзга топмасун чора,
Чархнинг хиёнатдин холи бўлсун аввора,
Рашк тиғидин қилсун гул юзини садпора,
Гулшан ичра рухсоринг ҳар тараф намоён қил.

Ишқинг ичра маҳжуринг ҳазратингда қилғой дод,
Гул юзинг кўруб булбул тинмай айлағай фарёд,
Сарв қилмасун ҳаргиз қадди мустақимин ёд,
Ҳасрат ўтига куйсун қоматинг кўруб шамшод,
Қадди нозпарвардинг ноз ила хиромон қил.

Бор эдинг Ниёзийдек васли фикрида ёлғуз,
Ҳолинг эрди ошуфта ҳажр аро кеча-кундуз,
Секратиб самандини лаълидин чиқариб туз,
Лутф этиб агар ёринг келса базминга, Феруз,
Бу азиз жонингни мақдамига қурбон қил.

РАВНАҚ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

279

Эй, фирокинг аро чикмоқға етибдур жоним,
Сўзиши шавқинг ила рагда курубдур қоним,
Элдин осойишини олди ҳазин нолоним,
Келгил, эй мохлиқо, нодираи давроним,
Ким, чиқар кўкка ғамингдин кечалар афғоним.

Хурматин сарв тутуб солғуси ерга юзини,
Юммағой ҳусни тамошосида наргис кўзини,
Айтушур ишқида булбул била қумри сўзини,
Гул шахд этгай анга ўйлаки Фарҳод ўзини,
Сайри боғ айласа Ширин ҳаракат жононим.

Билмайин тийнатида бўйи вафо йўқ эканин,
Васл уммедида чекиб заҳмат ҳажри тиканин,
Тиладим кўзларидин ҳар неча новак фиканин,

Жон бериб истарам ўпмак лаби шаккар шиканин,
Гарчи йўқ ушбу таманнойи маҳол имконим.

Ишқ фарқ айламади жоҳил ила олимни,
Бўлдум ошуфта кўруб муғбачаи золимни,
Кечуруб йўлида беҳуда маҳу солимни,
Кимга айтай алашим, кимга дейин ҳолимни,
Оҳ, найлай, мани ўлтурди ғами пинҳоним.

Арсаи олам ўлур турфа ҳароратдин мўл,
Бу жиҳатдин бўлур эл ичра шарарлиғ гулгул,
Чурканурдин не ажаб боғ аро булбул била гул,
Раҳм эт, эй ойки, қилур етти фалак қасрини кул,
Чекса бир шуъла агар оҳи дили сўзоним.

Бир кеча умрим аро бўлса висоли шабидин,
Тан бу тун ичра раҳо топса фироқи табидин,
Роҳат олсам тиюруб кўз юзими ғабғабидин,
Гар баногўшин ўпуб, коми дил олсам лабидин,
Жон ҳаловат топибон тоза бўлур имоним.

Бўлди атфоли балоларға Ниёзий ўртақ,
Билди кўйингни ҳаёлинг била гўё Ховарнак¹,
Хома янглиғ бошини санги жанг айлабдур шак,
Нечаким жонни фидо қилди йўлунгда Равнак,
Демадингким, қани ул зору балоғардоним.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

280

Ва лаҳу айзан:

Жаҳон айвонини хайли нашот олди гуруҳи ғам,
Паришон бўлдилар ондин тутуб аҳволиға мотам,
Шабистони ҳамал ичра шаҳи ховар бўлуб маҳрам,

¹ Ховарнак – қадимги адабиётларда афсонавий шаҳар, қалъа, манзил номи деб тушунилган атама. (Ховарнак қалъаси – Замахшарий ва Низомий асарларида ҳам эсланади).

Мувофик келдилар бўлмиш магар наврӯз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Ажаб зийнат топиб бўстон, очилди лолаю райҳон,
Бўлуб гулшанда гул хандон, шамимин бутратиб ҳар ён,
Анга ногаҳ шаҳи ҳўбон, қазодин бўлғоли меҳмон,
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Онинг шайдоси бир деҳкон, мунга шайдо бари олам.

Эрур бу гунбази ахзар аро юз минг пари пайкар,
Бори маҳбубима лашкар ким, улдур хусрави сарвар,
Баҳукми Сонеъи акбар, ҳама шамшод ила аръар,
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Они ел айлабон музтар, бу елдек секратиб адҳам.

Санавбар сарв ила сунбул тиюр онлар уза мулмул,
Узр очғон санам гулгул, алар ҳайрон бўлуб билкулл,
Доғи гулшанда жинси гул бўлурлар рашк ўтидин кул,
Тўлуб ул гул уза булбул, чекиб гул шавкидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Тараҳҳум килмоқинг, оё, забун ҳолимға йўқ асло,
Асири ишкинга парво муносиб йўқмудур, жоно,
Манга зулм айлабон амдан, жавобинг на эрур фардо,
Қилиб оҳим сари парво буён майл этмадинг катъо,
Сабодин, эй кади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Эмас дунё уйи боқий, не онинг аҳли қолмоқи,
Онингдекким, фалак тоқи шаҳбойи нажми бурроки,
Чаман ашжор ўроқи, не мумкин бўлди турмоқи,
Бу боғ ичра май, эй соқий, ки борман асру муштоқи,
Ки, онда сарв ҳам боқий эмас гул аҳди ҳам маҳкам.

Ниёзий ёр зикрин қил замоне бўлмайн гофил,
Доғи фикрин ганимат билки бўлма ғайриға шоғил,
На ишким ишк аро ботин замирингдин қилиб зойил,
Навойи кўйин эт манзил юзу қаддиға бўл мойил,
Ки, боғ этмас сани хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

Зиҳи, зотинг вужуди лутфи яздондин жалолидур,
Юзинг кўзгусида ҳақ нуридин навъи жамолидур,
Дилимда фикри васлинг, тилда авсофинг мақолидур,
Хиромон қоматингким, гулшани умрим ниҳолидур,
Суманбарлар қадди раъноси онинг поймолидур.

Кима зоҳир қилай кўйинг тавофин суймагимником,
Доғи ишқинг дурун жон ҳулласига туймагимником,
Изинг туфроқини бошимга андоқ уймагимником,
Даме олғойман нечук шамъ руҳингдин куймагимником,
Мани парвона янглиғ ўртаган онинг хаёлидур.

Қаддинг тубийдин ўтса, тонг эмас, марғублиқ ичра,
Онингдек пайкаринг ҳусн аҳлидин маҳбублиқ ичра,
Топилмас ман каби ҳижронинга мансублиқ ичра,
Ёмон кўздин юзинг Ҳақ асрасунким ҳўблиқ ичра,
Қуёш бирла маҳи тобон онинг акси жамолидур.

Ҳавойи нафс учун улфат тутар кўйингда сағларким,
Азоси ишқ эли мақтулидин жисму сўнгақларким,
Сиришким рудида манзур ўлон эрмас самақларким,
Эмас гирён кўзим ичра ғубори мардумакларким,
Юзингни кўргали онинг нишони хатти холидур.

Қазодиндур тариқи ишқинга айланмоқим солиқ,
Кўзим хунобини рухсорим узра бўлмоқим долик,
Не қилғум бўлғудек ман дашти ҳижронинг аро холик,
Бузулди кўнглим андуҳи фироқ ўлғоч анга молик,
Бале, вайрон бўлур мулкеки золим анда уволидур.

Агарчи неча муддат кишвари ҳусн ичрадурсан шох,
Хаёл этма вафо айлар дебон бу нийлгун хиргоҳ,
Тарахҳум айлабон ҳоли харобимдин бўлуб огоҳ,

Равон кўнглим уйи ичра кадам қўйким, бихамдиллох,
Ки, ғайрингдин неча йиллардур ул қошона холидур.

Қилур бежурмларни мубтало ранжу алам бирла,
Қатийл ишқ аҳлин айлар бир ниғаҳдин дарду ғам бирла,
Жиноятсиз боқиб элдин хирад олғай қарам бирла,
Гунаҳсизларни қул айлар кўзинг тиғи ситам бирла,
Они бемор қилғон гўйиё бу ишқ вуболидур.

Юзинг ойинаси нури илоҳий аксиға мазҳар,
Назиринг кўрмағай минг кўз очиб бу гунбази ахзар,
Бу боисдурки келдинг барча дилбарлар аро сарвар,
Не манзури қуёшдур, не янги ой, эй пари пайкар,
Муродим оразинг хуршидию қошинг ҳилолидур.

Эл ичра шўришинг рўзи жазо шўри шариндекдур,
Сумансо пайкарингким, ҳури жаннат пайкариндекдур,
Узору лабларинг даҳр ичра гул барги тариндекдур,
Жаҳон ҳуснинг баҳори бирла фирдавси бариндекдур,
Йўқ эрса кўнглима, биллоҳки, ул дўзах мисолидур.

Урарман пўя шавқинг бирла тинмай кечаю кундуз,
Дамодам қўйғаман қўйинг ҳарими туфроқиға юз,
Забундур ҳолим афв этгил хижолат бирла дерман сўз,
Ўлубман ҳажр дардидин қарам бирла мани тиргуз,
Ки, бу дардимга дармон жонфизо лаълинг зулолидур.

Ниёзий жам этиб қўйинг ҳасин ҳам бақлаи бақлин,
Этакка солди ортиб тошқариға айлади нақлин,
Кўтарди гарчи ишқинг бори бирла фурқатинг сақлин,
На офатсанки, ўйнай- ўйнамай олдинг Мунисинг ақлин,
Эрур мундинки ул шўридаҳолу лоуболийдур.

Мусаддаслар

181



КИЛКИ АЗАЛ

282

Сабт этар чоғда вужудим рақамин килки азал,
Лавҳи ғам сафҳаи ҳасратни анга қилди маҳал,
Хотирим кўзгусини ёйди баче хубсу дағал,
Чеҳраи дил сори қойдин очилур боби заъал,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Моли дунёни манга йиғнамоқ ўлди варзиш,
Тинмайин жамъи учун айлагум онинг кўшиш,
Беркитиб кеча-кундузда тамаъ нониға тиш,
Айладим саъй била нафсу ҳаво коми́ча иш,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Топди шуҳрат эл аро фосику бадкорлиғим,
Иллати жаҳл фузун айлади беморлиғим,
Талабим халқдин иззат сабаб хорлиғим,
Етмайин мақсади аслийға эрур зорлиғим,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Даҳр ошуби била ўтди манга неча замон,
Сийму зар истамагим бор эди кўнглимда ниҳон,
Тилаб асбоби маишатни бакадри имкон,
Фикратим раҳшиға ҳар дамда берурман жавлон,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Не шабобат чоғи шойиста ибодат мандин,
Не қарилиғда даме оҳу надомат мандин,
Муддати умрим аро нуқсу касофат мандин,
Бўлмади лаъб ила лаҳвимға ниҳоят мандин,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Шўҳи дунё ҳама авқот аро маҳбубим эрур,
Қасрати айши нишоти доғи марғубим эрур,
Лаҳзаи қиллати ҳасрат била мандубим эрур,
Бебақо шодлиғи кўнглима маҳбубим эрур,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

Эй Ниёзий, манга юзланди базе нодонлиғ,
Ҳирс даштида тама арсасида ҳайронлиғ,
Билмадим охир дунё эканин вайронлиғ,
Кетгаман эмди бақо мулки сори армонлиғ,
Оҳким, солди ҳалокатға мани тули амал,
Тонг эмас, йиғласам аҳволима то шоми ажал.

БЎЛМИШАМ

283

Ҳодисоти даҳрдин хотир паришон бўлмишам,
Мубталойи фитнаи ошуби даврон бўлмишам,
Чархи бедод жафосидин бағри қон бўлмишам,
Чехраи комимни кўрмай дийда гирён бўлмишам,
Ўтқариб ғафлатда умримни пушаймон бўлмишам,
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Кўрдим анвоъи хиёнатни фалакдин дамбадам,
Қолмади мунглиғ кўнгилга етмагай ранжу алам,
Кўксуми чок этди ҳасрат ниши бирла тиғи ғам,
Етди даврон аҳлидин ҳар лаҳза юз турлук ситам,

Ҳодисоти даҳрдин хотир паришон бўлмишам,
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Кўргали дунё арусини эрурман бекарор,
Айлагум васли таманноси била афғону зор,
Етгаман деб саъй ила йўлида бўлдим асру хор,
Қолмади жисмимда они эмди истарга мадор,
Чехраи комимни кўрмай дийда гирён бўлмишам,
Ўткариб ғафлатда умримни пушаймон бўлмишам.

Кўрмадим аҳли замон ичра мурувватдин нишон,
Топмадим ҳарғиз алар бедодидин бир дам омон,
Оташин оҳим била гардунга еткурдум фиғон,
Бўлмади мумкин менинг фарёдима ғавси замон,
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам,
Ўткариб умримни ғафлатда пушаймон бўлмишам.

Қилмадим асло қаноат маъмани ичра мақарр,
Нафси аммора муродин истабон қилдим сафар,
Айши роҳатдин талаб ичра даме топмай асар,
Балки бу афъоли ношойистадин кўрдим зарар,
Мубталойи фитнаи ошуби даврон бўлмишам,
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Хонақаҳ сорига майл этдим не топдим инбисот,
Дохил ўлдим дайр аро юзланмади ондин нишот,
Ранжу меҳнатдин дигар кўргузмади эски работ,
Ноилож акнун ажал меҳмониға ёздим бисот,
Чархи бедод жафосидин бағри қон бўлмишам,
Мубталойи фитнаи ошуби даврон бўлмишам.

Эй кўнгил, солдим Ниёзийдек паришонликға йўл,
Сунмадим қатъан убудийят таноби сари қўл,
Топмадим ҳақ йўлниким, ҳар неча истаб соғу сўл,
Даҳр золи қайда кўргай ман каби нодон ўғул,
Ўткариб умримни ғафлатда пушаймон бўлмишам,
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

ҚИЛМАС

284

Азал килки мисолинг, эй гўзал, ҳаргиз рақам қилмас,
Замон даврони, осибӣ жаҳон қаддингнӣ ҳам қилмас,
Макон кўйингнӣ қилғон орзу тавфи ҳарам қилмас,
Замиридин висолинг фикрин ишқ аҳли адам қилмас,
Кўнгил кўрса юзингнӣ майли гулзори Эрам қилмас,
Не гулзори Эрам, ёди гули Фирдавс ҳам қилмас.

Фироки тиғидин кўнглимда турлук ёралар қилди,
Не топди илтиёмин гарчи дил юз чоралар қилди,
Хирад мулки не торож айлабон оворалар қилди,
Менинг шаънимда шахло кўзларин хунхоралар қилди,
Чекиб юз ноз ила ханжар юрагим поралар қилди,
Киши ўз душманиға ул сифат зулму ситам қилмас.

Онинг шавқи аро жисм ичра жонимнинг қарорини,
Тахайюл қилмағил, эй дил, кўруб афғону зорини,
Муҳаббат дардидин бил изтиробу изтидорини,
Не мумкин чекмаким ман нотаваонга рашки борини,
Сабо ағёра элтур тўтиёликга ғуборини,
Сиришким кўйининг туфроқини беҳуда нам қилмас.

Кийиб ҳар кунда рангоранг зарбафт ўзгача заркаш,
Онингдекким, миниб ҳар навъ рому тавсани саркаш,
Мани ансаб кўруб меҳнатға ҳолимни билиб ғамкаш,
Итоб айлаб ситам қилмоқ учун гўё бўлуб оташ,
Худоға шукрим, жавру жафою зулмин ул маҳваш,
Қилур кун-кундин афзун жонима бир зарра кам қилмас.

Муҳаббат аҳлиға жуз ранж еткурмак эмас коринг,
Топилмас чекмаган ишқ аҳлидин бир кимса озоринг,
Эмасму рашк ўтининг мужиби дунё аро боринг,
Инониб васлини гар ваъда қилса чашми хумморинг,

Ракибо, қилма нозиш ман кўрон ёр ўлса дилдоринг,
Мани шод этмади бори, сани ҳам мухтарам қилмас.

Риёдин бўлмади холи намозинг бўлғоли сожид,
Ажаб худбинлик изҳор этдинг исмингни кўюб обид,
Ружуъинг дайрдин масжид сари уjbунггадур шоҳид,
Алардин турфарок улким, ишинг бу биргадур оид,
Кўруб ул бут қошин меҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид,
Сан этган ишни, биллох, ҳеч раҳбону санам қилмас.

Бировким дайр пиридур харобот ичра дамсози,
Ниёзийдек муҳаббат аҳли бўлса барча ҳамрози,
Доғи масмуъ бўлмай ғайр зикри бирла овози,
Бўлуб кўнгли аро маҳбуб васли фикри оғози,
Муяссар бўлса синғон косаи гулхан кули ғози,
Ҳавойи тахти Доро, орзуйи жоми Жам қилмас.

ЭҲТИМОЛ

285

Вужуд аҳлиға бўлмади эҳтимол,
Кутулмас қазодин қилиб эҳтиёл,
Азал ҳукмиға кўргузуб имтисол,
Фироғ истамаклик керак моҳу сол,
Нединким, эрур олам аҳлиға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Муғойир келиб элга ҳар дам низом,
Бири манзилин бири айлар мақом,
Ҳаводис ҳусули бўлуб субҳу шом,
Топар соат албатта акнун қиём,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Навозил нузул айлабон кун-бакун,
Улус баъзиси бўлди ҳоли забун,
Сарафрозлиғ бирға бир никун,
Қолур бир куни даврадин чархи дун,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Жаҳон арсасида наким бор эрур,
Азал қисматиға сазовор эрур,
Ҳаёт иллоти бирла бемор эрур,
Фано дастида охири хор эрур,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Ҳама боғу роғу замину замон,
Бори қасри гулшан, бори гулистон,
Тамоми макину жамиъи макон,
Адам зулматида бўлурлар нихон,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Не анвоъи ҳайвон, не жинси набот,
Не жисму жамод ўлди жойим сабот,
Мазокин сучутганға шахди ҳаёт,
Бўлур шубҳасиз шурбу захри мамот,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Ниёзий, эшит бўлса мағзингда хуш,
Ила аслиҳи йаржиъ бори суруш,
Кима зиндалиқ мажлиси бўлса туш,
Ажал бодасин айлар албатта нўш,
Нединким, эрур аҳли оламға ҳол,
Кўруб қисматин сўнгра топмоқ завол.

Аҳли дил матлаб агар ишки фазосини кўрунг,
Дилбари шаънида авсофи саносини кўрунг,
Ранжу фурқат била бежурм жазосини кўрунг,
Борҳо ҳажрида қўймоқға ризосини кўрунг,
Ул санамнинг улул аҳбоб жафосини кўрунг,
Кўзлари ғамзасини, қоши қаросини кўрунг.

Маҳжабинеки, тақаллумда Масиҳосодур,
Лаъли шаккаршикани нуктаси руҳафзодур,
Орази меҳри сабоҳатда жаҳон ородур,
Даҳр сунбул мушкини абир ифшодур,
Ул санамнинг улул аҳбоб жафосини кўрунг,
Кўзлари фитнасини, қоши қаросини кўрунг.

Турфақим, хусн сипеҳри узадур тўлғон моҳ,
Дойимо жабҳасида ломия эрур нури илоҳ,
Айлаган мояи жисми сорига Хизр нигоҳ,
Орзу эрса жамолиға гар ўлмоқ огоҳ,
Кўзлари ғамзасини, қоши қаросини кўрунг,
Ул санамнинг улул аҳбоб жафосини кўрунг.

Тоғғон ул гулки магар оби бақо бирла камол,
Гулшани равзаи жаннатда не имкон мисол,
Андалиб этса вафо накҳатин истар не ҳаёл,
Хирад англари бу ҳаёлини онинг айни муҳол,
Улул аҳбоб онинг жавру жафосини кўрунг,
Борҳо ҳажрида қўймоқға ризосини кўрунг.

Айлади аҳли муҳаббатни туну кун бемор,
Шиддати дарди фирокида қилиб зору низор,
Қойда ул хайл аро бир кимсада ором қарор,
Жавру зулми не суд эрди қилурдин изҳор,

Улу-л-аҳбоб онинг жавру жафосини кўрунг,
Борхо ҳажрида кўймоқға ризосини кўрунг.

Кимки ишк аҳли эрур ҳажри аро бағри қон,
Дарду ғам хайлиға жисмининг уйи дорул омон,
Вуслати ул хўйи тағофулдин эмасдур имкон,
Илтифот этмас агар сарф қилур жону жаҳон,
Ул санамнинг улул аҳбоб жафосини кўрунг,
Кўзлари ғамзасини, қошу қаросини кўрунг.

Гўйиё жоми жаҳолатға Ниёзийдур маст,
Хоби ғафлат аро қолгонму экан субҳи аласт,
Не муносиб қилур ул қасри муҳаббатда нишаст,
Қайда мумкиндур анга васли санам бермак даст,
Ул санамнинг улул аҳбоб жафосини кўрунг,
Кўзлари ғамзасини, қошу қаросини кўрунг.

АЙЛАДИ

287

Ишк дарди шиддати жисмимни бемор айлади,
Қасрати дарди юрак-бағримни афғор айлади,
Дарди дилни сели ашким фарти изҳор айлади,
Би-л-охир доми муҳаббатға гирифтор айлади,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Гул узорини кўрарга чекмишам кўб интизор,
Иштиёқимдин не қолди сабру токат, не мадор,
Не мағзда ҳуш қолди, пайқаримда не қарор,
Солғуси эмди ҳалокат вартасиға изтироп,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Ҳалқаи занжири зулфида кўнгил тутди макон,
Тандин айру жон куши кўйида қилди ошён,
Ваҳ, нечук қилғумдур эмди сирри ишқингни ниҳон,
Оташи ҳижронида бўлсам, не тонг, бехонумон,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Дўстлар турлук бало атрофим олмишдур давом,
Ранжу меҳнат хайли айларлар қабулим илтизом,
Дарди ғам анвоъи қилмишлар замиримни мақом,
Дойимо ошуфта аҳволимгадур ўзга низом,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Юзланур ҳар дам фалакдин бошима турлук азоб,
Бўлмади афроду анвоъи шумориға ҳисоб,
Хотиримға гар хутур этмас, тонг эрмас, хурду хоб,
Қайда топғум зулмати ҳижрон аро роҳи савоб,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Фикр этиб саҳбойи васлин пўя урғум дамбадам,
Дарди сар ортар, хуморимдин алам узра алам,
Англадим фикри маҳолимдин етиб анвоъи ғам,
Нотавон бўлди ҳама узвим, кўнгил гўши асамм,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажри аро васли таманноси басе хор айлади.

Панди носихни Ниёзийдек даме қилмай қабул,
Жон рамақға келди саъйимдин доғи топмай вусул,
Бўлғуси эмди қачон нақди муродимға ҳусул,
Оҳким, бахтим кушиға ҳар нафас етди нузул,
Бевафо маҳбубнинг шавқи мани зор айлади,
Ҳажрида васли таманноси басе хор айлади.

Қасидаи Баҳория



Ҳамду сано ли-холиқи ажноси инсу жон,
Тастихи арз санъати, татбиқи осмон.

Келди намуна кудратидин топмоқи вужуд,
Икки жаҳону аҳли ҳам, андоқки, бегумон.

Хостиға баста жунбиши анвоъи мунбитот,
Бўлмоқлики сукун жамомотдек аён.

Зотиға ваҳдат ўлди муайян бу навъким,
Бўлди азалда шухрат ила шойиъ жаҳон.

Зикри завокири бўлуб амтору зарралар,
Мадҳида ҳар бири очаду р тинмайин лисон.

Бу гулшан ичра жумла шажар бирла барча об,
Ғофил эмас эдилар онинг ҳамдидин бир он.

Олими дину онинг элидин бениёз эрур,
Ким, етмади алардин анга нафъ ҳам зиён.

Не санъатда мулҳақ анга ажз ила кусур,
Андоқки, бўлмади адавати сабаб ъавон.

Зоти муназзах эрди нақойис вужудидин,
Авсофидин бириси келибду р гуйубдон.

Ховар шаҳиға давра берур тўрт фасл аро,
Бири шитоу сайфу рабиъ, биридур хазон.

Олам, на олам ичра халк этибдур ул,
Эрди туфайли улки набийи охир аз-замон.

Ул мурсалики, раҳмати жовид айнидур,
Раҳмат бихори зотидадур, лек бекарон.

Фархунда исбаъи била қилмоқ камарни шак,
Бир турфа мўъжиза эди боизни мустаъон.

Махрам бўлуб висолиға меърож кечаси,
Масъули ҳақдин ҳар наки баҳшишға тавъамон.

Ҳақдин таҳийя зотиға таслим ҳар даме,
Асҳобу ол сориға бўлсун дахи равон.

Эмди баҳор масвимилинг турфарок сўзин,
Қудсий каби татаббуъ ила айлайин баён.

Шамси сипеҳр саъйи била ҳут батнидин
Чикди, замири барра аро айлади макон.

Кофури субҳ мушк шаби бирла эътидол,
Топғоч насими олам аро манфаат расон.

Лайлу наҳор топди мусовот вазн аро,
Гўёки бўлди ер юзи бир турфа бўстон.

Эсди сабо насими қилиб мушкфошлиғ,
Етгач наким машомиға топғуси тоза жон.

Ер арсасидин айлади маъдум гардини,
Сув дуррини саҳоби соҳиб чун гуҳарфишон.

Турлук гиёҳ чиқармоқини илтизом этиб,
Минг чок қилди сийнасини эски хокдон.

Ғабро масоҳатин тутубон ранг-баранг букул,
Йўқ-йўқ, букул, лолаю райҳон, арғувон!

Гуллар хужуми тўлдурубон дашту тоғни,
Олам маҳалли хайрат эмас бўлса гулистон.

Гар жилва килса гулшан аро варди аҳмари,
Не тонг, анодил этмагига оташин фиғон.

Бўлса ажаб эмаски басе ишк дардидин,
Ишк аҳлининг узори сориг мисли заъфарон.

Гар мунча бўлса ҳам бу сифат мавсим ичрадур,
Нозир ҳабиб фикри била гулға нотавон.

Ишратға шоғил бўлди бу аснода хосу ом,
Дайр аҳли эрди хонақаҳда ёки зикрхон.

Саф тузди сарвқадлар этиб боғ аро умид,
Келмаклигини сайри аро хусрави замон.

Қой хусравики барча хавокинға шоҳдур,
Султонлар ичра келди рафиъ, анга иззу шон.

Васфи Абу Музаффар мансури фатх эрур,
Тартиби исми эрди Муҳаммад Раҳимхон.

Бордур ҳамиша боли ҳумоюн давлати,
Фарки сари муборакида ҳамчу соябон.

Раҳмон халифаси, доғи Субҳонға зилл эди,
Зотиға фахр килгусидур амн ила омон.

Адли баҳори сарсари эл ичра фош ўлуб,
Бўлди ҳама раъийят эли барча шодмон.

Аҳли фасоду фиск топиб инзиво ерин,
Зулму ситамни маҳбасида қолдилар ниҳон.

Факр аҳли мушфиқи эрур, илм аҳлиға муҳиб,
Шаръи набий мураввижи, маҳбуби оламон.

Кўнгли фано-ю факр нуқудиға маъдани,
Шаҳси ҳаё-ю ҳилму саҳо гавҳариға қон.

Боби қарамда миннати йўқ гарчи зотининг,
Базлу атода икки қафи икки баҳрсон.

Дили булбулға, Ниёзий, гулзори мадҳида,
Не ҳад эрурки, қилмоқи омода ошён.

Сўзни дуои хайр била айлайин тамои,
Умид эрурки, тоғой ижобатға иқтирон.

Ё раб, вужуди наврӯзи навсолға мурур,
То бордур, этгил они маишатда жовидон!

ЭРУР

289

Ҳамд онгаким, барча жон аҳлиға ондин жон эрур,
«Коф» ила «нун» жумла олам будиға фармон эрур.

Зотидин келди жаҳон ичра адам бирла вужуд,
Ким, вужудиға фано осибӣ не имкон эрур.

Юз жаҳон нобуд ўлур, дин мулкиға етмас қусур,
Қайда етсунким азалдин мулки бснуксон эрур.

Анбиёлар афзалиға олу асҳобиға ҳам,
Раҳмати нозил бўлурда, не адад, не сон эрур.

Шукрим, келди баҳор айёми билмак муғтанам,
Борчаға ансаб эрурим, муддате меҳмон эрур.

Чикди батни Хутдин Юнуссифат Меҳри мунир,
Ким, Ҳамалнинг соҳати ақдомиға бўстон эрур.

Тун саводи кун зиёси муставийдур негаким
Иккисининг сооти теъдод аро як сон эрур.

Абрким, кўрди бу мавсимнинг зуҳурин ногаҳон,
Гиряи шодини қилди, кўзлари гирён эрур.

Айну баҳр ичра тамаввуҷ кўргузур сув унсури,
Рухпарварликда гўёким суйи хайвон эрур.

Вокиф ўлғондин замоннинг турфарок аҳволиға,
Гулшани оламда гуллар ғунчадин хандон эрур.

Топса равнақни жаҳоннинг арсаси азҳордин,
Тонг эмасдурким, бу муддат наврўз ўлғон он эрур.

Очилиб гуллар гулистон ичра булбуллар иши,
Тинмайин ишқида онларнинг даме афгон эрур.

Жилва қилди сарвлар юз ноз ила бўстон аро,
Қумрилар ағсони ҳайратда туруб нолон эрур.

Чарх жавфи сунбулу гул бўйидин мўл бўлдиким,
Боғ-роғ устида елга жунбушу жавлон эрур.

Бош чиқарди баклалар ғабро замирин чок этиб,
Бу ажойибдин само ажроми саргардон эрур.

Шоду хуррам айшу ишрат мажлисин тузди улус,
Кўргуза олмай хиёнатлар фалак ҳайрон эрур.

Қолмайин эл хотирида зарра янглиғ дарду ғам,
Барча даврон ахлиға жоми тараб даврон эрур.

Мунча шоду мунча хуррамлиғ хусули боиси,
Соҳиби адли тамаккун сояи Субҳон эрур.

Қайси зиллдурким, топилмас куллик изҳор этмагин,
Остонбўсин қилиб султонун гар хоқон эрур.

Бўлмағой шаҳлар насаб бирла адили негаким,
Мо тақаддамда абу жадди амиру хон эрур.

Сидки Сиддики, Умар адли анга мерос ўлуб,
Вориси васфи Али ҳам хислати Усмон эрур.

Фазлу донишда камоли ўйла ҳаддидур фузун,
Олдида донолар атфоли дабиристон эрур.

Илми ҳикмат рамзиға моҳир эрур бу навъким,
Бу Али Сино, Фулотун олдида нодон эрур.

Фатху нусрат ашҳаби куддомида урмиш кадам,
Дарғаҳида давлату иқбол икки дарбон эрур.

Жабҳаси эрди мурувват мазҳари ҳар ҳол аро,
Соф кўнгли ҳар дам ичра маскани ирфон эрур.

Тийнатида мундариж бўлди сахонинг жавҳари,
Ким, муборак зоти ондин маъдани эҳсон эрур.

Мадҳида бўлсанг, Ниёзий, нотавонлиғдин ҳазин,
Мужиби фарҳат дуойи давлати султон эрур.

Мухтасар қилғил дуо бирла сўзингни бўлмагил,
Ғофил ондин, тарки онинг гўйиё исён эрур.

Давлатин афзун, Илоҳо, умрин этгил пойдор,
То заминнинг сафҳасида жунбуши инсон эрур.

Бахту икболини айши ишратин қил барқарор,
То фалакнинг сатҳида меҳри маху тобон эрур.

Ҳосил этгил ҳар наким Ферузшоҳнинг комидур,
То қуёш олтуни Баҳром эғнида қалқон эрур!

ФАСЛИ БАҲОР

290

Шукрим, келди фалак давронидин фасли баҳор,
Сафҳаи ғабро, тонг эрмас, бўлса акнун сабзазор.

Хут даштида шаҳи анжум манозил тай қилиб,
Маскан айларга ҳамал бўстонин этди ихтиёр.

Шаъшаъа изхоридин офок уза олтун ʼалам,
Тортибон бўлди фалак яқрони устига сувор.

Саф ба-саф тузди зиёси жайшини ул навъким,
Айлади зулмат асбобин лаҳза ичра тору мор.

Тўлғонидин арсаи олам бурудат хайлидин,
Қой тарафга мумкин эрди элга қилмоқлик фирор.

Қолмади бу хайлнинг даҳр ичра осори недин,
Ким, ҳарорат аскарин филжумла қилди ошкор.

Қилди мезон адолатни халойиқ ичра фош,
Йўкса, авзонида койдин муставий лайлу наҳор.

Олам аҳлига ададсиз зоҳир ўлди рифъати,
Бергали мулки жаҳонга зебу зийнат бешумор.

Яъни, қилғоч файз учун мазҳар рабиъи лутфини,
Соҳати ерни улусга айлади фирдавсвор.

Қатрарез ўлди дамодам оби найсондин саҳоб,
Тушғали бўлди садаф батниға дурри шоҳвор.

Ер юзи амторидин топди бaсe сероблиғ,
Гўйиё олам гулистониға бўлди об ёр.

Ҳар тарафдин наҳрлар мавжи талотум кўргузуб,
Жўйлардин боғ аро жорий эрур оби биҳор.

Оби ҳайвон чашмаси янглиғ 'уйуни дашту кўх,
Ҳар сари майлон қилурлар зоҳир айлаб инфижор.

Турфа зийнат еткурур сабза канори жўй аро,
Бўлғоли маҳбуб лаъли хат янглиғ устувор.

Гулшани олам сафобахш ўлди ондинким қилиб,
Жилва гуллар юз назокат бирла очдилар узор.

Гул юзига еткуруб зийнатни сунбул кокили,
Гулжабинларнинг юзига бўлғонидек интишор.

Сарв ила шамшоди дилкаш қилди қадди коматин,
Турфа жилва кўргузуб ул навъким зебо нигор.

Бутратур боди сабо даҳр ичра гуллар нақхатин,
Атрини оламға сочди гўйиё мушки татор.

Юммади нечун кўзин гулшанда наргис лаҳзае,
Гар чаманнинг шоҳидин кўрмакка эрмас интизор.

Гулнинг ишкида балобил бўлғонидек нолазан,
Шавқида тузди наво бўлғоч кимори бекарор.

Келди би-л-жумла туман минг файз ила наврӯзи эл,
Тонг эмасдур, топсалар амну фараҳни сад ҳазор.

Айшу ишрат мажлисин тузди халойиқ барчаси,
Ичғали жоми тараб ўз аҳли бирла ҳар на бор.

Сархуш ўлдилар топиб комини нўш айлаб базе,
Сокийи гулчеҳрадин сахбойи софу хушгувор.

Қолмади бир кимса мақсуди гули очилмағон,
Топди андоқким, муродини сиғору ҳам кибор.

Арсан офоқ ўлуб айши тарабдин асру мўл,
Қайда холи бўлмоки имкони дашту кўҳсор.

Бу сифат амну фарағат айшу ишрат боиси,
Адли Жамшавкат била эҳсони шоҳи комкор.

Барча шахру жумла сахро аҳлиға ҳукми нуфуз,
Айлаган амну омоннинг кишварида шахриёр.

Хусрави олийнасаб келди вужуди зий шараф,
Барча элнинг фарқи узра сояи Парвардигор.

Қуллуқини қилса қайси шахриёру шохзод,
Давлату иқбол анга ёр ўлди, топди эътибор.

Кимсага етса ҳаводис шахнасидин бир ғами,
Вокиф ўлғоч раъфати бешак ангадур ғамгусор.

Қайси шахким хусрави соний Муҳаммаддур Раҳим,
Исми маймуни топиб хуршид янглиғ иштиҳор.

Айлади маҳкам асоси мулкини меъмори сунъ,
Етмагудек давлати қасриға ҳаргиз инкисор.

Бўлдилар бир неча мискинлар атоёси била,
Кўргузуб аҳли ғино олдида онинг ифтикор.

Эй Ниёзий, сан киму мадҳин демаклик ким, сўзинг
Хусрави одил дуоси бирла қилғил ихтисор.

Дарғаҳида давлату иқбол бўлғой мустақим,
То жаҳон бордур жаҳон аҳлига наврўзу баҳор!

Кишвари Хоразм топсун адлидин ободлиғ,
Ишрат авранги жулуси бирла қилғой ифтихор!

ЛУҒАТ

А

Абас – беҳуда	Айна-л-висол, айна-л-хабиб – висол қаерда, дўст қаерда
Абб – ота	Айна-н-насаб – насаб кайда
Абвоб – эшиклар	Акнун – энди
Абёт – байтлар	Акрам – иззатлироқ
Абир – хушбўй модда	Алазз – лаззатлироқ
Абйаз – оқ	‘Алас – буғдой нави
Абр – булут	Аласт – аласту («оё Мен раб-бингиз эмасманми») оятига ишора
Авбош – бебошлар	Алзам – кераклироқ
Авранг – тахт	Алйак – лойикроқ
Авсоф – васфлар, сифатлар	Алкан – дудук
Авқот – вақтлар	Алтоф – лутфлар
Адавот – асбоб-анжом; захира	Алка – кимматбаҳо нарсалар
Адам – йўклик	Алҳон – куй
Адвам – давомлироқ	Амвол – моллар, бойликлар
Адён – динлар	Аммора – буюрувчи
Адл – адолат	Амният – омонлик
Адув – душман	Амом – олди
Ажз – ожизлик	Амсол – мисоллар
Ажнос – жинслар	Амтор – булутлар
Ажром – жисмлар, юлдузлар	Анбиё – набийлар
Ажсом – жисмлар	Анвор – нурлар
Аздод – зидлар	Анвоъ – ҳар хил
Азкор – зикрлар	Ангушт – бармоқ
Азмон – замонлар	Андалиб – булбул
Азубат – ширинлик	Анжум – юлдузлар
Азҳор – гуллар	Анис – улфат, дўст
Айёш – ҳаётдан шод, коникиб яшовчи	Ано – қийинчилик
	Анодил – булбуллар

Аносир – унсурлар
Ансаб – муносиброк
Анфос – нафаслар
Анко – афсонавий куш номи
Арса – майдон
Арсаи офок – дунё майдони
Аруз – шеър коидалари
Арус – келин
Аръар – арча
Аслам – энг тўғри
Асмор – самарлар, мевалар
Аснон – тишлар
Асобиъ – бармоқлар
Асрор – сирлар
Асру – жуда
Астағфируллоҳ ал-азим –
улуғ Аллоҳдан кечирिशини
сўрайман
Аском – касалликлар
Асҳоб – дўстлар
Атамм – тугалрок
Атуф – меҳрибонлик
кўрсатувчи
Атқо – такволирок
Афвож – тўдалар
Афгор – ғамгин
Афкор – фикрлар
Афсар – тож
Ахгар – чўғ
Ашбоҳ – соя, шакл
Ашжор – дарахтлар
Ашк – кўз ёши
Ашкбор – кўз ёшли
Ашраф – шарафлирок
Аъзам – улуғрок
Ақвол – сўзлар
Ақдох – қадахлар

Ақдам – муқаддамрок
Ақли кулл – фаришта (Жаб-
раил а.с.)
Ағёр – ғайрлар, бошқалар
Ағсон – дарахт шохлари
Аҳамм – муҳимрок
Аҳком – ҳукмлар
Аҳлам – мулойимрок
Аҳмар – қизил
Аҳсан – яхширок
Аҳқар – ҳақир, бечора

Б

Бадкор – ёмон иш
Бадхоҳ – ёмонликни
хоҳловчи
Базл – сарф этувчи
Базр – уруғ
Байт ал-аҳзон – ғамгинлик
уйи
Байт ал-жадас – қабристон
Балийят – касаллик
Балобил – булбуллар
Балоҳат – нодонлик
Барважҳ – шундай тартибда
Баррок – ялтирок, нур со-
чувчи
Бархурдор – насиба олувчи
Басе – кўп
Басир – кўрувчи (Аллоҳнинг
сифатларидан бири)
Батн – қорин
Бахшиш – совға, ҳадя
Баълбак – Суриядаги шаҳар
номи
Баъсат – пайғамбарнинг
чикиши

Бақо – боқийлик
Баҳр – денгиз
Баҳраёб – баҳра топувчи
Бебақо – узоқ турмайдиган
Бедод – адолатсизлик
Беиртиёб – шубҳасиз
Берайб – шубҳасиз
Бесутун – тоғ номи, Бехустун
Бешумор – саноксиз
Бехбуд – яхшилик, фойда
Бихамдиллоҳ – Аллоҳга
шукрлар бўлсин
Бихукмиллоҳ – Аллоҳ ҳукми
билан
Би-3-зот – зоти билан
Би-л-кулл – тўлик, бутунлай
Би-л-охир – охири
Би-л-якин – аник
Бистар – палос
Бихи йанжалийа би-казо – у
билан шунингдек жило топа-
ди
Бод – шамол
Бода – шароб
Бодафуруш – май сотувчи
Бозу – қўл
Бол – қанот
Болин – болиш
Болоу шийб – баланд ва паст
Борон – ёмғир
Борҳо – такрор
Булбашар – аслида Абул Ба-
шар – Одам (а.с.)нинг лақаби
Булбулосо – булбулга ўхшаш
Буррон – ўткир, кескир
Бурук – от номи
Бурудат – совуқлик

Буружот – буржлар
Бурқаъ – парда
Бурҳони сариҳ – очик, рав-
шан ҳужжатлар
Буқоъ – жойлар

В

Вабол – гуноҳ
Вадоъ – видолашиш
Важҳ – юз
Валад – ўғил, фарзанд
Ва лаҳу айзан – яна уники
Вараъ – такво
Варзиш – машқ
Варта – гирдоб
Васах – кир, ифлос
Ваъид – берилган ваъда
Вакқос – синдирувчи, эғувчи
Ваҳдат – бирлик, танҳолик
Ваҳла – вакт, лаҳза
Ваҳҳож – нур сочувчи
Вирд – доим такрорлаб тури-
ладиган вазифа, дуо
Вовайло – оҳу воҳ қилиш
Вожгун – йиқилган, чаппа
Ворид – келадиган, келган
Восил – етувчи
Воший – чақимчи
Вокиз – қулатувчи, ҳолдан
тойдирувчи
Вофик – мувофик
Вузуҳ – аник, равшан
Вуслат – етишиш
Вусъат – кенглик
Вухуш – ваҳший ҳайвонлар
Вуқуф – вокиф бўлиш

Г

Гавхарон – гавхарлар
 Газоф – ёлгон, беҳисоб
 Гард – чанг
 Гардун – осмон
 Гарон – оғир
 Гаронмоя – қимматли
 Гесу – кокил
 Гетийнамо – дунёни
 кўрсатувчи
 Гил – лой
 Гирди – атрофи
 Гирифт – олиниш
 Гудоз – куйиш
 Гулосо – гулга ўхшаш
 Густох – қўпол
 Гулфом – гул рангли
 Гумроҳ – йўлини йўкотган
 Гуфтуғ – сўзлашиш
 Гўш – кулок
 Гўшвор – сирға

Д

Дабиристон – бошланғич
 мактаб
 Даввор – айланувчи
 Дамсоз – дўст
 Дамъ – кўз ёши
 Даражот – даражалар
 Дарднок – дардли
 Дароз – узун
 Дастгир – қўлга олувчи,
 қўлловчи
 Дастрас – имконият, куч-
 қудрат
 Даъб – одат

Даҳр – дунё, олам
 Деғ – қозон
 Дерино – қадимий, эски
 Дилпазир – дилни тортувчи
 Додхоҳ – адолат қилувчи
 Дож – қоронғи тун
 Дойир – айланувчи
 Дом – тузук
 Домод – куёв
 Домон – этак
 Дофиъ – даф этувчи,
 йўкотувчи
 Дохил – қирувчи
 Дуд – тутун
 Дулдул – тортиш, тушириш;
 от номи
 Дун – паст
 Дурафшон – дур сочувчи
 Дурж – тақинчоклар идиши
 Дурри хушоб – тоза дур
 Дуруд – саловот
 Дуру дароз – узундан-узок
 Дусус – йиртилиш
 Душвор – қийин
 Дўш – кеча

Ё

Ёвар – ёрдамчи, кўмакчи
 Ё мунъим ал-бариййа – эй
 ердагиларни неъматланти-
 рувчи
 Ёфун – Япония

Ж

Жабин – пешона
 Жабҳа – соҳа

Жадд – бобо
 Жайш – армия
 Жалодат – ботирлик, куч,
 кувват
 Жамил – чиройли
 Жамодот – жонсиз жисмлар
 Жаройим – айблар,
 гуноҳлар
 Жарх – яра, жароҳат
 Жафв – ичи бўш
 Жаҳран – баланд овозда
 гапириш
 Жимоъ – жинсий алоқа
 Жинон – жаннатлар
 Жирм – тана
 Жовид – абадий
 Жомаи нах – кўркам либос
 Жонгудоз – жонни ёқувчи
 Жонсипор – жонини берувчи
 Жоруб – супурувчи
 Жоҳ – улуғлик
 Жуд – олийжаноблик
 Жуз – бошқа
 Жуллоб – гулоб
 Жунбиш – ҳаракат
 Жунбойиш – қимирлаш,
 ҳаракат
 Жунун – жиннилик
 Журм – гуноҳ
 Жустужў – кидириш
 Жўй – арик
 Жўш – қайнаш
 Жўянда – кидирувчи

3

Забба – жағ, олд тишлар;
 эшик занжири

Забих – сўйилган
 Забун – йиқилган, бечора
 Завокир – зикр айтувчилар
 Завъ – нур
 Зай – жон
 Залил – хор
 Занах – юз чуқурчаси
 Зарбафт – зарбоф чопон
 Зарниход – кимматбаҳо
 Заррор – зарар келтирувчи
 Зарофат – зийраклик, до-
 нолик
 Зарф – идиш
 Заъал – ғазаб
 Заъф – заифлик
 Заръ – экин; газ, аршин
 Заҳаб – олтин
 Заҳамот – заҳматлар
 Зевар – тақинчок
 Зий – эга
 Зилл – соя
 Зиллуллоҳ – Аллоҳнинг
 сояси
 Зинда – тирик
 Зишт – хунук
 Зихгир – камон ўқи
 Зиҳи – қандай яхши, қандай
 ажойиб
 Зойеъ – йўқотиш
 Зойиқ – таъми тотувчи
 Зол – қари кампир
 Золи чарх – чарх кампири
 (дунёнинг лақаби)
 Зоҳидо – эй зоҳид
 Зулминан – олийжаноб, улуғ
 Зулмоний – зулматли
 Зумра – доира

Зухд – зоҳидлик
Зухурот – кўринувчи нарсалар
Зокир – ёдга олувчи
Зумра – доирасида, ичида
Зуннор – ғайридинлар
белига боғлаб юрадиган ип,
белбоғ

И

Ибод – бандалар, куллар
Ибриқ – обдаста, оптова
Ибтидо – бошланиш
Ибтисом – табассум
Ибтиҳож – шодлик, хурсандлик
Ибъод – узоклаштириш,
ҳайдаш
Идом – нонга қўшиб ейиладиган нарса (мас., сирка)
Иёб – кайтиш
Иёдат – касал кўриш
Иёс – маъюс
Ижтиноб – қочиш
Изз – иззат, ғолиб
Издивож – уйланиш
Издиёд – зиёда бўлиш
Изъон – изн, рухсат
Ийжоз – мўъжаз, қисқа
Иксир – эликсир
Иктисоб – касб этиш, топиш
Ила йавм ал-ҳисоб – ҳисоб
кунигача, қиёматгача
Илтибос – адашиш,
ноаниқлик
Илтизом – лозим тутиш

Илтиъоб – ўйин қилиш
Илтиҳоб – куйиш
Илтиҳос – ҳақини олиш
Имдод – кўмак
‘Имрон (умрон) – ободлик
Имтизож – қўшилиш, аралаш
иш
Инбот – ўстириш
Инкимош – қисқариш,
сикилиш
Индилос – махфий
Инжилос – бирга бўлиш
Инжирор – берилиш, машғул
бўлиш
Имтинон – миннатдорчилик
Имтирос – курашиш, торти
иш
Имтирош – тирнаш
Имтисол – фармонга
бўйсунуш
Имтиҳош – кўркувни ҳис
этиш
Индирос – эски, эскиган
Инжу – марварид
Инзиво – узлатга кириш,
ёлғиз бўлиш
Инзижор – безак; ман этиш,
юз ўгириш
Инзимом – қўшилиш
Инкисор – синиш
Инкисоф – қуёш тутилиши
Инкишоф – кашф этиш
‘Инон – юган
Интимос – бузиш, йўқ
қилиш
Интишор – ёйилиш
Интиқош – нақш

Инс – инсон
Инсижом – силлиқлик,
мослик
Интиёш – куйиш
Интиёш – яшаш, маишат
Интисоб – кўтарилиш, ту-
риш
Интиҳоб – талаш
Интиқол – ўтиш
Интиқос – камайтирмоқ,
нуксон
Интиҳоб – танлаш
Интиҳо – охири, тугаш
Инқиёд – бўйинсуниш
Инҳидоб – эгрилик, букри-
лик
Инҳино – эгри
Инҳироф – издан чиқиш,
йўлдан қайтиш
Инфижор – портлаш
Инфикок – ажралиш, чириш
Инфирож – кутулиш
Инфиёол – уялиш, хижолат-
лик, алам тортиш
Инҳироф – кўлдан чиқиш
Ирнихос – тайёрламоқ;
арзонлаштирмақ
Ирсоd – кузатиш
Иртиёш – канот чикариш
Иртижос – шовқин; бакирик;
пастлик
Иртиқоб – миниш
Иртиқос – айланиш, қайтиш
Иртисом – ифода, таъбир,
ташки кўринишдаги белги-
лар

Иршод – йўлга солиш
Истибор – сабр қилмоқ
Истимоъ – тинглаш
Истифсор – сўраб суришти-
риш
Истиғно – беҳожат бўлиш
Итён – етиб келиш, хабар
етказиш
Итоб – таъна
Итобосо – таънаомуз
Иттико – суяниш
Иттимоъ – тамаъ
Иттиҳом – муттаҳам қилиш
Ифоқат – енгил тортиш,
тузалиш
Ифрод – ёлғизлаш
Ифрот – ҳаддан ортик
Ифтиро – алдаш
Ифтирос – ўлжани тилкалаш
Ифтиқор – факирлик,
камбағаллик
Ифшо – фош қилиш
Ихтилож – учиш
Ихтилоc – халос бўлиш
Ихтисом – ўзаро душманлик
Ихтисор – қисқа
Ихтисос – хослик
Ихтитом – тугалланиш
Иштиҳор – машҳур бўлиш
Ишҳод – гувоҳ қилиш
Иқомат – истиқомат қилиш
Иқтино – эга бўлиш, қўлга
қиритиш
Иқтирон – яқинлашиш
Иқтисос – қисса, ҳикоя
қилиш

Иғтироб – ғариб бўлиш
Иҳота – ҳимоя
Иҳтимош – ҳафалик

Й

Йавм ал-жазо – киёмат куни
Йўфқа – юпка

К

Кавкаб – юлдуз
Кавнайн – икки олам
Кавсарафшон – кавсар суви-
ни сочувчи
Кажрафтор – эгри юрувчи
Ка-л-адам – йўқ каби
Канор – кирғок
Карам – саховат
Касир – кўп
Каҳқашон – сомон йўли
Каҳрабо – янтарь (минерал
модда)
Кизб – ёлғон
Килк – қалам
Кирфик – киприк
Кишвар – мамлакат
Кобин – қалин
Комжў – мақсадини
қидирувчи
Комрон – бахтиёр
Кош – кошки
Косид – касод бўлувчи
Кудурот – кирлик; ғам-ғусса
Кулли нақойис – барча
нуқсонлар
Кулкул – тебратиш, силкиш
Кумун – сир, яширин

Кунж – бурчак, чет жой
Кунҳ – замир, моҳият
Кушод – очик
Куҳан – эски
Кўҳкан – тоғ кавловчи
(Фарҳоднинг лақаби)
Кўҳсор – тоғли жой

Л

Лабрез – тўла
Лавҳ – лавҳа (устига китоб
қўядиган мослама)
Лагад – тепки
Лам йазал – йўқ бўлмайдиган
Ламъ – шуъла, учкун
Ламъа – учкун
Ламаъот – учкунлар
Ланг – оқсок
Лан тара – ҳеч вақт кўрмайсан
Ларзу таб – титраш ва иситма
Лагв – беҳуда сўз; бекор
қилиш
Лаҳн – чўзиш, ун чиқариш
Лижом – юган
Ливо – байроқ
Лисон – тил
Лико – юз, чеҳра
Лобис – кийинувчи, кийин-
ган
Ложарам – ноилож, шубҳасиз
Лозиз – маҳкам тутиб турув-
чи
Лолафом – лолага ўхшаш
Ломакон – маконсиз, бўшлиқ
Ло муҳола – иложсиз
Лоуболий – беташвиш, бе-
парво

Лош – жасад
Лоғар – озғин
Лоҳиз – каровчи
Лоҳик – етувчи; қўшимча
Лужин – кумуш
Лусус – ўғри
Луълуъ – марварид
Луъоб – сўлак, шира

М

Мабдаъ – бошланиш жойи
Мабхут – ҳайронлик
Маввож – мавжланувчи
Мавкуз – урилган
Мавло – хожа
Мавсуқ – ишончли
Мавт – ўлим
Мавъиз – насиҳат
Мавқуз – касалланган, ил-латли
Мадих – мақтовчи
Мадфан – кўмилган жой
Мадхал – кириш жойи
Мадҳуш – ҳушини йўқотган
Мажзуз – кесилган, қирқилган
Мажзум – ҳал этилган; мохов бўлган
Мажнуз – ўлик, жасад
Мажолис – мажлислар, ўтиришлар
Мажҳул – номаълум
Мазаллат – хорлик
Мазмум – ёмон, ёқимсиз
Мазохир – пайдо бўлиш жойи

Мазраъ – экинзор
Мазруб – урилган
Мазруф – ичига олган, ўралган
Мазҳар – зухур этадиган жой
Майгун – май рангли
Малзуз – сиқилган, маҳкамланган
Малиҳ – малоҳатли
Малкуб – эгилган
Малмал – безовталиқ
Малфуз – тилга олиш
Малҳуз – мулоҳаза қилинган; хотирга келган
Манбат – ҳосилдор ер
Мандуб – мусибатда ёки йиги пайтида айтиб йиғлаш
Манжув – қутилган, умид қилинган
Манзуз – ҳаракатланган
Манозил – манзиллар
Манол – мол-мулк
Мансух – насх қилинган, бекор қилинган
Мантуқ – нутқ сўзлаш
Манфуз – ўтувчи
Маншаъ – бошланиш жойи
Маншур – сочилган
Манқаб – истеъдод
Манҳий – амал қилишдан қайтарилган нарсa
Маоб – охират жойи; паноҳгоҳ
Марг – ўлим
Мардуд – рад қилинган
Мардумак – кўз қорачиғи

Маржув – кутилган, умид
килинган
Марзот – розилик
Марзук – ризқланган
Мариз – бемор
Марғуб – ёкимли
Маркаб – улов
Марқад – қабр
Мархун – бирор нарса билан
боғлиқ бўлиш
Масаррат – шод бўлиш
Масбук – хабардор,
огоҳлантирилган
Масдуд – бекилган, тўсилган
Масих – Исо (а.с)нинг
лакаби
Масихнафас – Исо нафасли
Маскун – яшаш жойи
Маслуб – ажратиб ташлаш
Масмуъ – эшитилган
Маълул – иллатли
Масо – тун
Масос – силаш
Масоф – жанг майдони
Масрур – хурсанд
Масъуд – бахтиёр
Матбах – ошхона
Матлаъ – чиқадиган жой
Матлаб – талаб қилинган
нарса
Матъумот – ейимликлар
Мафаррат – нафрат қилиш,
қочиш
Мафлул – душманни ҳайдаш
Мафъун – ёмонликдан
сақланиш
Мафқуд – йўкотилган

Махзан – хазина
Машкук – ёрилган
Машхун – тўлдирилган
Маъбун – зарар қилиш
Маъво – тураржой
Маълул – иллатли
Маъмур – обод
Маъоф – озод, бўш
Маъосий – гуноҳ ишлар
Маъхуд – аҳд қилинган
Макарр – қароргоҳ, манзил
Макдам – қадам
Маклуъ – юлинган,
қўпорилган
Макосид – мақсадлар
Максум – тақсимланган
Мақхур – қахрга дучор
бўлган
Мағбун – хафа қилинган
Мағлуз – хато, ишончга
нолойик
Махбас – қамоқ
Махв – йўқ бўлиш
Махвашо – эй махваш
Махжабин – пешонаси
нурли
Махжур – ҳижронда қолган
Махзуз – баҳра олиш
Махи Канъоний – Канъон
ойи (Юсуф пайғамбарнинг
лакаби)
Махлик – ҳалокатли жой
Махмуд – макталган
Махрус – қўриқланган
Махсуб – ҳисобланган
Махтоб – Ой

Маҳфуз – сакланган
Маҳфил – тўпланиш жойи
Маҳшар – тирилтириладиган
жой
Меҳросо – меҳр берувчи
Мидхат – мақташ
Мйжмар – хушбўй нарсалар
тутатиладиган идиш
Минкош – шам учини олув-
чи қисқич
Минхож – ёруг йўл
Миръот – ойна
Мироран – такроран
Мишкот – чирок
Михан – меҳнатлар
Мо'адо – мустасно, бошқа
Мокис – жим турувчи
Мосил – томизғи
Мо фийҳо – ундаги нарсалар
Моя – сабаб; асос; бойлик
Моҳ – ой
Моҳий – балиқ
Моҳитобон – нур сочувчи ой
Моҳоналиқ – ойлик
Муаззаз – азиз қилинган
Муайяш – айш, маишат
Муанбар – анбар ҳидли
Муассас – ўрнатиш, асос
килиш
Муаттас – аксириш
Муатташ – ташна
Муашшаш – қидириш, ети-
шиш; уй қилиб ўтириш
Мубалбал – безовта бўлиш,
ташвиш чекиш
Мубарро – озод, пок

Мувавалвал – қичқирик
Муваҳҳаш – кўкинчли
Мудаввар – думалок
Муддаъий – даъво қилувчи
Мудофиъ – ҳимоя қилувчи
Мужалжал – калтираш,
силкиниш
Мужда – хушхабар
Мужиб – сабаб
Мужтабий – танлаб олинган,
сайланган
Мужтамиъ – йиғилган
Музайян – зийнатланган
Музалзал – зилзила
Музирр – зарар берувчи
Музоъаф – икки баравар
Музтараб – изтиробга солув-
чи
Музтариб – изтиробга ту-
шувчи
Мукаддар – кир, ифлос
Мултазам – ўзига масъулият
олган
Мултамиш – илтижо қилувчи
Мулҳақ – қўшилган
Мумажжас – билишга инти-
лиш
Мумтаниъ – манъ қилинган
Муназзаҳ – тоза, пок
Мунаққаш – нақшланган
Мунаққас – ағдарилган
Мунбитот – ўсимликлар
Мундафиъ – йўқ қилинган
Мунжало – жилоланган
Мунис – улфат, ҳамдам
Мункир – инкор қилувчи

Мунтазиҳ – кўнгил очадиган
жой
Мунтасаҳ – насиҳат олувчи
Мунтафиъ – фойда олиш
Муншараҳ – шарҳланган,
тушунтирилган
Мунқалиб – эгилган
Мункатиъ – кесилган
Мункод – бўйинсунувчи
Мунҳазим – ҳазм бўлувчи
Мураввиж – ривож берувчи
Мурур – ўтиш
Мусаввар – тасвир этилган
Мусаддар – олиб бориш,
жўнатиш
Мусаддақ – тасдиқ этилган
Мусаллам – таслим бўлиш
Мусалсал – ҳалқаланган,
доимий
Мусаххар – қўлга киритил-
ган
Мусовот – тенглик
Мустваий – баробар, текис
Мусталаҳ – истилоҳ қилин-
ган
Мустаманд – бандга тушган
Мустамиъ – тингловчи
Мустатоб – яхши, ёқимли
Мустаъид – тайёр
Мустаъон – Аллоҳдан кўмак
сўраш
Мустақим – тўғри, маҳкам
Мустаҳсан – яхши, соз
Мусқид – туширувчи
Мутриб – созанда
Муттазаҳ – очик, равшан

Мутталиъ – хабардор
Муттасиъ – кенг
Муттафик – келишиш
Муфавваз – топширилган
Муфтазаҳ – обрўсиз, уятга
колган
Муфтатаҳ – очилиш
Муфтахир – фахрланувчи
Мухавваф – хавфли
Мухаммар – оширилган
хамир
Мухотаб – тингловчи
Мухтариъ – ихтиро қилувчи
Мухтасс – хос бўлиш
Мушаббаш – шодлик, табас-
сум
Мушавваш – ташвишли
Мушалшал – томиш, томчи-
лаш
Мушаммар – бирорта ишга
кириш; тез юрувчи от
Мушаммас – қуёшдек ёри-
тувчи
Мушваъбид – кўзбойлоқчи-
лик
Мушкафшон – мушк ҳидини
таркатувчи
Мушкбў – мушк ҳидли
Мушкин – мушк ҳидли
Муъин – кўмак берувчи
Муқаввас – ёйсимон
Муқаддар – тақдир қилинган
Муқаллас – қулиш, ҳазил
қилиш, эгилиш
Муқалқал – ҳаракатга со-
лиш, ҳаяжонлантириш

Муқаммар – куйдирувчи ой
 Мукорин – якин, бир-бирига
 боғлиқ
 Мукриз – эҳтиёткор
 Муктарах – яраланган
 Муғалғал – боғланган
 Муғойир – қарама-қарши
 Муғтанам – ғаниматли
 Муҳалҳал – топталган, йир-
 тилган
 Муҳиббо – эй дўст
 Муҳлик – ҳалокатли
 Муўтакиф – эътикоф
 ўтирувчи
 Муўтод – одатий нарс

Н

Наботот – ўсимликлар
 Навмид – умидсиз
 Навозил – нузул этган, туш-
 ган жойлар
 Навотиқ – нотиклар
 Наврас – янги етилган
 Навсол – янги йил
 Навҳа – йиғи, нола
 Надам – надомат
 Нажжор – дурадгор
 Назир – ўхшаш
 Назофат – тозалик
 Назъ – жонни олиш
 Найсон – апрель ойи
 Намудор – кўриниб турувчи
 Нанг – ор, уят
 Наргис – гул номи
 Насак – хил, кўриниш, тар-
 тиб

Насси қотиъ – қатъий
 ҳужжат (оят)
 Нахл – ёш дарахт
 Нигаҳбон – кузатувчи
 Нигор – безак
 Нигунсор – ағдарилган,
 тўнтарилган
 Низом – тартиб, қоида
 Низор – озғин, заиф
 Нийлгун – осмон рангли
 Нишот – шодлик
 Ниҳон – яширин
 Нобиз – юлиб отиб ташловчи
 Новак – ўк
 Новакфиган – ўк отувчи
 Новакафкан – ўк отувчи
 Ножиз – тайёр, тугалланган
 Нозиш – ноз этиш
 Нолон – нола чекувчи
 Носих – насиҳат қилувчи
 Носихо – эй насиҳатчи
 Нофа – мушк, мушкдан
 Нофиз – таъсир этувчи
 Нофиъ – наф қилувчи
 Ношойиста – нолойик
 Нокид – пул ва танга
 йиғувчи
 Нубувват – пайғамбарлик
 Нужумот – юлдузлар
 Нузул – тушиш
 Нузҳат – поклик
 Нукот – нукталар,
 ҳикматлар
 Нусах – нусхалар
 Нусус – ҳужжатлар, оятлар
 Нуқуд – нақдлар, пуллар,
 бойликлар

Нукуш – нақшлар
Нукус – нуксонли, кучсиз
Нўш – ичиш

О

Об – сув
Обид – ибодатга берилган
одам
Озурда – ғамгин, озорли
Ойинафом – ойнага ўхшаш
Олийжох – улуғ мартабали
Олот – асбоблар
Олохону ал-амон – ёрдам
беринг, раҳм қилинг маъно-
сида
Омода – тайёр
Ориф – билимдон
Осий – гуноҳкор
Осор – таъсирлар, асарлар
Остонбўс – остонасини
ўпиш
Оташолуд – оловли
Оташнок – оловли
Охиз – олувчи
Ошуб – ғавғо, тўполон
Ошуфтавор – паришонҳол
Ошуфтагон – ҳайратда
колганлар, ошиқлар
Оқид – банд қилувчи,
боғловчи; никоҳ
Оғоз – бошланиш, ибтидо

П

Падийдор – кўриниш, кўзга
ташланиш

Падруд – хайрлашиш
Пайваста – доимо;
боғлиқлик
Пайк – хабарчи
Пайкар – ҳайкал, жусса
Пайрав – изидан юриш
Пайғом – хабар
Партав – нур
Печу тоб – тўлғаниш; из-
тироб
Пироҳан – кўйлак
Покбоз – истарали, чин
ошиқ
Пурфан – билимдон;
хийлакор
Пўя урмоқ – елиб юрмоқ

Р

Равза – боғ, жаннат
Равшанзамир – кўнгли тоза
Ражъат – қайтиш
Рамак – охирги нафас
Рамод – кул
Расад – улуш, ҳисса
Рафтор – юриш
Рафъи бурқаъ – пардани
кўтариш
Рафиъ – юкори
Рафиқо – эй дўст
Рафъ – кўтариш; йўқ қилиш
Рахш – олачиפור, югурик от;
Рустамнинг оти
Рахшанда – ялтирок
Рахшон – нур сочувчи
Раъй – ихтиёр, фикр
Раъфат – меҳрибонлик

Раҳ – йўл, маслак
 Раҳбон – роҳиблар
 Реш – сокол; яра, ҳасрат
 Риёзат – машаққат; нафсни
 кийнаш
 Ризоҷў – розилик кидирувчи
 Рикоб – узанги; подшоҳ
 хузури
 Риоят – риоя қилиш
 Рисолат – пайғамбарлик
 Рифъат – юкорилик
 Ришта – ип
 Рокиъ – рукуъ килувчи, бош
 эгувчи
 Роғиб – рағбат килувчи
 Роҳ – йўл
 Ружуъ – қайтиш; мурожаат;
 юклаш
 Руммон – анор
 Румуз – рамзлар; сирлар
 Рустаҳез – ғавғо; киёмат
 Рутба – марғаба
 Руфу – тузатиш; тўкиб ямаш
 Рухсор – юз
 Рухосор – руҳни кўтарувчи
 Рўй – юз; бронза
 Рўййат – кўриш

С

Сабак – дарс; илғарилаш
 Сабих – чиройли
 Сабоҳ – тонг
 Сабт – мустаҳкам; ёзиб
 маҳкамлаб қўйиш (дафтарга,
 китобга ва ҳ.).
 Сабъаи сайёра – еттита
 сайёра

Сабук – енгил
 Савобит – ҳаракат
 қилмайдиган юлдузлар
 Савт – овоз; қамчи
 Саг – ит
 Сағбон – итга қаровчи
 Сад – девор, тўсик; 100 сони
 Сажжода – жойнамоз
 Саййиди кавнайн – икки
 олам саййиди
 Сайлон – оқиб турувчи
 Саканот – сокин турувчи
 нарсалар
 Сакта – камчилик;
 турғунлик; сакта касаллиги
 Салаф – ўтмишдошлар
 Салб – тониш, йўқ қилиш
 Салиқ – завқ, майл
 Саллоҳ – терини шилувчи
 Салотин – султонлар
 Самак – балиқ, ер ости
 Самоъ – дарвишлар зикри;
 мусиқа эшитиш
 Самум – гармсел шамоли
 Самъ – эшитиш; қулоқ
 Санавбар – дарахт номи
 Сар – бош; чўкки
 Сарафкан – боши эгилган,
 камситилган
 Сарбасар – бошдан-оёқ
 Сарий – тез
 Саркаш – қайсар
 Сарнавишт – тақдир
 Сарсар – совук кучли шамол
 Сарпўш – қопқоқ; бош урту-
 ги, ёпинчик
 Саршикаст – боши синик

Саршор – тўла
Сарих – очик, равшан
Саъд – бахт; яхшилик
Саъй – ҳаракат
Сафҳа – саҳифа, бет
Саҳо – саҳийлик
Сақл – оғир; ғализ
Саҳбо – кизил шароб
Саҳв – хато, нуқсон
Саҳих – тўғри
Саҳл – енгил; осон
Сиймбар – кумуш бадан
Сийминбадан – кумуш танли
Сикка – зарбланган танга
Силк – катор, ип
Сипаҳ – лашкар
Сипеҳр – осмон
Сиришк – кўз ёши
Сирож – чирок
Сироят – таъсир қилиш
Сируш – хабарчи (Жаброил
а.с. лақаби)
Сиғор – кичик болалар
Сожид – сажда қилувчи
Соил – сўровчи; гадо
Соқир – маст бўлувчи
Сойир – сайр этувчи
Солис – учинчи
Солиҳ – яхши одам
Сомий – эшитувчи
Соот – соатлар
Софий – шапалок
Соқий – эй соқий
Соғар – қадах
Соҳат – майдон, кенг жой
Суббоқ – пўлат қуювчи,
килич ясовчи

Субут – мустаҳкам қарор,
исботланиш
Суд – фойда, наф
Судманд – фойдали
Судоъ – бош оғриғи
Суй – сув; томон
Сукнат – туриш, яшаш
Суман – ёсмин гул
Суманбар – ёсмин гули каби
ок; севгили
Сумансо – ёсминга ўхшаган
гўзал
Сунбул – ўсимлик номи,
севгилининг сочи
Сунъ – Аллоҳнинг ижоди,
яратувчанлиги
Сур – тўй, қўрғон, қарнай
Суруд – ашула
Сурхоб – қизғиш
Суҳайл – юлдуз номи
Сўзон – қуйган, аламли
Сри як мў – битта соч толаси

Т

Тааддий – зулм қилиш
Тааллум – оғриқ берувчи
Таарруф – таништириш
Тааккул – ақл юргизиш
Тааҳҳуд – аҳдлашиш
Таб – иситма
Таб ларза – безгак
Таблиғ – етказиш
Табойий – табиатлар
Табшир – хушхабар билан
хурсанд қилиш
Тавассул – таяниш; баҳона

Таваккуф – тўхташ; вокиф бўлиш
Тавозуъ – камтарлик
Тааммуқ – чуқур қараш
Табоҳ – бузилган, айниган
Таважжуҳ – диққат қилиш
Тавзиҳ – тушунтириш
Тавил – узун
Тавлид – туғиш
Тавсан – ўйноқи от; хаёл оти
Тавсиъ – кенгайтириш
Тавф – тавоф қилиш
Тавъамон – эгизак
Тажарруд – ёлғизланиш
Тазаллум – зулмдан шикоят қилиш
Тазарруъ – зорланиш, ёлвориш
Тазйин – зийиатлаш
Тайёш – енгил фикрли, паришон
Тайр – қуш, учиш
Такаллум – сўзлаш
Такассур – синиш, шикастланиш
Такзиб – ёлғонга чиқармоқ
Такрим – ҳурмат қилиш
Талаттуф – илтифот кўрсатиш; эркалаш
Талотум – чайқалиш
Талмиҳ – ишора, ўхшатиш
Талъат – юз, чирой
Талқа – қийинчилик
Тамаввуж – мавж уриш
Тамаккун – куч, қудрат, ҳокимият

Таманно – тилак, истак, орзу
Тамъ – тама қилиш
Таносул – кўпайиш, насл қолдириш
Танқиҳ – тозалаш
Таодул – мос, барабар
Тарабгоҳ – шодлик қиладиган жой
Тарашшуҳ – сизиб оқиш; билиниб қолмоқ
Тарвиҳ – шамоллатиш; хушбўй қилиш
Таржиҳ – устунлик
Тарохий – ғамгинлик
Тар – ҳўл; янги, тоза
Тарахҳум – раҳм қилиш
Таржиъ – қайтариш, такрорлаш
Тарҳ – режа; қурилган бино; тузиш; ташлаш
Тасдиъ – ташвишлантириш, жонга тегиш
Тасжиъ – шеърятдаги саж усули
Таслийа – саловот айтиш
Тасомуҳ – беҳудалик, бепарволик, эҳтиётсизлик
Таериъ – тезлик
Тасриҳ – очик ва аниқ ифодалаш
Тастих – текислаш, баробарлаш
Тасхир – эгаллаш, ўзига қаратиш
Татаббуъ – изидан юриш, ўхшашга интилиш

Тафаввук – мувофик бўлиш
 Тафаррук – айрилиш, ажра-
 лиш
 Тафрих – шодлантириш
 Тахайюл – ҳаёл қилиш
 Тахаллул – ҳалал бериш
 Тахаллуф – ҳилофлик; ихти-
 лоф; орқада қолиш
 Тахаллук – ҳулқланиш
 Тахмис – мухаммас
 Таашшук – ошиқлик
 Ташаввуқ – соғиниш
 Ташовиш – ташвишлар
 Ташниъ – таъна айтиш
 Таъаб – қийинчилик
 Таъолаллоҳ – Улуғ Аллоҳ
 Такбиҳ – қабиҳлик, ёмонлаш
 Такаррур – қарор қилинган,
 ўрнатилган
 Такниъ – қаноатлантириш
 Тактиъ – шеърнинг тактиъи
 Тағайюр – ўзгариш
 Тағофул – ғафлатга солиш
 Таҳажжур – тошга айланиш
 Таҳайюр – ҳайронлик
 Таҳаллук – тозалаш
 Таҳаммул – чидаш
 Таҳассур – оҳ тортиш, аф-
 сусланиш
 Таҳаррук – ҳаракатга қилиш
 Таҳакқук – ҳақиқатни
 қидириш
 Таҳния – олқиш, қутлаш
 Тағаррук – ўзига тортиш,
 ғарқ қилиш
 Таҳиййат – салом, дуо, мак-
 таш; ҳаёт бериш; ҳозирлаш

Тезрав – тез юрувчи
 Теъдод – ададлар, сонлар
 Тийнат – табиат, феъл-атвор
 Тийра – хира; ғам-ғуссали
 Тин – лой, кесак
 Тири буррон – кесиб ўтувчи
 ўк
 Тифл – бола
 Томиъ – тама қилувчи
 Торож – талаш
 Тулуъ – чиқиш
 Тундхў – ўжар; нозиктабиат
 Турра – кокил
 Туфанг – милтик
 Тухаф – туҳфалар

У

Убудийят – бандалик
 Ужб – такаббурлик; риёкор-
 лик
 Узор – ёнок
 Улоло – ўйин, кўнгил очиш
 Улул албоб – ақл эгалари
 Умрон – ободон жой
 Урён – ялангоч
 Уруж – кўтарилиш
 Усрат – қийинчиликлар
 Уқбо – охират
 Утрук – кет, бор, йўлга туш
 Уқбо – охират

Ф

Файазот – файзлар
 Файзосор – файз етказувчи
 Фаллоҳ – кемачи
 Фано – тугаш, йўқ бўлиш

Фарас – от
 Фараҳнок – хурсанд
 Фарбиҳ – семиз
 Фардо – эртага
 Фармонпазир – фармонни
 қабул қилувчи
 Фародис – боғлар
 Фаромуш – унутиш
 Фарт – ортиқчалик
 Фархунда – бахтли
 Фарҳат – шодлик
 Фасд – қон олиш
 Фасиҳ – сўз устаси
 Фассос – қимматбаҳо тош-
 лар билан зийнат берувчи
 Фассох – бекор қилувчи,
 ажратувчи
 Фасоҳат – сўзга усталик
 Фатлубний тажидний –
 қидирсанг топасан (арабча
 қасиладан)
 Фаттон – фитна солувчи
 Фатҳбоб – эшикларни очув-
 чи
 Фаҳомат – улуғлик,
 машҳурлик
 Фаш – салла учи
 Факросор – камбағалнамо
 Фаҳво – маъно, мазмун
 Фирдавс – жаннат боғи
 Фирифт – алдаш
 Фирор – қочиш
 Фитан – фитналар
 Фожир – ёмон одам
 Фоқиҳа – мева
 Фориғулбол – хотиржам
 Фосид – бузуқ, айниган

Фохта – қирғовул
 Фузун – кўп, ортиқ
 Фуйузот – файзлар, нурлар
 Фулфул – мурч
 Фуруъ – бўлимлар, шохоб-
 чалар
 Фусун – афсун
 Фўлод – пўлат

Х

Хабас – ифлос, бадбўй
 Хабс – ифлос нарса
 Хаввос – хос одамлар
 Хавоқин – ҳоқонлар
 Хадим – ходим
 Хай – тер
 Хайёр – яхши кишилар
 Хайлу ҳашам – моллар,
 хизматкорлар
 Халал – нуксон, зарар
 Хамр – ичкилик, шароб
 Харгоҳ – чодир
 Харобот – харобалар; дар-
 вишлар йиғиладиган жой
 Харрож – харж қилувчи
 Харос – ҳўкиз билан айлана-
 диган тегирмон
 Харош – тирнаш; йўниш
 Хатти райҳоний – райҳоний
 хатига ишора
 Хаффош – кўршапалак
 Хез – туриш
 Хеш – яқинлар
 Хидев – ҳукмдор; улуғ киши
 Хижлат – хижолатлик
 Хирад – донолик, ақл

Хиссат – пасткашлик, хасис-
лик

Хитобот – мурожаатлар

Хишт – ғишт

Хоб – уйку

Хок – тупрок

Хокистарин – кул мисоли

Хористон – тиканзор

Хосс ул-хосс – хосларнинг
хоси

Хубз – нон

Хубон – гўзаллар

Хубрў – чиройли, гўзал

Худ – ўзи

Хулус – холислик; самимият

Хулф – хилоф

Хулфу ваъд – ваъдага хилоф
иш қилиш

Хун – кон

Хунбор – конли

Хуноб – конли ёш

Хунсо – хосилсиз, фойдасиз

Хунхор – конхўр

Хурд – майда, зарра; олтин

Хурдабин – доно; нозикфаҳм

Хурду хоб – ейиш ва ухлаш

Хуруш – жўшиш

Хуршидсон – қуёшга ўхшаш

Хусравона – подшоҳларча

Хуфятан – яширинча

Хушгувор – яхши ҳазм

бўлувчи; лаззатли

Хушрафтор – чиройли юрув-
чи

Хушуъ – зорланиш, бўйин
эгиш

Хуш фиъол – хуш феълли

Хўбрў – чиройли

Хўжаста – бахтиёр

Хўй – феъл, одат; тер

Ч

Чандон – бир қанча

Чашм – кўз

Чобук – чакқон; чавандоз

Чоки гирибон – ёқа чоки

Чокар – хизматкор

Чох – қудук; зиндон

Чусту чобук – тезу чакқон

Чўфин – ёғочдан қилинган
наrsa

Ш

Шайъан лиллоҳ – Аллоҳ
хурмати учун

Шаб – кеча, тун

Шабас – сурбет одам

Шабгир – тун; тунда ухла-
майдиган

Шабгуна – тунга ўхшаш

Шабистон – тун; кечки
ётоқхона

Шабиҳот – ўхшаш нарсалар

Шабоб – ёшлик

Шабобат – ёшлик

Шабрав – тунда юрувчи

Шабҳаб – от

Шайхухат – қарилик

Шакарафшон – шакар со-
чувчи

Шакарналлоҳ – Аллоҳга

шукрларимиз бўлсин

Шакиб – чидам, сабр

Шарор – аланга; яркираш
Шарора – олов, учкун
Шарь – шарият
Шаръан – шарият бўйича
Шафёъ – шафоат қилувчи
Шаъас – тартибсиз ҳолат,
сочнинг тўзғиши
Шаъшаъа – нур, ёруғлик
Шақоват – бадбахтлик
Шаҳавот – иштаҳа тортув-
чилар

Шаҳсувор – отга ярашган
Шиканж – қийноқ; букилиш
Шиква – шикоят
Ширб – ичиш
Шифта – мафтун
Шихна – миршаб
Шобблиғ – ёшлик
Шойиба – шубҳа, доғ; кусур
Шойиста – лойик
Шойиъ – тарқалган, ошкор
Шок – шикоят қилувчи
Шомил – ўз ичига олувчи
Шомих – баланд, юқори
кўтарилган

Шорид – адашган, дайди
Шофий – шифо берувчи
Шоъил – ёндирувчи, куйди-
рувчи

Шокк – қийинчилик,
оғирлик

Шоғил – машғул бўлувчи
Шохиз – ўткирловчи (мас.,
пичокни)

Шуаб – тоғ йўли

Шукри Борий – Аллоҳ шукри

Шумор – ҳисоб
Шумуъ – шамлар
Шурб – ичимлик
Шуъубот – шуъбалар
Шуъоъ – шуъла, нур
Шуур – сезиш, идрок
Шуғл – машғул бўлиш
Шухуд – шохид бўлиш

Э

Эъвижож – эгрилик
Эъдод – миқдор
Эъжоз – мўъжаз
Эътизоз – улуғлик, шараф
Эътисос – қийин, оғир
Эҳсос – ҳислар, сезгилар
Эҳтижож – ҳужжатлаш,
далиллаш
Эҳтибос – камалиш
Эҳтивош – қаршилиқ қилиш,
ушлаб туриш
Эҳтиёл – ҳийла қилиш
Эҳтимом – ҳаракат

Я

Яздон – Яратувчи
Якрон – тўриқ от
Ялдо – тун билан кун тенг-
лиги
Яъжуж – охир замонда
чикадиган жонзотлар
Яғмо – талончилик; юрт
номи

Қ

Қабо – кийим номи
 Қавий – кучли
 Қайс – Мажнуннинг оти
 Қаллош – ишёкмас, дангаса
 Қамош – молу мато
 Қамъ – бўйсундириш, эгиш
 Қафуг – эшик
 Қақнус – афсонавий қуш
 Қаҳқаро – орқага қайтиш,
 таназзул
 Қосир – қисқа
 Қудом – қадим
 Қудс – муқаддас
 Қумриосо – қумрига ўхшаб
 Қусур – нуксон; касрлар
 Қусус – чуқур илм

Ғ

Ғабро – ер, ер юзаси
 Ғабғаб – бақбақа
 Ғаддор – алдоқчи
 Ғарас – очлик
 Ғизо – овқат
 Ғоратгир – таловчи
 Ғуйубдон – ғойибни билувчи
 Ғулув – ғалва
 Ғулғул – гулғула
 Ғурра – худбин; янги ой
 Ғусун – шохлар
 Ғуфрон – Аллоҳнинг кечи-
 рими, шафкат

Ҳ

Ҳабб – уруғ; думалоқ дори
 Ҳабл – аркон; ип
 Ҳад – чегара; даража; ҳуқук
 Ҳадаб – букрилиқ, шиш,
 кўтарилиш
 Ҳадас – янгилик; ўзгариш;
 ахлат
 Ҳадаф – мақсад, нишон
 Ҳаййу қадир – Тирик ва
 Қодир (Аллоҳнинг сифатла-
 ри)
 Ҳажжож – ҳаж қилувчилар
 Ҳажраз – азоб бериш
 Ҳазимат – енгилиш
 Ҳазин – ғамгин
 Ҳаллож – пахта титувчилар
 Ҳамвор – текис
 Ҳамроз – сирдош
 Ҳарим – ҳарам, беғоналарга
 манъ этилган жой
 Ҳаросон – қўрқиш
 Ҳасуд – ҳасад қилувчи
 Ҳашшош – шодлик,
 очикюзлик
 Ҳашр – тирилиш; тўпланиш
 Ҳаккоки – Ҳак ҳурматики
 Ҳидоят – тўғри йўл
 Ҳижомот – қон олиш
 Ҳилм – юмшоқлик
 Ҳилол – янги ой
 Ҳирс – очкўзлик
 Ҳиркат – қуйиш; қайғу
 Ҳисор – қалъа, қўрғон
 Ҳифз – ёдда тутиш, сақлаш
 Ҳодисот – ходисалар

Ҳомид – ҳамд эгувчи
Ҳомун – дала, чўл
Ҳосид – ҳасадчи
Ҳу – Аллоҳ
Ҳубло – ҳомиладорлик
Ҳубуб – шамол эсиши
Ҳувайдо – ошкор бўлиш,
кўриниш

Худуб – киприк
Хулул – жойлашиш, кириш
Хурваш – хурга ўхшаган
Хурзод – хур фарзанди
Хуррос – қоровул, кўрикчи
Хут – катта балик
Хукка – тақинчоқлар
кутичаси

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Ниёзий ва унинг девони ҳақида	6
Ғазаллар	15
Мухаммаслар	195
Мусаддаслар	241
Қасидаи баҳория	251
Луғат	262

Адабий-бадiiй нашр

ОТАНИЁЗ ДЕВОН ОХУНД

ДЕВОНИ НИЁЗИЙ

Мухаррир	Музаффар Ахмад
Рассом-дизайнер	Б. Зуфаров
Техник муҳаррир	Б. Каримов
Мусахҳихлар:	Ш. Ҳакимова, Д. Маҳмудова
Кичик муҳаррирлар:	Д. Холматова, Г. Ералиева
Компьютерда тайёрловчи	Ф. Ботинова

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 30 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 84x108^{1/32}. Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида
офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 15,12. Нашр табағи 12,53.
Адади 2000. Буюртма № 16-645.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz